


С. ЗАЙНОБИДИНОВ, Х. АКРОМОВ

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ



“ЎЗБЕКИСТОН”

22.344
3-22.

С. ЗАЙНОБИДДИНОВ, Х. АКРАМОВ

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИКЛАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг яrimutkazgichlar fizikasi va tekhnikasi mutaxassisligi бўйича таълим олувчи талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.



ТОШКЕНТ “ЎЗБЕКИСТОН” 2001

**Тақризчилар — проф. Р. А. Мұмінов, ф.-м. ф.и. доцент
О. С. Сайдхонов
Мұхаррір — Р. С. Топрова**

Зайнобиддинов С., Акрамов Х.

**Яримұтказгичлар параметрларини аниқлаш усуллари:
Олий үкув юртларининг талабалари учун үкув құллан-
ма.— Т.: “Ўзбекистон”, 2001. — 320 б.**

1. Муаллифдош.

Ўкув құлланма яримұтказгичли моддаларнинг асосий параметрлари — электр, гальваномагнит, ҳар хил структурали намуналарнинг хусусиятларини аниқлашнинг замонавий усулларини үрганишга бағищланған бўлиб, унда 36 хил усулнинг таърифи ва моҳияти келтирилган.

Мазкур китоб Давлат таълим стандартининг бакалавр мутахассислиги Б—010404 “Физика” йұналишига мос келади. У магистратура мутахассислиги М—010404 “Яримұтказгичлар ва дизэлектриклар физикаси” йұналишида таълим олувчи талабаларга, шунингдек университетлар, педагогика ва техника олий үкув юртларининг яримұтказгичлар, микроэлектроника, электрон асбоблар ва бошқа соҳалар бўйича ихтинослашадиган талабалар, аспирантлар, шунингдек, шу соҳа ўқитувчилари ва илмий ходимларга мўлжалланган.

ББК 22.379я73

ISBN 5-640-02839-5

**A 1604010000-67 2001
351 (04) 2000**

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2001 й.

КИРИШ

Илмий-техникавий ривожланишни яримұтказгичли электроникасиз, хусусан микроэлектроникасиз тасаввур қилиш қийиндер. Замонавий микроэлектроникада яримұтказгичли материаллар ва күп қатламли структуралардан кенг күламда фойдаланилади ва улар асосида турли хил яримұтказгичли асбоблар ва микросхемалар тайёрланади. Яримұтказгичли материалларни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши уларнинг сифатини лаборатория ва саноат шароитида текширишнинг юқори даражага күтарилиши билан боғлиқ. Бунда ишлаб чиқариш соҳалари технологик йўқотишлари ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги сифатини назорат қилишга кетган моддий харажатларнинг ўлчамлари аниқланади. Шунинг учун саноат корхоналарини юқори аниқликдаги ва юқори ишлаб чиқариш унумига эга воситалар билан жиҳозланган, яримұтказгич материалларнинг сифатини текцирувчи янги, илгор усулларни ишлаб чиқиши ва ўзлаштириш яримұтказгич материаллар ва структураларни ишлаб чиқариш иқтисодий самараадорлигининг ўсиши билан бевосита боғлиқдир.

Афсуски яримұтказгичларнинг ҳамма параметрларини ҳам оддий ва қулай бўлган усуллар билан ўлчаш мумкин эмас. Уларнинг кўпчилигини ўлчаш маҳсус физик услубиятни ва мураккаб аппаратураларнинг ишлатилишини талаб қиласиди. Шунинг учун яримұтказгичларнинг параметрларини ўлчаш усуллари сўнгги йилларда яримұтказгичлар физикаси ва техникаси бўлимлари билан бир қаторда ривожланиб мустақил йўналиш бўлиб қолмоқда. Яримұтказгичлар физикаси ва яримұтказгичли электроника масалалари ёритилган китобларнинг сони кам эмас,

лекин уларда яримұтказгичларнинг параметрларини ўлчаша
ва яримұтказгичли материалларни текшириш усулларига
кам эътибор берилған. Үмид қиласызки, мазкур құллан-
ма маңым даражада ўқувчиларнинг яримұтказгичлар фи-
зикасининг бу бўлимига бўлган эҳтиёжини қондиради.
Құлланмада яримұтказгич материаллар параметрларини
ўлчашиб усулининг физик асослари кенг ёритилған. Ярим-
ұтказгич параметрларини ўлчашнинг айrim муаммолари
яримұтказгич материалларнинг хоссаларини ўрганувчи
китобларда кенг ва тўла ёритилғанлигини ҳисобга олган
ҳолда ўлчашиб усууларини ёритишнинг ҳожати бўлмади. Бу
китоб ўзбек тилидаги дастлабки китоб бўлиб, у яримұт-
казгичлар физикаси ва техникаси масалалари билан бе-
восита шуғулланувчи талабаларга мўлжалланған.

Құлланмада ҳар хил катта ҳажмдаги намуналар, плас-
тинкалар, юпқа қатламлар, ҳар хил турдаги яримұтказ-
гичли структуралар параметрларини ҳамда номувозанат
ҳолатидаги заряд ташувчилар параметрларини, яъни за-
ряд ташувчилар яшаш вақтини, диффузион узунликни
диффузия коэффициентини, сирт рекомбинация тезли-
гини ва ниҳоят чуқур сатҳи марказлар параметрларини
ўлчашиб усуулари ёритилған.

I-БОБ

ЯРИМҮТКАЗГИЧЛАРДА СОЛИШТИРМА ҚАРШИЛИКНИ ҮЛЧАП УСУЛЛАРИ

1.1-§. Яримүтказгичли намунанинг солишири ма қаршилигини унинг тўла қаршилиги бўйича аниқлани

Солиширма қаршилик ρ ни намунанинг тўла қаршилиги бўйича топишда таёқча (стержен) кўринишидаги намуна кўндаланг кесимларига металл контакт олинади. Металл яримүтказгич чегарасида заряд ташувчилар концентрацияси яримүтказгич ҳажмидагидан кичик бўлганда потенциал тўсиқ қатлами ҳосил бўлиши мумкин, шунинг учун бу қатлам намуна қаршилигини оширади. Намунада Ом контакти олинганда қаршилиги катта бўлган қатлам ҳосил бўлмайди. Ҳажм бўйича намунада металл чегарасигача заряд ташувчилар концентрацияси бир хил бўлади ёки заряд ташувчилар билан бойиган (антизапор) қатлам ҳосил бўлади.

Заряд ташувчилар билан бойиган қатламнинг қалинлиги намуна узунлигидан жуда кичик бўлгани учун унинг умумий қаршиликка қўшган ҳиссасини ҳисобга олмаслик мумкин. Токнинг Ом контакти орқали оқиши намунада концентрациянинг ўзгаришига олиб келмайди, яъни *инжекция*, *экстракция*, *эксклюзия* ва *аккумуляция* каби ҳодисалар бўлмайди. Кўрилаётган ҳолатда контактлардан оқаётган ток ва намунага тушаётган кучланиш орқали тўла қаршилик топилади:

$$R = \frac{U}{I} = \rho \frac{l}{S} \quad (1.1)$$

Бундан

$$\rho = R \frac{S}{l} = \frac{U}{I} \frac{S}{l} \quad (1.2)$$

келиб чиқади. Бу ерда: R — тұла қаршилик, l — намуна-нинг узунлиги, S — күндаланг кесими юзаси, U — икки контакт орасидаги кучланиш, I — намунадан ұтаётган ток. Солищирма қаршиликни намунанинг тұла қаршилиги билан аниқлаш кичик солищирма қаршиликка ($\rho < 0,01 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ ва $0,01 < \rho < 1 000 000 \text{ Ом} \cdot \text{см}$) әга бўлган намуналарда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Юқори Ом ли намуналарда ($\rho > 1 000 000 \text{ Ом} \cdot \text{см}$) бу усул билан солищирма қаршиликни аниқлашда бир қанча ҳодисаларни, яъни сифим токини, намуна қутбланиши-ни, токнинг сирт үтказувчанлиги буйича сирқиб оқиши-ни ҳисобга олиш керак. Булар ўлчовни бир мунча қийин-лаштиради. Шунинг учун аввал уларнинг тажрибага кўрса-таётган таъсири камайтирилиб, сўнгра ўлчанади (I.1-расм).



a. Сифим токи. Намуна ички қаршилиги r , бўлган ток манбай ва қаршилиги R_A бўлган ток ўлчайдиган асбоб — амперметр (A) кетма-кет уланган, намунадаги кучланишнинг тушувини ўлчаш учун эса вольтметр (V) уланган. $R_V \gg R_A + R$ да V дан оқаётган токни ҳисобга олмаймиз. Ток манбанин улаш пайтида намунадан оқаётган ток үтка-зувчанлик ва силжиш токларининг йиғиндисидан иборат бўлади. Шунинг учун мос равишда ток зичлиги:

$$j = \frac{E}{\rho} + \epsilon \epsilon_0 \frac{\partial E}{\partial t}, \quad (1.3)$$

Бу ерда: E — намунаданың электр майдон кучланғанлиги, ϵ — намуна-нинг диэлектрик сингдирувчанлиги, t — вақт. $E = \frac{U}{l}$ бўлишини ҳисобга олиб, (1.3) дан тұла ток ифода-сини топамиз:

$$I = \frac{U}{R} + C \frac{dU}{dt}. \quad (1.4)$$

Бу ерда, $C = \frac{\epsilon \epsilon_0 S}{l}$ — намуна сифими (1.1-расм). Силжиш токи намунани эквивалент схемада сифим пайдо бўлишига олиб келади. Бунга параллел уланган монтажлар



1.1-расм. Намуна тұла қаршилигини ўлчаш схемаси (а) ва унинг эквивалент схемаси (б): А — амперметр, В — вольтметр, К — калит, R — намуна қаршилиги, ТМ — ток манбай, R_A — амперметр қаршилиги, r_i — ток манбаининг ички қаршилиги.

сигими (паразит) C_0 намуна сигимидан анча күп бўлиши мумкин. C_0 ва с зарядлангунча амперметрдан ўтказувчаник токи билан бирга сигимни зарядлаш токи оқади. Амперметрдан оқаётган токни вақтга боғлиқлиги қуидаги формула билан аниқланади:

$$I(t) = \frac{U_0}{R_A + R + r_i} \left(1 + \frac{R}{R_A + r_i} e^{-\frac{t}{R'(C+C_0)}} \right) \quad (1.5)$$

$$R' = \left(\frac{1}{R} + \frac{1}{R_A + r_i} \right)^{-1}. \quad (1.6)$$

$t \gg R'(C+C_0)$ да (1.5) формула қуидаги кўринишга келади

$$I = \frac{U_0}{R_A + R + r_i} = \frac{U}{R}. \quad (1.7)$$

Сигим токи солишишим қаршиликни аниқлашда хатоликка олиб келиши мумкин. (1.5) ва (1.7) формуладан кўринадики, бу билан боғлиқ бўлган хатоликни йўқотиши учун токни $t \gg R'(C_0 + C)$ тенгизлигни қаноатлантирувчи вақтда ўлчаш керак. Агар намунада кутбланиш ҳодисаси кузатилмаса, бу усул билан ρ ни ўлчаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

б. Кутбланиш ҳодисалари. Кутбланиш ҳодисалари контактлар орасидаги кучланишнинг тушуви ўзгармас бўлганда ўтказувчанлик токининг ўзгаришига олиб келади. Бу намунада ион дрейфи ҳажмий заряд соҳасида электрон ёки кавак инжекциясининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Намуналарнинг турига қараб токнинг характерли релаксация вақти τ_p секунднинг улушларидан тортиб, то соатлар, баъзан суткаларгача етиши мумкин. Кутбланишнинг аниқданаётган солиштирма қаршиликка таъсирини камайтириш учун ўлчовни (1.7) ва $t \gg \tau_p$ (1.9) тенгсизликларни қаноатлантирадиган вақтда ўтказиш керак. Бу тенгсизликлар бажарилиши учун

$$R'(C + C_0) \ll \tau_p \quad (1.8)$$

бўлиши керак.

Кутбланиш ҳодисаси мавжуд бўлганда, солиштирма қаршиликни аниқлаш $\nu \ll \frac{1}{\tau_p}$ частотада намунанинг адмитансини (z^{-1}) ўлчаш масаласига келади: z^{-1} актив ва реактив қаршиликларнинг тескари қиймати йифиндиси. Бу ҳолда кутбланиш ҳодисаларининг инерционлиги туфайли, намунадан ток оқишига таъсир кўрсатмайди ва адмитанс қуидаги кўринишини олади:

$$z^{-1} = \frac{1}{R} + i\omega(C + C_0). \quad (1.9)$$


Бу формула R ва $C + C_0$ ни алоҳида топишга имкон беради. Бу ерда: $i = \sqrt{-1}$. z^{-1} ни ўлчашда ўзгарувчан ток кўприклари ишлатилади.

Кутбланиш ҳодисалари мавжуд бўлганда солиштирма қаршиликни ўлчашда импульс ток манбаларидан фойдаланиш ҳам мумкин (1.2-расм). Кутбланиш эфектининг таъсирини йўқотиш учун тўғри бурчакли импульснинг давомийлиги, импульс такрорлангунча бўлган вақт (T)

$$\tau_u \ll \tau_p \ll T$$

тенгсизликни қаноатлантириши керак. 1.2-расмда кўрсатилган схемада гальванометр билан занжирдан оқаётган

1.2-расм. Намуна қаршилигиги түрги бурчаклы импульс кучланиши усули билан ўлчаш схемаси. ГИ — импульслик кучланиш генератори, Г — гальванометр R — намуна қаршилиги.



Ўртача ток ўлчанади. Импульс таъсир қилаётган вақтда намуна сифими ва унга параллел уланган ўтказгичлар монтажи сифими гальванометр орқали зарядланади, импульс тугаши билан улар ўлчанаётган ўртача токка ҳеч қандай ҳисса кўшмайди. Намунадан импульс кучланиши ўтаетганда токнинг ўртача қиймати


$$\bar{I} = I_u \frac{\tau_p}{T} \quad (1.10)$$

ифода билан топилади. Бу ерда: I_u — импульс кучланиши таъсир этаётган вақтдаги ўтказувчанлик токи. (1.10) формула орқали I_u ни топиб, импульс кучланиши U_u ни билган ҳолда тўла қаршилик $R = U_u / I_u$ ҳисобланади ва (1.2) формула бўйича солиштирма қаршилик аниқланади.

Бу усул билан импульс кучланишининг амплитудаси $U_u = (1 \div 2) \text{ кВ}$, импульснинг давомийлиги $\tau_u \approx 10^{-6} \text{ с}$ $T/\tau_u = 10$ нисбатда бўлган импульс ток манбаидан фойдаланиб, солиштирма қаршиликни $10^{+10} \text{ Ом} \cdot \text{см}$ гача ўлчаш мумкин. Саноатда ишлаб чиқарилган ўзгарувчан ток кўприклари билан солиштирма қаршиликни $10^6 \div 10^7 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ гача ўлчаш мумкин.

в. Сиртнинг сирқини токи. Одатда яримўтказгичли намуналарнинг сиртига яқин соҳасидаги солиштирма қаршилиги ҳажмидагидан фарқ қиласи. Бу сирт соҳасида заряд ташувчиларнинг концентрацияси ҳажмидагидан катта ёки кичик бўлган ҳажмий заряд соҳасининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Ҳажмий заряд соҳасида заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги кичик. Ҳажмий заряд соҳасининг қалинлиги намуна кўндаланг кесимининг чизикли ўлчовларининг улушларини ташкил этиб, экранлаш узунлиги тартибида бўлади. Агар бу соҳада концент-

рация ҳажмдагидан катта фарқ құлмаса, сирт соҳасидаги қаршиликнинг ўзгаришини ҳисобга олмаслик мүмкін. Агар заряд ташувчилар концентрацияси сирт соҳасида ҳажмдагидан күп марта ортиқ (юқори Ом ли намуналарда пайдо бўлиш эҳтимоли катта) бўлса, яхши ўтказувчаникка эга бўлган сирт соҳасидан токнинг күп оқишига, яъни токнинг сирт бўйлаб оқишига олиб келади. Сиртдан оқаётган ток намуна қаршилигини камайтиради ва солиштирма қаршиликнинг кичиклашишига олиб келади, шунинг учун ўлчов пайтида сирт бўйлаб оқаётган ток таъсирини йўқотиш керак. Модомики сиртдан ва ҳажмдан оқаётган токлар нисбати намунанинг шаклига, ўлчовига боғлиқ экан, унинг узунлигини камайтириб, кўндаланг кесимини орттириб, сирқиши токининг кичик бўлишига эришиш мүмкін. Бундай йўл билан фақат катта намуналарда эришиш мүмкін. Сирт сирқиши токининг солиштирма қаршиликка таъсирини камайтирувчи бошқа усули ҳам бор бўлиб, бунда намунада бир-биридан (изоляцияланган) ажralган икки контакт олинади, яъни кўндаланг кесимининг четига яқин ҳимоя ҳалқасидан иборат 0-контакт ва марказига туташ К контакт олинади (1.3-расм). Бу контактлар орасидаги масофа намуна




1.3-расм. Солиштирма қаршиликни ҳимоя ҳалқаси билан ўлчашиб схемаси (а), намуна устки кўндаланг кесимининг кўриниши (б).

узунлигидан жуда кичик. Иккинчи кўндаланг кесим юзидан яхлит контакт олинади. Ток ўлчайдиган асбобнинг қаршилиги кичик бўлганда, унга тушаётган кучланиш намуна гўйилган кучланишдан жуда кичик бўлади. Шунинг учун К контактнинг ҳимоя ҳалқасини эквипотенциал kontaktлар деб ҳисоблаш мумкин. Кўрилаётган ҳолда сирт токи фақат ҳимоя ҳалқаси орқали оқади. Марказий контактдан ўтаётган ток у намуна ҳажмидан ўтади ва у Г асбоб билан ўлчанади. Демак, солиштирма қаршиликни ҳимоя ҳалқаси ёрдамида аниқлаш марказий туташ контакт юзаси S_k ни ва намуна узунлиги J ни билган ҳолда ток ва кучланишни ўлчаб, (1.2) формула орқали ҳисобланади.

1.2-§. Солиштирма қаршиликни ўлчашнинг бир ва икки зондли усувлари


a. Икки зондли усул билан ρ ни аниқлаш.

Солиштирма қаршиликни юқорида кўрилган тўла қаршилик бўйича аниқлаш усулида Ом контактнинг олиниши кераклигини кўрган эдик. Kontakt қаршиликлари катта бўлганда бу усул солиштирма қаршиликни ҳақиқий қийматига нисбатан ортириб беради. Бу камчиликни зонд усувлари билан ўлчашда йўқотиш мумкин. Солиштирма қаршиликни ўлчашнинг икки зондли усулининг чизмаси 1.4-расмда келтирилган. Унда намунанинг кўндаланг кесими юзасига K_1 ва K_2 Ом kontaktлари ўтказилган ва унинг сиртига бир-биридан I масофада бўлган иккита Z_1 ва Z_2 нуқтавий зондлар ўрнатилган. Зондлар сифатида ўткир учли қаттиқ металл (вольфрам, осмий, молибден) симлар ёки қотишмалардан ясалган симлар, карбид, вольфрам ва ВК ишлатилади. Солиштирма қаршиликнинг қиймати куйидагича аниқланади. Намунадан ток манбаи (ТМ) орқали I ток ўтказилади ва у А — амперметр билан ўлчанади, зондлар орасидаги кучланиш потенциометрда компенсация усулида ўлчанади ва унда гальванометрдан оқаётган токнинг таъсирини йўқотишга эришилади. Бу ҳолатда потенциометрдаги кучланиш U_n икки зонд орасидаги намуна бўлагига тушган кучланиш U га teng бўла-



1.4-расм. Солиширма қаршиликтин икки зондли усул билан ўлчаш схемаси. Π — потенциометр, Γ — гальванометр.

ди. Икки зондли усулда ҳам ρ (1.2) формуладан фойдаланиб аниқланади. Бу ифодага кирган катталиклар R — намунанинг икки зонд орасидаги қисмининг қаршилиги, S — намуна кўндаланг кесимининг юзаси, l — зондлар орасидаги масофа. Икки зондли усул билан U компенсация усулида ўлчангандা, контакт қаршилигининг ўлчови натижаларига таъсири тўла йўқотилади дейилган фикрни қандай ҳолатда ўринли бўлишини аниқлайлик. Икки зондли усул билан ўлчашда намунанинг эквивалент чизмасини кўрайлик (1.5-расм). Чизмада R_{x1} , R_{x2} , K_1 ва K_2 контактлар қаршилиги, R_{z1} ва R_{z2} — зондлар қаршилиги, R_1 — зонд Z_1 ва K_1 контакт орасидаги намуна қисмининг қаршилиги, R_2 зонд Z_2 билан K_2 контакт орасидаги намуна қисмининг қаршилиги. R_{x1} , R_{x2} , R_{z1} ва R_{z2} — қаршиликлар металл-яrimутказгич чегарасида оксид қатламини ва потенциал тўсиқ қатламини ҳосил бўлиши билан пайдо бўлиши мумкин. Кичик юзали металл зонд билан яrimутказгич контактлашганда, қаршилиги катта бўлмаган қатлам ҳосил бўлмаса ҳам контакт қаршилиги катта бўлади. Зонд-



1.5-расм. Икки зондли усул билан солишиштима қаршилигни ўлчашда намунанинг эквивалент схемаси.

лар занжирида Кирхгоф қоидасига кўра қўйидаги ифодани ёзамиш:

$$IR = i_r(R_{j1} + R_{j2} + R + R_r) + U_n \quad (1.11)$$

Бу ерда: R_r — гальванометрнинг ички қаршилиги, i_r — ундан оқаётган ток. (1.11) формуладан кўринадики, потенциометрдаги кучланиш ва намунанинг зондлар қисмига тушаётган кучланиш (IR) дан R_{j1} , R_{j2} , R , R_r — қаршилиқларда i_r — ток ҳосил қўлган кучланиш йифиндиси билан фарқланади. $i_r=0$ бўлганда улардаги кучланиш нолга teng бўлиб, (1.10) формулада инобатта олинмайди. Шундай қилиб, зондлар қаршилигининг солишиштима қаршиликка таъсири кучланишни компенсация усули билан ўлчаганда йўқотилади, чунки ўлчов пайтида зондлардан оқаётган ток нолга келтирилади: бу идеал ҳолатга тўғри келади. Ҳар қандай асбоб занжирда токнинг йўқлигини қандайдир хатолик билан кўрсатади. Қайд қилиниши мумкин бўлган кичик ток $i_{r,\min}$ га teng. Зондлар занжирдан оқаётган ток $i_r < i_{r,\min}$ бўлади, тасодифан $i_r=0$ бўлиши ҳам мумкин. (1.15) формула билан аниқланаётган солишиштима қаршиликнинг хатолиги:

$$\frac{\Delta\rho}{\rho} = \frac{i_{r,\min}(R_{j1} + R_{j2} + R + R_r)}{IR} \quad (1.12)$$

Зондлар қаршилиги солишиштірма қаршилик натижаларыга таъсир күрсатмаслиги учун уларнинг қаршилиги йиғиндиши $R_{31} + R_{32} \ll R + R_f$ бўлиши керак. $R_{31} + R_{32} \ll R$ бўлганда нисбий хатолик минимум бўлади ва:


$$\frac{\Delta\rho}{\rho} = \frac{i_{r,\min}}{I}$$

Агар зондлар орасидаги кучланиш ички қаршилиги юқори Ом ли бўлган ($R_v > 10^{10} \Omega_{\text{ом}}$) вольтметр-электрометрлар билан ўлчангандан зондлардан оқаётган төкларнинг кичик бўлиш шартини, яъни зондлар қаршилигига тушаётган кучланишни эътиборга олмаса бўладиган шароитни таъминлаш мумкин. Бу ҳолда вольтметр билан

$$U_V = \frac{IR}{1 + \frac{(R_{31} + R_{32} + R)}{R_V}} \quad (1.13)$$

кучланиш ўлчанади. Бу ерда: R_v — вольтметрнинг ички қаршилиги. $R_{31} + R_{32} + R \ll R_v$ бўлганда $U_v = IR$ бўлади. Бундан (1.2) формула орқали солишиштірма қаршилик ҳисобланади. Агар кучланишни ўлчаща уни автоматик компенсацияланмаса, вольтметр билан кучланишни ўлчаш тез бўлади. Одатда юқори Ом ли намуналарда солишиштірма қаршиликни ўлчаща электрометрлар ишлатилади. Потенциометр ишлатилганда у ноль асбоби сифатида қўлланади. K_1 ва K_2 контактларнинг ρ ни аниқлашга таъсири тўғрисида шуни айтиш мумкинки, агар бу контактлар қаршилиги нольга teng бўлмаса, намунанинг умумий қаршилиги ошади ва натижада ток камаяди. Лекин ток амперметр билан ўлчангани учун у ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Юқорида кўрсатилганидек, агар бу контактлардан ток ўтганда контакт соҳасида заряд ташувчилар концентрациясини инжекция, эксклюзия, экстракция, аккумуляция туфайли ўзгаришга олиб келса, солишиштірма қаршилик ўзгариши мумкин. Концентрация ўзгарадиган соҳа кенглиги заряд ташувчиларнинг икки, уч диффузион узунлигига teng бўлади, одатда ρ кичик электр майдон кучланганлигига ўлчанади.

Зондларни K_1 ва K_2 контактлардан ($a \geq 3L$) шу масо-фадан каттароқ бўлган масофада жойлаштириб, хатолик пайдо бўлишидан қутулиш мумкин. Бу ҳолда диффузион узунликни камайтириш мумкин. Концентрациянинг ўзгариш таъсирини сусайтириш учун намунада контакт соҳасининг сиртига йирик кукунсимон моддалар билан ишлов берилади, бу билан сирт рекомбинация тезлиги оширилади. Ўлчов асбоблари ва қурилмаларни электр билан таъминлаш тармоғидаги ва уни ўраб олган атроф фазодаги электромагнит майдонлар қурилмада ўзгарувчан қўшимча (кераксиз) — (паразит) сигналлар пайдо қилиши мумкин. Ўзгарувчан электромагнит майдонлар ўзгарувчан сигнал ҳосил қиласди. Бундан ўзгарувчан сигналнинг ўзгариш даври ўлчов асбобларини қайд қилиш вақтидан жуда кичик бўлганда, катта частотали сигнални қайд қилмаслиги, ўлчов асбобларининг инерционлиги туфайли эса юқори частотали сигналларни қайд қилмаслиги келиб чиқади. Лекин бу ундей эмас. Агар металл-ярим-үтказгич контакти чизиқли бўлмаган вольт ампер характеристикасига эга бўлса, ундан оқаётган ўзгарувчан токнинг доимий ташкил этувчиси вужудга келади. Уни ўлчов асбоблари қайд қиласди ва ўлчашни қийинлаштиради. Ўлчанаётган фойдали сигнал кичик бўлгани сари, фойдасиз




1.6-расм. Икки электрометр (потенциометр) билан солиштирма қаршиликни ўлчаш схемаси.

сигнални йўқотиш қийинлашади. Симларни экранлаштириш ва тажриба курилмасини ерга улаш билан фойдасиз сигналларни камайтириш мумкин. Икки зондли усул билан ρ ни ўлчашда фойдасиз сигналларни камайтириш нинг самарали усулидан бири 1.6-расмда келтирилган. Бу схемани 1.4-расмда келтирилган схемадан фарқи шундаки, бунда иккита потенциометр ва иккита нуль индикатор бор. Нуль индикатор сифатида электрометр ишлатилади. Π_1 ва Π_2 потенциометрларда кучланишни ўзгартириб, икки электрометр \mathcal{E}_1 ва \mathcal{E}_2 да нульга эришилади. Бундай ҳолатда Π_1 кучланиш зондлар орасидаги кучланишга тенг бўлади. Мана шуларни билган ҳолдагина ρ аниқланади. Потенциометр Π_2 нинг вазифаси шундаки, жуда катта бўлмаган ички қаршилиги орқали зондлар орасидаги кучланишни ўлчайдиган занжирни ерга улайди. Унинг ёрдамида намуна ва монтаж симларини экрансиз ҳолатда солишишторма қаршиликни 10^{12} Ом. см гача ўлчаш мумкин. У яримутказгичли намуналарнинг хоссаларини текширишда кенг қўлланилади.

6. Бир зондли усул.

Бир зондли усул билан солишишторма қаршиликни ўлчаш усули икки зондли усулнинг бир кўринишиши (1.7а-расм). Бунда потенциометрнинг бир учи ток ўтказувчи контактлардан бири, масалан, K_1 билан уланади, сиртдаги зонд кўзғалувчан бўлади. Бу билан зонддан K_1 — контакттacha



1.7-расм. Бир зондли усул билан солишишторма қаршиликни ўлчашнинг схемаси (а), намуна бўйлаб потенциалнинг тақсимланиш турлари (б).

бўлган масофани ўзгартириш мумкин бўлади. Масофа-нинг икки қийматида зонд билан K_1 — контакт орасида-ги кучланиш ўлчаниб, солиширма қаршилик (1.2) га кўра қуидаги формула билан аниқланади:

$$\rho = \frac{S}{I} \cdot \frac{U(X_{31}) - U(X_{32})}{X_{31} - X_{32}} \quad (1.14)$$


$U(x)$ — намунадан ўтаётган ток I нинг K_1 kontaktдан зондгача бўлган қисмида ҳосил қилган кучланиши. Бунда kontaktning солиширма қаршилик натижасига таъсири икки зондли усул каби бўлади. Бу усул намуналарни бир жинсликка текширишда, бир жинсли бўлмаган намуналарда солиширма қаршиликни намуна узунлиги x бўйича тақсимотини аниқлашда, kontaktларни Ом kontaktiga текширишда, ток ўтувчи kontaktларning қаршилигини топишда қўлланиши мумкин.

$U(x)$ ни дифференциаллаб қуидагини топамиз:

$$\rho(x) = \frac{S}{I} \frac{dU(x)}{dx} \quad (1.15)$$

Намунанинг берилган нуқтасидаги солиширма қаршилик $U(x)$ графикнинг x нуқтасига ўтказилган уринманинг тангенсига пропорционал. $U(x)$ ни масофага боғлиқлиги 1.76-расмда келтирилган. Чизмадаги 1-боғланиш K_1 kontakt қаршилиги $R_{K_1} = 0$ бўлган бир жинсли намунага; 2- K_1 kontakt қаршилиги $R_{K_1} = 0$ бир жинсли бўлмаган намунага; 3—4— K_1 kontakt қаршилиги $R_{K_1} \neq 0$ бўлган мосравишида бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган намуналарга тегишилдири. 3 ва 4 графикларда $x=0$ да кучланишнинг сакраши U_{K_1} — кучланишини kontakt қаршилигига тушиши билан боғланган. Унинг катталиги $R_{K_1} = U_{K_1}/I$ билан топилади. Kontakt қаршилигини вужудга келтирувчи қатламнинг қалинлиги кичик ва зонд билан қаршиликни бу соҳадаги тақсимотини текшириб кўриш мумкин бўлмайди. Бу боғланишлар K_2 kontakt Ом kontakti бўлганда ўринли бўлади. Агар бу kontakt омик бўлмаса, $x=a$ да кучланишнинг сакраши кузатилиши керак. Одатда kontaktларning хусусияти вольт-ампер характеристикасини ўрганиш орқали аниқланади.





1.8-расм. Бир зондли усул билан $\rho(x)$ ни автоматик ўлчаш схемаси:
 V — зонд тезлиги, КТ — катод такрорлагич, К — кучайтиргич,
 $\check{Y} \check{E}$ — ўзи ёзгич.

Бир зондли усулни яримутказгич монокристалларининг кичик соҳаларидағи нүқсонларини ўрганишга қўллашда зонд V — тезлик билан сирт бўйлаб ҳаракатланади. Зонд билан контактлардан бири орасида пайдо бўлган кучланишни дифференциалловчи RC занжирга берилади. Шу сабабли конденсатордан ўтаётган ток унга тушаётган кучланишнинг ҳосиласига пропорционал:

$$i_C = C \frac{dU_c}{dt} \quad (1.16)$$

Дифференциалловчи занжирнинг доимий вақти, $\tau = RC$ етарли кичик бўлганда R — қаршиликка тушган кучланиш

$$U_R = i_c R = RC \frac{dU_c}{dt} = CR \frac{dU_c}{dx} = R \cdot c \cdot V \frac{dU_c}{dx} = R \cdot C \cdot V \frac{I}{S} \rho(x) \quad (1.17)$$

ифода билан аниқланади. Ўзиёзар асбоб билан қайд қилинган R қаршилиқдаги кучланиш солиштирма қаршиликка пропорционал бўлиб, г нинг намуна бўйича тақсимотини кўрсатади. Усунинг нобиржинсликни қайд қилиш қобилияти қўзғалувчи зонд диаметрига, уни қўзғалиш тезлигига, V га, асбобларнинг сезгирлигига ҳамда RC — занжир параметрига боғлиқ. Бир зондли усулда ўртача солиштирма қаршилик зонд билан намуна кон-

тактлашиш юзасига мос келади, бундан кўриналики, бир жинсли бўлмаганликнинг энг кичик кўлами зонднинг контактлашиш диаметри d дан ошмайди. Ўлчаш чизмасининг инерционлиги икки доимий вақтнинг энг каттаси билан аниқланади: занжирнинг доимий вақти $RC=\tau$ ёки қайд қилувчи асбобларнинг доимий вақти τ_a дир. Бу катталиклар зонднинг сўрилиш тезлигини чегаралайди. Ҳар бир доимий вақт $RC=\tau$ ёки τ_a d — масофанинг зонд ўтиш вақтидан кичик бўлиши керак:

$$\frac{d}{V} > RC \quad \text{ва} \quad \frac{d}{V} > \tau_a \quad (1.18)$$

Бундай ҳолда, яримўтказгичнинг контакт қаршилиги кичик ва зонд ҳаракатланганда ўзгармайди деб фараз қилинган. Ҳақиқатда, агар контакт қаршилиги фақат контактнинг тарқалган қаршилиги билан аниқланса (1.8-§ га қаранг), у ҳолда радиуси ~ 10 мкм бўлган контакт учун солиштирма қаршилиги 100 Ом. см бўлган намунада контакт қаршилиги 20 кОм га етади. Зонд намуна бўйлаб ҳаракатланганда кўчиш қаршилиги, зонд билан яримўтказгичнинг ҳар бир нуқтада контактлашиш юзасининг ўзгариши туфайли кучли ўзгариши мумкин. Бунда чизма бир вақтда солиштирма қаршиликнинг намуна бўйича тақсимланишини ва контакт қаршилигининг тебранишини қайд қиласи, натижалар эса қайтарилмайди. Контакт қаршилигини тўғри ўлчашнинг зарурый шарти

$$R_{\text{кир}} \gg R_k + \Delta R$$

бўлади. $R_{\text{кир}}$ — қайд қилувчи қурилманинг тўла кириш қаршилиги, ΔR — контакт қаршилигининг ўзгариши. Шуни таъкидлаш керакки, бир зондли усул билан ўзгармас ва ўзгарувчан токларда солиштирма қаршиликни ўлчаш мумкин. Ўзгарувчан ток билан ўлчашда зонддан кучланишини олдин ажратувчи конденсатор орқали катодли такрорлаш қурилмасига берилади (бунда катта қаршиликли кириш сигналини кичик қаршиликли чиқиши сигналига амплитудасини ўзгартирмай айлантириб беради), сўнг сигнал тўғриланади ва дифференциалловчи занжирга берилади. Бу усул билан намуналарда солиштирма


қаршилик 250 Ом. см гача бұлған оралиқда үлчанганда, хатолик 5% дан ошмайды. Солиширма қаршилиги катта бұлған намуналарни үлчаңда контакт қаршилиги ошиши билан боғлиқ хатолик пайдо бұлади.

Бу усул билан солиширма қаршиликнің үлчашнинг қуи чегараси унинг қизиши билан чекланған ва 0,005 Ом. см тартибидады. Құзғалувчан зонд сифатида қаттық материаллар (масалан, карбид-кремний) симлари ҳамда диаметри 2 мм ли думалайдиган пұлат шардан ясалған зонд манипулятори ишлатылады.

1.3-§ Тұрт зондлы усул

Яримұтказгичли намуналарнинг солиширма қаршиликларини үлчаң усулларидан бир қанча афзаллilikтарға әга бұлған 4-зондлы усул кенг құлланилады. Бунга үлчаң (метерологик) күрсаткичининг юқориличигини, үлчаң учун намуналарға Ом контактларини олиш талаб этилмаслигини, бир томони ясси текисликдан иборат шакли ва үлчамлари ҳар хил бұлған ҳажмий яримұтказгич намуналарини ҳамда күп қаватли структураларда эпитаксиал, диффузион қатлам солиширма қаршиликтерини үлчаң мүмкінлегини күрсатиши мүмкін. Бу усул билан ҳажмий монокристалларда, пластинка (тхахасимон) намуналарыда солиширма қаршиликни $10^{-4} \div 10^3$ Ом · см оралиқда, эпитаксиал, диффузион сирт қаршилигини $1 \div 5 \cdot 10^5$ Ом оралиқда үлчаң мүмкін.

Тұрт зондлы усулнинг бир күриниши 1.9-расмда күрсатылған. Бир томони ясси текис сирт билан чегараланған ярим чексиз намунанинг сиртига бир чизиқда жойлашып тұртта учи ингичкалаштирилған металл электродлар (зондлар) жойлаштирилған. Иккі четки зонддан ток үтказылады ва икки ўрта зондлардан күчланиш (зондлар орасында потенциаллар айрmasи) үлчанады. Бу иккі катталик — ток ва күчланиш орқали солиширма қаршилик аниқланады. Усул назарияси Вальдес томонидан 1954 йылда яратылған бўлиб, яримұтказгич ва зондни кичик юзаси билан контактлашған нұқтасидан токнинг яримұтказгичда тарқалишига асосланған.



1.9-расм. Яримчексиз намуналарда солиширма қаршиликтин түрт зондли усул билан ўлчаш схемаси (а), нүқтавий зонд модели (б).

Солиширма қаршиликтин ток (1) ва кучланиш (U) билан боғланган ифодасини топиш учун ярим чексиз (ўлчамлари зондлар орасидаги масофа S дан жуда катта, ($a, b, d \gg S$) намунанинг ясси сирти билан контактлашган алоҳида олинган нүқтавий зонд чегарасидан ярим-ўтказгичга ток тарқалиш масаласини ечиш керак (1.9брасм). Ярим чексиз намуналарда нүқтавий контактлашган зонд билан яримўтказгич чегарасидан тарқалаётган ток, потенциал тақсимоти сферик симметрияга эга бўлади. Бу ҳол учун Ом қонуни

$$j = \sigma E = -\frac{1}{\rho} \cdot \frac{d\varphi}{dr} \quad (1.19)$$

ва ток зичлигининг

$$j(r) = \frac{I}{2\pi r^2} \quad (1.20)$$

ифодаларидан фойдаланиб, намунада потенциал тақсимланишини топамиз:

$$\varphi(r) = \frac{I\rho}{2\pi r} + A \quad (1.21)$$

бу ерда, A -ўзгармас катталик.

Потенциал ишораси ток йўналиши билан аниқланади, исталган нуқтадаги потенциал ҳар бир ток зондларининг ҳосил қилган потенциалларининг йигиндисидан иборат. Намунага кираётган токнинг ҳосил қилган потенциали мусбат, чиқаётган токнинг ҳосил қилган потенциали эса манфий бўлади. Демак, ўлчов зондларининг контактларидағи 2 ва 3 потенциаллари 1 ва 4 зондлар ҳосил қилган потенциаллар йигиндисига тенг. Ток йўналишини, яъни 1 ва 4 ток манбалари ҳосил қилган потенциаллар ишораларини назарда тутганда 2 ва 3 нуқталардаги потенциаллар ифодаси (1.21) га кўра қўйидаги кўришишни олади:

$$\varphi_2 = \frac{I\rho}{2\pi} \left[\frac{1}{S_1} - \frac{1}{S_2 + S_3} \right] + A \quad (1.22)$$

$$\varphi_3 = \frac{I\rho}{2\pi} \left[\frac{1}{S_1 + S_2} - \frac{1}{S_3} \right] + A$$

Икки ички (2 ва 3) зондлардаги потенциаллар айирмаси-нинг кучланиш тушуви U_{23} қўйидагича бўлади:

$$U_{23} = \varphi_2 - \varphi_3 = \frac{I\rho}{2\pi} \left[\frac{1}{S_1} - \frac{1}{S_2 + S_3} + \frac{1}{S_3} - \frac{1}{S_1 + S_2} \right] \quad (1.23)$$

Зондлар орасидаги масофалар бир-бирига тенг ($S_1=S_2=S_3=S$) бўлганда (1.23) дан солиширма қаршилик ифодаси қўйидаги кўринишни олади:

$$\rho = \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot 2\pi S \quad (1.24)$$

Тўрт зондли усул билан солиширма қаршиликни аниқлашда зондларнинг исталган иккитасидан ток ўтказиб, қолган иккитасидан кучланишни ўлчаш мумкин. Бу ҳолда (1.24) ни

$$\rho = \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot SF_1^* \quad (1.25)$$

күринишида ифодалаймиз. Бунда F^* зондларнинг чизмага уланишига қараб, ҳар хил қийматларни қабул қиласди (1.1- жадвалга қаранг)

1.1. жадвал

Зондларнинг чизмага уланиши	Ток ўтадиган зондлар	Кучланиш ўлчанадиган зондлар	F_1^* $a, b, d \gg S$	F_2^* $a, b \gg S,$ $d \ll S$
1	1—4	2—3	2π	4,532
2	2—3	1—4	2π	4,532
3	1—3	2—4	3π	15,5
4	2—4	1—3	3π	15,5
5	1—2	3—4	6π	21,84
6	3—4	1—2	6π	21,84

F_1^* — ярим чексиз қалин намуналар учун,

F_2^* — ярим чексиз юпқа намуналар учун тузатиш коэффициентлари. Жадвал таҳлилидан зондларни чизмага уланишида 1- ва 2-усулларнинг афзалигини кўрамиз, чунки бундай ҳолларда ўлчанаётган кучланиш энг катта қийматга эришади. Умумий тарзда ярим чексиз намуналарда потенциалнинг тақсимоти, яъни потенциалнинг (r) масофага боғлиқлиги сферик координата системасида ифодаланган Лаплас тенгламаси ечимиidan топилади. Биз кўраётган масалада потенциал сферик симметрия бўйича тарқалганлигини ҳисобга олиб, Лаплас тенгламасининг фақат (r) га боғлиқ ҳади кўрилади:

$$\Delta\varphi = \frac{1}{r^2} \frac{d}{dr} \left(r^2 \frac{d\varphi}{dr} \right) = 0 \quad (1.26)$$

Лаплас тенгламаси (1.26) ни $r = 0$ нуқтада мусбат, масофанинг жуда катта қийматида нольга интилувчи, яъни $r = 0$ да $\varphi(r) > 0$ ва $r \rightarrow \infty$ да $\varphi(r) \rightarrow 0$ чегаравий шартни қаноатлантирувчи ечими

$$\varphi(r) = -\frac{C_1}{r} + A \quad (1.27)$$

бўлади. Интеграллаш доимийси (C_1) $r=r_0$ да майдон кучланганлигини $E(r_0)$ га тенглик шартидан топилади:

$$E(r_0) = j\rho = \frac{I\rho}{2\pi r_0^2} \quad (1.28)$$

Юқорида айтилганидек, $j = \frac{I}{2\pi r_0^2}$, радиуси r_0 га тенг бўлган яримшар сиртидан оқаётган ток зичлигидир. Иккинчи томондан, $\vec{E}(r_0)$ ни (1.27) дан фойдаланган ҳолда қуидагича ёзиш мумкин:

$$E(r_0) = -\left. \frac{d\varphi}{dr} \right|_{r=r_0} = \frac{C_1}{r_0^2} \quad (1.29)$$

Бу икки (1.28) ва (1.29) ифодалардан интеграллаш доимийси (C_1)

$$C_1 = \frac{I\rho}{2\pi} \quad (1.30)$$

бўлади. Интеграллаш доимийси (C_1) ни (1.27) га қўйсак, худди (1.28) га ўхшаш ифодани оламиз.

Солиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан ўлчаш шартларини таъкидлаб ўтиш зарурдир.

1. Ўлчов бир жинсли намунанинг ясси текис сиртида бажарилиши керак.

2. Контакт орқали асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг инжекцияси бўлмаслиги керак. Бу сирт рекомбинация тезлиги катта бўлган намуналарда кузатилади, бу сиртга маълум ишлов бериш билан эришилади.

3. Токнинг сирт бўйича сирқиши (оқиши) бўлмаслиги керак.

4. Зондлар намуна сирти билан нуқтада контактлашган бўлиши ва бир чизикда ётиши керак.

5. Ток үтказувчи зондлар билан яримүтказгич намуна сирти чегарасида зондлар кичик радиусли яримшар күришида бўлиши керак.


6. Зондларни намуна сирти билан контактлашган юзасининг диаметри зондлар орасидаги масофадан жуда кичик бўлиши керак ($D_k \ll S$).

Шуни эслатиб ўтиш керакки, кўп ҳолларда яримүтказгич намуналари аниқ геометрик ўлчамларга эга бўлади ва зондлар билан намуна қирраси орасидаги масофа l зондлар орасидаги масофа тартиби билан бир қаторда бўлади, бу ток зичлигининг потенциал тақсимотида сферик симметрия қонунининг бузилишига олиб келади. Натижада (1.24) формула билан аниқланган солиштирма қаршиликнинг қиймати ҳақиқий қийматдан фарқли бўлади, яъни хатоликка олиб келади. Шунинг учун умумий ҳолда ρ нинг ҳақиқий қийматини топиш учун яримчексиз намуналар учун ўринли бўлган (1.28) формулага намуна ўлчовларига ва зондларнинг намуна сиртида жойлашишига боғлиқ бўлган тузатиш функцияси (F) киритилиди ва (1.24) қўйидагича ифодаланади.


$$\rho = \frac{U}{I} 2\pi SF(l/S) \quad (1.31)$$

Баъзи бир ҳоллар учун тузатиш функциясини кўриб чиқайлик.

1. Яримчексиз, яъни геометрик ўлчамлари бир чизикда жойлашган зондлар орасидаги масофадан жуда катта



1.10-расм. Яримчексиз намунанинг электр үтказувчан (а), изолятор (б) мухит билан чегараланган томонига зондлар чизиги тик бўлганда тузатиш функциясини ҳисоблаш модели чизмаси.



1.11-расм. Зондлар чизиги яримчексиз намунанинг ўтказувчан (б) изолятор (в) мұхит билан чегараланған томонига параллель бўлганди тузатиш функциясини ҳисоблаш модели чизмаси. Солиширма қаршилики тўрт зондли (квадрат) усул билан ҳисоблаш (а).

бўлган намунада ($a, b, d \gg S$) зондлар ётган текислик намунанинг ўтказувчан (металл қатлам — Ом контакти) ёки ток ўтказмайдиган мұхит (масалан, ҳаво) изолятор билан контактлашган чегарасига тик ва параллел бўлсин. Биринчи ҳолда зондларнинг четки зонди, иккинчи ҳолда зондлар текислиги намуна чегарасидан l масофада жойлашган (1.10 ва 1.11-расм).

Тузатиш функцияларини электростатикада кенг қўлланиладиган кўзгуда тасвир усули (метод зеркального изображения) орқали ҳисобланади.

Маълумки, намунанинг бирон сирти ток ўтказмайдиган мұхит (ҳаво, изолятор) билан чегараланған (контактлашган) бўлса (1.10б-расм), шу сиртда ток зичлигининг, электр майдон кучланғанлигининг тик (нормал) ташкил этувчиси нолга teng бўлади.

$$\varphi_n = 0; E_n = 0 \quad (1.31a)$$

Агар намуна сирти ўтказувчан мұхит (Ом контакти) билан чегараланған бўлса, шу сиртда унинг потенциали нолга teng бўлади (1.11а-расм):

$$\varphi(0)=0 \quad (1.31б)$$

Күзгуда тасвир усули билан тузатиш функцияларининг аналитик ифодасини аниқлаш учун намуна сирти қандай мұхит билан контактлашынганлығы қараб (1.31а) ёки (1.31б) шарттарни бажарилишини таъминловчи симметрик жойлаштирилған мавхум нүктавий ток манбалари жойлаштирилади ва потенциал зондлар контактлашын нүкталаудаги натижавий потенциалларини ҳамда икки зонд орасидаги потенциаллар айрмаси (потенциал тушувини топиш керак бұлади). Мисол учун энг содда ҳолни күрайлик. Зондлар бир чизикда жойлашын бұлғын, улар орасидаги масофалар тенг бўлсин ($S_1=S_2=S_3=S$). Зондлар (ётган текислик) чизиги ток ўтказмайдын мұхит билан чегараланған қиррасига тик бўлғын, четки зонди чегарадан l масофада жойлашсын. Намунашынг қолган томонлари S дан жуда катта масофада бўлғын, потенциал тақсимотига таъсир кўрсатмайды (1.10-расм). Бу ҳолда қаралаётган ён сиртидан 1 — масофага симметрик жойлаштирилған бир хил ишорали мавхум нүктавий (5 ва 6) ток манбалари (1.31а) шартни бажарилишини таъминлайды. Потенциал 2 ва 3 зондларда тұртта (1, 4, 5, 6) нүктавий ток манбалари ҳосил қылған натижавий потенциаллари

$$\varphi_2 = \frac{I\rho}{2\pi} \left(\frac{1}{S} - \frac{1}{2S} - \frac{1}{2S+2l} + \frac{1}{5S+2l} \right) + A \quad (1.32)$$

$$\varphi_3 = \frac{I\rho}{2\pi} \left(\frac{1}{2S} - \frac{1}{S} - \frac{1}{S+2l} + \frac{1}{4S+2l} \right) + A \quad (1.33)$$

бўлайди. Икки ички (2 ва 3) зондлардаги потенциаллар айрмаси — кучланиш тушуви

$$U_{23} = U_2 - U_3 = \frac{I\rho}{2\pi S} \left(1 + \frac{1}{1+2l/S} - \frac{1}{2+2l/S} + \frac{1}{5+2l/S} \right) \quad (1.34)$$

кўринишни олади. (1.34) дан солиштирма қаршиликни (1.30) кўринишда ифодаласак, тузатиш функцияси

№	Зондларнинг жойланиши	Бир чизиқда жойлаштирилган 4 зондли усулнинг тузатиш функциялари
1		$F_1 = \left(1 + \frac{1}{1+2l/S} - \frac{1}{2+2l/S} - \frac{1}{4+2l/S} + \frac{1}{5+2l/S} \right)^{-1} \quad (1.35)$
2		$F_2(l/S) = \left(1 + \frac{1}{2+2l/S} - \frac{1}{4+2l/S} - \frac{1}{1+2l/S} - \frac{1}{5+2l/S} \right)^{-1} \quad (1.36)$
3		$F_3(l/S) = \left[1 + \frac{2}{\sqrt{1+(2l/S)^2}} + (1+(l/S)^2)^{-\frac{1}{2}} \right]^{-1} \quad (1.37)$
4		$F_4(l/S) = \left[1 - 2 \cdot (1+(2l/S)^2)^{-\frac{1}{2}} + (1+(l/S)^2)^{-\frac{1}{2}} \right]^{-1} \quad (1.38)$

$$F_1(l/S) = \left(1 + \frac{1}{1+2l/S} - \frac{1}{2+2l/S} + \frac{1}{4+2l/S} + \frac{1}{5+2l/S} \right)^{-1} \quad (1.35)$$

бўлишлигини кўрамиз. Юқорида қайд этилган бошқа ҳолатлар учун тузатиш функциялари, мавхум нуқтавий ток манбаларининг жойланиши 1.2а-жадвалда, уларнинг ҳар хил l/S учун қийматлари 1.2-жадвалда келтирилган.

1.2б-жадвал

l/S	$F_1(l/S)$	$F_2(l/S)$	$F_3(l/S)$	$F_4(l/S)$
0	1,82	0,62	0,5	∞
0,2	1,365	0,79	0,533	8,07
0,5	1,182	0,882	0,658	2,08
1	1,06	0,947	0,842	1,232
2,0	1,01	0,992	0,965	1,038
5,0	1,004	0,996	0,997	1,003
10,0	1,005	0,9995	0,9996	1,004

Жадвал таҳлилидан кўринадики, $l \geq 3S$ бўлганда ҳамма кўрилган ҳолатлар учун тузатиш функциялари бирга яқин. Шунинг учун уни инобатга олиш шарт бўлмайди. Намуналарда солишишима қаршиликни аниқлашда зондларнинг томони S бўлган квадрат учига жойлаштирилган усул билан ҳам аниқлаш мумкин (1.11а-расм). Бу усул билан солишишима қаршиликни аниқлашда 1 ва 2 зондлардан I ток ўтказилиб, 3 ва 4 зондлар орқали потенциаллар айрмаси аниқланади. Яримчексиз намуналар учун ($a, b, d \gg S$), яъни, намуна ўлчамлари зондлар орасидаги масофадан жуда катта бўлганда солишишима қаршилик

$$\rho = \frac{U_{34}}{I_{12}} \cdot \frac{2\pi S}{2 - \sqrt{2}} \quad (1.39)$$

формула билан ҳисобланади.

Зондлар яримчексиз намунанинг бирор томонига зондлар орасидаги масофа тартибида жойлашган бўлса, ρ нинг тузатиш функцияси ҳисобга олинадиган

$$\rho = \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot \frac{2\pi S}{2 - \sqrt{2}} F_s(l/S) \quad (1.40)$$


ифода билан аниқланади.

Тузатиш функцияси $F_s(l/S)$ нинг ҳар хил ҳолатлар учун аналитик ифодаси 1.3а-жадвалда келтирилган. Бу функцияларни ҳисоблашлардан кўринадики, бирорта изоляцияланган ёки ўтказувчан қиррадан l — масофада ток зондлари перпендикуляр ёки параллел жойлашганда қирранинг таъсирини ҳисобга оладиган тузатиш функциялари $l/S \geq 3$ да бирга яқин.





Намуна ўлчамлари (эни, бўйи, диаметри) чексиз катта ($a, b \gg S$), лекин қалинлиги зондлар орасидаги масофа тартибидаги пластина кўринишида бўлсин.

Бу намуналарда солиширма қаршиликни аниқлаш яримчексиз намуналар каби тузатиш функциясини тошишга келтирилади. Аммо бу ҳолда ҳам остки, ҳам устки сиртларидаги шартлар бир вақтда бажарилиши керак.

Агар намуна остки сатҳи ток ўтказувчан муҳит (Ом контакти) билан чегараланган бўлса, (1.12а-расм) юқори



1.12-расм. Остки сирти ўтказувчан (а), диэлектрик (б) муҳит билан чегараланган пластиналарда мавхум ток манбаларининг жойланиш тартиби.

No	Зондларнинг жойланиши	Квадрат учларига жойлаштирилган 4-зондли усулнинг тузатиш функциялари
1		$F_{S1}(l/S) = (2 - \sqrt{2}) \left(2 - \sqrt{2} + \frac{2}{(1 + 2l/S)} - \frac{2}{\sqrt{1 + (1 + 2l/S)^2}} \right)^{-1} \quad (1.41)$
2		$F_{S2}(l/S) = (2 - \sqrt{2}) \left(2 - \sqrt{2} - \frac{2}{(1 + 2l/S)} + \frac{2}{\sqrt{1 + (1 + 2l/S)^2}} \right)^{-1} \quad (1.42)$
3		$F_{S3}(l/S) = (2 - \sqrt{2}) \left(2 - \sqrt{2} + \frac{1}{(1 + 2l/S)^2} - \frac{2}{\sqrt{1 + (1 + 2l/S)^2}} + \frac{1}{\sqrt{1 + (2 + 2l/S)^2}} \right)^{-1} \quad (1.43)$
4		$F_{S4}(l/S) = (2 - \sqrt{2}) \left(2 - \sqrt{2} - \frac{1}{(1 + 2l/S)^2} + \frac{2}{\sqrt{1 + (2 + 2l/S)^2}} - \frac{1}{\sqrt{1 + (2 + 2l/S)^2}} \right)^{-1} \quad (1.44)$

сиртида $j_n=0$, $E_n=0$, остки сиртида $\varphi=0$ шартлари, агар остки сатҳи ток ўтказмайдиган изолятор мұхит (масалан, ҳаво) билан чегараланган бўлса. 1.12б-расм икки сиртида $j_n=0$, $E_n=0$ шартлари бажарилиши керак.

Намунанинг остки сирти ўтказувчан мұхит билан чегараланган ҳолни кўрайлик (1.12а-расм). Бу ҳолда остки сиртида $\varphi=0$ шарт бажарилиши учун ($n=-1$) да намунадан пастда d масофада (I^-) ва (I^+) мавхум ток манбаларини жойлаштирамиз, лекин устки сиртида $j_n=0$, $E_n=0$ ток зичлигининг нормал ташкил этувчисининг нолга тенглик шарти бузилади, унинг бажарилиши учун (пластина) намуна устки сиртидан ($n=+1$) да $2d$ масофага ($+I$) ва ($-I$) ток манбалари жойлаштирилади, бу билан остки сиртида $\varphi=0$ шарти бузилади, буни қаноатлантириши учун яна $n=2$ да $2d$ масофада ток манбалари киритамиз, бу ток манбаларини жойлаштириш чексиз кўп марта тақрорланганда (1.12-расм) намунанинг остки ва устки сиртларида (1.31а, б) шартлар бажарилади. Агар намуна остки сирти изоляцияланган мұхит билаң чегараланган бўлса, икки сиртида (1.31а) шарт бажарилиши худди юқоридагига ўхшаш кетма-кетлиқда мусбат ($+I$) ток манбай томонида мусбат мавхум ток манбаларини, манфий ($-I$) ток манбай томонида манфий мавхум ток манбаларини чексиз кўп марта тақрорлаб жойлаштириш керак (1.12б-расм). Аввалдан айтилганидек, 2 ва 3 нуқталардаги потенциаллар чексиз кўп ток манбалари ҳосил қилган потенциаллар йигиндисига тенг. Ток манбаларининг ишорасини ҳисобга олган ҳолда U_2 ва U_3 лар остки сирти ўтказувчан мұхит билан чегараланган намуна учун (1.2) га кўра

$$U_2 = \frac{I\rho}{2\pi} \sum_{n=-\infty}^{n=\infty} (-1)^n \left\{ [S^2 + (2dn)^2]^{-\frac{1}{2}} - [(2S)^2 + (2dn)^2]^{-\frac{1}{2}} \right\} + A \quad (1.45)$$

$$U_3 = \frac{I\rho}{2\pi} \sum_{n=-\infty}^{n=\infty} (-1)^n \left\{ [(2S^2 + (2dn)^2]^{-\frac{1}{2}} - [(S^2 + (2dn)^2]^{-\frac{1}{2}} \right\} + A \quad (1.46)$$

ифодалар билан аниқланади.

Бу икки тенгламадан $U_{23} = U_2 - U_3$ ни топиб солиштирма қаршилигиди.

$$\rho = \frac{U_{23}}{I} 2\pi S g_1 \left(\frac{d}{S} \right) \quad (1.47)$$

күринишида ифодалаймиз. Тузатиш функцияси күйидаги күринишига эга бўлади:

$$g_1 \left(\frac{d}{S} \right) = \left\{ 1 + 4 \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^n \left[\left(1 + 4n^2 \frac{d^2}{S^2} \right)^{-\frac{1}{2}} - \left(4 + 4n^2 \frac{d^2}{S^2} \right)^{-\frac{1}{2}} \right] \right\}^{-1} \quad (1.48)$$

Юқоридаги усул билан ҳисоблаш икки томонидан ток ўтказмайдиган муҳит (изолятор) билан чегараланганд қалинлиги d — бўлган намуна учун тузатиш функцияси

$$g_2 \left(\frac{d}{S} \right) = \left\{ 1 + 4 \sum_{n=1}^{\infty} \left[\left(1 + 4n^2 \frac{d^2}{S^2} \right)^{-\frac{1}{2}} - \left(4 + 4n^2 \frac{d^2}{S^2} \right)^{-\frac{1}{2}} \right] \right\}^{-1} \quad (1.49)$$

бўлишини кўрсатади. $g_1(d/S)$ ва $g_2(d/S)$ функцияларни (d/S) нинг ҳар хил қийматларидағи натижалари 1.36-жадвалда келтирилган.

1.36-жадвал

d/S	0,1	0,2	0,5	1	2	3,333	5	10
$g_1(d/S)$	$1,9 \cdot 10^{-6}$	$3,42 \cdot 10^{-3}$	0,228	0,683	0,983	0,988	0,9948	0,9993
$g_2(d/S)$	13,86	6,139	2,78	1,504	1,094	1,0228	1,007	1,00045

Жадвал натижалари таҳтилидан кўринадики, $g_1(d/S)$ ва $g_2(d/S)$ ларнинг қийматлари $d/S \geq 4$ бўлганда бирга инти-

лади. Лекин $g_2(d/S)$ функция (d/S)нинг 0 дан 0,4 гача бўлган оралифида (d/S) билан тўғри чизиқли боғланган бўлиб, $(2\ln 2)^{-1} d/S$ га пропорционал бўлади:

$$g_2(d/S) = (2\ln 2)^{-1} d/S \quad (1.50)$$

Шунинг учун $0 \leq d/S \leq 0,4$ оралифида икки томони ток ўтказмайдиган муҳит билан чегараланганда намунанинг солиштирма қаршилиги зондлар орасидаги масофага боғлиқ бўлмайди ва (1.47) га кўра

$$\rho = \frac{\pi d}{\ln 2} \cdot \frac{U}{I} = 4,53d \frac{U}{I} \quad (1.51)$$

формула билан аниқланади.

1.4-§. Юпқа қатламларда солиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан аниқлаш


Агар намунанинг қалинлиги d зондлар орасидаги ма-софадан жуда кичик ($d \ll S$) ва унинг чегаралари чексизликка узоқлаштирилган ($a, b \gg S$) бўлса, 1 ва 4 зондлар соҳасида қалинлик бўйича кучланиш тушувини ҳисобга олмаслик мумкин. Бундай ҳолда токнинг ва потенциалнинг тақсимотини икки ўлчамли деб қараш мумкин. Потенциалнинг цилиндрик симметрия бўйича тақсимланишини ҳисобга олсак, икки ўлчамли Лаплас тенгламасининг (азимут бурчаги θ ни ҳисобга олмаймиз).

$$\Delta\varphi = \frac{1}{r} \frac{d}{dr} \left(r \frac{d\varphi}{dr} \right) = 0 \quad (1.52)$$

ечимидан потенциал ифодаси

$$\varphi(r) = C_1 \ln r + A \quad (1.53)$$

кўринишни олади C_1 — интеграллаш доимийси, у электр майдон кучланганигининг $r=r_0$ да $E(r_0)$ га teng бўлишидан аниқланади. Агар заряд ташувчиларнинг концентра-



1.13-расм. Бир жинсли бүлмаган юпқа намуналарда солиширма қаршиликтин қалинлик бүйича тақсимотини ўлчаш.

цияси ва ҳаракатчанлиги қатlam қалинлиги бүйича у координатасига боғлиқ бўлса (1.13-расм) радиуси r , баландлиги d бўлган цилиндр сиртидан оқаётган тўла ток ифодаси

$$I = \int_0^d 2\pi r \cdot \vec{E} en(y) \mu(y) dy = 2\pi r \vec{E} \sigma_n = 2\pi r \frac{\vec{E}}{\rho_n} \quad (1.54)$$

бўлади. Бу ерда:

$$\sigma_n = \frac{1}{\rho_n} = \int_0^d en(y) \cdot \mu(y) dy \quad (1.55)$$

сирт солиширма ўтказувчанилиги, $\rho_n = \sigma_n^{-1}$ эса сирт солиширма қаршилиги деб юритилади.

Бир жинсли намуналарнинг ҳажмий солиширма қаршилиги, солиширма ўтказувчанилиги

$$\rho = \rho_n d; \quad \sigma = \sigma_n / d \quad (1.56)$$

билин аниқланади. Бу формула билан аниқланган каттагалик солиширма ўтказувчаниликтининг қалинлик бүйича ўрталашган қийматини беради. (1.53) ифодадаги C_1 интеграллаш доимийси (1.54) дан $r=r_0$ да аниқланган

$$E(r_0) = \frac{I\rho_n}{2\pi r_0} \quad (1.58)$$

ва

$$E(r_0) = -\frac{d\varphi}{dr} \Big|_{r=r_0} = -\frac{C_1}{r_0} \quad (1.59)$$

ифодаларнинг тенглигидан

$$C_1 = -\frac{I\rho_n}{2\pi} \quad (1.60)$$

билин аниқланишини кўрамиз

Шундай қилиб, (1.60) ни (1.53) га қўйсак, потенциал ифодаси

$$\varphi(r) = -\frac{I\rho_n}{2\pi} \ln r + A \quad (1.61)$$

бўлади. Бу ерда r ток зондлари, 1 ва 4 дан r_1 ва r_4 масофа-да жойлашган нуқта координаталари 1 ва 4 зондлардан ўтаётган мусбат ва манфий токлар ҳосил қилган 2 ва 3 зондлардаги потенциалларни (1.61) билан ҳисоблаб, $U_{23} = U_2 - U_3$ дан сирт солишишима қаршилиги ифодаси

$$\rho_n = \frac{\pi}{\ln 2} \cdot \frac{U_{23}}{I_{14}} \approx 4,532 \frac{U_{23}}{I_{14}} \quad (1.62)$$

кўринишда бўлишлигини топамиз. Бир жинсли юпқа қатламларнинг солишишима қаршилигини умумий ҳолда

$$\rho = \rho_n d = \frac{\pi d}{\ln 2} \cdot \frac{U_{23}}{I_{14}} = \frac{U}{I} \cdot d \cdot F_2^* \quad (1.63)$$

кўринишда ифодалаш мумкин. Агар намунадан ҳар хил комбинацияда уланган зондлар орқали ток ўтказилса, (1.63) формуладаги F_2^* коэффициент ҳар хил қийматлар қабул қилиши мумкин (1.1-жадвал). Масалан, 1 ва 2 ёки 3 ва 4 зондлардан ток ўтказиб, 3 ва 4 ёки 1 ва 2 зондлардан потенциаллар айирмаси ўлчанса, $F_2^* = 21,84$ бўлиши аниқланган.

Бир жинсли бўлмаган намуналарда сирт $\rho_n(Y)$ ва ҳажм бўйича солиширма қаршиликлар ρ (y) ни юпқа қатламларда қалинлик бўйича тақсимотини топиш учун қатлам қалинлиги ҳар бир ўлчовдан сўнг Δd га камайтириб борилади. Бир-биридан Δd га камайтириб ўлчангандан сирт солиширма қаршиликлари ρ_{n1} , ρ_{n2} орқали Δd га камайтирилган қатламнинг сирт солиширма қаршилигини ва у орқали ρ

$$\rho_n = \rho_{n1}\rho_{n2}/\rho_{n2} - \rho_{n1}; \quad \rho = \rho_n \Delta d \quad (1.64)$$


ифодалар билан ҳисобланади.

Юқорида кўрилган ҳолатда юпқа қатламнинг икки сирти изоляцияланган, яъни ток ўтказмайдиган тагликтаги юпқа қатлам деб фараз қилинган. Қалинлиги зондлар орасидаги масофалар тартибида, лекин зондлар жойлашган сирт ўлчамлар чексиз катта ($a, b \gg S$ ёки $D \gg S$) қатламларнинг, яъни пластинка (диск) шаклидаги намуналарнинг солиширма қаршилигини аниқлашда (1.62) формулага қалинликнинг таъсирини ҳисобга оладиган тузатиш функцияси киритилади ва у

$$\rho = \frac{\pi d}{\ln 2} \cdot \frac{U_{23}}{I_{14}} f(d/S) \quad (1.65)$$

формула орқали ҳисобланади.

Тузатиш функцияси $f(d/S)$ нинг қиймати жуда юпқа қатламларда, яъни $d/S \leq 0.4$ да бирга яқин (унинг $d/S \geq 0.4$ даги қийматлари 1.4-жадвалда келтирилган). Амалиётда кўп ҳолларда геометрик ўлчамлари чекланган юпқа қатламларда (доира ва пластина кўринишидаги намуналар) солиширма қаршиликни аниқлашга тўғри келади. Бу ҳолда кўзгуда тасвир усулини кўллаб, тузатиш функцияларининг ифодаси топилади. Тузатиш функцияси энг содда ҳоллар — тўғри тўртбурчак шаклидаги пластина, диск кўринишидаги шакллар учун ҳисобланган (1.14-расм). Томонлари a ва b бўлган тўғри тўртбурчакли юпқа ($d \ll S$) намунада зондлар катта томони (a)га параллел чизиқда жойлашган бўлса, солиширма сирт қаршилиги



1.14-расм. Геометрик үлчамлари чекланган юпқа ($d \ll S$) түғри тұртбұрчак (a), доира — диск (b) шаклидаги намуналарда зондларнинг жойланиши.

$$\rho_n = \frac{U_{23}}{I} \cdot f\left(\frac{a}{b} \cdot \frac{b}{S}\right) \quad (1.66)$$

диаметри D бўлган диск шаклидаги юпқа намунада эса (1.14б-расм)

$$\rho_n = \frac{U_{23}}{I} \cdot f\left(\frac{D}{S}\right) \quad (1.67)$$

формулалар билан ҳисобланади.

Тузатиш функцияси $f(D/S)$ зондлар диск марказидан ўтган чизикда ётса, куйидаги кўринишга эга бўлади


$$f(D/S) = \frac{\pi}{\ln 2 + \ln[(1 + 3(S/D)^2)/(1 - 3S^2/D^2)]} \quad (1.68)$$

Тузатиш функцияси $f(a/b, b/S)$ (b/S) нинг кичик қийматларида

$$f(a/b; b/S) \cdot \frac{S}{b} \approx f(a/b) \approx 1 \quad (1.69)$$

Шунинг учун (1.66) ни куйидагича ифодалаймиз:

$$\rho_n = \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot \frac{b}{S} \cdot f(a/b) \approx \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot \frac{b}{S} \quad (1.70)$$



1.15-расм. Квадрат учларига жойлаштирилган түрт зондли усули билан ρ -ни аниқлашни ток үтказмайдыган мұхит билан чегараланған намуналарда ток зондларини туташтирувчи қисық паралель (б) ва перпендикуляр (а) бұлған ҳол учун тузатиш функциялары қызметаси.

Бұндан солишиктерма сирт қаршилигининг тақрибий қийматини аниқлаш мүмкін. Тузатиш функцияларининг $f(a/b, b/S)$, $f(D/S)$, $f(a/b)$ сон қийматлари 1.5-жадвалда көлтирилген. Агар намуна ның ρ үлчамлари (эни, бүйі, қалинлиги d , диаметри D диск шаклидаги намуналарда) зондлар орасидағы масофа тартибида бұлса, унда икки тузатиш функцияларини $f(d/S)$ ва $f(a/b, b/S)$ ёки $f(D/S)$ ҳисобға олган ҳолда ρ аниқланади. Намуна түртбурчак шаклида бұлғанда эса

$$\rho = \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot \frac{\pi d}{\ln 2} \cdot f\left(\frac{d}{S}\right) \cdot f\left(\frac{a}{b}, b/S\right) \quad (1.71)$$

күренишиңи олади.

1.4-жадвал

d/S	0,4	0,5	0,714	1	1,25	1,4286	1,666	2
$f(d/S)$	0,9995	0,9974	0,9798	0,9214	0,849	0,7538	0,7225	0,6636

b/S D/S	$f(D/S)$	$f(a/b, b/S)$			
		$a/b=1$	$a/b=2$	$a/b=3$	$a/b \geq 4$
1,00				0,9988	0,9994
1,25				1,2467	1,2248
1,50			1,4788	1,4893	1,4893
1,75			1,7196	1,7238	1,7238
2,00			1,9454	1,9475	1,9475
2,50			2,3532	2,3541	2,3541
3,00	2,265	2,457	2,7000	2,7005	2,7005
4,00	2,929	3,114	3,2246	3,2248	3,2248
5,00	3,362	3,510	3,5750	3,5750	3,5750
2,50	3,927	4,0095	4,0361	4,0362	4,0362
10,00	4,172	4,2209	4,2357	4,2357	4,2357
15,00	4,365	4,3882	4,2947	4,3947	4,3947
20,00	4,436	4,516	4,4553	4,4553	4,4553
40,00	4,508	4,5120	4,5129	4,5129	4,5129
	4,532	4,5324	4,5324	4,5325	4,5325

Намуна диск күринишида бўлганда

$$\rho = \frac{U_{23}}{I_{14}} \cdot \frac{\pi d}{\ln 2} f\left(\frac{d}{S}\right) \cdot f\left(\frac{D}{S}\right) \quad (1.72)$$

бўлади. Квадрат учларига жойлаштирилган тўрт зондли усул билан ўлчангандек юпқа қатламларнинг солиштирма қаршилиги

$$\rho = \frac{U}{I} \cdot \frac{2\pi}{\ln 2} d = R_s d = G_s^* \frac{U}{I} d \quad (1.73)$$

формула билан аниқланади. Бу ердаги $R_s = \rho/d$ қатламнинг сирт қаршилиги деб номланади. Диаметри D бўлган доиравий намунада ρ ни ўлчашда зондлар доира марказида жойлашган бўлса, тузатиш функцияси:

$$G_S^* = 2\pi \left[\ln 2 + \ln \left(\frac{1 + 2S^2/D^2}{1 + 4S^2/D^2} \right) \right]^{-1} \quad (1.74)$$


1.5-§. Эпитаксиал, диффузион қатламларнинг солиширига қаршилигини тўрт зондли усул билан аниқлаш

Икки қатламли структураларда, масалан, таглик сиртида диффузия йўли билан олинган қатламни ёки тагликдан ўтказувчанинг катталиги ва тури билан фарқланган эпитаксиал қатламларнинг солиширига қаршиликларини, уларнинг қалинлик бўйича тақсимотини аниқлашда тўрт зондли усул қўлланилиши мумкин (1.16-расм).

Чегаралари чексизликка силжиган юпқа икки қатламли структура ($S > d_1, d_2$) ток зондларига нисбатан параллел уланган занжир ҳосил қиласди. Демак, 1 ва 4 зондлардан ўтаётган токнинг бир қисми I_1 биринчи қатламдан, I_2 қисми иккинчи қатламдан ўтади, яъни

$$I = I_1 + I_2 \quad (1.75)$$

$$U = I_1 \rho n_1 \frac{\ln 2}{\pi} = I_2 \rho n_2 \frac{\ln 2}{\pi} \quad (1.76)$$



1.16-расм. Солиширига қаршиликин тўрт зондли усул билан ўлчаш мумкин бўлган эпитаксиал структура турлари.

Бу ерда: ρ_{n1}, ρ_{n2} — солишири ма сирт қаршилиги. Иккинчи ифода параллел уланган занжирдаги кучланишни, 2 ва 3 зондлардаги потенциаллар айирмасини беради. Бу икки формуладан $\rho_1 = \rho_{n2} d_1$, $\rho_2 = \rho_{n2} d_2$ эканлиги ҳисобга олинганда

$$(\sigma_1 d_1 + \sigma_2 d_2)^{-1} = (d_1/\rho_1 + d_2/\rho_2)^{-1} = \frac{\pi}{\ln 2} \cdot \frac{U}{I} \quad (1.77)$$

тенгликни топамиз. Агар қатламлардан бирини ўтказувчанлиги жуда катта, масалан, биринчи юпқа қатламники $d_1 \sigma_1 \gg d_2 \sigma_2$ бўлса, иккинчи қатлам структурада токнинг ўтишига таъсир этмайди. Бундай ҳолда ўлчанган солишири ма қаршилик биринчи қатламга тегишли бўлиб, (1.51) орқали аниқланади:

$$\rho_1 = \frac{U}{I} \cdot \frac{\pi d_1}{\ln 2} \quad (1.78)$$

Юпқа эпитаксиал қатлам ва таглик икки хил тур ўтказувчанликка эга бўлса, чегарада ҳосил бўлган $p-n$ ўтиш токнинг ости қатлам орқали ўтишига тўсқинлик қиласиди. Демак, тўрт зондли усул $p+p$, $n+n$ структураларда, яъни тагликнинг солишири ма қаршилиги эпитаксиал қатламнидан камида юз марта катта бўлган ҳолларда $p-n$, $n-p$ туридаги структураларда солишири ма қаршиликни аниқлашда қўлланилиши мумкин ва юқорида кўрилган икки қатламли структураларда диффузион, эпитаксиал қатламнинг солишири ма қаршиликлари юпқа намуналар учун ўринли бўлган формула билан ҳисобланади.

1.6-§. Солишири ма қаршиликни тўрт зондли усул билан ўлчашдаги хатоликлар

Тўрт зондли усул билан ўлчашдаги хатоликлар солишири ма қаршиликни ўлчашнинг физик моделининг назарияда қабул қилинган моделидан фарқли бўлиши формулага кирган катталикларни ўлчаш, ўлчаш шарти ва тартибига боғлиқ бўлган тасодифий, мунтазам хатоликлар орқали аниқланади. Бу хатоликлар манбайнин гўриб чиқайлик.

1. Зонд контакти юзасининг киритган хатолиги

Маълумки, солиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан ўлчашнинг физик асоси-назарияси кўрилган вақтда яrimўтказгич билан зонд нуқтавий контакт ҳосил қилади, деб қабул қилинган эди. Амалиётда бу шарт ҳеч вақт бажарилмайди, чунки контактнинг маълум юзачага эга бўлиши ўлчов натижасига мунтазам хатолик киритади. Ток ёки потенциал зондлари яrimўтказгич билан контактлашганда радиуси r бўлган доирача ҳосил қилса, унинг киритган хатолиги $(r/S)^2$ билан аниқланади. Хатоликнинг ишораси ва катталиги зондлардан қайси бирида контактнинг нуқтавий бўлиш шарти бажарилмаслиги билан аниқланади. Зондлар бир чизикда ётган ҳолда зонд контакт юзачаси потенциал зондлардан бирида пайдо бўлса, нисбий хатолик

$$\delta = \frac{\Delta\rho}{\rho} = \left(-\frac{1}{2} \ln 2\right) \ln \left[\left(2 + \frac{r^2}{S^2}\right) / \left(2 - \frac{r^2}{S^2}\right) \right] \quad (1.79)$$

формула билан аниқланади. Агар ток зондларидан бирида контактни нуқтавий бўлиш шарти бажарилмаса, нисбий хатолик

$$\delta = \left(\frac{1}{2} \ln 2\right) \cdot \ln \left[\left(6 - \frac{r^2}{S^2}\right) / \left(6 - \frac{2r^2}{S^2}\right) \right] \quad (1.80)$$

ифода билан аниқланади. Зондлар томони S бўлган квадрат учларига жойлашган ҳолда потенциал ёки ток зондларидан бирида контакт юзачага эга бўлса, мунтазам хатолик қуидагича аниқланади:

$$\delta = \left(-\frac{1}{2} \ln 2\right) \cdot \ln \left[2 \left(1 + \frac{r^4}{S^4}\right) / \left(1 + \left(1 - \frac{r^2}{S^2}\right)^2\right) \right] \quad (1.81)$$

Тўртта зонднинг ҳаммасида контакт нуқтавий бўлмаса, умумий хатолик юқоридаги формулалар орқали аниқланган хатоликлар йигиндиси билан ифодаланади.

Бу ерда: ρ_{n1}, ρ_{n2} — солишиштирма сирт қаршилиги. Иккинчи ифода параллел уланган занжиридаги кучланишни, 2 ва 3 зондлардаги потенциаллар айирмасини беради. Бу икки формуладан $\rho_1 = \rho_{n2} d_1$, $\rho_2 = \rho_{n2} d_2$ әканлиги ҳисобга олинганды

$$(\sigma_1 d_1 + \sigma_2 d_2)^{-1} = (d_1/\rho_1 + d_2/\rho_2)^{-1} = \frac{\pi}{\ln 2} \cdot \frac{U}{I} \quad (1.77)$$

тengликни топамиз. Агар қатламлардан бирини ўтказувчанлиги жуда катта, масалан, биринчи юпқа қатламники $d_1 \sigma_1 \gg d_2 \sigma_2$ бўлса, иккинчи қатлам структурада токнинг ўтишига таъсир этмайди. Бундай ҳолда ўлчанган солишиштирма қаршилик биринчи қатламга тегишли бўлиб, (1.51) орқали аниқланади:

$$\rho_1 = \frac{U}{I} \cdot \frac{\pi d_1}{\ln 2} \quad (1.78)$$

Юпқа эпитаксиал қатлам ва таглик икки хил тур ўтказувчанликка эга бўлса, чегарада ҳосил бўлган $p-n$ ўтиш токнинг остки қатлам орқали ўтишига тўсқинлик қиласди. Демак, тўрт зондли усул $p+p$, $n+n$ структураларда, яъни тагликнинг солишиштирма қаршилиги эпитаксиал қатламнидан камида юз марта катта бўлган ҳолларда $p-n$, $n-p$ туридаги структураларда солишиштирма қаршиликни аниқлашда қўлланилиши мумкин ва юқорида кўрилган икки қатламли структураларда диффузион, эпитаксиал қатламнинг солишиштирма қаршиликлари юпқа намуналар учун ўринли бўлган формула билан ҳисобланади.

1.6-§. Солишиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан ўлчашдаги хатоликлар

Тўрт зондли усул билан ўлчашдаги хатоликлар солишиштирма қаршиликни ўлчашнинг физик моделининг назарияда қабул қилинган моделидан фарқли бўлиши формулага кирган катталикларни ўлчаш, ўлчаш шарти ва тартибиға боғлиқ бўлган тасодифий, мунгизам хатоликлар орқали аниқланади. Бу хатоликлар манбани гўриб чиқайлик.

1. Зонд контакти юзасининг киритган хатолиги

Маълумки, солиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан ўлчашнинг физик асоси-назарияси кўрилган вақтда яримўтказгич билан зонд нуқтавий контакт ҳосил қилади, деб қабул қилинган эди. Амалиётда бу шарт ҳеч вақт бажарилмайди, чунки контактнинг маълум юзачага эга бўлиши ўлчов натижасига мунтазам хатолик киритади. Ток ёки потенциал зондлари яримўтказгич билан контактлашганда радиуси r бўлган доирача ҳосил қилса, унинг киритган хатолиги $(r/S)^2$ билан аниқланади. Хатоликнинг ишораси ва катталиги зондлардан қайси бирида контактнинг нуқтавий бўлиш шарти бажарилмаслиги билан аниқланади. Зондлар бир чизикда ётган ҳолда зонд контакт юзачаси потенциал зондлардан бирида пайдо бўлса, нисбий хатолик

$$\delta = \frac{\Delta\varphi}{\rho} = \left(-\frac{1}{2} \ln 2 \right) \ln \left[\left(2 + \frac{r^2}{S^2} \right) / \left(2 - \frac{r^2}{S^2} \right) \right] \quad (1.79)$$

формула билан аниқланади. Агар ток зондларидан бирида контактни нуқтавий бўлиш шарти бажарилмаса, нисбий хатолик

$$\delta = \left(\frac{1}{2} \ln 2 \right) \cdot \ln \left[\left(6 - \frac{r^2}{S^2} \right) / \left(6 - \frac{2r^2}{S^2} \right) \right] \quad (1.80)$$

ифода билан аниқланади. Зондлар томони S бўлган квадрат учларига жойлашган ҳолда потенциал ёки ток зондларидан бирида контакт юзачага эга бўлса, мунтазам хатолик қуйидагича аниқланади:

$$\delta = \left(-\frac{1}{2} \ln 2 \right) \cdot \ln \left[2 \left(1 + \frac{r^4}{S^4} \right) / \left(1 + \left(1 - \frac{r^2}{S^2} \right)^2 \right) \right] \quad (1.81)$$

Тўртта зонднинг ҳаммасида контакт нуқтавий бўлмаса, умумий хатолик юқоридаги формулалар орқали аниқланган хатоликлар йигиндиси билан ифодаланади.

2. Зондлар орасидаги масофанинг тақрорланмаслиги билан боғлиқ хатолик

Зондлар орасидаги масофанинг тақрорланмаслиги со- лиштирма қаршиликни аниқлашда мунтазам хатоликлар киритади. Ҳар бир зондлар ҳолати яримўтказгичда бир- бирига боғланмаган ҳолда ўртача квадратик хатолик билан ΔS га силжиса, қаршиликни ўлчашдаги тасодифий хатолик зондлар орасидаги масофалар teng ва ишончилик экътимоли 0,95 бўлган ҳолда ҳажмий намуналар учун

$$\delta \approx \frac{\Delta\rho}{\rho} = 2,06 \left(2 \frac{\Delta S}{S} \right) \quad (1.82)$$

бўлади. Солиштирма қаршилик юпқа қатламларда ўлчан- ганда зондлар орасидаги масофанинг ўзгариши билан боғлиқ тасодифий хатолик

$$\delta \approx \frac{\Delta\rho}{\rho} = \frac{\sqrt{5}}{2 \ln 2} \left(2 \frac{\Delta S}{S} \right) \quad (1.83)$$

формула орқали аниқланади.

3. Кучланишини ўлчашдаги хатолик

Тўрт зондли усул билан солиштирма қаршиликни аниқлашда кучланишини ўлчашдаги асосий хатолик потенциал зондларининг контакт қаршилиги билан боғлиқдир. Кон- такт қаршилиги германий ва кремнийларда потенциал зондлар орасидаги намуна қаршилигидан $10^3 \div 10^4$ марта катта бўлиши мумкин. Потенциал зондларнинг контакт қаршилигига тушадиган кучланишин йўқотиш учун 2 ва 3 потенциал зондлар орқали ўтадиган токни йўқотиш керак. Бунинг учун кириш (ички) қаршилиги катта бўлган вольтметрлар (электрометрлар) қўлланилади ёки компенсация усули билан кучланиш ўлчанади.

4. Токнинг киритган хатолиги

Намунадан ток ўтганда у қизийди. Бу эса солиштирма қаршиликнинг ўзгаришига олиб келади. Қаршиликнинг температура коэффициенти кремнийда 0,009 К гача ети-

ши мүмкін. Ток зондларининг контакт қаршиликлари натижасида намунада зондлар чизиги бүйича температура градиенти ва потенциал зондларда құшымча потенциаллар айирмаси (термик электр юритувчи күч) пайдо бўлиши мүмкін. Бу хатолик манбайни йўқотиш учун солишиштирма қаршиликни аниқлашда токнинг кичик қийматларида ва токнинг икки йўналишида ўлчаш ўтказилади. Бу икки ўлчов натижаларининг ўртачаси олинади. Яримўтказгич намуналарида солишиштирма қаршилик аниқлананётганда, унинг қизимаслиги учун солишиштирма қаршиликнинг катталигига қараб токнинг маълум бир қийматида (оптималь ток қийматларида) ўлчаш тавсия қилинади. 1.6-жадвалда кремний намуналарининг солишиштирма қаршиликларини ўлчашда қўлланилаётган ток қийматлари келтирилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, баъзан юқори Ом ли кремний намуналарида ($1000 \div 10000$ Ом. см) токнинг кичик соҳасида ($I > 0,3$ mA) солишиштирма қаршиликнинг токка боғлиқлиги кузатилган. Буни кичик ток соҳасида намунада киришмалар текис тарқалмаганлиги — флюктуацияси натижасида пайдо бўлган ички майдоннинг ташки майдондан катталиги билан тушунтирилади. Шунинг учун юқори Ом ли намуналарда ток $1\text{mA} > I > 0,3\text{mA}$ оралиғида ўлчанади, бу билан намунанинг қизиши камайтирилади.

1.6-жадвал

ρ , Ом·см	0,012	$0,008 \div 0,6$	$0,4 \div 60$	$40 \div 1260$	800
I , mA	100	10	1	0,1	0,01

5. Kontakt қаршилиги билан боғлиқ хатолик

Зонд билан яримўтказгич орасидаги контакт қаршилиги тўрт зондли усулнинг қўлланилишини чегараловчи энг асосий омиллардан биридир. Тақиқланган зона кенглиги катта бўлган A_2B_6 ва A_3B_5 турдаги яримўтказгичларда сиқиб қўйиладиган зондлар ҳосил қилган контакт қаршилиги шундай катта бўлиши мүмкінки, бунда тўрт зондли усул ишламайди.

Баъзи бир ҳолларда бу қийинчиликни енгишда заряд-ланган сифимни зонд-яримұтказгич орқали зарядсизлаш күлланилади, бу билан контактта ишлов берилади. Натижада контакт қаршилиги камайтирилади, металл- яримұтказгич орасидаги потенциал түсиқ йүқотилади. Контакт қаршилиги билан металл-яримұтказгич орасидаги потенциал түсиқ билан боғлиқ бұлған хатоликни камайтириш учун металл зондга ишлатиладиган материалнинг қаттиқлиги яримұтказгичнидан катта бўлиши керак.

Зонд материаллари сифатида диаметри $D=0,05\pm0,5$ мм бўлған вольфрам, карбид вольфрам симлари ишлатилади. Зондларнинг учлари одатда 45° дан 150° гача бурчак билан чархланади. С2080 маркали зондлар қурилмасида ҳар бир зондга қўйилган куч $1,75\pm0,25$ Н га тўғри келади, зондлар орасидаги масофа $1,3\pm0,01$ мм. С2171, зондлар қурилмасида зондлар орасидаги масофа $0,75\pm0,008$ мм, ҳар бир зондга қўйилган ўртача сиқиши кучи $0,7\pm0,07$ Н. Бу қурилмалар билан сирт қаршилигини $0,1$ дан 10^5 Ом оралиқда $\pm4,5\%$ хатолик билан ўлчаш мумкин.

6. Солиширма қаршиликтининг температурага боғлиқлиги

Солиширма қаршиликтининг температурага боғлиқлиги билан боғланган мунтазам хатоликларни йўқотиш учун ўлчов вақтида температура назорат қилиб борилади. T — температурада солиширма қаршилик $\rho(T)$ ни билган ҳолда шартли белгиланган T_0 — температурага мос келадиган қийматга

$$\rho(T_0)=\rho(T)[1-C_T(T-T_0)] \quad (1.84)$$

формула орқали келтирилади. Бу ерда: C_T — солиширма қаршиликтининг температура (термик) коэффициенти бўлиб, у яримұтказгичларнинг турига, киришмаларнинг табиатига ва концентрацияларига боғлиқ. $n-p$ — тур кремнийнинг термик коэффициентининг солиширма қаршилика боғлиқлиги ($291-288$ К температура оралиғида) 1.7-жадвалда келтирилган.

ρ , Ом·см	0,006	0,01	0,1	1	10	100	1000
$C_t(n\text{-тип})$	0,002	-0,00022	0,0486	0,00736	0,00813	0,0083	0,0083
$C_t(p\text{-тип})$	0,0016	0,0031	0,0372	0,00707	0,00825	0,00862	0,009

7. Икки қатламли структураларда ρ ни ўлчашда учрайдиган хатоликлар

Эпитаксиал қатламларнинг солиширма қаршилигини аниқлашда уларнинг хусусияти билан боғлиқ бир қанча хатоликлар пайдо бўлиши мумкин. Эпитаксиал қатламда солиширма қаршилик ўлчанаётганда p - n ва n - p структураларда p - n ўтишнинг ҳажмий заряд соҳаси кенгаяди. Эпитаксиал қатламнинг солиширма қаршилиги таглиникидан катта бўлганда ҳажмий заряд соҳасининг кенгайиши эпитаксиал қатлам томонга бўлади. Бу ҳодисани ҳисобга олмай (1.62) ва (1.63) формулалар билан солиширма қаршилик ҳисобланганда, унинг қиймати орттириб ўлчанганд бўлади. Юқори Ом ли, юпқа эпитаксиал қатламларни ўлчашда бу хатолик $10 \div 20\%$ га етиши мумкин.


8. Изоляцияловчи p - n ўтиш орқали ток ўтишдаги хатолик

Зондлардан ўтаётган токнинг кўпайиши p - n ўтишга қўйилган тескари кучланишни орттиради, натижада ҳажмий заряд соҳасидаги электр майдон кучланганлиги ўсади. Бу шароитда p - n ўтишини изоляция қилиш хоссаси токнинг маълум қийматигача сақланади. Токнинг катта қийматларида ҳажмий заряд соҳаси орқали таглиқдан ток ўта бошлайди. Аниқланишича, солиширма қаршилиги $0,1 \div 2$ Ом·см, қалинлиги $0,9 \div 4$ мкм n -тип эпитаксиал

қатлам, солищтирма қаршилиги $\rho=10$ Ом · см p — типли тагликка үтказилған бұлса, унда эпитаксиал қатламнинг қаршилиги үлчанаёттанда $p-n$ үтиш орқали шунтланмаслиги учун сирт қаршилигининг 5% ўзгариш соҳасида потенциал зондлардаги кучланиш 100 мВ, сирт қаршилигининг 2% ўзгариш соҳасида 50 мВ бўлиши керак.

9. Зондларга қўйилган босим кучининг киритган хатолиги

Юпқа эпитаксиал қатламларнинг солищтирма қаршилигини үлчашда металл зонд билан эпитаксиал қатламнинг тешилиши ва тагликда шунтланиш кучайиши мумкин. Бу ҳодиса содир бўлмаслиги учун зондга қўйилган кучни кичик қилиб танлаш керак. Зондга қўйилган ўртача кучланиш $0,3 \div 0,03$ Н бўлиши тавсия этилади. Зондга қўйилган кучни бундан кам бўлиши зонд контакт қаршилигини оширади, бу эса ўлчов асблорининг кириш қаршилигини оширишни талаб қиласади. Эпитаксиал қатламларда юқорида кўрилган омиллар унинг сирт қаршилигини токка боғлиқ бўлишига олиб келади (1.17-расм). Бу боғланиш графигини бешта соҳага ажратиш мумкин. 1-соҳада ток ортиши билан сирт қаршилигининг камайиши, зонд яримүтказгич орасидаги потенциал тўсиқнинг камайиши ва потенциал контактлари қаршилигининг




1.17-расм. Эпитаксиал қатламларда сирт қаршилигини зондлардан оқаётган токка боғлиқлиги.

ошиши билан тушунтирилади. Агар $R_{\text{кир}} \gg R_{k1} + R_{k2}$ тенгсизлик бажарилмаса R_{k1} ва R_{k2} ларнинг токка боғлиқлиги 1-соҳани пайдо қиласи. Агар зондлардаги босим ортирилса ва вольтметрнинг кириш қаршилигининг каттаси олинса, 1-соҳа йўқолиши мумкин. 2-соҳада R_s — сирт қаршилиги токка боғлиқ эмас. Бу соҳада $R_{\text{кир}} \gg R_{k1} + R_{k2}$ бўлганда энг катта аниқлик билан солиштирма қаршилик үлчанади. Бу тенгсизлик бажарилмаса, 2-соҳада мунтазам равишда хатолик пайдо бўлиб, у $R_{k1} + R_{k2}/R_{\text{кир}}$ катталик билан аниқланади. 3-соҳанинг пайдо бўлиши изоляцияловчи $p-n$ ўтиш орқали ток сирқиши билан боғлиқ. Сирт қаршилигининг ошиши 4-соҳада $p-n$ ўтишнинг ҳажмий заряд соҳаси кенгайиши билан боғлиқ. 5-соҳада R_s -нинг тез камайиши ток (бир қисми)нинг таглик орқали ўтиши шунтланиши билан боғлиқдир.

1.7-§. Ван-дер-Пау усули билан солиштирма қаршиликни ўлчаш

Исталган геометрик шаклга эга бўлган пластина кўринишидаги яrimутказгичли намуналарнинг солиштирма қаршилигини тўрт зондли усулнинг бир кўриниши бўлган Ван-дер-Пау усули билан ўлчаш мумкин (1.18-расм). Бу усулнинг қулийлиги шундан иборатки, ясси намуна ён



1.18-расм. Ван-дер-Пау усули билан солиштирма қаршиликни ўлчашда чизиқли A, B, C, D контактларни (оригиналда) асл нусхада (a), ясси яrimчексиз пластинада (аксида) M, N, O, P контактларнинг жойланиши (b).

сиртига түртта A , B , C , D нүқтавий (ёки чизиқли) контакт олиниб, A ва B контактлардан ток ұтказилади, C ва D контактлар орасидаги потенциаллар айрмаси ұлчанади. Сүнг эса A ва D контактлардан ток ұтказилади. B ва C контактлар орасидаги күчланиш ұлчаниб

$$R_1 = \frac{U_{CD}}{I_{AB}} = R_{ABCD} \text{ ва } R_2 = \frac{U_{BC}}{I_{AD}} = R_{ADBC}$$

қаршиликлар ҳисобланади. R_1 ва R_2 қаршиликтарни билгандыңда солищтирма қаршилик

$$\rho = \frac{\pi d}{\ln 2} \cdot \frac{R_1 + R_2}{2} \cdot f(R_1/R_2) \quad (1.85)$$

формула билан аниқланади. Бу ерда: $f(R_1/R_2)$ — қаршиликлар нисбатига боғлиқ бұлған тузатиш функциясы, d — намунанинг қалинлиги. Тузатиш функцияси

$$ch\left[\frac{R_1/R_2}{R/R_2+1} \cdot \frac{\ln 2}{f(R_1/R_2)} \right] = \frac{1}{2} \exp\left(\frac{\ln 2}{f(R_1/R_2)} \right) \quad (1.86)$$

тенгламани қаноатлантиради, (R_1/R_2) — нинг ҳар хил қийматларидаги $f(R_1/R_2)$ — нинг натижалари 1.9-жадвалда көлтирилған. Жадвал таҳлилидан күрінады, R_1/R_2 нисбатынан $0,7 \leq R_1/R_2 \leq 1,5$ оралиғида $f(R_1/R_2) \approx 1$. Тұғри геометрик шактадаги, масалан, квадрат, доира күрінишидағы намуналарда контактлар симметрик жойлаштирилған ҳолда $R_1=R_2$ ва $f(R_1/R_2)=1$ бўлиб, солищтирма қаршиликни 2% дан кам хатолик билан ұлчаш мумкин. Қаршиликтар нисбати $R_1/R_2 \approx 1$ бўлганда тузатиш функциясини

$$f(R_1/R_2) = 1 + \left(\frac{R_1 - R_2}{R_1 + R_2} \right)^2 \frac{\ln 2}{2} - \left(\frac{R_1 - R_2}{R_1 + R_2} \right)^4 \left[\left(\frac{\ln 2}{2} - \frac{\ln 2}{12} \right)^3 \right] \quad (1.87)$$

билан ҳисоблаш мумкин. Ван-дер-Пау усулининг назарияси конформ акслантириш назариясига асосланған.

Конформ акслантириш назариясига кўра, исталган шаклдаги бир аргумент билан боғланган (односвязанную) ёпик D -соҳани яримчексиз ясси текислик D' — соҳага алмаштириш мумкин. Бунда асл намунанинг (оригиналнинг) A, B, C, D контактларига уларнинг акси бўлган M, N, O, P контактлар мос келади (1.18-расм). Бундай алмаштиришда асл нусхадаги ва намуна акси бўлган яримчексиз ясси пластина контактлари орасидаги кучланиш бир хил бўлади, яъни

$$U = (E \cdot r) = \frac{\rho Ir}{d\pi r} = \frac{\rho' I'}{\pi d'} \frac{r}{r} \quad (1.88)$$

Бу ерда: E электр майдон кучланганлиги

$$E = j\rho = \frac{I}{\pi r d} = \frac{I'}{\pi r d'} = -\frac{d\phi}{dr} \quad (1.88a)$$


Бу ифода (1.88) дан

$$R_{ABCD} \cdot \frac{d}{\rho} = R_{MNOP} \frac{d'}{\rho'}; \quad R_{ADBC} \cdot \frac{d}{\rho} = R_{NOMP} \frac{d'}{\rho'} \quad (1.89)$$

тengликларни олиш мумкин. ρ, d — ўлчанаётган намунанинг солиштирма қаршилиги ва қалинлиги. ρ', d' — тасвирнинг солиштирма қаршилиги ва қалинлиги. (1.89) даги tengликлар конформ алмаштиришга нисбатан инвариантлик хоссасини ифодалайди.

Тасвирни яримчексиз ясси текислик (пластина) куринишида бўлиши, чизиқли ток манбаларининг ҳосил қилган потенциаллари ва токи цилиндрик симметрия қонуни билан тақсимланишига олиб келади. Шунинг учун чизиқли ток манбаларининг г масофадаги потенциали майдон кучланганлигининг (1.88a) ифодасини интеграллашдан тасвирда жойлашган г масофадаги нуқтанинг потенциали топилади

$$\varphi'(r) = -\frac{I\rho'}{\pi d'} \ln r + A \quad (1.90)$$



1.19-расм. Радиуси r_0 бўлган яримсферик зонд орқали намунадан ток ўтганда потенциал тақсимотни ҳисоблашга чизма (а), намунада тарқалган қаршиликни ўлчашнинг икки (а) ва уч (б) зондли усууллари схемалари.

Биринчи I^+ ток манбаидан r_1 , иккинчи I^- ток манбаидан r_2 масофада бўлган нуқтанинг потенциали (1.18-расм) ток манбаларининг ишораларини ҳисобга олганда (1.90)

$$\begin{aligned}\varphi'(r) = \varphi(r_1) + \varphi(r_2) &= -\frac{I_p'}{\pi d'} \ln r_1 + \frac{I_p'}{\pi d'} \ln r_2 + A = \\ &= \frac{I_p'}{\pi d'} \ln \left(\frac{r_2}{r_1} \right) + A\end{aligned}\quad (1.91)$$

бўлишлигини кўрамиз. Демак, яримчексиз текисликда исталган нуқтадаги потенциални топиш икки ток манбаидан иборат бўлган тизимда потенциални аниқлаш масаласига боғлиқ экан. (1.91) формуладан фойдаланиб, M ва N контактларидан ток ўтганда O ва P контактларда ҳосил қилинган φ_p , φ_o потенциалларни ва улар асосида O ва P контактлар орасидаги потенциаллар айримасининг

$$U_{op} = \varphi_p - \varphi_o = -\frac{I'_{MN} \rho'_n}{\pi d'} \ln \left(\frac{(b+c+a)d}{(a+b)(b+c)} \right) \quad (1.92)$$

ва ундан R_{MNO_P} қаршиликнинг

$$R_{MNO_P} = \frac{U_{op}}{I'_{MN}} = -\frac{\rho'_n}{\pi d'} \ln \left(\frac{b(a+b+c)}{(a+b)(b+c)} \right) \quad (1.93)$$

ифодасини топамиз. A ва D контактлар акси (тасвири) бўлган M ва P контактлардан ток ўтказиб, N ва O контактлардаги потенциаллар (φ_N, φ_O) ни, улар орқали эса O ва N контактлар орасидаги потенциаллар айирмасини

$$U_{ON} = \varphi_O - \varphi_N = -\frac{I'_{MP}\rho'}{\pi d'} \ln \left(\frac{ac}{(a+b)(b+c)} \right) \quad (1.94)$$

ва ундан R_{MPN} қаршиликни аниқлаймиз

$$R_{MPNO} = \frac{U_{ON}}{I'_{MP}} = -\frac{\rho'}{\pi d'} \ln \left(\frac{ac}{(a+b)(b+c)} \right) \quad (1.95)$$

(1.93) ва (1.95) формулалардаги логарифм остидаги ҳадлар йиғиндиси бирга тенг бўлишлигини, яъни

$$l^{-\frac{\pi d'}{\rho'} R_{MNOP}} + l^{-\frac{\pi d'}{\rho'} R_{MPNO}} = 1 \quad (1.96)$$

ифода билан аниқланишини кўрамиз. Инвариантлик хоссаси (1.89) га кўра тасвиридан оригиналга ўтсак, (1.96) куйидагича бўлади:

$$l^{-\frac{\pi d'}{\rho'} R_1} + l^{-\frac{\pi d'}{\rho'} R_2} = 1 \quad (1.97)$$

(1.97) да R_1 ва R_2 ларнинг ўрнига

$$R_1 = \frac{1}{2} [(R_1 + R_2) + (R_1 - R_2)] \quad (1.98)$$

$$R_2 = \frac{1}{2} [(R_1 + R_2) - (R_1 - R_2)]$$

кўйилса,

$$ch \left[\frac{\pi d}{\rho} \cdot \frac{R_1 - R_2}{2} \right] = \frac{1}{2} \exp \left(\frac{\pi d}{\rho} \cdot \frac{R_1 + R_2}{2} \right) \quad (1.99)$$

кўринишга келади. Бунда

$$\frac{\pi d}{\rho} \cdot \frac{R_1 + R_2}{2} = \frac{\ln 2}{f(R_1/R_2)} \quad (1.100)$$

белгилаш билан (1.99) формулани (1.86) кўринишда бўлган тузатиш функцияси f нинг tenglamасини оламиз. Бу ерда, $f(R_1/R_2)$ қаршиликлар нисбати R_1/R_2 га боғлиқ бўлган (юқорида келтирилган) тузатиш функцияси. (1.100) ифодадан юқорида келтирилган солиширма қаршиликни Ван-дер-Пау усули билан ҳисоблаш формуласи келиб чиқади. Бу усул билан солиширма қаршиликни ўлчашда одатда намунанинг ён сиртида Ом контактлари манипуляторга ўрнатилган тўртта йўналтирувчи учларига ўрнатилган қирраси чархланган тантал, карбид вольфрамнинг пластинкалари контактлаштириб олинади. Ҳар бир зонд намунанинг ён қиррасига пружина билан сиқилади, шу билан бирга, сиқиш кучини бошқариш мумкин. Солиширма қаршиликни Ван-дер-Пау усули билан ўлчашдаги хатолик контакт юзасини катталашиши билан ортиб боради. Диск шаклидаги пластинкаларда контактнинг жойланишига ва ўлчовига боғлиқ хатолик назарий ҳисобланган. Баъзи бир ҳоллар учун хатолик 1.8-жадвалда келтирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу усулни автоматлаштириш қулайдир. Бу усулга асосланган доира, квадрат, тўғри тўртбурчак шаклидаги қалинлиги $d=80 \div 1000$ мкм, солиширма қаршилиги $\rho=10^{-2} \div 100$ Ом · см оралиқда бўлган пластинкаларнинг солиширма қаршилигини ўлчайдиган автоматик курилма ясалган, намуналарни ρ бўйича 4% хатолик билан 10 та гуруҳга ажратади, солиширма қаршилиги эталондан $\pm 20\%$ га фарқ қилганларини яроқсиз намунага чиқаради.

Энди ρ -ни ўлчашнинг икки комбинацияли тўрт зондли усулини кўрайлик. Кўп ҳолларда яримўтказгич намуналарнинг физик хоссаларини аниқ ўлчаш зарурияти туфилади. Бунга бир жинсли яримўтказгич қатламларда сирт қаршилигини юза бўйича тақсимотини тадқиқот қилишни кўрсатиш мумкин. Баъзан ўлчашнинг тасодифий хатолиги сирт қаршилигининг ўзгаришига тенг бўлиб қолиши мумкин ва текширилаётган намунанинг бир жинслилиги тўгрисида мавжуд бўлган маълумотларни олиш мумкин бўлмай қолади.


1.8-жадвал

Контакт шакли			
Нисбий хатолик	$0,77(l/D)^2$	$3,09(l/D)^2$	$8,14(l/D)^2$

1.9-жадвал

R_1/R_2	$f(R_1/R_2)$	R_1/R_2	$f(R_1/R_2)$	R_1/R_2	$f(R_1/R_2)$
1	1	4	0,882	12	0,7
1,2	0,995	4,5	0,865	14	0,675
1,4	0,990	5,0	0,847	16	0,650
1,6	0,985	5,5	0,830	18	0,625
1,8	0,975	6,0	0,815	20	0,610
2,0	0,970	7,0	0,800	25	0,57
2,2	0,963	8,0	0,790	30	
2,4	0,955	8,5	0,765	35	
2,6	0,945	9,0	0,757		
2,8	0,935	9,5	0,747		
3,0	0,925	10	0,730		

Түрт зондли усулларда зондлар орасидаги масофанинг тақрорланмаслигини йўқотиш қийин бўлган тасодифий хатолик манбаларидан бири бу намуна ўлчовларини зондлар жойланишининг таъсирини ҳисобга олган тузатиш функциясининг сон қийматларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган хатоликдир. ρ -ни ўлчашда икки комбинацияли тўрт зондли усул кўрсатилган хатоликларни чеклайди.



1.20-расм. Бир чизиқда жойлашган ўзаро масофалари тенг бўлган тўртта зонд билан икки марта ўлчаш.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бир чизиқда жойлашган, зондлар орасидаги масофалари тенг бўлган тўртта зонд билан икки марта ўлчазилади.

1 ва 4 зондлардан ток ўтказиб, 2 ва 3 зондларда кучланиш ўлчанади. Иккинчи галда 1 ва 3 зондлардан ток ўтказиб, 2 ва 4 зондларда кучланиш ўлчанади (1.20-расм) ва уларга мос келган қаршилик ҳисобланади:

$$R_1 = \frac{U_{23}}{I_{14}}; \quad R_2 = \frac{U_{24}}{I_{13}}$$

Юқорида аниқланганидек, пластина кўринишидаги юпқа намуналарнинг сирт солиштирма қаршилиги (1.62) формула каби

$$\rho_n = \frac{\pi}{\ln 2} \cdot \frac{U_{23}}{I_{14}} = \frac{\pi}{\ln 2} \cdot R_1 \quad (1.101)$$

орқали аниқланади. Агар намуна ўлчамлари чекли ва намуна тўғри геометрик шаклда бўлса, (1.101) га тузатиш функцияси киритилиши лозим бўлади, яъни

$$\rho_n = \frac{\pi}{\ln 2} R_1 G^* \quad (1.102)$$

G* — тузатиш функцияси. **G*** — намуна нинг геометрик ўлчамларига, зондлар чизигининг намуна симметрия

Үқларига нисбатан қандай жойлашишига, ток ва потенциал зондларининг қандай уланишига боғлиқ бўлган туazziш функцияси. Пластина шаклидаги намуналарни бир чизикда жойлашган тўртта зонд икки қисмга бўлади. Бу намуналарнинг ҳар бирини Ван-дер-Пау усули билан ρ ни ўлчашда намунани (оригинални) конформ акслантирилгани деб қарааш мумкин (1.18-расм). Шунинг учун бу ерда ҳам (1.100) ифода ўринли бўлади. Тўртта зонд бир чизикда жойлашган доира кўринишидаги пластинкаларда (1.97) га ўхшаш

$$\exp\left(-\frac{2\pi d}{\rho} R_1\right) + \exp\left(-\frac{2\pi d}{\rho} R_2\right) = 1 \quad (1.103)$$

ифодани оламиз. R_1 ва R_2 ларни

$$R_1 = \frac{R_1}{2} \left[\frac{R_1/R_2 + 1}{R_1/R_2} + \frac{R_1/R_2 - 1}{R_1/R_2} \right] \quad (1.104)$$

$$R_2 = \frac{R_2}{2} \left[\frac{R_1/R_2 + 1}{R_1/R_2} - \frac{R_1/R_2 - 1}{R_1/R_2} \right]$$

кўринишида ифодалаб (1.103) га қўйсак,

$$\exp\left[-\frac{\pi d}{\rho} R_1 \left(\frac{R_1/R_2 + 1}{R_1/R_2} \right)\right] \operatorname{ch}\left[\frac{\pi d}{\rho} R_1 \left(\frac{R_1/R_2 - 1}{R_1/R_2} \right)\right] = \frac{1}{2} \quad (1.105)$$

формулани оламиз. Агар (1.105) формулага қуйидаги белгилашни киритсак,

$$\frac{\pi d}{\rho} \cdot \frac{R_1/R_2 + 1}{R_1/R_2} \cdot R_1 = \frac{1}{2} \cdot \frac{\ln 2}{f(R_1/R_2)} \quad (1.106)$$

(1.105) ифода қуйидаги кўринишига келади:

$$\frac{1}{2} \exp\left[\frac{\ln 2}{f(R_1/R_2)}\right] = \operatorname{ch}\left[\frac{\ln 2}{f(R_1/R_2)} \cdot \frac{R_1/R_2 - 1}{R_1/R_2}\right] \quad (1.107)$$

(1.106) ифодадан солиширма сирт қаршилигини топамиз,

$$\rho_s = R_1 \cdot \frac{\pi}{\ln 2} \left(1 + \frac{1}{R_1/R_2} \right) \cdot f \left(\frac{R_1}{R_2} \right) \quad (1.108)$$

Шундай қилиб, (1.102) даги

$$G^* = f(R_1/R_2) \left(1 + \frac{1}{R_1/R_2} \right) \quad (1.109)$$

күринищдаги күпайтма намунанинг геометрик шаклига боғлиқ бўлган тузатиш функциясидир. Тузатиш функциясини шундай күринищда олишнинг ютуғи шундаки, тузатиш функцияси зондлар орасидаги масофага боғлиқ бўлмайди, бу билан зондлар орасидаги масофанинг такрорланмаслиги билан боғлиқ бўлган тузатиш функциясини ҳисоблашдаги хатоликлар йўқотилади. Тузатиш функцияси $f(R_1/R_2)$ ни 0,05% дан катта бўлмаган хатолик билан $1,2 < R_1/R_2 < 1,32$ оралиқда иккинчи даражали полином кўринишида ифодалаш мумкин:

$$f\left(\frac{R_1}{R_2}\right) \left[1 + \left(\frac{R_1}{R_2}\right)^{-1} \right] = 14,696 + 25,173 \left(\frac{R_1}{R_2}\right) - 7,872 \left(\frac{R_1}{R_2}\right)^2 \quad (1.110)$$

R_1/R_2 ни ўзгариш соҳаси тўрт зондли усул билан аниқладиган

$$R_1/R_2 = \ln 4 / \ln 3 = 1,262$$

қийматга яқин соҳада олинган. Шуни таъкидлаш керакки, агар зондлар чизиги ёки четки зонд пластина четидан қандайдир масофада жойлашган бўлса, (1.110) ифода зонд чизиқларининг исталган йўналишида қўлланилиши мумкин. Пластина четидан (5S) масофада зондлар жойлашган бўлса, сирт қаршилигини ҳисоблагандан хатолик 0,1% дан ошмайди. Шу усул асосида автоматлашган, сирт бўйича қадамлаб силжийдиган зондлар қурилмаси ясалган.

1.8-§. Солиширма қаршиликни нүктавий контактнинг тарқалган (ёйилган) қаршилик усули билан аниқлаш

1. Усул назарияси.

Бу усул яримұтказгич ва унинг (ясси) текис сиртига тик жойлашган зонддан иборат бұлған структура қаршилигини үлчашга асосланған. Агар металл зонд яримұтказгичнинг ясси сирти билан кичик юзачали Ом контактты ҳосил қылса, шу контактдан ток үтказиб үлчанған қаршилик тарқалған (ёйилған) қаршилик деб аталади. Яримұтказгичда контакт қаршилиги кичик бұлған катта юзали $S_0 \gg \pi r_0^2$ иккінчи контакт ҳам бор ва у металл зонддан узоқда $l \gg r_0$ катта масофада жойлашған деб фараз қилинади. Бу усул кенг тарқалған бўлиб, бир жинсли яримұтказгичларда, эпитаксиал структураларнинг ҳамма турида, диффузион қатламларда солиширма қаршиликни $10^{-3} \div 10^2$ Ом · см оралиқда ва қаршиликни қалинлик бўйича тақсимотини аниқлашда қўлланилади, унинг афзаликлари га яна намунанинг муайян нүктасидаги кичик ҳажмда қаршиликни үлчашни кўрсатиш мумкин. Тарқалған қаршилик усулининг назарияси яримчексиз яримұтказгич намуналаридан нүктавий зонд контакти орқали ток ўтганда ҳосил қылған потенциалнинг тақсимланишига асосланған (1.13а-расм). Маълумки, бундай ҳол учун потенциал тақсимоти (1.21) формула билан аниқланади. Равшанки, зонднинг яримұтказгич билан ҳосил қылған контактининг диаметри $2r_0$ яримшар кўринишида бұлған ҳолида ҳам потенциал тақсимоти (1.21) га ўхшаш бўлади. Контакт радиуси r_0 бўлганда намунарадаги икки зонд орасидаги кучланиш тушуви зонднинг электр потенциалига тенг бўлади.

$$U = \varphi(r_0) - \varphi(l) = \left(\frac{I\rho}{2\pi r} \right)_{r=r_0} - \left(\frac{I\rho}{2\pi r} \right)_{r \gg r_0} \approx \frac{I\rho}{2\pi r_0} \approx \varphi(r_0) \quad (1.111)$$

Агар $r=10r_0$ бўлса, контакт соҳасида қалинлиги $r-r_0$ бўлған қатламнинг кучланиши

$$U = \varphi(r_0) - \varphi(10r_0) = \frac{I\rho}{2\pi} \left(\frac{1}{r_0} - \frac{1}{10r_0} \right) = 0,9 \frac{I\rho}{2\pi r_0} \quad (1.112)$$

бўлади. У намунага тушган тўла кучланишдан 10% кам. Бундан кўринадики, зонддан оқаётган токнинг қийматини асосан контакт соҳасининг қаршилиги аниқлар экан, унинг кўлами контакт радиуси қанча кичик бўлса, у ҳам шунча кичик бўлади. Яримчексиз намуналарда электр потенциалининг тарқалиши қонунидан, тарқалган қаршилигни (1.111) га кўра

$$R_p = \frac{U}{I} = \frac{\rho}{2\pi r_0} \quad (1.113)$$

билин аниқлаш келиб чиқади. Яримўтказгич сиртидаги оксид қатлами ва сирт ўтказувчанигининг структура қаршилигига таъсири кичик бўлса, уни тарқалган қаршилик қиймати сифатида олиш мумкин. Маълумки, зонд ва яримўтказгичларнинг деформацияланишлари туфайли, зонд билан яримўтказгич орасидаги контактнинг ҳақиқий шакли ва ўлчамини аниқлаш жуда қийин. Шу билан бирга, у зонд контакти радиусига материалларнинг механик хоссаларига, зондга қўйилган кучга боғлиқ.

Кўрилаётган усулнинг тўрт зондли усулдан фарқи шундаки, бунда контакт шакли қандайдир r_0 — радиусга эга бўлган ясси айланадан иборат. Икки материалнинг Юнг модулларини ва зондга қўйилган кучни билган ҳолда контактнинг радиусини ҳисоблаш мумкин. Радиуси r_0 бўлган ясси контактнинг яримчексиз намуналарда электр потенциалининг тақсимланиши Лаплас тенгламаси орқали аниқланади. Бундай структура (тузилма)нинг тарқалган қаршилиги

$$R_p = \frac{\rho}{4r_0} \quad (1.114)$$

формула билан топилади.

Тажрибада тарқалган қаршилик одатда икки, уч зондли чизмалар билан ўлчанади (1.206,в-расм). Агар намунада потенциалнинг тарқсимланиши маълум бўлса, у ҳолда

$$R_p = \frac{U(r_0)}{I_{12}} = \frac{U_{12}}{2I_{12}} - \frac{U(S)}{I_{12}}$$

бўлади. Бу ерда: S — зондлар орасидаги масофа, $U(r_0)$ — зонддаги потенциаллар. $S >> r_0$ бўлганда $U(S) \rightarrow 0$, $R_p = U_{12}/2I_{12}$ ўлчангандан структура қаршилиги

$$R_{y_{\text{пч}}} = \frac{U_{12}}{I_{12}} = 2R_p = \frac{\rho}{2r_0} \quad (1.115)$$

бўлади. Бу ерда, $U(S)/I_{12}$ — барьер қаршилиги.

Уч зондли усул билан ўлчангандан 2 ва 3 зондлардан ток ўтказиб, 1 ва 2 зондлардан кириш қаршилиги катта бўлган вольтметрда кучланиш ўлчанади. Бу билан 3 зонд kontaktига тушган кучланиш йўқотилади ва ўртадаги 2 kontaktнинг тарқалган қаршилиги ўлчанади:

$$R_p = \frac{U_{21}}{I_{23}} + \frac{U(S)}{I_{23}} + \frac{U(2S)}{I_{23}} \quad (1.116)$$

Уч зондли чизма билан ўлчангандан зондларнинг бир хил бўлиши талаб этилмайди, лекин бир қанча сабаблар борки, металл-яримтўтказгич структураларидағи қаршиликни идеал структуралардаги тарқалган қаршиликдан фарқли бўлишига олиб келади.

Металл-яримтўтказгич орасида потенциал тўсиқ пайдо бўлса, яъни уларнинг чиқиши ишлари ҳар хил бўлган A_n/A_m ҳолда заряд ташувчилар билан бойиган ёки камбағаллашган қатлам ҳосил қиласди. Омик бўлмаган kontaktдан ток ўтганда, кучланишнинг тескари йўналишида потенциал тўсиқ соҳаси қатламининг қаршилиги ортади, кучланишнинг тўғри йўналишида инжекция туфайли kontakt қаршилиги камаяди. Булар билан бир қаторда kontaktдан ток ўтганда kontakt соҳасининг қизиши, термо Э Ю К ҳосил бўлиши қаршиликнинг ўзгаришига олиб келади. Қаршиликнинг ўзгаришига олиб келадиган сабаблардан яна бирини кўрсатиш мумкин. Kontaktнинг кичик юзачага эга бўлиши ва kontakt соҳасида электр майдони кучланганлигини катта бўлишилиги ҳаракатчанликнинг камайишига, яъни қаршиликнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бу кўрилган ҳодисалар тарқалган қаршиликни ҳисоблашда қабул қилинган яримтўтказгичнинг бир жинсли ва Ом kontaktли бўлсин деб қабул қилинган фаразлар-


нинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун структуранинг тарқалган қаршилиги ҳақиқий қиймати (1.115) га мос тушади деб кутиш қийин.

Тарқалган қаршиликни кичик токларда ($10^{-7} \div 10^{-2} A$), кичик кучланишларда ($U=kT/e$) ўлчаш билан юқорида қайд этилган баъзи бир ҳодисаларнинг таъсирини камайтириш-минимумга келтириш мумкин. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, кремний намуналарида зонд контакти радиуси 4 мкм, кучланиш $U \leq 15$ мВ бўлганда контакт соҳаси температурасининг ўзгариши $0,1^{\circ}\text{C}$ дан ортмайди, электр майдон кучланганлиги заряд ташувчилар ҳаракатчалигининг майдонга боғлиқлик соҳасидан кичик ($E < 10^3 \div 10^4$ В/см) бўлади. Юпқа, қаршилиги катта намуналарда сирт ҳолатлари ҳосил қилган сирт ўтказувчаникнинг тарқалган қаршиликка таъсири қўйилган кучланишни камайтиргани билан йўқолмайди, шунинг учун ўлчангандек структура қаршилиги (1.115) дан фарқ қиласди. У ҳолда эмперик коэффициент $K(\rho)$ орқали ўлчангандек структура қаршилиги қўйидагича ифодаланади:

$$R_{\text{ула}} = K(\rho) \frac{\rho}{4r_0} \quad (1.116,6)$$

Бу ҳодисалар контакт радиусининг ҳақиқий қийматини тўғридан-тўғри аниқлаш мумкин эмаслиги, тарқалган қаршиликни солиштирма қаршилиги аниқ бўлган (этalon) намуналардан фойдаланиб даражалаш заруриятини туғдиради, яъни, $R_{\text{ула}} = f(\rho)$ боғланишни топиш керак бўлади. Ўлчов натижалари аниқ ва такрорланувчан бўлиши учун солиштирма қаршилиги ўлчанаётган ва этalon намуналарнинг сирти бир хил ишловдан ўтиши ва унинг сифати сирт ишловининг маълум стандарт талабига жавоб бериши керак. Зонд манипулятори тузилиши ва зонд ўлчами kontakt юзасининг хар доим бирдай бўлишини таъминлаши керак. Кўп ҳолларда зондлар сифатида учига осмийдан яримшар кўринишида қопланган қаттиқ материаллар, рутений қотишмаларининг симлари ишлатилади. Зондлар учидаги яримшар кўринишидаги осмийдан иборат пойнак (учлик)нинг радиуси 25 мкм чамасида бўлганда, kontakt радиуси тахминан 4 мкм ни ташкил этади. Пойнакка юқори аниқликда ишлов берилади. Кон-

такт хоссаларининг такрорланиши учун зондларга қўйилган кучланиш, яъни юза бирлигига қўйилган куч $10^2 \div 10^4$ Н/см² оралиқда ўзгаради. Бунда зондга қўйилган юк бир хил сақланиши ва зондларни оҳиста тик кўтарилишига эришиш керак. Юқорида келтирилган босим зондлар намуна сиртидаги оксид қатламни тешишга етарли бўлган қониқарли Ом контактни ҳосил қиласди. Бу усул билан ажратилган муайян жойдаги, асосан қалинлиги бир неча контакт радиуси (r_0) га тенг бўлган қатламнинг тарқалган қаршилигини, яъни солиширма қаршиликни ўлчаш мумкин. Фазовий ажратиш қобилияти тахминан контакт диаметри (10 мкм)га тенг. Солиширма қаршилик ўлчанаётган соҳанинг ҳажми $10^{-10} \div 10^{-11}$ см⁻³ тартибида бўлсин. Бу ҳолат кремнийда ва бошқа яримўтказгич намуналарида солиширма қаршиликнинг сирт ва қалинлик бўйича флюктуациясини ўрганишга имкон беради. Солиширма қаршиликни ўлчащдаги хатоликлар яримўтказгич билан зонд орасидаги масофани контакт ўлчамини ҳар хил бўлишидан, оксидланган қатламнинг (парданинг) қатнашишидан, контакт соҳасининг қизишидан, ҳаракатчанликнинг кучли электр майдонида камайиши билан содир бўлиши мумкин. Солиширма қаршилиги катта намуналарда сирт соҳасида бўладиган ҳажмий заряд соҳасининг ва вақт бўйича сирт потенциалининг ўзгариши кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар хил яримўтказгичлар учун уларнинг сиртига ишлов бериш, намунани даражалашга тайёрлаш ва ўлчащдаги шарт-шароитларнинг таклифлари ишлаб чиқилган. Кремний намуналарини ўлчашга ва (ко-либровка) даражалашга тайёрлаш учун қуйидаги ишлов ўтказилиши тавсия этилади. Кремний намуналарини кесгандан сўнг калий ишқорида (КОН) 100°C да 10 минут қайнатиб, икки томонидан тахминан 15 мкм қатлам едириб юборилади, сўнг унга механик кимёвий сайқал бериб 25—35 мкм чамасида қатлам олиб ташланади, сўнг пероксид-аммиак эритмасида ювилиб, ҳавода 150°C да 15 минут ушланади. Шу усул билан ишловдан ўтган намуналарда ишонч эҳтимоллиги 0,95 бўлгани ҳолда қаршиликни ўлчащдаги хатолик 3,5% дан ошмайди. Бундан ташқари, кремний намуналарида яхши натижаларга эришиш учун кетма-кет икки технологик босқични ўз ичига олган ишлов қўлланилади: олмос пастаси АП—2 билан силлиқ-




1.21-расм. Сирти ҳар хил ишланган намуналарда тарқалған қаршиликті солишиштірмалық қаршиликтікка бояланиши: 1,2 — механик сайқалланган; 3,4 — HCl буғида едириш; 2,4 — HF кислотада ишловдан кейинги намуналар учун.

лаш, сүнг ишқорлы эритмага SiO_2 кукуни солинган суспензияда ялтиратылади, яның сайқал берилади ёки водород хлорид (HCl) кислотаси буғида сиртни едириш учун фойдаланылади. Бу усул билан ишланган намуналарда (1.21-расм) солишиштірмалық қаршиликтік $0,001 \div 10$ Ом · см оралықда ўлчанғанда ва ишонч эхтимоли 0,95 бұлғанда хатолик 5% дан ошмайды. Арсенид галлий ($GaAs$) намунала-рида сирт ишловига күйилған талаб оксид қатламини олиб ташлаш ва ўлчаш вактида унинг йүқлигини текшириш ҳисобланади, чунки оксидланған парда бұлғанда контакт қаршилигити жуда ортиб кетади. Охирғи ишлов босқичида заррачасининг катталиғи 0,3 мкм бұлған кукунсизмон Al_2O_3 билан сайқал беріш ва $HCl : H_2O = 1 : 1$ нисбатда бұлған эритмада ёки 40% HF да кимёвий ишлов беріш ва тоза дистилланған сувда ювиш, ишловдан сүнг тез ўлчов үтка-зиш тавсия этилади.

2. Солиширма қаршиликтинг қалинлик бүйича тақсомотини үлчаш.

Нұқтавий контакттинг тарқалған қаршиликтің усулы бир жинсли бұлмаган намуналарда, диффузион, эпитетаксиал қатламларда солиширма қаршиликтин қалинлик бүйича аниқлашда ҳам құлланилиши мүмкін. Бунинг учун үлчов намуна сиртінің кимёвий ёки куқунсимон мөддалар пастасида кетма-кет едириш, яғни, қалинликтиң камайтириш усулы билан ёки бир томонға нишаб ясси сирт ҳосил қилиш усулы орқали үтказилади. Иккінчи усул билан үлчашда горизонтал x — үқи бүйича силжитиб үлчанған қаршиликтің ($R(x)$) чуқурлық бүйича бұлған қаршиликтің $R(y)$ га келтириледі. Қатлам қалинлегі у горизонтал x координата орқали $y = x \operatorname{tg} \alpha$ ифода билан топилади. Бу ерда, α — намунаниң горизонтал сирті билан бир томонға нишаб сирті орасидаги бурчак. Чуқур диффузион қатламларнинг солиширма қаршилигінің үлчашда томонларининг нисбати $1 : 100$, саёз диффузион қатламларнинг солиширма қаршилигінің үлчашда томонларининг нисбати $1 : 1000$ бұлған қия сирт тайёрланади ($d = y : x = 1 : 1000$). Эпитетаксиал структураларда нұқтавий контакттинг тарқалған қаршилигига тәжірибелі тузатиши функциясы



1.22-расм. Бир жинсли бұлмаган намунаниң бир қатламлы модели

(a), параметр $K = \frac{\sigma_1 - \sigma_2}{\sigma_1 + \sigma_2}$ нинг қар хил қийматидаги тузатиши функциясы $f(K, \frac{d}{r_0}) = 4r_0 s_1 R_{\text{ынч}}$ нинг $\left(\frac{d}{r_0}\right)$ га бағылғылған графиги.

орқали ҳисобга олинади. Бир жинсли бўлмаган намуна-ларнинг бир қатламли моделини кўрамиз. Энг содда кўри-нишдаги қатламда қалинлик бўйича солиштирма қарши-лик ҳар хил бўлса, берилган қалинликда у бир жинсли қатлам, структура эса икки қатламли структура деб қара-лади. Қалинлиги d , солиштирма ўтказувчанлиги σ_1 қат-ламда радиуси r_0 бўлган Ом контакти жойлашган (1.22-расм). Иккинчи қатлам тагликнинг юқори қатлами билан бир хил типдаги ўтказувчанликка эга бўлсин. Унинг ўтказувчанлиги σ_2 қалинлиги етарлича катта бўлсин, у ҳолда тагликни ярим чексиз намуна деб ҳисоблаш мум-кин бўлади. Юқори қатламдаги электр потенциали φ_1 таг-ликдаги φ_2 Лаплас тенгламасини қаноатлантиради. Бунда чегаравий шартни куйидагича таърифлаш мумкин.

Металл-ярим ўтказгич контактида потенциал ўзгармас, қатламнинг юқори сиртида токнинг нормал ташкил этув-чиси нолга teng, қатлам билан таглик чегарасида ток ва потенциал узлуксиз бўлади. Бу шартлар қатлам ва таглик бир жинсли ва чегарада ҳажмий заряд йўқ деган фаразга тўғри келади. Бир жинсли бўлмаган намуна нинг бир қат-ламли модели бўйича Лаплас тенгламасини ечиш билан қатламдаги ҳамда тагликдаги электр потенциаллар (φ_1, φ_2) тақсимотини топиш ва улар асосида контактнинг тар-қалган қаршилигини тузатиш функцияси орқали ҳисоб-лаш мумкин. 1.226-расмда тузатиш функциясининг

$$f(K_1 d/r_0 = U r_0 \sigma_1 R_{\text{узв}})$$

$K = \sigma_1 - \sigma_2 / \sigma_1 + \sigma_2$ параметрнинг ҳар хил қийматларида d/r_0 нисбатта боғланиши келтирилган. Бу ерда: σ_1 — ўлчани-ши керак бўлган қатламнинг солиштирма ўтказувчанли-ги, σ_2 — қиймати аниқ бўлган тагликнинг солиштирма ўтказувчанлиги. $\sigma_1 = \sigma_2$ бўлганда $K = 0$, намуна эса бир жинс-ли ярим чексиз ҳажмга эга бўлади. Шунинг учун


$$f(0, d/r_0) = 1$$

бўлади. Агар $r_0 > d$ бўлса, қатламнинг ва тагликнинг со-лиштирма ўтказувчанликлари бир-биридан катта фарқ-ланса, тузатиш функциялари бирдан жуда кўп фарқ қила-ди. Агар контакт радиуси қалинликдан кичик бўлса ($r_0 < d$),

тузатиш функцияси ўтказувчанликларнинг исталган қиймитларида бирга яқин бўлади. Солиширма қаршиликни тарқалган қаршилик усули билан ўлчашда бир жинсли бўлмаган намуналар учун тузатиш функциясини киритиш ва электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамасдан, бу усул қалинлик бўйича солиширма қаршиликни аниқлашда қулаидир. Шунингдек, бу усулда қатлам қалинлиги ва унинг солиширма қаршилигига оид муҳим чеклашлар мажуд эмас. Юқорида келтирилган солиширма қаршиликни ўлчашдаги мулоҳазалардан кўринадики, уларни ўлчашдаги хатоликларнинг энг катта ташкил этувчилари контакт юзасини ҳар бир ўлчашда такрорланмаслиги, контактларни Ом контакти бўлмаслиги, сирт ишловига боғлиқлиги, ҳажмий заряднинг таъсири билан боғлангандир.

1.9-§. Солиширма қаршиликни металл-яримўтказгич нуқтавий контактининг тешилиш кучланиши бўйича ўлчаш усули

Солиширма қаршилиги ρ тагликникидан катта бўлган эпитаксиал қатламларда (pp^+ , pr^+ — структураларда) солиширма қаршилик металл-яримўтказгич нуқтавий контактининг (диоднинг) тешилиш кучланиши орқали аниқланиши мумкин. Усулни бир жинсли намуналарга, pP^+ , r^+p , $p-n$ эпитаксиал структураларга ҳам қўллаш мумкин. Лекин уни метрологик кўрсаткичлари бошқа усулларга нисбатан пастроқ бўлгани учун сўнгти туркум намуналарда ρ — ни ўлчашга кенг қўлланилмади. Кўрилаётган усул билан ρ — ни аниқлашда намуна сиртига учта зонд жойлаштирилади (1.23-расм). Зонд материалининг шакли шундай таnlаниши керакки, бунда 1 ва 2-зондлар контактлари Ом контактига яқин бўлиб, контакт қаршилиги кичик бўлсин, 3-зонд эса kontakt яримўтказгич билан нуқтавий диод ҳосил қўлсин. 1 ва 3-зондларга кутбланиши диоднинг тескари йўналишига мос келадиган пульсацияланувчан кучланиш берилади, 2 ва 3-зондлардан кучланиш, R — қаршилик ёрдамида диоддан ўтаётган ток ўлчанади. Диоднинг вольт-ампер характеристика (тавсифи)си кириш қаршилиги катта бўлган осциллографда кўрилади ва те-



1.23-расм. Металл-яримұтказгичли структураларда нүқтавий контактнинг тешилиш кучланиши бүйіча солиширма қаршиликни ўлчаш схемаси (а), ВАХни тексари кучланиш соҳаси (б).

шилиш кучланиши соҳасидаги бурилиш нүқтаси қайд қилинади ($U_{\text{теш}}$). Зондни құллаш билан 1 зонд контакт қаршилигининг таъсири йүқотилади.

Амалий тадқиқтоттар нүқтавий диоднинг тешилиш кучланиши күп омилларға, масалан, тешилиш кучланишининг үтказувчанлик типига, зондга қойылған кучланишга (босим кучига), контакт юзасига, сирт ишловига боғлиқлигини құрсатади. Бу боғланишларни мукаммал ёритган нүқтавий диод назарияси ва тешилиш кучланишини солиширма қаршилик билан боғлаган аналитик ифодаси йүқ. Демак, күрилаётган усул билан ρ ни түғридан-түғри ўтказиш орқали аниқлаб бўлмайди. Шу сабабли ρ ни аниқлашда солиширма қаршиликлари маълум бўлган (этalon) намуналар ёрдамида $U_{\text{теш}} = f(r)$ боғланишни даражалаш графиги олиниб, ундан фойдаланиш тақозо этилади. Яримұтказгичлар солиширма қаршилиги 0,1 дан 10 Ом. см гача бўлган оралиқда нүқтавий диодларда тешилиш кучланишининг ρ га боғлиқлик (даражалаш) графиги

$$U_{\text{теш}} = A\rho^b \quad (1.117)$$

күринишида ифодаланади. Бу ерда: A , b — яримұтказгич, зонд материалларига ва бир қанча юқорида көлтирилған омийшарга боғлиқ коэффициентлар. Солищтирма қаршилиги $0,08 \leq \rho \leq 4$ Ом. см бұлган n -тип кремний намуналар билан вольфрам зонди ҳосил қылған нұқтавий диодда тәшилиш күчланиши қўйидаги күринища ҳисобланади:

$$U_{\text{теш}} = 92\rho^{0,57} \quad (1.118)$$

Бу боғланиш 1 ва 2 зондларга диаметри 250 мкм, 3 зондга әса диаметри 60 мкм бұлған вольфрам құллаш билан олинған. Усулни кремний эпитаксиал структураларига құллаш бүйіча ұтказилған текширишларға күра эпитаксиал қатламларда ишончли натижалар олиш учун қатламнинг солиштирма қаршилиги $0,1 \leq \rho \leq 1$ Ом. см оралиқда бұлишлігі, қалинлігі 5 мкм дан кам бұлмаслиги мақсадға муноғидір. ρ нинг қуи чегараси ВАХни тәшилиш соҳасидаги күринишининг ёмонлашиши, яъни тәшилиш соҳасида бурилишнинг аниқ намоён бұлмаслиги билан, юқори чегараси катта тескари күчланища тагликка томон силжиб, қатлам орқали тәшилиши билан тушунтирилади. $n-n^+$ эпитаксиал структураларда n -қатламнинг солиштирма қаршилигини аниқлашда даражалаш графиги

$$U_{\text{теш}} = 68,39 + \rho^{0,536} + 21,23\rho^{0,877} \quad (1.119)$$

күринища ифодаланған муносабатдан фойдаланиш тавсия этилади. Зонд материалларининг $U_{\text{теш}} = f(\rho)$ га таъсирини ўрганишда пұлат, вольфрам, осмий құлланилған. n -тип кремнийда зонд материалларининг таъсири катта әмаслиги аниқланған. Зонддаги босим кучининг тәшилиш күчланишининг қыйматига таъсири күчлироқдир. Босим кучини 10 г дан 100 г гача ўзгариш эталон монокристалл намуналарда 10%, эпитаксиал қатламларда 20% камайишга олиб келған. Кремний намуналаридаги қониқарлы натижалар зондга 50 г куч қўйилғанда учининг диаметри 250 мкм бұлған осмий зонд құллаш билан олинған. Эпитаксиал қатламларда оғиш бурчаги 1° бұлған қия текислик ҳосил қилиб, солищтирма қаршиликнинг қалинлік бүйіча тақсимотини ўрганиш мумкин. Иккى ҳафта-

гача сақланган намуналарда ўзгармас ток билан ВАХ ни ўлчаш құлланилғанда натижаларнинг такрорланиши 5%, қисқа муддатда сақланган намуналарда 1% га етади. nn^+ , pp^+ — эпитаксиал қатлам солишири маңыздылығын аниқлашында нүктавий диод ҳосил құлувчи зондга вольфрам, Ом контактлари ҳосил құлувчи зондларга пұлат лезвия құлланилған. Зондга босим кучи 1 г дан 10 г гача ўзгарғанда даражалаш графиги

$$U_{\text{теш}} = rE_{\text{max}} + \frac{r}{2\varepsilon\varepsilon_0\mu\rho_0} \left[2 - \sqrt[3]{r(3\varepsilon\varepsilon_0\mu\rho E_{\text{max}} + r)^2} \right] \quad (1.120)$$

назарий муносабат билан аниқланиши күзатылған. Бу ерда: $E_{\text{max}} = 210$ кВ/см; $\varepsilon = 16$; $r = 13$ мкм; μ — ҳаракатчанлик. Сиртти охирги босқичда 5г $HF + 8\text{g}HNO_3 + 15\text{g} CH_3COOH$ — кислоталар аралашмасында кимёвий сайданланған, солишири маңыздылығын аниқлашында нүктавий диод үлчанған германий намуналари ёрдамида даражалаш графиги олинған. $\rho = 15\%$ гача хатолик билан ўлчанған бу усулининг хатолиги, даражалаш графигини олишдеги хатоликлардан иборатдир. Арсенид галийли nn^+ , pp^+ эпитаксиал структураларда қатламнинг солишири маңыздылығын, монокристалл намуналар солишири маңыздылығын ўлчаш учун диаметри 3 мм бұлған карбид вольфрам таёқчадан учи 30° бурчак остида, диаметри 225 мкм гача чархланған зонд ишлатылып, унга құйилған босим кучи 200 дина бұлған ҳолда олинған даражалаш графиги намунада заряд ташувчиларнинг концентрацияси $10^{15} \leq n \leq 10^{19}$ см⁻³ гача бұлған оралықда ўзгарғанда

n — тип $GaAs$ учун $U_{\text{теш}} = 100(n/10^{15})^{-0.372}$

p — тип $GaAs$ учун $U_{\text{теш}} = 75(p/10^{15})^{-0.338}$

билан аниқланиши күрсатылған. Даражалаш графиги 6 тадан Холл контакти олинған ва улар орқали n , p — аниқланған намуналар ёрдамида аниқланған.

Усулининг хатоликлари түғрисида қысқача тұхтәламиздың Усулининг асосий хатоликлари иккі омил билан тешилиш күчланишини ўлчащдаги ва этalon ҳамда текшириладын намуналар сирттінинг ишлови бир хил бұлмаслигидан ҳосил бұлған хатоликлар билан аниқланады. $U_{\text{теш}}$ ни аниқ ўлчаш учун ВАХ нинг тешилиш соҳасидаги бу-

рилиши кескин бұлиши керак. Бунга зонд, яримүтказгич материалларини, зондлар шаклини, унга қўйилган босим кучини танлаш билан эришилади. Потенциал тўсиқ ҳосил қилган контактнинг қаршилиги катта бўлиши керак. Зондлар уни диаметри $25 \div 100$ мкм оралиқда бўлади. Зондга қўйилган босим ошиши билан ρ камаяди. Босим кучи ортганда, зонд учларининг эластик ва пластик деформацияланиши туфайли, уларнинг контакт юзаси катталашади ва натижада тешилиш кучланишининг камайишига олиб келади. Зонд контакт юзаларининг такрорланмаслиги билан боғлиқ тасодифий хатоликларни камайтириш учун потенциал тўсиқ ҳосил қиладиган зонд-қаттиқ металл ёки қаттиқ қотишмалар, масалан, вольфрам, карбид-вольфрам, пўлат, осмий, родийлар ишлатилади.

Ўлчаш ва даражалаш пайтида зондларга қўйилган босим кучлари бир хил қилиб олинади: оқибатда, ўлчов натижаларининг бир-бирига яхши яқинлашиши таъминланади. Ўлчов зондига (нуқтавий диодга) қўйилган оптимал кучланиш $0,2 \div 0,4$ Н оралиғида ётади, ёрдамчи контакт қаршилигининг $U_{\text{теш}}$ га таъсирини камайтириш учун уларга қўйилган босим кучи 0,5 дан 1 Н гача орттирилади, ўлчаш пайтида потенциал тўсиқ соҳасида 1 Вт гача қувват ажрапиши мумкин ва у контакт соҳасининг кучли қизишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун тешилиш кучланишининг қиймати ўлчаш усулига боғлиқ. Контактда ажрапидиган қувватни камайтириш учун ўлчовни импульс режимда ўтказиш тавсия этилади. Импульс давомийлигининг камайиши билан U_T ортади. Тасодифий ва мунтазам хатоликлар этalon намуналар билан текширилдиган намуналар сиртининг ишловига боғлиқ. Одатда даражалаш графиги пластина шаклидаги монокристалл намуналарда ўтказилади, шунинг учун уларнинг сирти механик ёки кимёвий усул билан сайқалланади, эпитаксиал қатламда эса сирт ҳеч қандай ишловдан ўтмайди. Этalon намуна сиртини эпитаксиал қатлам сиртига яқинлаштириш учун HCl буғида едириш тавсия этилади, бу билан эталондаги сирт ишлов технология жараёни эпитаксиал қатлам ўстириш жараёнiga яқинлаштирилади.

Тажрибада кузатилган даражалаш графигини ифодаловчи (1.117) формулада коэффициент (b) нинг 0,51 дан 0,66

гача ўзгариши ўлчаш натижаларига таъсир қилувчи кўп омиллар билан тушунтирилади, шунинг учун усулнинг хатолиги тўғридан-тўғри ρ ни ўлчаш усулларига нисбатан катта. Кўпгина муаллифларнинг кўрсатишларича, у 10% дан 70% гача етади. Статистик текширишлардан маълум бўлишича, усулнинг тасодифий хатолиги ишонч эҳтимоллиги 0,95% бўлганда солиштирма қаршилиги $\rho=0,1 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ намуналарда 54%, $\rho=1,0 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ учун 40%, $\rho=5 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ учун эса 70% га teng.


ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИ ВА ҲАРАКАТЧАНЛИГИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

Эркин заряд ташувчилар (электронлар, каваклар) концентрацияси (n, p)ни ва ҳаракатчанлик (μ_p, μ_n)ни ўлчашнинг бир қанча усуллари мавжуд. У ёки бу усулнинг кўлланилиши уларнинг метрологик характеристикасига, ўлчанаётган параметрларни тушунтириш маълумотларга бойлиги, ўлчаш усулларининг физик асослари, намунанинг электрофизик хоссалари, геометрик шакли ва ўлчамларига боғлиқ. Ўлчаш усулини танлашда булардан ташқари ускуналарнинг техник мураккаблиги, физик катталикларни ўлчашдаги хатоликларни назарда тутиш керак. Заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш усуллари ичida кенг тарқалгани Холл эфектига асосланган усулдир. Бу усул билан яримўтказгич намунада μ_p ни ўлчашдан ташқари, электр ўтказувчаник типини ҳам аниқлаш мумкин. Заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини температурага боғлиқлигини ўлчаб, тақиқланган зона кенглигини, киришмаларнинг маҳаллий энергетик сатҳлари, ионизация энергияси, киришма атомларнинг концентрацияси ва заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмларини аниқлаш мумкин.

2.1-§. Холл эфекти ёрдамида заряд ташувчиларнинг концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш усуллари

а) Холл электр юритувчи кучи

Холл эфекти яримўтказгич намуналарда уларга электр ва магнит майдонларининг бир вақтдаги таъсиридан вужудга келади. x ўқи йўналишида (намуна бўйи бўйлаб)



2.1-расм. Холл электр юритувчи кучининг пайдо бўлишини тушинтиришга чизма (а) ва Холл эфектини ўлчаш схемаси (б)

оқаётган параллелепипед шаклидаги намунани унга тик z ўқи бўйича йўналган магнит майдонига киритганда, намунада магнит ҳамда ток I йўналишига тик бўлган у ўқи йўналишида кўндаланг электр юритувчи куч (ЭЮ К) ҳосил бўлишига Холл эфекти деб аталади (2.1-расм). Бу эфектнинг моҳиятини қисқача кўриб чиқайлик. Узунлиги a , эни b , қалинлиги d бўлган намуна берилган бўлсин. x ўқи бўйича I_x ток ўтаётган намунани z ўқи бўйича йўналган магнит майдонга тик қилиб ўрнатганда x — ўқи бўйича $V_x = -\mu_n E$ ўртacha дрейф тезлик билан ҳаракатланаётган электрон Лоренц кучи

$$F = -e[V_x \vec{B}] \quad (2.1)$$

таъсирида x ва z ўқларига тик бўлган y — ўқи йўналишига бурилади (оғади). Электрон ва кавакларнинг дрейф тезликларининг йўналиши ва заряд ишоралари ҳар хил бўлгани учун улар намунанинг фақат бир томонига оғади. Шундай қилиб, намунада y — ўқи йўналишида кўндаланг

$$I_y = I_{ny} + I_{py} \quad (2.2)$$

ток пайдо бўлади. Намунанинг y — ўқи йўналишидаги ўлчами чекланган ҳолда I_y — ток намуна устки сиртида (расмда келтирилган ҳол учун) заряд ташувчиларнинг тўпланишига, остки қисмida эса уларнинг ишораларига

тескари ишорали етишмаган зарядлар түпланишига олиб келади. Натижада намунанинг остки ва устки томонлари қарама-қарши зарядланади ва күндаланг Холл электр майдонининг ошиб бориши унинг заряд ташувчиларга (электрон ёки кавакка) таъсир кучи ($F=eE$) Лоренц кучига ва күндаланг I_y — ток нолга тенг бўлгунча давом этади. Натижавий электр майдон кучланганлиги (\vec{E}) x — ўқига нисбатан магнит майдон индукцияси B_z га пропорционал бўлган Холл бурчакка оғади

$$\operatorname{tg} \psi_H = \frac{E_y}{E_x} = \mu_H \cdot B_z \quad (2.3)$$

бу ерда: μ_H — ҳаракатчанлик бирлиги билан ўлчанадиган пропорционаллик коэффициенти. У Холл ҳаракатчанлиги деб юритилади. Заряд ташувчиларнинг Холл ҳаракатчанлиги электр ўтказувчанликни ($\sigma = e\mu_H$) аниқловчи микроскопик ҳаракатчанлиқдан фарқ қиласди. Қаттиқ жисмларда кинетик ҳодисаларнинг назариясига кўра бу ҳаракатчанликлар

$$\mu_{nH} = e\langle\tau^2\rangle/\mu_*\langle\tau\rangle; \quad \mu_n = \frac{e\langle\tau\rangle}{m_*} \quad (2.4)$$

ифодалар билан аниқланади. Бу ерда: τ — заряд ташувчиларнинг релаксация вақти, μ^* — заряд ташувчиларнинг **эффектив массаси**, $\langle\tau\rangle$, $\langle\tau^2\rangle$ — релаксация вақти ва унинг квадратини заряд ташувчилар энергияси бўйича ўрталаштирилган қиймати. Бу ифодалардан кўринадики, μ_{nH} ва μ_n ҳаракатчанликларни фарқли бўлиши релаксация вақтининг энергия бўйича ҳар хил усул билан ўрталаштирилиши экан. Холл тажрибадан кучсиз магнит майдонда Холл электр майдон кучланганлиги ($E_H = E_y$) ни қўйидаги эмперик формула билан аниқланишини кўрсатди:

$$\vec{E}_y = \vec{E}_H = R_H [j_x \vec{B}] \quad (2.5)$$

Бу ерда: j_x — ток зичлиги, R_H — намуна хоссасига боғлиқ Холл доимийси, \vec{B} — магнит майдон индукцияси вектори. (2.3) ва (2.5) формулалардан

$$j_x R_H = \mu_H E_x \quad (2.6)$$

тengлигни оламиз. Намуна n — типли яримүтказгич бўлганда, ток зичлиги ифодаси $j_x = \sigma E = e\mu_n n E_x$ ни (2.6) га кўйиб, Холл доимиининг

$$R_{nH} = \frac{\mu_{nH}}{en \mu_n} = \frac{r_n}{en} \quad (2.7)$$

кўринишдаги ифодасини оламиз. Худди шунга ўхшаш p — тип ўтказувчанликка эга бўлган яримүтказгичларда Холл доимииси қўидагича бўлади:

$$R_{pH} = \frac{\mu_{pH}}{ep \mu_p} = \frac{r_p}{ep} \quad (2.8)$$

Бу ерда: n, p — мос равиша электрон ва кавак концентрацияси, r_n, r_p мос равиша электрон ва кавакнинг Холл омиллари бўлиб, Холл ҳаракатчанликларининг дрейф ҳаракатчанликларига нисбати $r_n = \frac{\mu_{nH}}{\mu_n}, r_p = \frac{\mu_{pH}}{\mu_p}$ билан ифодаланадилар ва улар $\langle r^2 \rangle / \langle r \rangle^2$ га тенг бўлган катталик билан аниқланади. r нинг қиймати заряд ташувчиликнинг сочилиш механизмига боғлиқ бўлиб, заряд ташувчиларнинг релаксация вақтини, уларнинг энергияга боғланиш функциясини кўрсатади. Содда зонали айнимаган яримүтказгичларда заряд ташувчилар кристалл панжаранинг иссиқлик тебранишида сочилса, Холл фактори $r = r_n = r_p = 3\pi/8 \approx 1,17$ га, ионлашган киришма атомларида сочилса, $r = 1,93$ га, нейтрал атомларда сочилса, $r = 1$ га тенг бўлади.

Ўтказувчанликка икки хил заряд ташувчилар: электрон ҳамда кавак қатнашса, Холл доимииси қўидаги ифода билан аниқланади:

$$R_H = \frac{r_n \mu_n^2 n - r_p \cdot p \cdot \mu_p^2}{(en\mu_n + ep\mu_p)^2} \quad (2.9)$$

Шундай қилиб, заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини аниқлаш учун солиширма қаршиликни (ёки ўтказувчанликни) ва Холл доимийсина ўлчаш керак. Бу ўлчовни ўтказиш (216-расмда келтирилган ҳол) учун юқори сиртига иккита зонд (1 ва 2), пастки қисмiga зондлардан бирининг қаршисига 3-зонд жойлаштирилади. 1 ва 3 зондлар орасидаги потенциаллар айирмаси орқали Холл электр юритувчи кучини, 1 ва 2 зондлар орқали U_b — намунанинг бир қисмидаги кучланишнинг тушуви ўлчанади. Холл электр майдони кучланганлиги $E_H = U_H/b$ ва ток зичлиги $j_x = I_x/bd$ га teng бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда (2.5) формуладан Холл зондлари орасидаги потенциаллар айирмаси, яъни Холл кучланиши тушуви

$$U_H = R_H I_x B_z / d \quad (2.10)$$

ифода билан аниқланади:

$$R_H = \frac{U_H d}{I_x B_z}; \quad \left[\frac{m^3}{Kl} \right] \quad (2.11a)$$

Агар (2.10) га кирган катталиклар кучланиш, ток кучи, узунлик, магнит майдони индукцияси СИ системасида (Вольт, Ампер, Теслада) ўлчанса, Холл доимийси R_H бирлиги m^3/Kl бўлади ва (2.11a) формула билан ҳисобланади. Агар магнит индукцияси Гауссда ($IT=10^4 \text{ Гс}$), узунлик сантиметрда ўлчанса, Холл доимийсининг бирлиги $\text{см}^3/\text{Кл}$ бўлади ва у

$$R_H = 10^8 \frac{d U_H}{I_x B}; \quad [\text{см}^3/\text{Кл}] \quad (2.11b)$$

билин ҳисобланади. Юқорида кўрилган Холл эфекти узун $a > b$, d намуналарда ўринли. Чунки бунда, физик мулоҳазаларга кўра, намунанинг марказий қисмида ток зичлиги j_y ва майдон кучланганлиги x га боғлиқ бўлмайди. j_y ва E_x лар у координатага боғлиқ эмас. Намунанинг узунлик бўйича ўрта қисми бир жинсли бўлади. $y = \pm b/2$ сиртлар-

да түпланган зарядлар намуна күндаланг кесимига ўтка-
зилган Ом контактлари орқали оқа бошлайди. Ток ўта-
диган Ом контактлари соҳасига яқин жойда x бўйича бир
жинсли бўлмаган электр майдон кучланганлигининг пайдо
бўлишига олиб келади. Бу соҳада Лоренц кучи Холл май-
дони билан тенглаша (мувозанатлаша) олмайди, у ўқи
бўйича ташкил этувчиси $j_y \neq 0$ бўлади. Бу соҳанинг кенг-
лиги эса $(1 \div 1,5)b$ га тенг. Ўлчов зондлари шу соҳадан
ташқарида бўлганда (2.10) ва (2.11) формулалар ўринли
бўлади. Бу уни $a \geq 3b$ бўлган намуналарга қўллаш мумкин
деган сўздир. Акс ҳолда E_y ва U_H ларнинг заряд оқиши
 билан боғлиқ бўлган камайишини ҳисобга олишга тўғри
келади. Кичик магнит майдонда $\mu_n B \ll 1$ Холл зондлари 1
ва 3-намунанинг ўртасида ($x=0$ да) жойлашган бўлса, Холл
Э Ю К

$$U_H = \frac{a}{b} \Phi \left(\frac{a}{b} \right) R_H \cdot \frac{IB}{d} \quad (2.12)$$

формула билан топилади. Ҳисоблашларнинг кўрсатиши-
ча, 0,7% дан кичик хатолик билан ўлчангандаги $\Phi(a/b)$ ни
куйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Phi(\alpha) = \Phi \left(\frac{a}{b} \right) = 0,742 \ln \left[\frac{\alpha(1 + \alpha/2\pi)}{0,742} \right] \quad (2.13)$$

*б) Холл эффиқти билан бир вақтда содир бўладиган —
(ҳамроҳ) эффиқтлар*

Холл эффиқтини ўлчашда назорат қилиб бўлмайдиган
мунтазам (систематик) ва тасодифий хатоликлар манбаи
бўлган, ўлчов натижаларини хатоликка олиб келувчи бир
қанча эффиқтлар (ҳодисалар) пайдо бўлади. Буларга ку-
йидагиларни кўрсатиш мумкин:

Эттенгаузен эффиқти. Намунадан магнит майдон
йўналишига тик бўлган йўналишда ток ўтганда улар-
га тик бўлган йўналишда температура градиентининг пайдо
бўлишига Эттенгаузен эффиқти деб юритилади. Агар
ток x ўқи, магнит майдони z ўқи бўйича йўналган бўлса,
у ўқи бўйича пайдо бўлган температура градиенти магнит

майдон индукцияси B га, ток зичлиги j_x га пропорционал:

$$\nabla T_s = \frac{\partial T}{\partial y} = -K_s j_x B_z \quad (2.14)$$

Бу ерда: K_s — Эттенгаузен коэффициенти.

Магнит майдони тезлиги ўртача тезликдан катта “иссиқ” заряд ташувчиларга (электрон ёки кавак) каттароқ куч билан таъсир этади, тезлиги ўртача тезликдан кичик бўлган “совуқ” заряд ташувчиларга эса таъсир кучи кичикроқ бўлади. Маълумки, Холл электр майдонининг электронга (кавакка) таъсир кучи ўртача тезликка эга бўлган электронга (кавакка) магнит майдонининг таъсир кучини, яъни Лоренц кучини компенсациялай олади ва натижада улар оғмасдан x ўқи бўйича ҳаракатланади. Шунинг учун магнит майдон таъсирида заряд ташувчиларнинг тезлик бўйича ажралиши юзага келади. “Иссиқ” заряд ташувчилар (2.1-расм) юқори томонга, “совуқ” заряд ташувчилар пастки томонга оғади. Заряд ташувчилар билан кристалл панжара орасида энергия алмашинуви туфайли, “иссиқ” заряд ташувчилар тўпланган томон кристалл панжаранинг мувозанатдаги ҳолатига нисбатан исийди, “совуқ” заряд ташувчилар тўпланган томони сөвийди ва намунада кўндаланг температура градиентининг пайдо бўлишига олиб келади. Эттенгаузен эффектининг ишораси ҳам Холл эффекти каби майдон ва ток йўналишига боғлиқ. Кўндаланг температура градиенти ҳосил қўлган Зеебек эффекти туфайли вужудга келган Эттенгаузен термоэлектр юритувчи кучи, яъни Эттенгаузен кучланиши ҳар доим Холл кучланишига қўшилади. Уни ток ёки магнит майдон йўналишини ўзgartириш билан ажратиб бўлмайди;

Нерист - Эттенгаузен эффекти x ўқи бўйича температура градиенти бўлган намунани x ўқига тик z ўқи бўйича йўналган магнит майдонига жойлаштирилганда буларга тик бўлган у ўқи бўйича намунада кўндаланг потенциаллар айирмасининг пайдо бўлишига Нерист-Эттенгаузен эффекти дейилади. Температура градиенти на тижасида намунада иссиқ томондан совуқ томонга диф-

фузияланувчи заряд ташувчиларга магнит майдонида Лоренц кучи таъсир этиб, уларни бир томонга оғдиради. Бунинг оқибатида магнит майдон индукцияси \vec{B} га ва температура градиенти $\nabla_x T$ га пропорционал бўлган кўндаланг потенциаллар айрмаси — кучланиш пайдо бўлади.

$$U_{N\Theta} = A_{N\Theta} \cdot \nabla_x T \cdot B_z \cdot b \quad (2.15)$$

Бу ерда: $A_{N\Theta}$ — Нернст-Эттенгаузен коэффициенти, b -у ўқи йўналишидаги намуна ўлчами. Нернст-Эттенгаузен эффектиниң ишораси магнит майдон йўналиши ўзгариши билан ўзгарида, у ток йўналишига боғлиқ эмас;

Риги-Ледюк эфекти x ўқи бўйича температура градиенти бўлган намунани унга тик магнит майдони \vec{B} га жойлаштирилганда Лоренц кучи таъсирида диффузияланувчи заряд ташувчилардан “иссиқ” заряд ташувчилар бир томонга, “совуқ” заряд ташувчилар иккинчи томонга оғади (бурилади) ва натижада уларнинг кристалл панжара билан энергия алмашинуви туфайли, Эттенгаузен эфектига ўхшаш кўндаланг у — ўқи бўйича температура градиенти пайдо бўлади:

$$\nabla_y T = A_{RZ} \nabla_x T B_z \quad (2.16)$$

Бу намунадаги кўндаланг температура градиенти Холл зондлари орасида кўшимча потенциаллар айрмасини U_{RZ} вужудга келтиради. Бу ҳодиса Риги-Ледюк эфекти деб юритилади. U_{RZ} нинг ишораси магнит майдон йўналишига боғлиқ бўлиб, ундан оқаётган ток йўналишига боғлиқ бўлмайди;

Кўндаланг магнит қаршилик эфекти (магнитосопротивление).

Юқорида кўрдикки, ўртача тезлик билан ҳаракатланадётган заряд ташувчиларга Лоренц кучи таъсир этмайди, чунки Холл электр майдони уни компенсациялади. Шунинг учун уларнинг магнит майдонида траекторияси ўзгармайди. Лекин заряд ташувчилардан тезликлари ўртача тезликдан катталари ҳамда кичиклари E майдон йўналишига нисбатан икки томонга оғади. Уларнинг ҳаракат

тезлиги электр майдони E_x бүйича камаяди деб қарааш намуна қаршилигининг ошиши деб қарааш билан бир хил. Бу күндаланг магнитоқаршилик эффицити деб аталади. Магнит майдонида солиштирма қаршиликнинг нисбий ўзгариши кичик иккинчи тартибли функция билан боғланган бўлиб,

$$\frac{\Delta\rho}{\rho} = (\mu_H B)^2 \quad (2.17)$$

билин аниқланади. Шунинг учун кичик магнит майдонида ($\mu_H B \ll 1$) ўлчанаётган солиштирма қаршиликка күндаланг магнитоқаршилик эффицитининг таъсирини эътиборга олмаса ҳам бўлади;

Холл зондларининг ноэквипотенциал сиртларда жойланishi. Холл Э Ю К ига таъсир этадиган яна бир омил сифатида Холл электродларини ноэквипотенциал сиртга жойлашганда ҳосил бўладиган кучланиш U_0 ни кўрсатиш мумкин. Бу кучланиш 1 ва 3-зондлар силжиган қисмининг қаршилигига, намунадан ток ўтгандаги кучланишнинг тушувига teng бўлади. U_0 Холл кучланишига кўшилиши ҳам, айирилиши ҳам мумкин. Унинг ишораси фақат ток йўналишига боғлик. Юқорида ёритилганлардан кўринадики, Холл кучланишини аниқ ўлчаш учун кўрилган эффицитларни инобатта олиш зарур экан.

2.2-§. Холл Э Ю К ини ўлчаш усуслари

a) Ўзгармас ток ва ўзгармас магнит майдони ёрдамида Холл кучланишини ўлчаш

Бу Холл электр юритувчи кучини ўлчашнинг энг содда ва кенг тарқалган усулидир. Параллелепипед шаклидаги намунани ўзгармас ток манбаига улаб, ундан ток ўтказилади. Намуна ўзгармас магнит ёки электромагнит қутблари орасига киритилади. Холл эффицитини кичик магнит майдонда ўлчаш учун магнит майдон индукцияси 1 Теслагача олинади. Магнит қутблари орасидаги масофа-ни ёки электромагнитда ундан оқаётган токни ўзгарти-

риб, магнит майдон индукциясининг исталган қиймати-ни олиш мумкин. Магнит майдон уланганда, унинг таъсирида қаршиликнинг ўзгариши намунадан ўтаётган токни ўзгартираслиги учун, ток манбанинг чиқиш қаршилиги катта бўлиши керак. Намунадан оқаётган токни амперметр билан ёки кетма-кет уланган қаршиликдаги кучланишни ўлчаш орқали аниқлаш мумкин. Холл электр юритувчи кучи намуналинг тегишли томонига жойлаштирилган (қисиб қўювчи) контактлар ёки нуқтавий зондлар билан ўлчанади. Ўлчов натижалари катта ишончга эга бўлиши учун, кўп ҳолларда, кавшарланган (қалайланган) ёки пайвандланган контактлар ишлатилади. Холл контактларининг юзаси катта бўлиб қолиши намунада ток тақсимотининг бузилишига ва намуналинг шунтланишига олиб келиши мумкин. Бу юқори Ом ли намуналарда айниқса муҳимдир. Контактлар қаршилигининг ўлчов натижаларига таъсирини йўқотиш учун зондлар орасидаги кучланиш одатда ички қаршилиги катта бўлган вольтметр-электрометрларда компенсация усули билан ўлчанади. Холл эфекти билан бирга содир бўладиган, юқорида кўрилган ҳодисаларни ҳисобга олганда, Холл электродлари (1 ва 3) да ўлчангандан кучланиш Эттенгаузен, Нернст-Эттенгаузен, Риги-Ледюк эфектлари ҳосил қылган кучланишлар ҳамда Холл зондларининг бир-бирига нисбатан силжишидан ҳосил бўлган ноэквипотенциал кучланишлар йиғиндисидан иборат бўлади. Бу натижавий (йиғинди) кучланишдан Холл кучланишини ажратиш учун магнит майдон йўналишини икки марта ўзгартириб, тўрт бора ўлчов ўтказилади. Бунда ўлчангандан кучланиш куйидагича бўлади:


$$\begin{aligned}
 I+; B+ & U_1 = U_H + U_\Theta + U_{N\Theta} + U_{RZ} + U_0 \\
 I-; B+ & U^2 = -U_H - U_\Theta + U_{N\Theta} + U_{RZ} - U_0 \\
 I-; B- & U_3 = U_H + U_\Theta - U_{N\Theta} - U_{RZ} - U_0 \\
 I+; B- & U_4 = -U_H - U_\Theta - U_{N\Theta} - U_{RZ} + U_0
 \end{aligned} \tag{2.18}$$

Бў тўрт ўлчов асосида қуйидаги

$$U_H + U_3 = \frac{(U_1 - U_2) + (U_3 - U_4)}{4} \quad (2.19)$$

ифодани оламиз. Бундан кўринадики, Холл ва Эттенгаузен кучланишларининг ишоралари бир хил бўлгани учун Холл кучланишида кўшимча Эттенгаузен кучланиши сақланади. Қолган эфектларнинг Холл кучланишига таъсирини йўқотиш мумкин экан.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, намунадаги бўйлама т е м п е р а т у р а градиенти ишораси ток йўналишига боғлиқ бўлса (масалан, Пельте эфекти ёки барьер туфайли), унда тўртта ўлчов билан фақат Холл электродларининг ноэквипотенциал кучланишини йўқотиш мумкин. Қолган эфектларни таъсирини йўқотиш учун ўзгарувчан ток, ўзгарувчан магнит майдон усулларидан фойдаланилади. Юқори Ом ли яримўтказгич намуналарда ноэквипотенциал кучланишни назарий йўқотиш усули тўрт марта Холл электродларидаги кучланишни ўлчаш каби) ҳамма вақт ҳам натижা беравермайди. Бу туркум намуналарда токнинг ортиши Холл зондлари орасидаги кучланишнинг ўсишига олиб келади, баъзан Холл кучланишидан ҳам катта бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда U_H ни ўлчаш аниқлиги пасайиб, уни ўлчаш мумкин бўлмай




2.2-расм. Холл электродлари (контактлари) потенциалларининг бир хил бўлмаслиги билан боғлиқ кучланишни йўқотиш схемалари.

қолади. Шунинг учун Холл электродларининг аниқ ўрнатилмаганлиги билан боғлиқ бўлган U_R нинг ўлчов натижаларига таъсирини йўқотишда бошқа бир неча усуслар қўлланилади, яъни ноэквипотенциал кучланиш компенсацияланади. 2.2-расмда амалиётда қўллаб келинаётган кучланишни компенсациялаш усули билан ўлчашнинг чизмаси келтирилган. Уч зондли чизма билан U_R ни йўқотишда R потенциометрда (қаршилиқда) 1-зонднинг потенциалига тенг нуқта топилади. Бу қаршилик намунани шунтламаслиги учун, яъни ундан ўтадиган токнинг намунадан оқаётган токка нисбатини ҳисобга олмайдиган бўлиши керак. Шунинг учун унинг қаршилигидан катта $R_1 \gg R_{23}$ бўлиши керак. Ўлчаш чизмасига катта қаршиликнинг уланиши ўлчашнинг сезгирилигини камайтиради. Уч зондли чизма қўпроқ қаршилиги кичикроқ намуналарда қўлланилади. Кўприк чизмасини (2.2б-расм) қўллаш билан U_H ни ўлчашда 1-зонднинг чап ва ўнг томонидаги намуна қаршиликлари ҳамда ўзгарувчан R_1 ва R_2 қаршиликлар кўприкнинг тўртта елкасини ҳосил қиласди. Магнит майдон уланмаган ($B=0$) да R_1 ва R_2 қаршиликларни ўзгартириб, 1 ва 2-нуқталарда ҳар хил потенциалга эришилади. Бу усул билан Холл электродларида Холл электркучининг ярми ўлчанади, чунки намунадан оқаётган ток икки қисмга бўлинади. Шунинг учун унинг сезгирилигини камчилик деб кўрсатиш мумкин. 2.2в-расмда келтирилган чизма ёрдмида U_0 — кучланишни йўқотиш учун K_2 ва K_3 контакtlар орасига уланган қаршилик орқали уларда бир-бирига тенг бўлмаган шундай потенциаллар топиладики, бунда $B=0$ да 1 ва 2 зондлар орасидаги кучланиш нолга тенг бўлади ва эквипотенциал сиртлар силжийди. Уларнинг бундай силжиши натижасида 1 ва 2 зондлар битта сиртда ётади. Бу усул билан U_0 ни компенсация қилиш намунанинг узунлиги унинг кенглиги тартибида бўлганда оширилади. Акс ҳолда K_2 ва K_3 контакtlар орасидаги потенциаллар айирмаси намунанинг ўрта қисмида эквипотенциал сиртларга таъсири кам бўлади. 2.2в-расмда келтирилган чизмада алоҳида олинган ташқи ток манбай билан U_0 компенсацияланади. Бунда R_1 қаршилиқдан ташқи ток манбай орқали ток ўtkазилганда унга тушган кучланиш билан компенсацияланади. Ўлчов сезгирилигини камайтирмаслик учун чиз-

мада R_1 қаршилик етарлича кичик қилиб олиниши керак. Заряд ташувчилар концентрацияси кичик, ёмон ўтказувчанликка эга бўлган (юқори Ом ли) намуналарда Холл электр юритувчи кучи бир неча милливольт бўлади. Намуна қаршилиги ортиши билан U_x ни ўлчашдаги хатоликлар ортиб боради. Агар намуна қаршилиги 10^6 Ом тартибида, гальванометр сезгирилиги 10^{29} А/шк бўлса, электр юритувчи кучни ўлчашдаги хатолик ≈ 1 мВ бўлади. Ўлчов чизмаларининг сезгирилигини ошириш учун гальванометрни электрометрлар билан алмаштириш мумкин. Лекин ўзгармас ток билан Холл кучланишини ўлчашда электрометр ёки ўзгармас ток кучайтиргичлари билан ишлаш қийинчилиги пайдо бўлади. Юқори Ом ли намуналарда бу қийинчиликларни Холл токини ўлчаш билан йўқотиш мумкин (2.3 ва 2.4 ларни қаранг).

б) Ўзгарувчан ток ва ўзгармас магнит майдони ёрдамида. Холл электр юритувчи кучини ўлчаш

Холл кучланишини ўлчаётганда, намунада ток йўналишида пайдо бўлган температура градиенти ишораси ток йўналишига боғлиқ бўлса, ўзгармас магнит ва ўзгармас ток ёрдамида уларнинг йўналишини ўзгартириш усули билан Нернст, Риги-Ледюк кучланишларини йўқотиш мумкин эмаслигини юқорида эслатиб ўтган эдик. Иssiқлик жараёнларининг инерционлиги сабабли, намунадан юқори частотали ток ўтказиш билан намунадаги температура градиенти ва у билан боғлиқ бўлган Нернст, Риги-Ледюк эфектларининг Холл эфектига таъсирини йўқотиш мумкин. Қизиш ва у билан пайдо бўлган кучланишлар вақт бўйича ўзгармайди, Холл ўлчов асбоблари фақат ўзгарувчан электр сигнални ўлчайди. Намунадан ўзгарувчан ток ўтганда магнит майдонида ўзгарувчан ток частотасига тенг бўлган Холл кучланиши ҳосил бўлади. Одатда ўзгарувчан электр сигнални ўзгармас сигналга нисбатан кучайтириш осон. Ўзгарувчан токни маълум яримўтказгичларга қўллаш билан Холл кучланишини ўлчовчи сезгирилурмани яратиш мумкин. Бу усул Холл электр юритувчи кучини катта олиш қийин бўлган, ҳаракатчанлиги, солишиштирма қаршилиги кичик бўлган намуналарда концентрация ва ҳаракатчанликни ўлчашда катта аҳамиятга эга. Ўлчов пайтида намунадан ўтаётган ўзгарувчан ток-



2.3-расм. Холл электр юритувчи кучини ўзгарувчан ток ва ўзгармас магнит ёрдамида ўлчаш схемаси.

нинг Холл электр юритувчи кучи электр занжирда ҳосил қиласидиган кераксиз сигналларни (наводокни), шовқинни йўқотиш керак. 2.3-расмда Холл электр юритувчи кучнинг ўзгарувчан ток ва ўзгармас магнит ёрдамида ўлчаш чизмаларидан бири келтирилган. Ўзгарувчан ток манбайдан (ТМ) ажратувчи трансформатор Тр1 орқали намунага кучланиш берилади. Шу трансформатордан яна таянч сигнал синхрон детекторга берилади. Ноэквипотенциал кучланиш $B=0$ да R — қаршилик орқали компенсацияланади. Холл контактларидан олинадиган кучланиш Тр2 — трансформатор орқали кучайтиргичга, сўнг синхрон детекторга берилади ва Холл кучланиши ўлчанади. Синхрон детектор ҳар хил шовқинларни камайтиради ёки тўлиқ йўқотади. Тр2 трансформаторнинг кириш қаршилиги R — қаршиликка ва зондлар орасидаги қаршиликка нисбатан етарлича катта бўлиши керак.

Бу чизмада частотаси $\nu=570$ Гц бўлган ўзгарувчан токни қўллаш билан кичик қаршиликли намуналарда Холл электр юритувчи кучини ўлчашда сезгирилиги 10^{-9} В га ет-

ган. Бу чизма билан магнит майдон индукцияси $B=4600$ Гс да заряд ташувчилар концентрацияси $n=6 \cdot 10^{21}$ см⁻³, ҳаралатчанлиги $\mu_n=2$ см/В. с бўлган намунада Холл эффиқти ўлчанган. Шуни таъкидлаш керакки, бу усул билан ўтказувчаникнинг типини ҳам аниқлаш мумкин. Агар Холл кучланиши билан намунадан ўтаётган ток бир фазада бўлса, p -тип намунада $R_H > 0$ бўлади, агар қарама-қарши фазада бўлса, n -тип намунада $R_H < 0$ бўлади.

в) Холл электр юритувчи кучини ўзгарувчан ток ва ўзгарувчан магнит майдони усули билан аниқлаш

Намунадан ўтаётган ток ва унга қўйилган магнит майдони ўзгарувчан бўлиб, уларнинг ўзгариши қўйидаги қонуниятлар бўйича бўлсин:

$$\begin{aligned} B &= B_0 \cos(\omega_1 t + \delta_1) \\ I &= I_0 \cos(\omega_2 t + \delta_2) \end{aligned} \quad (2.20)$$

Бу ерда: B_0 , I_0 — мос равишда магнит майдон индукцияси ва ток амплитудалари, ω_1 ва ω_2 — уларнинг частоталари. δ_1 ва δ_2 — фазалар силжиши, $\omega_2 > \omega_1$ деб ҳисобланса, (2.24) ни (2.15) га қўйисак, Холл электр юритувчи кучи ифодаси қўйидаги кўринишни олади:


$$\begin{aligned} U_H &= \frac{I_0 B_0}{d} R_H \cdot \cos(\omega_1 t + \delta_1) \cdot \cos(\omega_2 t + \delta_2) = \\ &= \frac{I_0 B_0}{d} R_H \left\{ \cos[(\omega_2 - \omega_1)t + (\delta_2 - \delta_1)] + \right. \\ &\quad \left. + \cos[(\omega_2 + \omega_1)t + (\delta_1 + \delta_2)] \right\} \end{aligned} \quad (2.21)$$

Бундан кўринадики, ўзгарувчан Холл ЭЮК ифодаси частотаси $(\omega_2 - \omega_1)$ ва $(\omega_2 + \omega_1)$ бўлган иккита гармоникани ўзичига олади. Холл зондлари орасидаги ўзгарувчан кучланишни гармоника частоталаридан бирига $\omega_2 - \omega_1$ ва $\omega_2 + \omega_1$, созланган танловчи кучайтиргичга бериб, Холл ЭЮК ининг амплитудаси ўлчанади ва Холл доимийси

$$R_H = \frac{2U_H}{I_0 B_0} \cdot d \quad (2.22)$$

формула билан аниқланади. Бу билан ҳамма құшимча, иккінчи даражали эффектлар таъсири йүқотилади. Масалан, зондларни носимметрик жойланиши билан боғланган ω_1 частотали кучланишни, магнит майдонининг ҳосил қылган ω_2 частотали ва иссиқлик эффектлари билан боғлиқ кучланишларни күрсатиш мумкин. Шундай қилиб, құшимча эффектларнинг катта электр сигнал шовқинида қиймати кичик бўлган Холл электр юритувчи кучини үлчаш мумкин. Кучли ўзгарувчан магнит майдонини олишдаги қийинчиликларга қарамасдан, тор соҳали (узкополосный) кучайтиргичларнинг құлланиши қурилманинг сезгиригини анча оширади. Холл ЭЮК ининг температурага боғлиқлигини үлчаш ва Холл кучланишининг ўзгаришини узлусиз ёзиб олишни бу усулининг афзалликларидан бири сифатида күрсатиш мумкин. Ўзгарувчан магнит майдони электромагнит чулғамларида ω_2 частотали ток ўтказиш билан ёки механик усул билан ҳосил қилинади.

Частоталар бир-биридан кескин фарқ қылган ҳолда ЭЮК ни үлчаща шовқин сигнал (наводка) бўлмайди. $\Delta\nu=0,5\div1$ Гц бўлган тор соҳали кучайтиргичларнинг құлланиши ток ва магнит майдон частоталарининг жуда турғун бўлишлигини талаб қиласди, акс ҳолда сигналнинг $\omega_2-\omega_1$ ёки $\omega_2+\omega_1$ частоталари кучли ўзгаришга учрайди ва $\omega_2-\omega_1$ ёки $\omega_2+\omega_1$ частотага созланган кучайтиргичда Холл ЭЮК и кучланишни кескин камайтиради. Одатда магнит чулғами частотаси $\nu=50$ Гц бўлган ўзгарувчан ток тармоғига уланади. Одатда саноатда ток частотасини турғун ушлаб туришга эришиб бўлмайди. Шу сабабли, ω_1 частотанинг ўзгариши билан мос равища ω_2 частотани ўзгартирадиган шундай қурилма яратилганки, у частоталар фарқини $\omega_2-\omega_1$ кучсиз ўзгартиради (сақлайди). Ўзгарувчан ток ва ўзгарувчан магнит майдон усули орқали Холл ЭЮК ини үлчашга халақит берадиган сабаблардан бирига ω_1 ва ω_2 частотали кучланишларнинг аралашышига олиб келувчи ток контактларида ўзгарувчан токнинг тўғриланишини күрсатиш мумкин, чунки бунда Холл Э Ю К частотасига teng частотали тебранишни ҳосил қилувчи шовқин сигнал ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун Ом контактларини эритиб олиш технологиясини яхшилаш (масалан, $n+n$, $p+p$ контактлар олиш) ҳамда гантель кўринишидаги намуналар



2.4-расм. Холл эффициентини ўзгарувчан ток ва ўзгарувчан магнит майдонда ўлчаш схемаси.

Құллаш билан бунинг таъсирини камайтириш мүмкін. Шунга мувофиқ контакттар сифатига құйилған талаб ўзгару мас ток усулига нисбатан қаттықрөң. Бу усул билан Холл ЭЮК ини ўлчашнинг блок чизмаларидан бири 2.4-расмда келтирилған. Чизмада ўзгарувчан ток манбаи сифатида чи-қиши қаршилиги кичик бўлган иккита симметрик каналли паст частотали генератор ишлатилади. Кучланиш намуна-га генератордан ажратувчи трансформатор орқали бери-лади. Намунадан ўтаётган ток трансформатор T_p нинг иккиламчи чулғами ўртасига уланган амперметр билан, ўзгарувчан Холл ЭЮК $\omega_1 + \omega_2$ ёки $\omega_2 = \omega_1$ частотага созлан-ган танловчи резонанс кучайтиргич билан ўлчанади. Бу усул билан Холл ЭЮК ишорасини аниқлашнинг бир қан-ча радиотехник чизмалари мавжуд: масалан, намунадаги Холл ЭЮК ни этalon намунадаги Холл ЭЮК га солиши-тириб аниқлаш мүмкін. Бунинг учун ўтказувчанлик типи аниқ бўлган этalon намуна олиб, уни Холл ЭЮК ўлчана-ётган намуна Холл ЭЮК ига кетма-кет улаб, улар солиши-тирилади. Бу ҳолда Холл ЭЮК

$$U_H = 2 \left(\frac{R_{H\Theta}}{d_{\Theta T}} \cdot BI_{\Theta} \pm \frac{R_H}{d} BI \right) \cos(\omega_2 - \omega_1)t \quad (2.23)$$

ифода билан аниқланади. Бу ерда: $R_{H\Theta}$, d_{Θ} — эталон намунанинг Холл коэффициенти ва магнит йўналиши бўйича қалинлиги, I_{Θ} , I — эталон ва текширилаётган намунадан ўтётган ток.

Бир хил фазадаги токлари I_{Θ} , I нинг катталигини ўзгартириб, қарама-қарши тип ўтказувчанликка эга бўлган намуналарда Холл Э Ю К нолга тенг бўлган вазиятга эришилади. Агар намуна билан эталон электр ўтказувчанликлари типи ҳар хил бўлса, токлардан бирининг фазасини ҳамда I_{Θ} ва I ларни ўзгартириб, компенсацияга эришилади. Шундай қилиб, бу усул билан нафақат Холл Э Ю К ишорасини, балки текширилаётган намунанинг Холл коэффициенти (доимийси) нинг абсолют қийматини топиш мумкин

$$R_H = R_{H\Theta} \frac{d}{d_0} \frac{I_2}{I} \quad (2.24)$$

Бу компенсация усулида магнит майдонининг катталигини билиш шарт эмас. Одатда эталон намуна электромагнит қутблардан бирига ёпиштириб қўйилади. Холл ЭЮК ини ўлчайдиган саноат курилмаларида ток генератори частотаси 70—75 Гц, магнит қутбларининг пойнаги (учлиги) 40 мм, улар орасидаги масофа 40 мм тартибида бўлса, 3000 эрстедгача бўлган магнит майдонини ҳосил қилиш мумкин. Бу усул билан ҳаракатчанликлари $5 \div 10^{-2}$ см²/В · с бўлган намуналарда Холл эфектини ўлчаш мумкин бўлган. Шуни назарда тутиш керакки, ўзгарувчан майдонда яхлит металл қисмлар (криостат), уни ушлаб турадиган тутқичлар индукцион ток билан қизиши мумкин.

2.4-чиzmадаги аралаштиргичдан чиқаётган стандарт фазали кучланиш билан намуна даги кучайтирилган Холл кучланиши осциллографда ҳосил қилган лиссажу шаклларига қараб Холл ЭЮК ишорасини, яъни намунада электр ўтказувчанлик типини аниқлаш мумкин.

2.3-§. Холл токи

Биз юқорида Холл эфектининг кўрганда бу эфектнинг назарияси стационар ҳолатда қўйидаги ифодаларга олиб келишини кўрган эдик:

$$\vec{E} = \vec{E}_n + \vec{E}_H; \quad \vec{E}_n = \frac{\vec{j}_n}{\sigma(B)}; \quad \vec{E}_H = \frac{\mu_{nH}}{\sigma(B)} [\vec{j}_n \vec{B}] \quad (2.25)$$


Бу ерда: \vec{E} — намунанинг натижавий электр майдон кучланганлиги, \vec{E}_n — намунадан оқаётган токнинг ҳосил қилган майдон кучланганлиги, \vec{E}_H — Холл электр майдон кучланганлиги, j — ток зичлиги вектори, $\sigma(B)$ — магнит майдондаги солиштирма электр ўтказувчанлиги.

Бу формуласалар ток ўтаётган намунани магнит майдонига киритганда пайдо бўлган Холл эфектининг бир жиҳатини намоён бўлишини кўрсатади, $\vec{B}=0$ да $\vec{E}=\vec{E}$ бўлади. Магнит майдони (Лоренц кучи) ток зичлиги векторига тик бўлганда магнит майдонига пропорционал бўлган Холл электр майдон кучланганлигини вужудга келтиради. (2.25) даги ифодаларнинг ток зичлигига нисбатан ечими қўйидаги

$$\begin{aligned} \vec{j} &= \vec{j}_n + \vec{j}_H + \vec{j}_1; & \vec{j}_n &= \sigma' \vec{E}; & \vec{j}_H &= \sigma' \mu_n [\vec{E}_n \vec{B}] \\ \vec{j}_1 &= \sigma' \mu_h^2 \vec{B} (\vec{B} \vec{E}); & \sigma' &= \frac{\sigma}{1 + \mu^2 B^2} \end{aligned} \quad (2.26)$$

ифодаларга олиб келади. Холл ўлчовлари ўтказилганда одатда $E \perp B$ қилиб олинади, бунда $\vec{j}_1=0$ бўлади. (2.30) ифодалар Холл эфектининг иккинчи жиҳатини кўрсатади. Холл эфекти магнит майдон индукцияси ҳамда ўтказувчан ток зичлиги векторига тик ва магнит майдонига пропорционал Холл токини ҳосил қилади. Намунада Холл эфекти текширилганда Холл электр майдон кучланганлигини характерловчи тенгламалар тизими (2.25) ёки унга эквивалент (2.26) тенгламалар яна қўйидаги ифодаларни ўз ичига олади:

$$div \vec{j} = 0; \quad rot \vec{E} = 0 \quad (2.27)$$



2.5-расм. Холл токининг пайдо бўлишини тушунтиришга чизма (а),
Холл токининг контактлар орқали уланиши.

Бунга қуйидаги чегаравий шартлар қўйилади:

1. Намуна сиртининг металл қопланмаган қисмида электр майдон ва токнинг тангенциал (нормал) ташкил этувчиси

$$\vec{E}_t = 0; \quad j_t = 0 \quad (2.28)$$

бўлади. Бунда контактларнинг потенциали ёки ундан оқаётган ток берилиши керак. Маълумки, токли намунани ток йўналишига тик бўлган магнит майдонига киритсак, узун, тор намунанинг ўрта қисмида ностационар Холл токидан, зарядларининг тўпланиши сабабли, Холл электр юритувчи кучи (ЭЮК) пайдо бўлади. Калта, юпқа ва кенг ($a \ll b$) намунада Холл эфектини кўрайлик (2.5-расм).

Узун ва тор намунадаги каби Лоренц кучи дрейф ҳаракати қилаётган заряд ташувчиларни оғдиради, аммо на-

мунанинг қалинлиги кичик ва эни катта шаклда бўлиши туфайли, намуна ўрта қисмининг бирор ерида оғган зарядлар тўпланиши кузатилмайди ва натижада Холл электр майдони пайдо бўлишига олиб келмайди, яъни Лоренц кучини мувозанатловчи майдон вужудга келмайди, Оу — ўқи бўйича стационар Холл токи оқади. $U = \pm b/2$ сиртларда тўпланган зарядлар намуна марказидан узоқлашган ва майдон кучланганлигининг E_y ташкил этувчиси пайдо бўлмайди. Бу эффектни микдорий қарашда, намуна марказидаги катталикларни U га боғлиқ бўлмаслигидан фойдаланамиз. Бу ҳолда (2.28) дан кўринадики, j ва E_y лар x га боғлиқ, эмас, (2.28) га кўра

$$E_y \left(x = \pm \frac{a}{2} \right) = 0$$

бўлади. Марказий қисмида E_y x га боғланмаган бўлгани сабабли, $E_y = 0$. Бу мулоҳазаларни ва (2.26) ифодани қўллаб,

$$j_x = j_n + \tau' E_x; \quad j_y = j_H = \mu_n B_z j \quad (2.29)$$

формулаларни оламиз. Булардан кўринадики, E_x ва j_y x га боғлиқ эмас ва электр майдон бир жинслидир. Магнит майдонида ток зичлиги вектори θ бурчакка бурилади. $U = \text{const}$ текисликдан оқаётган тўла Холл токи

$$I_H = a \cdot d \cdot j_y \quad (2.30)$$

формула билан топилади.

Намуна контактининг бир қисмидан оқаётган ток

$$I_B = db j \quad (2.31)$$

бўлади. Бу ерда: b — ток ўтаётган контакт соҳасининг кенглиги. (2.35) формуладан фойдаланиб, токнинг (2.30) ва (2.31) ифодаларини қўйидаги кўринишида олиш мумкин:

$$I_H = \mu_n B \sigma d \cdot U; \quad I_b = \sigma' \frac{bd}{a} U \quad (2.31 \ a)$$

Күчсиз магнит майдонида $1 \gg B^2 \mu^2$ намунада бир жинсли электр майдон ($\sigma = \sigma'$) бўлгани учун Холл токи

$$I_H = \frac{a}{b} \cdot \mu_n B \cdot I \quad (2.32)$$

кўринишни олади. Эслатиб ўтамизки, $y = \pm b/2$ сиртларда тўпланган зарядлар уларнинг атрофида $E_y \neq 0$ бўлишига олиб келади, ток зичликларини j_x ва j_y марказ яқинидаги қийматлардан фарқли бўлишига олиб келади ва электр майдонининг бир жинслилиги бузилади. Бир жинсли бўлмаган соҳа эса ён сиртлардан ($1 \div 1,5$) а масофагача бўлади. Бунда токнинг контактлар орқали уланиши содир бўлади. (2.31) формулалар намунанинг ўрта қисмida ($a \leq 3b$) соҳасида ўринли ҳисобланади. Акс ҳолда, Холл токи, Холл ЭЮК и каби тузатиш функциялари орқали ҳисобланади. (2.30) ва (2.31) ларга кўра, бўйи кичик ва эни катта намуналарнинг ($b \gg a$) марказий қисмida магнит майдони солиширма ўтказувчанлик ($\sigma = j_x/E_x$) ни $(1 + \mu^2 B^2)$ марта камайтиради, солиширма қаршиликни шунча марта оширади. Бу ҳодиса геометрик магнит қаршилик эффиқти деб аталади ва у куйидаги тушунтирилади: Холл токи намунада ток найини узайтиради ва унинг кўндаланг кесимини камайтиради (2.5a-расм). Чизмада $B=0$ да кенглиги $w \ll a$ бўлган контакт соҳасидан оқаётган ток найининг чизиқлари узлуксиз чизиқ билан белгиланган, $\tilde{B} \neq 0$ да узлукли чизиқ билан кўрсатилган. Бунда ток узунлиги катта бўлган най орқали оқади. Найининг ўтказувчанлиги ток найининг энига тўғри пропорционал, узунлигига тескари пропорционал, яъни ўтказувчанлик (w/a) га пропорционалдир. $B \neq 0$ да кенглиги $w/(1 + \tan^2 \theta)^{1/2}$ га, узунлиги $a(1 + g^2 \theta)^{1/2}$ ва ўтказувчанлиги

$$\sigma' \approx \frac{W}{a} \frac{1}{1 + \tan^2 \theta} \approx \frac{W}{a} \left(1 + \mu_n^2 B^2 \right)^{-1} \quad (2.33)$$


га тенг бўлади. Шундай қилиб, магнит майдони найининг ўтказувчанлигини камайтиради ва шунга мувофиқ найининг қаршиликини оширади. Геометрик магнит қаршилик эффиқти (кўпроқ) юпқа (ток йўналиши бўйича), эни

кенг намуналарда ҳам, узун намуналарнинг контактлар соҳасига яқин бўлган жойларда ҳам кузатилади. Бошقا шаклдаги намуналарда, масалан, “Корбино” доирасида ҳам кузатилиши мумкин (2.7-§ га қаранг). Узун намуналарнинг марказий қисмида, Холл токи йўқ жойларда бу эффект кузатилмайди.

2.4-§. Холл токларини ўлчаш ва у орқали яримўтказгич намуналарда заряд ташувчиларнинг концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш

Намуна сиртларидағи омик контактларни қисмларга ажратиш усули.

Биз кўрдикки, намунадан оқаётган Холл токи контактлар орқали уланади. Контактларни бўлакларга бўлиш (ажратиш) Холл токини ташқи занжирга чиқаришга ва ўлчашга имкон беради. Намуна сиртидаги контактлар бирбиридан бир жинсли майдон соҳасида ажратилган бўлсин (2.6-расм). Ўлчов чизмаларига уланган тўртта контактлар орқали $I_1 + I_4$ токлар ўтади. Бу токлар ажратилган қисмларда ажратилган контактларнинг эквипотенциаллигини таъминлайди. Стрелка билан кўрсатилган чизикчалар ток йўналишлари кесиб ўтгаётган соҳада кўрсатилган. Ажратилган контактлар орасидаги масофа намуна узунлигидан жуда кичик ва бу майдоннинг бир жинслигигини бузмайди. Контактлар намуна марказида ажратилган ҳол



2.6-расм. Ом контактлари бўлакларга ажратилган намуна.

Энг содда ҳолга мос келади, лекин буни ҳамма вакт амалга ошириб бўлмайди, шунинг учун умумий бўлган ҳолда контактларнинг ажратилиш жойи марказга нисбатан силжиди. Координата ўқлари билан намуна тўртта бўлакка ажратилади. Контактлар намуна ўртасидан ажратилган бўлганда бу тўртта соҳада заряд сақланиш қонуни бажарилишини ҳамда тўла ток

$$I = I_1 + I_2 = I_3 + I_4 \quad (2.34)$$

бўлишлигини назарда тутиб, тўрт соҳа токларининг қуйидаги ифодаларини олиш мумкин.

$$I_1 = 0,5I + 0,5I_H \quad I_2 = 0,5I - 0,5I_H \quad (2.35)$$

$$I_3 = 0,5I - 0,5I_H \quad I_4 = 0,5I + 0,5I_H \quad (2.36)$$

Лекин юқоридаги контактнинг чапга силжиши I_1 токнинг камайишига, I_2 нинг ортишига олиб келади. Бу қиймат $y \geq 0$ соҳага кирадиган I_{y1} ва I_{y2} токларга тенг, шунинг учун (2.35) ва (2.36) қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{aligned} I_1 &= 0,5I + 0,5I_H - I_{y1} & I_2 &= 0,5I - 0,5I_H + I_{y1} \\ I_3 &= 0,5I - 0,5I_H - I_{y2} & I_4 &= 0,5I + 0,5I_H + I_{y2} \end{aligned} \quad (2.37)$$

Бу ифодалардан

$$I_1 - I_2 = I_H - 2I_{y1}; \quad I_1 - I_3 = I_H - I_{y1-y2} \quad (2.38)$$


формулаларни топамиз. Холл токлари қаралаётган ҳолда

$$\begin{aligned} I_H(\vec{B}) &= -I_H(-B); & I_{y1}(B) &= I_{y1}(-B) \\ I_{y2-y1}(B) &= I_{y2-y1} = I(-B) \end{aligned} \quad (2.39)$$

бўлишлигини назарда тутиш керак.

Холл токини ўлчаш чизмалари

Холл токини ўлчаш чизмаларидан бири 2.7а-расмда келтирилган. Бу намунанинг юқори сиртида бир-биридан ажратилган контакт олинади, Холл токини ўлчаш учун



2.7-расм. Холл токини тажрибадан аниқлашнинг ўлчаш схемалари.

унга параллель ички қаршилиги (R_r) $R_1 + R_2$ қаршиликка ва ажратилған контакт орасидаги намуна қаршилигига нисбатан жуда кичик бўлган гальванометр уланади. Ток манбаига, намунага кетма-кет уланган амперметр намунадан ўтаётган токни ўлчайди. Холл токини ўлчаш учун $B=0$ да R_1 ва R_2 қаршиликлар орқали гальванометрдан ўтаётган ток нольга ($I_r=0$) келтирилади, сўнг магнит майдон уланади. Магнит майдон уланганда намунада Холл токи вужудга келади. $B\neq0$ да гальванометр билан магнит майдонида вужудга келган, юқори сиртида ажратилған контактларни туташтирувчи Холл токининг бир қисми аниқланади. Гальванометрнинг ички қаршилиги кичик бўлганда гальванометрдан оқаётган ток Холл токининг ярмига teng бўлади. Намунанинг юқори қисмидаги ажратилған контактларга уланган электр занжири учун қуйидаги Кирхгоф қоидаси ўринлидир:

$$I_1 - I_2 = 2I_r \left(1 + \frac{R_r}{R_1 + R_2} \right) + I \frac{R_2 - R_1}{R_2 + R_1} \quad (2.40)$$

$B=0$ бўлганда $I_r=0$ қилиб олинса, (2.38) ва (2.40) лардан

$$\left. -\frac{2I_{y1}}{1} \right|_{B=0} = I_{y1=0} \frac{R_2 - R_1}{R_2 + R_1} \quad (2.41)$$

бўлишилигини топамиз.

Кучсиз магнит майдонида Холл токи I_{y1} га нисбатан умумий ток $I=I_1+I_2$ ва I_{y1} нинг ўзгаришини назарга олмаслик мумкин. Модомики шундай экан, улар (ΔI_1 , ΔI_{y1}) магнит — қаршилик эффекти билан пайдо бўлган. Бу эффектда ΔI_1 ва ΔI_{y2} иккинчи тартибли, I_H эса биринчи тартибли кичик катталиклардир. (2.40) ифодани ҳисобга олиб, (2.38) ва (2.41) лардан

$$I_r = \frac{I_H}{2} \left[1 + \frac{R_r}{(R_1 + R_2)} \right]^{-1} \quad (2.42)$$

ни топамиз. Агар $R_r \ll R_1 + R_2$ шарт бажарилса, $I_r = I_H/2$ бўлади. Юқорида айтилганларга кўра гальванометр Холл токининг ярмини ўлчайди. Бу гальванометрга $0,5I_H R_r$ га тенг бўлган кучланиш тушувини ва ажратилган контактларда ноэкивотенциалликни ҳосил қиласди. Холл токини ўлчашдаги нисбий хатолик

$$\frac{\Delta I_H}{I_H} = \frac{R_r}{R'} \quad (2.43)$$

бўлади. Бу ерда, R' — ажратилган контактлар орасидаги намуна қаршилиги. Маълумки, ток контактларининг ажратилиши намунада электр майдонининг маҳаллий бузилишига олиб келади ва контактлар потенциаллари бир хил бўлганда хатолик

$$\left| \frac{\Delta I_H}{I_H} \right| \approx \frac{\delta}{a} \quad (2.44)$$

бўлади. Бу ерда, δ — ажратилган контактлар орасидаги масофа. Холл токини, намунага қўйилган кучланишни

ва намунадан ўтаётган токни билган ҳолда, күчсиз магнит майдонида заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлиги қуйидаги формулалардан аникланади:

$$I = \sigma \frac{b \cdot d}{a} \cdot U; \quad I_H = \frac{a}{b} \mu_{nH} BI \quad (2.45)$$

2.7а-расмда келтирилган чизма билан ихтиёрий магнит майдонида Холл токини ўлчаш мумкин. Бунда ток I_r нинг ўзгаришини ташлаб юбориш мумкин бўлмайди, уни йўқотиш учун магнитнинг икки йўналишида Холл токи ўлчаниди, яъни

$$I_H = (I_r(B) - I_r(-B)) \left(1 + \frac{R_t}{R_1 + R_2} \right) \quad (2.46)$$

$$R_t \ll R_1 + R_2 \text{ да } I_H = I_r(B) - I_r(-B) \quad (2.47)$$

Ҳаракатчанлик (2.26) асосида олинган тўла ток

$$I_t = \sigma' \frac{ld}{a} U; \quad I_H = \mu_{nH} B \sigma' d U \quad (2.48)$$

формулаларидан топилади. Бунинг учун кенглиги l бўлган соҳадан ўтаётган ток ва унга қўйилган кучланишни ўлчаш керак (2.7а-расм). Бу усул билан ўлчашда намунанинг остки Ом контакти икки қисмга ажратилади, яъни юқори Ом ли намуналарнинг солиштирма қаршилигини ўлчаш каби қўриқловчи ҳалقا ишлатилади. Икки контактда эквипотенциаллик шарти

$$I_t R_A \ll U \quad (2.49)$$


да бажарилади. Бу билан сирт бўйлаб оқаётган сирт ўтказувчанлиги токини ҳамда бир жинсли бўлмаган электр майдон соҳасида оқаётган токларнинг таъсирини йўқотиш мумкин. Холл токини ўлчашга доир яна бир чизма 2.7в-расмда келтирилган. Унга асосан ажратилган контактларда R_1 ва R_2 орқали $B=0$ да эквипотенциалликка

эришилди. Бунда R_1 , $R_2 \gg R_r$ булиши керак. Магнит майдон уланганда гальванометрдан үтәётгән ток I_r Холл токи I_H ни күрсатади. Намунадан оқаётгән тұла ток A_1 ва A_2 амперметрлар билан үлчанади. Чизма күчсиз магнит майдонида Холл ҳаракатчанлигини үлчашга яроқлады.

Холл токини үлчашга асосланған заряд ташувчилар ҳаракатчанлигини ва концентрациясини аниқлаш усули кейинги йилларда ишлаб чиқылған. Текширишларнинг күрсатишича, бу усул ҳам, Холл ЭЮК ини үлчашга асосланған усул каби, намуна хоссалари тұғрисидаги маълумотларни беради, маълум шароитда Холл токини үлчашни амалга ошириш енгилроқ ва қулайды. Масалан, бу усул билан юқори Ом ли намуналарнинг ҳамда қалинлиги бүйича бир жинсли бўлмаган диффузион қатламларни, эпитаксиал қатламларнинг параметрларини үлчаш қулайды. Маълумки, Холл ЭЮК ини юқори Ом ли намуналарда үлчаш учун ички қаршилиги катта бўлган электрометр-вольтметрлар қўлланилади. Намуна қаршилиги катта бўлганда сирқиш токи пайдо бўлиши мумкин. Бунда вольтметрлар билан ишлаш қийинчилик туғдиради. Холл токини үлчашда эса ички қаршилиги кичик гальванометр қўлланилади, бу билан ток сирқиши йўқотилади. Кўп қатламли структураларда Холл ЭЮК и қийматига ҳар бир қатламнинг қўшган ҳиссаси мураккаб муносабатлар билан боғланган. Холл токини үлчаш усулида натижавий Холл токига ҳар бир қатламнинг қўшган ҳиссаси содда боғланган бўлиб, у қўшилиб боради. Анистропик намуналарда Холл ЭЮК ини үлчаш билан солишишим қаршилик тензори, Холл токини үлчаш билан солишишим үтказувчанлик тензорини аниқлаш мумкин.

2.5-§. Ван-дер-Пау ва тўрт зондли усул билан яrimўтказгич намуналарда заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини үлчаш

Ихтиёрий шаклдаги пластинкаларда, юпқа қатламларда, эпитаксиал структураларда концентрация ва ҳаракатчанликни үлчашда энг қулай, хатолиги кичик бўлган Ван-дер-Пау усули қўлланилади. Бунинг учун намуна четидан тўртта контакт олинади. Бу контактларнинг иккита



2.8-расм. Ихтиёрий шаклдаги намуналарда Ван-дер-Пау усули билан Холл доимийсини аниқлашада контактларнинг жойланиши (а), Холл доимийсини аниқлашнинг тўрт зондли усули (б).

қарама-қаршиси орқали ток ўтказилиб (I_{AC}), иккита қарама-қаршисида кучланиш (U_{BD}) ўлчанади. Магнит майдони уланган ва уланмаган ҳолдаги кучланиш тушувлари $U_{BD}(O)$ ва $U_{BD}(\vec{B})$ ўлчаниб, Холл Э Ю К и аниқланади. Кучланиш ўлчанадиган контактлар умумий ҳолда экви-потенциал сиртларда ўтмаслиги мумкин (2.8-расм). Магнит майдонига киритилган намунанинг BD контактлари орасидаги кучланишнинг ўзгариши кучсиз магнит майдонда $\mu_n \vec{B} \ll 1$ Холл Э Ю К ига teng бўлади, чунки бу ҳолда B ва D контактлар орасидаги қаршиликнинг магнит майдонда ўзгариши билан боғлиқ кучланиш инобатга олмаслик даражада кичик бўлади

$$U_H = U_{BD}(\vec{B}) - U_{BD}(O) \quad (2.50)$$

Ўлчашиб даврида ток қиймати бир хил ушлаб турилса, Холл доимийси R_H (2.11а) га кўра

$$R_H = \frac{U_{BD}(\vec{B}) - U_{BD}(O)}{IB} d \quad (2.51)$$

формула билан аниқланади. Заряд ташувчилар ҳаракатчанлиги ва концентрацияси

$$\mu_H = \frac{U_{BD}(\bar{B}) - U_{BD}(O)}{I \cdot \bar{B} \cdot \rho}; \quad n = \frac{r}{e \mu_H \rho} \quad (2.52)$$

формулалар орқали ҳисобланади. Солиширма қаршилик ρ ни Ван-дер-Пау усули билан аниқлаш 1.7-ғ да батафсил ёритилган. Контактларнинг таъсирини йўқотиш учун махсус шаклда, яъни беда барги шаклида намуна тайёрланади. Шуни эслатиш керакки, Ван-дер-Пау усули билан ўлчашда пластинка сиртлари ясси, параллел бўлиши ва, лекин унда дарча (тешик) бўлмаслиги керак. Эпитаксиал структураларда n , μ_n -ни ўлчашда қатламнинг солиширма қаршилиги кичик $n-n^+$, ёки $p-p^+$, ёки $p-n$ типидаги эпитаксиал структуралар бўлиши керак.

Ом контактларини олиш мураккаб ва вақтни кўп оладиган жараёндир, бу эса Холл усулларининг амалиётда қўлланилишига қийинчилик туғдиради. Шунинг учун контакт қаршилигининг таъсири ўлчов билан боғлиқ хатоликларда унчалик мухим бўлмаган ҳолларда қаршиликлари жуда юқори бўлмаган намуналарни, эпитаксиал структураларни текширишда, Холл доимийсини тез ўлчаш учун квадрат учларига жойлаштирилган тўрт зондли усулни қўллаш мумкин (2.86-расм).

Ван-дер-Пау усули назариясида тўртта нуқтавий контактни намуна четига жойлашган бўлсин деб фараз қиласлик. Мабодо бу контактлардан бири нуқтавий бўлмай, қандайдир ўлчамга эга бўлса, ёки намуна четига жойлашган бўлса, ҳисоблаш формулаларига тузатиш функцияси ни киритиш керак бўлади. Контактларни Ван-дер-Пау усулига киритган хатоликлари доира ва тўғри тўртбурчакли шаклдаги намуналар учун ҳисобланган. Контактлар бир-бирига нисбатан 90° бурчак остида жойлашган доира шаклидаги намуналарда мутлақ бўлмаган (нуқсонни) битта kontaktning киритган хатолиги 2.1-жадвалда келтирилган. 2.86-расмда келтирилган чизма бўйича ўлчанганд, қалинлиги зондлар орасидаги масофадан жуда кичик ($d \ll S$) бўлган намуналарнинг икки зонд орасидаги потенциаллар айрмаси

$$U' = U_\rho + U_M + U_H = \frac{I_0 \ln 2}{\pi d} \cdot C_\rho [1 + \beta^2] + \frac{R_H IB}{d} C_H \quad (2.53)$$

Нисбий хатолик	Намунада контактларнинг кўриниши ва жойланиши		
$\Delta\rho/\rho$	$-\frac{1}{16} \frac{1}{\ln 2} \cdot \left(\frac{l}{D}\right)^2$	$-\frac{1}{4} \frac{1}{\ln 2} \cdot \left(\frac{l}{D}\right)^2$	$-\frac{1}{2} \frac{1}{\ln 2} \cdot \left(\frac{l}{D}\right)^2$
$\Delta\mu/\mu$	$\frac{2}{\pi^2} \left(\frac{l}{D}\right)$	$\frac{4}{\pi^2} \left(\frac{l}{D}\right)$	$\frac{2}{\pi} \left(\frac{l}{D}\right)$

билин аниқланади. Бу ерда C_ρ , C_H — намуна ўлчамлари-ни ўлчашиб натижаларига таъсирини ҳисобга оладиган ту-затиш коэффициентлари,


$$\beta = R_H \vec{B} / \rho \quad (2.54)$$

U_o — биринчи ҳад, намуна ўлчамлари (четки томон эф-фектлар) таъсирини ҳисобга олган тўрт зондли усул билин солишиштирма қаршиликни аниқлаш формуласи. Ик-кинчи ҳад $(1+\beta^2)$ — кўпайтувчи намуна четки қисмларининг Холл электр юритувчи кучини туташтиришидан вужудга келган Холл токига магнит майдонининг таъсирини ифодалайди. Бу ҳодиса иккиласмачи Холл эфекти деб аталади.

U_M — зондлардан оқаётган токка қаршилик қиласди, шунинг учун U_M ни геометрик магнит қаршиликнинг на-моён бўлиши деб тушунтирилади.

U_H — учинчи ҳад Холл электр юритувчи кучи.

Кучсиз магнит майдонда (μ_n ; $\vec{B} \ll 1$) U_M ҳадни инобатта олмаслик мумкин. Зондларнинг занжирга уланиш чиз-масини танлаб ҳамда намунадаги зондларни симметрик жойлаштириб, шунга эришиш мумкинки, потенциал зонд-



2.9-расм. Тұрт зондли усул билан үлчашдаги доира, ярим доира, сектор күрнишіндеги намуналар учун тузатын функциялары ва зондлар жойланиши. X — ток зондлари, O — потенциал зондлари.

лар орасидаги тұла кучланиш (2.53) даги ташкил этувчи-ларнинг бирига тенг бўлишига эришиш мумкин. Доира ва яримдоира шаклидаги намуналарда U_p , U_h ни үлчаш учун зондлар квадрати диагонали радиал симметрия чизиги бўйича жойлаштирилади. U_m ни үлчашда потенциал зондлар сифатида (1,3 ёки 2,4) радиал симметрия чизигига тик диагонали бўйича жойлашган зондлар олинади. I_p ни үлчашда ($B=0$) да 3 ва 4 зондлардан ток ўтказиб, I_{34} ва 2 зондлар орқали кучланиш үлчанади ёки аксинча.

C_p , C_H — тузатиш коэффициентлари 2.9-расмда келтирілген. Бұу ўлчовлар орқали солишири маңыздылықта қаршишилек ва Холл доимийсі қуйидаги

$$\rho = \frac{\pi d}{C_p I \ln 2}; \quad R_H = \frac{\pi U_H}{C_H BI} \quad (2.55)$$

ифодалардан топилади. 2.10-расмда түғри түртбұрчак шаклидаги пластинкаларда зондларнинг жойланиши ва тузатиш коэффициентлари C_p , C_H келтирилген.

2.6 §. Холл эффектини ўлчашдаги мунтазам (систематик) хатоликларга таъсир этувчи омиллар

Холл эффекти билан ҳамроҳ (бирга содир бўладиган) бўлган термогальваномагнит ҳодисалардан ташқари, бир қанча омиллар борки, улар Холл эффектини ўлчашдаги мунтазам хатоликларга таъсир этади. Шу омилларни қисқача кўриб чиқайлик.

1. Намуна кўндаланг кесимига ўтказилган металл электродлар Холл кучланишини шунтлайди, натижада Холл зондлари орасидаги потенциаллар айирмаси унинг ҳақиқий қийматидан (U_H) кичик бўлади. Холл кучланиши Холл контактлари ва ток электродлари орасидаги масофага боғлиқ. Намунанинг ўртасида жойлашган Холл контактларидаги кучланиш намуна узунлигининг энига нисбати $a/b \geq 5$ бўлганда максимумга эришади ва Холл кучланишидан 1% дан катта бўлмаган қиймат билан фарқланади. Шунинг учун яримтказгич намуналарда Холл эффектини ўлчашга тайёрлашда шунга амал қилиниши керак.

2. Холл доимийсі кучсиз магнит майдонида ($\mu_n B \ll 1$) намунадан ўтаётган токка I , магнит майдон индукцияси B_y ва Холл кучланишига түғри пропорционал бўлади. Германий ва кремний намуналари учун магнит майдонининг кичиклик шарти магнит майдон индукциясининг $B < 1$ Тл бўлган соҳаларида бажарилади. Масалан, $InSb$ да $\mu_n B \ll 1$ тенгсизлик магнит майдон индукциясининг $B < 0,3$ Тл соҳаларида бажарилади. Шундай қилиб, ҳар бир ярим-

ұтказгич учун магнит майдонининг кичиклик шартини қаноатлантирувчи магнит майдон индукциясининг катталигини билиш керак, шунда бу билан боғлиқ үлчашдағи хатолик йўқотилади.

3. Холл доимийлари (2.7, (2.8)), (2.9) ифодаларининг хоссалари ҳамма йўналишда бир хил бўлсин деб фараз қўлинигдан намуналар, яъни, изотроп намуналар учун ўрин-лидир. Умумий ҳолда хоссалари анизатроп бўлган ярим-ұтказгичлар учун бу муносабатлар бажарилмайди. Лекин ток ва магнит майдон йўналишилари намунанинг кристаллографик ўқлари йўналишидан катта фарқ қўлмаса, бу билан боғлиқ хатоликни йўқотиш мумкин. Холл доимисини аниқлашда U_h ни магнитнинг икки йўналишида ўлчаб, натижалар ўртасини олиш тавсия этилади. Бу тавсия, яъни ўзгармас ток ва ўзгармас магнит майдонида Холл доимисини ўлчашда инобатта олинади.


4. Холл эфектининг юқорида келтирилган формууларни фақат энергия зоналари айнимаган ярим-ұтказгичлар учун келтирилган, акс ҳолда ўлчанаётган Холл доимийсига ҳар бир энергия зоналаридаги заряд ташувчиларнинг қўшган ҳиссасини ҳисобга олиш керак. Масалан, p -тип германий валент зонаси айнигдан бўлиб, у оғир кавакли ва енгил кавакли тармоқлардан, ҳамда ўзаро спин орбитал таъсиrlашуви туфайли парчаланган тармоқдан иборатdir. Маълумки, концентрациялари ва ҳаракатчанликларининг нисбатлари

$$\frac{P_l}{P_h} = 0,04; \quad \frac{\mu_{pl}}{\mu_{ph}} = 8 \quad (2.56)$$

мос равища тенгдир. p -тип германий учун Холл доимиси

$$R_{ph} = \frac{r_H e \mu_{pe}^2 P_e - r_{Hh} \mu_{pn}^2 P_h}{e(\mu_{pl} P_l + \mu_{ph} P_h)^2} \quad (2.57)$$

ифода билан аниқланади. Енгил ва оғир кавакларнинг тажрибада аниқланган Холл доимийсига қўшган ҳиссалирини ажратиш мумкин эмас, шунинг учун тажрибада аниқланган Холл доимийси, Холл ҳаракатчанлиги фақат




2.10-расм. Түрт зондли Холл усули билан ўлчашда түгри түртбұрчак шаклдаги намуна учун тузатыш функциясы.

яrimүтказгичнинг киришма билан легирланиш даражасини микдорий, заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмларини сифат жиҳатдан баҳолашда хизмат қилиши мумкин.

Зоналар тузилиши мұраккаб бўлган яrimүтказгичларда тажрибадан олинган. μ_H ва R_H ларни аниқ изоҳлаш (тавсифлаш) учун текширилаёттан муайян материалларда уларнинг зоналар тузилишини ҳисобга олган Холл эффекти устида назарий тадқиқотлар ўтказиш керак.

5. Холл фактори магнит майдонининг индукциясига боғлиқ. Кучли магнит майдонида заряд ташувчилар релаксация вактининг иссиқлик энергиясига боғлиқ, функцияси кучсиз. Щунинг учун заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмларида магнит майдон ошиши билан Холл фактори бирга интилади ($r_H \rightarrow 1$). Холл факторининг



2.11-расм. Холл эфектини ўлчашда құлланыладиган ұрал хил күрништегі намуналар.

магнит майдонига боғлиқлиги, ҳаракатчанлиги катта бұлган яримұтказгичларда күчлироқ намоён бўлади. Масалан, n -тип GaAs да τ_h нинг магнит майдонга боғлиқлиги нисбатан кичик майдон соҳасида бошланади. Бу билан боғлиқ хатоликларни йўқотиш учун Холл күчланишини токка ва магнит майдонига чизиқли боғланиш соҳасида, яъни кичик магнит майдонда Холл эфекти ўлчаниши керак.

6. Холл эфекти ўлчанаётган намунанинг ёритилишидан баъзан пайдо бўлган фотоўтказувчанлик, фото ЭЮК хатоликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун олдин намунани ёруғликка сезгирлиги текширилади, мабодо у ёруғликка сезгир бўлса, ўлчовлар қоронғуда олиб борилади. Хатоликни камайтириш учун бундан ташқари қуидагиларга риоя қилиш керак. Электр майдон күчланганини йўқотиш, юқори Ом ли намуналарда сирт ўтказувчанлиги билан боғлиқ сирт сирқиши токлари йўқотилиши керак. Бу омиллар маълум ўлчаш чизмаларини танлаш билан ёки ұрал хил кимёвий ишловлар бериш билан йўқотиласди. Холл зондлари орқали намуна шунтланмаслиги учун маълум бир шаклда, масалан, “гантель” күрнишида намуналар тайёрлаш тавсия этилади (2.11-расм).

Тўртта Холл контактли намуна тайёрлашда уларнинг ўлчамлари $c \geq 0,1$ см; $b_1, b_2 \geq 2h$; $d \leq 0,1$ см; $1 \text{ см} \leq L \leq 1,5$ см тартибида бўлиши тавсия этилади.

2.7 §. Яримўтказгичларда заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини намунанинг магнит қаршилиги бўйича аниқлаш

a) Магнито қаршилик (магниторезистив) эффекти.

Биз юқорида узун, энсиз намуналарда Холл эффицити-ни Холл электр юритувчи кучи пайдо бўлиши билан на-моён бўлишини кўрдик. Маълумки, n -тип ўтказувчаникка эга бўлса, намунада эркин электронларнинг релаксация вақтини уларнинг энергиясига боғлиқлигини назарда тут-сак, электр майдонида электронлар ҳар хил дрейф тезлик

$$V_{\text{др}} = -\frac{e}{m_e} \tau(\varepsilon) \vec{E}$$

билин ҳаракатланади. Шунинг учун уларга магнит майдонида ҳар хил катталикда бўлган Лоренц кучи

$$\vec{F}_n = -e \cdot \frac{e}{m_e} \cdot \tau(\varepsilon) E_x \cdot \vec{B}$$

таъсир этади. Холл электр майдони (E_H) мувозанатга (ста-ционар ҳолатга) эришганда тезликлари ўртача энергияга (ε) мос келган электронларда (\vec{E}_H) нинг электронга таъ-сир кучи Лоренц кучига tengлашади. Шунинг учун дрейф ҳаракатига магнит майдон таъсир этмайди. Тезликлари ўртача тезликдан катта ва кичик бўлган электронлар эса ҳаракат йўналишларини электр майдонига нисбатан ўзгар-тиради, уларнинг ҳаракат йўли оғади. Оқибатда магнит майдонида намуна қаршилигининг ортиши кузатилади. Бу ҳодиса физикавий магнит қаршилик эфекти деб ата-лади. Мазкур эфектнинг батафсил назарияси Больцман-нинг кинетик тенгламаси ечими асосида қаралади. Маг-нит майдонида нисбий солиштирма қаршиликнинг ўзга-риши $j_x = \text{const}$ ва $j_y = 0$ бўлганда

$$\frac{\Delta \rho}{\rho} = \frac{E_x(B) - E_x(O)}{E_x(O)} = \frac{E(B)}{E(O)} - 1 \quad (2.58)$$

ифода билан аниқланади.

Кучсиз магнит майдонида ($\mu_n B \ll 1$ ёки $\mu^2 B^2 \ll 1$) киришмавий (n ёки p -тип) ўтказувчанликли яримүтказгичлар учун нисбий солиштирма қаршиликнинг магнит майдонида ўзгариши

$$\frac{\Delta\rho(B)}{\rho(O)} = \frac{\rho(B) - \rho(O)}{\rho(O)} \quad (2.59)$$

ифода билан, физикавий магнито солиштирма ўтказувчанлик

$$\sigma(B) = e\mu_n n(1 - \beta B^2 \mu_n^2) \quad (2.60)$$

ифода билан аниқланади. Бу ерда, β — физикавий

$$\beta = \frac{\langle \tau^3 \rangle \langle \tau \rangle - \langle \tau^2 \rangle^2}{\langle \tau \rangle^4} \quad (2.61)$$

магнито қаршилик коэффициенти. Релаксация вақтининг энергияга боғланишини назарда тутмаслик, яъни электронларнинг тезликлари энергияси қандай бўлишидан қатъи назар, бир хил бўлади деб олиш магнит қаршилик коэффициентини тўла йўқотишга олиб келади ($\beta=0$): β — заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмига, ярим-ўтказгичларнинг зоналар тузилишига боғлиқ. Кўп ҳолларда релаксация вақти (τ) нинг энергияга боғлиқлиги даражали функция $\tau \sim \varepsilon^{-s}$ бўлади. Бунда электронларнинг изоэнергетик сатҳлари шар сиртидан иборат бўлса, кучсиз магнит майдонда ва айнимаган яримүтказгичларда заряд ташувчиларда турли сочилиш механизmlари содир бўлгандаги S -нинг, Холл фактори r_H , магнит қаршилик коэффициенти β -нинг қийматлари 2.2-жадвалда келтирилган.

Жадвал таҳлилидан кўринадики, магнито қаршилик коэффициенти Холл факторига нисбатан сочилиш механизмига кучлироқ боғлиқ экан. Кристалл панжараси кубик сингоний тузилиши яримүтказгичлар Ge , Si , $GaAs$, $InSb$ ва ҳоказоларда Холл эфектигининг катталиги кристалл ўқларининг йўналишига боғлиқ бўлмайди. Холл ўлчовларини кристалл ўқларининг исталган йўналишида бажариш мумкин. Магнит қаршиликнинг катталиги эса

Ўлчашнинг қайси кристаллографик ўқларига нисбатан бажарилишига боғлиқ. Холл эффицидат магнитоқаршилик катталигини ўлчаш техник жиҳатдан Холл электр юритувчи кучини ёки Холл токини ўлчашга нисбатан соддароқ. Лекин юқорида кўрсатилганлар ҳаракатчанлини физикавий магнито қаршилик бўйича бир мунча қийинчиликларга ва катта хатоликларга олиб келиши мумкин. Бўйи калта, эни сербар намуналарда Холл эффицидат Холл токи пайдо бўлиши билан намоён бўлишини кўрган эдик. Бунда магнит майдонида ҳосил бўлган Холл токи (I_H) ўтказувчанлик токини оғдиради (2.5-расм). Ток ўтадиган най шаклидаги каналнинг узунлиги (a) магнит майдонида ортиб $a(1+\mu^2B^2)^{1/2}$, эни (w) камайиб $w/(1+\mu^2B^2)$ бўлишилиги оқибатида, ўтказувчанлик $w/a(1+\mu^2B^2)^{-1}$ га пропорционал бўлади. Шундай қилиб, магнит майдони намунанинг ўтказувчанлигини камайтиради, яъни қаршилигини оширади. Бу ҳодиса, физикавий магнито қаршилиқдан фарқли ўлароқ, геометрик магнит қаршилик эффицидат деб аталади. Демак, тоза магнитоқаршилик эффицидат бўйи калта, эни сербар бўлган намуналарда электр майдонининг бир жинсли соҳасида амалга ошади. Ўлчамлари чекланган намуна учун нисбий магнито қаршилик $E_x = \text{const}$, $E_y = 0$ да ўлчангандা

2.2-жадвал

Сочилиш механизмлари	S	r_H	β	β_r
Ионлашган киришмаларда	3/2	1,93	2,15	5,89
Нейтрал киришмаларда	0	1	1	1
Акустик фононларда	-1/2	1,18	0,381	1,77

$$\left(\frac{\Delta\rho(B)}{\rho(O)} \right)_\Gamma = \frac{E_x(B) - E_x(O)}{E_x(O)} = \frac{j_x(B)}{j(O)} \quad (2.62)$$

күринишиң олади. n -тип яримұтказгичларнинг геометрик магнитоқаршилиқ эффекти орқали нисбий солиширмалықтарнинг магнит майдонидан үзгариши $\mu_n B \ll 1$ да

$$(\Delta\rho/\rho)_r = \beta_r \mu_n^2 B^2 \quad (2.63)$$

формула билан аниқланади. Бу ерда,

$$\beta_r = \frac{\langle \tau^3 \rangle}{\langle \tau \rangle^3} \quad (2.64)$$

геометрик магнитоқаршилиқ коэффициенти, β_r — сочилиш механизмига бояғып бүлганса катталиқ бўлиб, унинг қиймати жадвалда келтирилган. Кучли магнит майдони $\mu_n B \gg 1$ да геометрик магнитоқаршилиқни $\mu_n^2 B^2$ га пропорционаллиги сақланади, физикавий магнитоқаршилиқ эса заряд ташувчилар ҳаракатчанлигига бояғып бўлмаган қийматга эришиб түйинади. Ҳаракатчанлиги катта бўлган яримұтказгичларда магнит майдон индукциясининг кичик қийматларида кучли магнит майдони шарти амалга ошгани учун бундай яримұтказгичларда геометрик магнитоқаршилиқ усули бўйича μ_n ни аниқлаш афзалроқдир. Бундан ташқари, физикавий солиширмалықтарнинг релаксация вақтларининг ҳар хил ўртачалаштирилган қийматларининг айрмаси билан боғланган (2.60) ва у жуда кичик бўлиши мумкин. Масалан, $GaAs$ да уй температурасида қаршилиқнинг нисбий үзгариши $B=1\text{ Тл}$ да $\Delta\rho/\rho \approx 2\%$ а $(\Delta\rho/\rho)_r \approx 50\%$ га teng.

б. Заряд ташувчилар ҳаракатчанлигини намунанинг геометрик магнитоқаршилиги бўйича аниқлаш

Бу усул билан заряд ташувчилар ҳаракатчанлигини ўлчаш бўйи калта, эни сербар бўлган намуналарда геометрик магнитоқаршилиқ кузатиладиган ($E_x = \text{const}$, $E_y = 0$) шарт бажарилганда ўринли бўлган (2.72) ифодага асосланган. Намуна қисқа ва сербар бўлса, метал kontaktлар (электродлар) орқали Холл электр майдони уланади. Бунда электр майдони намуна бўйлаб йўналади, электр токи эса майдонга нисбатан Холл бурчагига оғган ҳолда оқади. n -тип яримұтказгичлар учун Холл ҳаракатчанлиги билан геометрик магнитоқаршилиқ бўйича ўлчангандан ҳара-

катчанлик орасидаги боғланишни күрайлик. Геометрик магнитоқаршилик орқали аниқланадиган ҳаракатчанликни (2.63) дан топамиз

$$\mu_r = \frac{1}{B} \left[\frac{\Delta\rho(B)}{\rho(0)} \right]_r^{\frac{1}{2}} = \beta_r^{\frac{1}{2}} \mu_s \quad (2.65)$$

Магнит майдон уланмагандында ва уланганда пластина шаклидаги намуналарнинг юза бирлигидаги қаршиликлари $R(0)$ ва $R(B)$ бўлсин. Кучсиз магнит майдони $\mu B \ll 1$ да (2.63) га кўра уларнинг нисбати

$$\frac{\Delta R(B)}{R(0)} = (\mu_r B)^2 = (r_H \mu_s \xi B)^2 \quad (2.66)$$

бўлади, бу ерда

$$\xi = \frac{\beta_r^{\frac{1}{2}}}{r_H} = \frac{\mu_r}{(r_H \mu_s)} \quad (2.67)$$

(2.67) ифодадан сочилиш механизмига боғлиқ коэффициент ξ ни тажрибада аниқлаш мумкинлиги кўринади. Релаксациянинг вақт доимийси импульс бўйича ўзгармас бўлган тақрибидаги $\xi=1$, акустик фононларда сочилиш бўлса $\xi=1,13$, ионлашган киришма атомларида сочилиса $\xi=1,26$ га тенг бўлади. (2.26) ва (2.31) формулалар чексиз катта ўлчамли $b \gg a$ юпқа намуналар учун, яъни Холл электр майдони кузатилмайдиган ҳол учун ўринли. Намуна ўлчамлари чекланганда Холл электр майдони қисман шунтланади (металл электродлари) ва геометрик магнитоқаршиликни камайтиради. Шундай қилиб, геометрик магнитоқаршилик эфекти намунанинг ўлчамларига боғлиқ. Холл электр юритувчи кучи қисқа тўғри бурчакли пластиналарда аниқланганда, тенгламага Холл ЭЮК ини контактлар орқали шунтланиш даражасини ифодаловчи тузатиш функцияси f киритилади ва у орқали ўлчамлари чекланган намунанинг нисбий геометрик магнитоқаршилиги

$$\left[\frac{\Delta R(B)}{R(0)} \right]_r = \frac{\Delta R(B)}{R(0)} \cdot f \quad (2.68)$$

аниқланади. Энг содда ҳолда f намуна узунлигини кенглигига нисбати билан аниқланади. Нисбат $a/b \leq 0,35$ бўлганда, аниқланиш хатолиги 10% дан катта бўлмагандан $f=1-0,543 \frac{a}{b}$ билан ифодаланади. a/b нисбатнинг исталган қийматида f — релаксация вақтининг ўрталаштирилган қийматига боғлиқ. * Шундай қилиб, μ_r — ҳаракатчанликни сферикизоэнергетик сиртли киришмавий яримутказгичларда аниқлаш мумкин. Геометрик магнитоқаршилик шакли Корбино диски кўринишида бўлган намуналарда ҳам кузатилади (2.12,б-расм). Бунда марказий контакт айланма ҳалқасимон контакт билан ажратилган. Корбино диски шаклидаги намунада электр майдонининг азимутал ташкил этувчиси $E_4=0$ бўлади, бу йўналишда $j_n=j_p \neq 0$ Холл токи оқади. Магнит майдонидаги ток зичликлари ифодаси (2.26) дан

$$\frac{R(B)}{R(0)} = \frac{\rho(B)}{\rho(0)} (1 + \mu_{nH}^2 B^2) \quad (2.69)$$

ифодани олиш мумкин. Корбино доираси учун бу формулага

$$R(B) = \Delta R(B) + R(0); \quad \rho(B) = \Delta \rho(B) + \rho(0)$$

ни қўйиб, Холл ҳаракатчанлигининг

$$\mu_{nH} = \frac{1}{B} \sqrt{\frac{\frac{\Delta R(B)}{R(0)} - \frac{\Delta \rho(\bar{B})}{\rho(0)}}{1 + \frac{\Delta \rho(\bar{B})}{\rho(0)}}} \quad (2.70)$$

ифода билан аниқланишини кўрамиз. Физикавий магнитоқаршилик жуда кичик бўлган ҳолда $\frac{\Delta \rho(B)}{\rho(0)} \ll \frac{\Delta R(B)}{R(0)}$ Корбино доираси (диски)да магнитоқаршилик бўйича ҳаракатчанлик қўйидагича аниқланади:

$$\mu_{nH} = \frac{1}{B} \sqrt{\frac{\Delta R(B)}{R(0)}} \quad (2.71)$$

Геометрик магнитоқаршилик усули әпітаксиал қатламларда юқори Ом ли қатламлар заряд ташувчиларининг ҳаракатчанликларини ўлчашда энг қулайдир (nn^+ , pp^+ — структураларда). Бу усулда ҳам контактлар қаршилиги кичик бўлиши керак, чунки у $R(0)$ ни ошириб, ҳаракатчанликни камайтиради ва натижада мунтазам хатолик вужудга келади. Назарий текширишларнинг кўрсатишича, электр майдони йўналишида концентрация градиенти магнит қаршиликтининг ўзгаришига олиб келмайди. Магнит майдонидаги ва майдон бўлмагандаги қаршиликлар ўртача солиштирма қаршиликка пропорционал бўлади. Эпітаксиал технология билан қатламлар солища бу жуда муҳимдир. Магнит майдонининг электр майдони йўналишига нисбатан йўналишига қаттиқ талаб кўйилмайди. Масалан, магнит майдони 26° га оғганда ҳаракатчанликни ўлчашдаги хатолик 10% дан ошмайди. Намунани магнит майдонида текширганда ўзгармас ва ўзгарувчан ток кўприклиридан фойдаланилади. Ўлчовлар магнит майдонининг ҳар хил қийматларида олиб борилади, $\Delta R(B)/R(0)$ нисбат B^2 ва пропорционал бўлади. Тажриба натижалиридан заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги (2.30) билан ҳисобланади. Қаршиликтин ўлчаш кўприклирининг чиқиши сигналларидан илдиз чиқариш учун, электрон чизмасини қўллаш билан ҳаракатчанликка пропорционал сигнал олинади. У геометрик қаршилик усули билан ҳаракатчанликни тўғридан-тўғри аниқловчи асбоб яратиш имконини туғдиради.

2.8 §. Яримўтказгичларда тақиқланган зона кенглигини, донор ва акцептор киришма атомларининг концентрацияси ва ионланиш энергиясини аниқлаш

a. Тақиқланган зона кенглигини солиштирма ўтказувчанликнинг температурага боғлиқлигидан аниқлаш

Яримўтказгичларнинг солиштирма ўтказувчанлиги хусусий электр ўтказувчанлик ($n-p-n$) соҳасида қўйидаги

$$\sigma_i = e n_i (\mu_n + \mu_p) \quad (2.72)$$

формула билан ифодаланади, бу ерда n_i — заряд ташувчилярнинг хусусий концентрацияси. Яримүтказгичларда электрон ва каваклар статистикасига кўра хусусий концентрация

$$n_i = (N_c \cdot N_v)^{1/2} \exp\left(-\frac{Eg}{2kT}\right) \quad (2.73)$$

ифода билан топилади. Бу ерда:

$$N_c = 2(2\pi m_n^* k T / h^2)^{3/2}; \quad N_v = 2(2\pi m_p^* k T / h^2)^{3/2} \quad (2.74)$$

бўлиб, улар мос равишида ўтказувчанлик ва валент зоналарида эффектив квант ҳолатларининг зичлиги, Eg — тақиқланган зона кенглиги, K — Больцман доимийси, T — температура, m_n^* , m_p^* — электрон ва кавакларнинг эффектив массалари. (2.74) дан кўринадики,

$$(N_c \cdot N_v)^{1/2} \sim T^{3/2}.$$

Электрон ва каваклар ҳаракатчанлигининг температурага боғлиқлиги бир хил бўлади деб қабул қилиб, уларнинг ҳар бирида ҳаракатчанликнинг температурага боғлиқлигини кенг температура оралиғида температуранинг даражали функцияси кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\mu_{n,p} = A_{n,p} T^\eta \quad (2.75)$$

Ҳақиқатда электрон ва кавакларнинг температурага боғлиқлиги бир-биридан фарқ қиласди, бошқача қилиб айтганда, улар ҳар хил қийматдаги η — билан аниқланади. Ҳаракатчанликлар нисбати $b = \frac{\mu_n}{\mu_p}$ температурага боғлиқ бўлмаган доимий катталиқдир. Юқорида қайд қилинган фаразларга кўра, хусусий солиштирма электр ўтказувчанлик (2.72) ни

$$\sigma_i = C T^{\eta/2 - \eta} \exp\left(-\frac{Eg}{2kT}\right) \quad (2.76)$$

кўринишда ёзиш мумкин. (2.76) ни логарифмлаб, қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$\ln \left(\sigma_i T^{\eta-\frac{3}{2}} \right) = \ln C - \frac{E_g}{2\kappa T} \quad (2.77)$$

Демак, тажрибада ўлчанган хусусий солиштирма электр ўтказувчанликнинг температурага боғлиқлигини (2.78) ифода кўринишидаги графигини тасвиirlаб E_g -ни аниqlаш мумкин экан:

$$E_g = -2\kappa \frac{\Delta \ln \left(\sigma_i T^{\eta-\frac{3}{2}} \right)}{\Delta (1/T)} \quad (2.78)$$

Электрон-вольт бирлигига E_g ни аниqlаш учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$E_g = -0,397 \frac{\Delta \lg \left(\sigma_i T^{\eta-\frac{3}{2}} \right)}{\Delta (1000/T)} \quad (2.79)$$

(2.76) ва (2.77) формулалардан кўринадики, E_g ни аниqlаш учун η қийматини билиш керак. Лекин кўп ҳолларда $\eta \sim 3/2$ тартибида бўлгани учун $T^{\eta-\frac{3}{2}} = 1$ кўпайтмани ташлаб юбориш мумкин. Юқори температура соҳасида $\ln(\sigma_i T^{\eta-\frac{3}{2}})$ ни $(1/T)$ га боғланишини қўллашда хусусий ўтказувчанликнинг ҳамда аралашма ўтказувчанлик соҳаларида чизиқли боғланишдан четга чиқишини назарда тутиш керак. Юқори температураларда бу боғланишнинг чизиқли боғланишдан четга чиқиши заряд ташувчиларнинг юқори тартибли сочилиш эфекти таъсирида вужудга келиши мумкин. Киришмавий электр ўтказувчанликда ҳаракатчанлиги кичик бўлган заряд ташувчилар пайдо бўлса, хусусий ўтказувчанликдан киришмавий ўтказувчанлик соҳасига ўтганда, чизиқли боғланишдан сезиларли даражада четга чиқиши кузатилади. $E_g = \text{const}$ бўлганда, яъни температурага боғлиқ бўлмаса, (2.77) ифода билан топилган E_g тақиқланган зонанинг катталигига teng бўлади.

Хақиқатда тақиқланган зона кенглиги температурага боғлиқ бұлади ва бу боғланишнинг күриниши үлчаш натижаларига кучли таъсир күрсатади. Агар E_g нинг температурага боғланиши

$$E_g = E_{g_0} - \beta T \quad (2.80)$$

күринишда бұлса, күрилаёттан усул билан (2.77) дан $T=0$ даги тақиқланган зона кенглигининг қиймати аниқланади. У исталған температурадаги қийматини (2.91) орқали аниқлаш учун β бошқа үлчашшар билан топилған бұлиши керак. E_g нинг ҳароратта боғланиши мураккаброқ чизиқли бўлмаган күринишда бўлса, $\ln(\sigma_e T^{n-\frac{3}{2}})$ нинг $1/T$ га боғлиқлиги чизиқли боғланишдан анча четга чиқади ва (2.78) формула билан топилған энергия қиймати тақиқланган зона кенглигининг ҳақиқий қийматини ҳеч қайси бир температурада бермайди (ифодаламайди).

б. Холл доимийсининг температурага боғланишига тақиқланган зона кенглигини аниқлаш

Биз юқорида келтирған аралашмавий (киришмавий) ўтказувчанликка эга бўлған яримўтказгичларнинг Холл доимийси (2.09) хусусий ўтказувчанлик соҳаси ($n=p=n_i$) да (2.09) ва (2.73) формулаларга кўра қуйидаги

$$R_H = \frac{r_H}{e} \frac{\mu_n - \mu_p}{\mu_n + \mu_p} (N_c \cdot N_v)^{-\nu_2} \exp\left(\frac{E_g}{2\kappa T}\right) \quad (2.81)$$

күринишга эга бўлишини қўрган эдик. Кўп ҳолларда амалда бажариладиган $\frac{\mu_n - \mu_p}{\mu_n + \mu_p}$ нисбатнинг температурага боғлиқ эмас деб фараз қилиб, (2.81)

$$R_H T^{\frac{3}{2}} = c \exp\left(\frac{E_g}{2\kappa T}\right) \quad (2.82)$$

күринишга келтирилади (2.82) дан кўринадики, Холл доимийсини ҳар хил температурада үлчаб, хусусий ўтказув-

чанлик соҳасида E_g ни аниқлаш мумкин. Бунинг учун тажриба натижасини $\ln(R_H T^{n-\frac{1}{2}})$ нинг $1/T$ га боғланиши кўринишида чизиб, унинг оғиш бурчаги тангенси топилади ва у орқали E_g ҳисобланади:

$$E_g = 2k \frac{\Delta \ln(R_H T^{\frac{1}{2}})}{\Delta(1/T)} \quad (2.83)$$

E_g -ни электрон-вольт бирлигига аниқлаш учун

$$E_g = 0,397 \frac{\Delta \lg(R_H T^{\frac{1}{2}})}{\Delta \left(\frac{1000}{T} \right)} \quad (2.84)$$

ифода қўлланилади. Шуни айтиш керакки, бу усул билан топилган E_g температураси $T=0$ К га мос келган ҳақиқий тақиқланган зона кенглигини беради. Агар $\ln(R_H T^{n-\frac{1}{2}})$ нинг $(1/T)$ га боғланиши чизиқли боғланишдан кучли фарқ қиласа, буни тақиқланган зона кенглигининг температурага чизиқли боғланишидан фарқ қилиши билан ҳамда катта концентрацияли заряд ташувчиларни кўп фононли сочилиш ва электрон-кавак жуфтларида сочилиш жараёнларини вужудга келиши билан тушунтириш мумкин. Бу охирги икки жараён сочилиш механизмларига боғлиқ бўлган Холл коэффициентларига (r_{nH}, r_{pH}) таъсир қиласи, ҳаракатчанликнинг температурага боғланиши кўринишини ўзгартиради.

в. Эркин заряд ташувчиларнинг концентрациясини температурага боғланишидан $\Delta E_p, N_A, N_D$ -ни аниқлаш

Холл доимийсининг катта температура оралиғида ўзгаришини тадқиқ қилишда эркин заряд ташувчилар концентрациясининг ҳароратга боғлиқлигини таҳдил қилмоқ керак. Умумий ҳолда уни таҳдил қилиш анчагина мураккаб масаладир. Ҳақиқий n -тип яримутказгичларда ҳамма вақт бир неча турдаги донор ва акцептор киришмалар бўлади. Баъзи бир киришма атомлари биргина электронни эмас, балки бир неча электронни бериши ёки қабул қилиши (бириктириши) мумкин. Киришма атомларининг

асосий сатҳидан ташқари, киришмаларнинг қўзғалган сатҳи электронни тутиб олиши мумкин. Булардан ташқари энергетик сатҳларнинг айнишини ҳисобга олиш керак.

Ҳар бир яримўтказгичда қандайдир миқдорда донор ҳамда акцептор киришмаларининг бўлиши яримўтказгични қисман компенсациялайди. Шунинг учун, ҳар бир алоҳида олинган ҳолда, нимани ташлаб юбориш кераклиги ҳал қилиниши керак.

Айтайлик, яримўтказгичнинг тақиқланган зонасида энергия сатҳлари E_D ва E_A бўлган донор ва акцептор киришмалар ва уларнинг концентрациялари N_D , N_A ва $N_D > N_A$ бўлсин. Шундай қилиб, яримўтказгич электрон ўтказувчанликка эга бўлиб, қисман компенсацияланган бўлади. Бизга маълумки, электроннейтраллик шароитида мусбат зарядлар миқдори манфий зарядлар миқдорига тенг бўлади. Манфий зарядлар ўтказувчан зонадаги эркин электронлар концентрацияси билан акцептор сатҳидаги ионлашган акцептор атомларининг йифиндисига тенг, мусбат зарядлар зичлиги валент зонадаги каваклар концентрацияси билан ионлашган донор киришма атомлари йифиндисидан иборат. Яримўтказгичларда электрон ва каваклар статистикасига кўра донор сатҳидаги электронлар ва акцептор сатҳидаги электронлар концентрациялари қуидаги ифодалар билан аниқланади:

$$n_D = \frac{N_D}{1 + \frac{1}{g_D} \exp\left(-\frac{E_D - E_F}{kT}\right)} \quad (2.85)$$

$$n_A = \frac{N_A}{1 + \frac{1}{g_A} \exp\left(-\frac{E_A - E_F}{kT}\right)}$$

Бу ерда g_D , g_A киришма сатҳларининг айниш коэффициенти омили содда бўлган ҳолда сатҳларнинг айниши факат электрон спини билан боғланган бўлганда, донор киришмаси учун $g_D = 2$, акцептор киришмаси учун $g_A = 1/2$ бўлади. Германийда саёз энергетик сатҳ ҳосил қиладиган

донор киришмалар сатҳи учун $g_D=2$ га, акцептор сатҳлар учун $g_A=4$ га тенг бўлади. Юқоридаги изоҳга кўра айни-маган n -тип киришмавий яримутказгичлар учун электронейтраллик шарти

$$n + n_A = N_D - n_0 + p \quad (2.86)$$

кўринишни олади. Бу тенглама асосида заряд ташувчилар концентрациясининг температурага боғлиқлигини таҳдил қилиш мумкин ва уларда ўзига хос характерли соҳаларни аниқлаш мумкин. (2.86) да Маҳаллий рекомбинация марказларидағи электронлар ҳисобга олинмаган, яъни рекомбинация марказларининг концентрацияси кичик деб фараз қилинган. Паст температуранар соҳасида валент зонадаги каваклар концентрациясини электрон концентрациясига нисбатан ҳисобга олмаслик мумкин ($n \gg p$). Бундан ташқари, ҳамма акцептор киришма атомини ионлашган $n_A = N_A$ деб ҳисоблаш мумкин. Шу тахминларни назарда тутсак, электронейтраллик тенгламаси (2.86)

$$n + n_A - N_D - n_D = n + N_A - N_D + N_D \left[1 + \frac{1}{g_0} \exp \left(\frac{E_D - E_F}{KT} \right) \right]^{-1} = 0 \quad (2.87)$$

кўринишга келади. Бу тенгламада

$$n = N_e \exp \left(-\frac{E_D - E_F}{KT} \right) \quad (2.88)$$

бўлишини ҳисобга олиб, (2.87) ифодадан

$$\frac{(n + N_A)n}{N_D - N_A - n} = \frac{N_c}{g_p} e^{-\frac{\Delta E_D}{KT}} \quad (2.89)$$

формулага келамиз. Бу ерда $\Delta E_D = E_c - E_D$ — киришма атомининг ионланиш энергияси. Паст температура соҳасида электрон концентрацияси камаяди ва (2.89) нинг маҳражида электрон концентрациясини N_D -га нисбатан ташлаб юбориш мумкин. Бунда (2.89) дан

$$n = \frac{N_D - N_A}{N_A + n} N_c \exp\left(-\frac{\Delta E_D}{kT}\right) \quad (2.90)$$

ифодани оламиз ва уни температурага боғлиқ икки соҳасини текшириб кўрамиз:

Тўла ионланиш температурасидан

1. Паст температурада ($T_3 > T_1$)

$$\begin{aligned} n \ll N_A, \text{ агар } N_D > 2N_A \\ (2.91) \end{aligned}$$

$$n \ll N_D, \text{ агар } N_D < 2N_A$$

шартлар бажариладиган соҳада, яъни ярим ўтказгич компенсацияланган соҳада электрон концентрациясининг температурага боғлиқлиги

$$n = \frac{N_D - N_A}{g_D \cdot N_A} N_c \exp\left(-\frac{\Delta E_D}{kT}\right) \quad (2.92)$$

кўринишни олади.

2. Юқорироқ температура соҳасида ($T_3 > T_1 > T_0$), $N_D \gg N_A$, агар $N_D \gg n \gg N_A$ шартлар бажариладиган соҳада, яъни ярим ўтказгич компенсацияланмаган соҳада температура билан заряд ташувчилар (электронлар) концентрациясининг боғланишини


$$n = \sqrt{\frac{N_c N_D}{g_D}} \exp\left(-\frac{\Delta E_D}{2kT}\right) \quad (2.93)$$

кўринишда оламиз.

$n > N_A$ шарт $n < N_A$ шартга қараганда юқорироқ температурада бажарилади, шунинг учун электрон концентрациясининг температурага боғлиқлик графиги икки соҳадан иборат бўлиб, булардан биринчиси аста-секин иккинчи сига ўтади (2.12-расм).

3. Электрон концентрацияси логарифмининг температура ($1/T$) га боғланишини назарий ҳисоблаш натижаси.

Киришмавий электр ўтказувчанлик соҳасида (2.92) ва (2.93) ифодаларга кўра, донор ва акцепторларнинг энер-



2.12-расм. Ҳар хил акцептор концентрациясида назарий ҳисобланган заряд ташувчилар концентрациясининг температурага боғлиқлиги.

$$N_D - N_A = 10^{16} \text{ см}^{-3}; E_b = 0,1 \text{ эВ}; m_e = 0,25 m_0; g_D = \frac{1}{2} \text{ бўлган хол учун}$$

$$1 - N_A = 0 : 2 - N_A = 10^{14} \text{ см}^{-3} ; 3 - N_A = 10^{15} \text{ см}^{-3} ; 4 - N_A = 10^{16} \text{ см}^{-3}$$

гия ионизацияси ΔE_D , ΔE_A нинг тоза киришмавий электр ўтказувчанлик соҳасида Ҳолл доимийсининг температурага боғлиқлиги (компенсацияланмаган яримўтказгичда)

$$\lg(R_H T^{\frac{3}{4}}) = f(1000/T)$$

компенсацияланган киришмавий электр ўтказувчанлик ҳолида эса

$$\lg(R_H T^{\frac{1}{2}}) = f(1000/T) \quad (2.94)$$

функциялари оғиш бурчагининг тангенси орқали (2.83) ини (2.84) дан E_g ни аниқлаш каби топилади.

4. Донор ва акцептор киришма атомларининг концентрацияларини аниқлаш.

Заряд ташувчилар концентрацияларини тажрибада ўлчанган Холл доимийлари орқали n ва p -типдаги киришмавий яримўтказгичларда топишни кўрган эдик. Заряд ташувчилар концентрацияларининг назарий ифодалари тажрибада аниқланган заряд ташувчиларнинг концентрацияларининг температурага боғлиқлигини таҳлил қилишга имкон беради. Тажриба натижаларини таҳлил қилишнинг мақсади шундан иборатки, улар орқали назарий ҳисобланган муносабатларни қаноатлантирувчи катталикларни аниқлашдир. Назарий ҳисобланган катталикларни маълум деб фараз қилиш, тажрибада олинган катталиклардан киришмаларнинг тўла ионланиш соҳасида

$$n(T_3) = N_p - N_A \quad (2.95)$$

қийматни аниқлашга имкон беради. 1 n $n(T) = f(1/T)$ функция оғиши бурчагининг тангенсидан донор киришма атомининг ионланиш энергияси топилади. Бунда ΔE_D ни билган ҳолда T_1 температурада ($T_1 < T_3$) электрон концентрацияси $n(T_1)$ ни ўлчаб, (2.92) дан

$$N_A \cdot g_D = \frac{n(T_3) \cdot N_c}{n(T_1)} \exp\left(-\frac{\Delta E_D}{kT_1}\right) \quad (2.96)$$

ифодани оламиз.

(2.93) ифодани қаноатлантирувчи T_2 температура ($T_3 > T_2 > T_1$) соҳасида электрон концентрациясини билган ҳолда (2.93) дан

$$\frac{N_p}{g_D} = \frac{n^2(T_2)}{N_e} \cdot \exp\left(\frac{\Delta E_p}{kT_2}\right) \quad (2.97)$$

ифода топилади. (2.96) ва (2.97) ларнинг кўпайтмаси ва (2.95) N_p , N_A -га нисбатан тенгламалар тизимини ташкил этади. Тенгламалар тизимининг ечими

$$N_D = \frac{1}{2} A^{\frac{1}{2}} + \frac{1}{2} n(T_3) \quad (2.98)$$

$$N_A = N_D - n(T_3) = \frac{1}{2} A^{\frac{1}{2}} - \frac{1}{2} n(T_3)$$

бўлади, бу ерда

$$A = \left[n^2(T_3) + 4 \frac{n^2(T_2) \cdot n(T_3)}{n(T_1)} \cdot \exp \left[- \frac{\Delta E_D(T_2 - T_1)}{K T_1 T_2} \right] \right]^{\frac{1}{2}}$$

Агар киришма сатҳларининг айниш коэффициентлари (g_A , g_D) маълум бўлса ёки оддиндан танланган бўлса, киришма концентрациясини топишда назарий ҳисобланган (2.96) ёки (2.97) ифодаларнинг биридан фойдаланиш мумкин. Бунда ионланиш энергияси маълум бўлган киришма концентрацияларини аниқлаш Холл доимийсининг икки температурада ўлчангандан қиймати бўйича аниқлаш масаласига келади. Биринчи ўлчаш киришмаларнинг тўла ионланиш соҳасида ўтказилади:

$$R_H(T_3) = \frac{r_{H3}}{en(T_3)} = \frac{r_{H3}}{e(N_D - N_A)} \quad (2.99)$$

Иккинчи ўлчаш T_1 ёки T_2 соҳаларда ўтказилади:

$$R_H(T_1) = \frac{r_{H1}}{en(T_1)}; \quad R_H(T_2) = \frac{r_{H2}}{en(T_2)} \quad (2.100)$$

Булардан (2.96), (2.97) га кўра N_A ва N_D лардан бири

$$N_A = \frac{1}{g_D} \frac{r_{H3}}{R_H(T_3)} \cdot \frac{R_H(T_1)}{r_{H1}} N_c \cdot \exp \left(- \frac{\Delta E_D}{\kappa T_1} \right) \quad (2.101)$$

ёки

$$N_D = \frac{r_{H2}^2 g_D}{(e R_H(T_2))^2 N_c} \exp \left(- \frac{\Delta E_D}{\kappa T} \right)$$

аниқланади. (297) ифода ёрдамида донор концентрацияси N_D аниқланса акцептор концентрацияси N_A ҳисобланади. Аксинча, N_A аниқланса $N_D - N_A = n(r_3)$ дан ҳисобланади. Агар T_1 ва T_2 температурадарда заряд ташувчиларда сочилиш кристалл панжарадан ионлашган киришмаларга ўтиш соҳасида бўлса, $\frac{r_{H3}}{r_{H1}} = 0,61$ бўлади ва зарурият бўлганда буни ҳисобга олиш керак. N_A ва N_D ларни аниқлашнинг яна бир усулини кўрайлик. Бу усул заряд ташувчилар концентрациясини аниқлашнинг (2.89) ифодасига асосланган, нейтраллик шартидан олинган (2.89) формуладан акцептор концентрациясини

$$N_A = \frac{1}{g_D} N_c \exp\left(-\frac{\Delta E_D}{kT}\right) \cdot \left(\frac{N_D - N_A}{n} - 1\right) - n \quad (2.102)$$

кўринишига келтирамиз. Бу ифода кенг температура оралигида аралаш ўтказувчанлик соҳасигача бажарилади, чунки буни олишда ҳеч қандай фаразсиз электронейтраллик шартидан тўғридан-тўғри олинган. (2.102) ифодага кўра, киришма атомининг ионланиш энергияси маълум бўлса, Холл доимийсининг икки марта ўлчанганд қиймати бўйича: 1) биринчи ўлчаш киришма атомининг тўла ионланиш соҳасида (T_3); 2) ихтиёрий T_1 температура ($T_1 < T_3$) да шу ўлчашларга кўра, N_D ва N_A

$$N_A = \frac{1}{g_D} N_c \exp\left(-\frac{\Delta E_D}{kT}\right) \cdot \left[\frac{r_{H3} R_H(T_1)}{R_H(T_3) \cdot r_{H1}} - 1 \right] - \frac{r_{H1}}{e R_H(T_1)} \quad (2.103)$$

$$N_D = \frac{r_{H3}}{e R_H(T_3)} + N_A$$

формулалардан ҳисобланади. Умуман 4 та катталиктини N_A , N_D , g_D , ва ΔE_D ни аниқлаш учун (2.102) ифодага кичик квадратлар усулини қўллаб, уларнинг шундай қийматлари топиладики, улар эксперимент натижалари билан мос тушсин. Юқорида келтирилган муроҳаза ва усулларни тўла p -тип ўтказувчанликка эга бўлган яримутказгичларга ҳам қўллаш мумкин.

Юқорида күрилган усуллардан ташқари, N_A ва N_D ни аниқловчи бир қанча усуллар бор. Масалан, паст температурада инфрақизил нурларнинг киришма атомларида ютилишига асосланган усулни кўрсатиш мумкин. Бундай тажрибалар ўтказиш мураккаб бўлиб, олинган натижалар етарли даражада ноаниқдир. N_D ва N_A ни алоҳида аниқлашда уларнинг парамагнетик резонансларини текшириш орқали аниқлаш мумкин. Бунда жуда ҳам катта қийинчиликларга дуч келинади. Шулар билан бирга, магнит майдонида қаршиликнинг ўзгаришига асосланган усулни ҳам келтириш мумкин.

ЯРИМҮТКАЗГИЧЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ ОПТИК УСУЛЛАР БИЛАН ҮЛЧАШ

3.1-§. Яримүтказгичларнинг оптик параметрлари

Яримүтказгичларда оптик ҳодисалар асосида электромагнит тўлқинларнинг боғланган валент электронлар, боғланмаган эркин заряд ташувчилар, кристалл панжара ва киришма атомлари, электрон-ковак плазмалари билан ўзаро таъсири ётади. Шунинг учун оптик ҳодисалар яримүтказгичли кристалларда тўлқин узунлиги $0,2 \div 100$ мкм оралиғида бўлган электромагнит тўлқинлар таъсирида содир бўладиган кенг жараёнларни ўз ичига олади.


Яримүтказгич сиртига тушган ёруғлик уч қисмга ажraladi: бир қисми қайтади, бир қисми синиб намунага киради, унинг бир қисми ютилиб, бир қисми эса намунадан ўтади (3.1а-расм). Намунадан қайтган I_R , ўтган I_T ва намунада ютилган I_a ёруғлик интенсивликларининг уларга тушган ёруғлик интенсивлиги I_0 га нисбати билан аниқланадиган катталиклар

$$R_\nu = \frac{I_R}{I_0}; \quad T_\nu = \frac{I_T}{I_0}; \quad A_\nu = \frac{I_a}{I_0} \quad (3.1)$$

мос равишда намунанинг ёруғликни қайтариш ва ўтказиш (шаффоффлик, тиниқлик) коэффициентлари, A_ν — ютиш қобилияти деб аталади. Бу катталиклар намунадан ёруғлик оқимининг қандай қисми қайтишини, ўтишини ва намунада ютилишини кўрсатади. Энергиянинг сақлашиш қонунига мувофиқ:

$$R_\nu + T_\nu + A_\nu = 1 \quad (3.2)$$

бўлади. Оптика курсларидан маълумки, T_ν , R_ν , A_ν лар билан оптик константалар орасидаги муносабатлар электр



3.1, а-расм. Пластина шаклидаги яримұтказгич намунада нурнинг йүли.

Үтказувчан мұхитда (солиширма электр үтказувчанлиғи $\sigma \neq 0$ бўлганда) комплекс нур синдириш кўрсаткичи билан аниқланади

$$\bar{n}^* = c^2 \mu_0 \left(\mu \epsilon_1 \epsilon_0 - i \mu \frac{\sigma}{\omega} \right) = (n - i \chi)^2 \quad (3.3)$$

Бу ерда нур синдириш кўрсаткичи \bar{n}^* нинг ҳақиқий қисми $n = c/u$ бўлиб, у ёруғликнинг вакуумда тарқалиш тезлигини яримұтказгичдаги тарқалиш тезлиги u га нисбати билан аниқланадиган катталиқдир. Мавҳум қисми χ электромагнит тўлқинларининг мұхитда сўнишини кўрсатадиган катталиқдир. Шунинг учун χ — ютилиш кўрсати

кичи ёки экстенция коэффициенти деб юритилади, $\varepsilon_0 = (4\pi \cdot 9 \cdot 10^{-9}) \Phi/m$ — вакуумнинг диэлектрик сингдирувчанлиги, $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7}$ Гн/м — вакуумнинг магнит сингдирувчанлиги, ϵ_1 — намунанинг диэлектрик сингдирувчанлиги, σ — солиштирма электр ўтказувчанлик. Умумий ҳолда яримўтказгич кристалларидан ϵ , μ , σ — тензор катталиклардир, яъни улар электромагнит тўлқинларининг кристалл ўқларига нисбатан тарқалиш йўналишига боғлиқ бўлган катталиклар. Куб шаклидаги кристалларда кристалл панжараси оптик ҳодисалар параметрларини скаляр катталиклар деб ҳисоблаш мумкин. ϵ_1 , σ , μ — параметрлар намунага тушаётган ёруғлик частотасининг функциялари. Электромагнит тўлқинларининг муҳитда тарқалиши Максвелл тенгламалари тизимининг ечими асосида ўрганилади. Ўтказувчан муҳитда Максвелл тенгламалари тизимининг ечимига кўра z ўқи йўналишда тарқалаётган электромагнит тўлқинининг электр майдон кучланганлиги

$$E_z = E_{\nu 0} \exp\left(-\frac{\omega \chi}{c} z\right) \cdot \exp\left(i\omega t - \frac{nz}{c}\right) \quad (3.4)$$

кўринишдаги ифода билан аниқланади. Бу формула амплитудаси экспонента қонуни бўйича сўнувчи ясси электромагнит тўлқинларининг электр майдон кучланганлигини ифодалайди. Одатда оптик асбобларда электр майдон кучланганлиги амплитудаси квадратига пропорционал бўлган ёруғлик интенсивлиги (I_ν) ўлчанади. Шунга кўра, (3.4) дан

$$I_\nu \sim \left[E_{\nu 0} \exp\left(-\frac{\omega \chi}{c} z\right) \right]^2 = E_{\nu 0}^2 e^{-\frac{2\omega \chi}{c} z} \quad (3.5)$$

бўлади. Бундан кўринадики, муҳитда тарқалаётган ёруғликнинг интенсивлиги намуна сиртидан узоқлашган сари камайиб боради. (3.5) тенгламанинг

$$I_\nu = I_0 e^{-\alpha z} \quad (3.6)$$

күринищдаги ифодаси ёруғлукнинг муҳитда ютилишини кўрсатувчи Бугер-Ламберт қонуни деб юритилади. Бу ерда

$$\alpha = 2 \frac{\omega \chi}{c} \quad (3.7)$$

α — ютилиш коэффициенти деб аталади.

Яримўтказгичларнинг оптик хоссаларини ёритишида n ва χ билан бир қаторда, комплекс диэлектрик сингдирувчанлик ҳам қўлланилади:

$$\varepsilon = \varepsilon_1 - i\varepsilon_2 \quad (3.8)$$

n^* билан ε орасидаги боғланиши

$$\bar{n}^* = \sqrt{\varepsilon \mu} \quad (3.9)$$

формула билан аниқланади.

Электромагнит тўлқинларининг тўлқин узунлиги $\lambda=0,2 \div 100$ мкм соҳасида яримўтказгичлар кучсиз магнит хоссаларига эга бўлиб, магнит сингдирувчанлиги бирга яқин бўлади ($\mu \approx 1$). Бу вақтда (3.3), (3.7), (3.8) ва (3.9) тенгламалардан

$$\varepsilon_1 = n^2 - \chi^2; \quad \varepsilon_2 = 2n\chi = \frac{\sigma}{\varepsilon_0 \omega}; \quad \alpha(\omega) = \varepsilon_2 \frac{\omega}{nc} \quad (3.10)$$

бўлишигини кўрамиз. Яримўтказгичларнинг оптик хоссаларини ε_1 ва ε_2 орқали ҳисоблашга зарурият бўлган вақтда n ва χ параметрларга ўтиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Нур синдириш кўрсаткичлари n_1 ва n_2 бўлган муҳит чегарасига тушган ёруғлик иккига ажралади: бир қисми қайтади, бир қисми эса синиб, намунага киради. Маълумки, қутбланган ёруғлик икки муҳит чегарасига тушганда қайтган (E'), синган (E'') тўлқинларнинг электр майдон кучланганликлари амплитудалари Френель тенгламалари орқали аниқланади. Бунда $\mu_1 = \mu_2 \approx 1$ бўлганда E' ва E'' лар қуйидаги ифодалар орқали топилади:

$$E'_{vp} = E_{vp} \frac{\operatorname{tg}(\varphi - \varphi'')}{\operatorname{tg}(\varphi + \varphi'')}; \quad E''_{vs} = \frac{\sin(\varphi'' - \varphi)}{\sin(\varphi + \varphi'')} \cdot E_{vs}$$

(3.11)

$$E''_{vp} = E_{vp} \frac{2 \sin \varphi'' \cos \varphi}{\sin(\varphi + \varphi'') \cos(\varphi - \varphi'')}; \quad E''_{vs} = \frac{2 \sin \varphi'' \cos \varphi}{\sin(\varphi + \varphi'')} \cdot E_{vs}$$

Бу ерда φ — тушиш, φ'' — синиш бурчаклари. E_p , E_s — тушаётган түлқинларнинг электр майдон кучланганликлари амплитудаси. P ва S — индекслар электр майдон кучланганлигини ёруғликнинг тушиш текислигига параллел ва унга тик текисликда ётишини мос равищда кўрсатади. Кутбланган ёруғликнинг намунадан қайтиш коэффициентлари

$$R_{vs} = \left| \frac{E'_{vs}}{E_{vs}} \right|^2; \quad R_{vp} = \left| \frac{E'_{vp}}{E_{vp}} \right|^2$$

(3.12)

Ўтиш коэффициентлари (шаффоффлик коэффициентлари) қуйидаги ифодалар билан аниқланади.

$$T_{vs} = \left| \frac{E''_{vs}}{E_{vs}} \right|^2; \quad T_{vp} = \left| \frac{E''_{vp}}{E_{vp}} \right|^2$$


(3.13)

Френель тенгламаларидан кўринадики, ёруғликнинг намунадан қайтиш ва ўтиш коэффициентлари ёруғликнинг тушиш бурчагига (3.1б-расм), оптик константаларига, электр майдон кучланганлиги векторининг йўналишига боғлиқ. Эслатиб ўтамиз, Френель тенгламалари муҳитнинг нур синдириш кўрсаткичи комплекс бўлган ҳол учун ҳам ўринлидир. Бунда синиш қонуни

$$\frac{\bar{n}^*}{n_1} = (n - i\chi) = \sin \varphi / \sin \varphi''$$

(3.14)

кўринишида бўлади. Биринчи муҳит ҳаво бўлганда $n_1 = 1$ бўлиб, синиш бурчаги комплекс бўлади. Ёруғлик ҳаводан



3.1, б-расм. Ҳаво яримүтказгич чегарасида чизиқли күтбланган ёруғликнинг қайтиш коэффициентларининг тушиш бурчагига боғланишиши (нур синдириш күрсаткичи $n=3$, ютиш күрсаткичи $c=1$ бўлган хол учун).

яримүтказгич сиртига тик тушганда $\varphi=\varphi''=0$ бўлади. Френель муносабатларига кўра, ҳаво-яримүтказгич чегарасидан ёруғликнинг қайтиш коэффициентининг оптик константалар (n ва χ) билан боғланишиши қўринишни олади:

$$R_v = R_{sv} = R_{pv} = \frac{(n-1)^2 + \chi^2}{(n+1)^2 + \chi^2} \quad (3.15)$$

(3.15) дан қўринадики, қайтиш коэффициенти ёруғлик тик тушганда унинг қандай күтбланганлигига боғлиқ бўлмайди. Қайтиш коэффициентининг тушиш бурчагига боғлиқлиги шуни кўрсатадики, тушиш бурчагининг $\varphi=0\div 17^\circ$ оралиғида деярли ўзгармайди, шунинг учун амалиётда тушиш бурчагининг $0\div 17^\circ$ оралиғида ўлчангандай қайтиш коэффициентини тик тушгандаги каби қарашиб мумкин. (3.15) тенгламадан қўринадики, қайтиш коэффициентини ўлчаш билан бир вақтда икки параметр (n ва χ) ни аниқлаш мумкин эмас. Кўп яримүтказгичларда нур

синдириш күрсаткичининг етарлича катта бўлиши туфайли, уларда ютиш күрсаткичи $\chi=0$ бўлганда ҳам қайтиш коэффициентлари катта $R=30\div40\%$ бўлади. Намуналарда нур синдириш күрсаткичи катта $n \gg \chi$ бўлганда қайтиш коэффициенти ҳам катта бўлади ($R \approx 1$).

3.2 §. Оптик параметрларни (константаларни) тажрибада аниқлаш усуллари

Биз юқорида ўтказувчан $\sigma \neq 0$ муҳитда диэлектрик сингулярувчаник $\varepsilon = \varepsilon_1 - i\varepsilon_2$ ни ёки нур синдириш күрсаткичи ($\bar{n}^* = n - i\chi$) нинг комплекс бўлишигини, уларнинг ҳақиқий (n , $\varepsilon_1 = n^2 - \chi^2$) ва мавхум қисмлари (χ , $\varepsilon_2 = 2n\chi$) нинг кристалнинг микроскопик параметрлари билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрган эдик. Яримўтказгичлар тузилишини, параметрларини оптик усуллар билан аниқлашда биринчи навбатда n ва χ ларни алоҳида ёки $\varepsilon_1 = n^2 - \chi^2$ ва $\varepsilon_2 = 2n\chi$ ларни ёруғлик тўлқин узунлигининг кенг соҳасида ва ҳар хил температураларда аниқлаш лозим. Оптик параметрларнинг (константаларни) аниқлаш усулларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ усуллари ёруғликнинг қайтиш коэффициентини ўлчашга, иккинчи гуруҳ усуллари намунанинг тиниқлигини (шаффоғлигини) ўлчашга асосланган. Оптик константалар (n , χ , a) ни тажрибада ўлчаш усулларни қисқача кўриб чиқамиз. Ютиш күрсаткичи нур синдириш күрсаткичидан анча кичик ($n \gg \chi$) бўлган тўлқин узунлиги соҳасида (3.15) дан (3.16) тенгламани оламиз:

$$R_v = \frac{(n-1)^2}{(n+1)^2} \quad (3.16)$$

$n^2 \gg \chi^2$ шарт тўлқин узунлигининг катта $\lambda > \lambda_g$ соҳасида $\left(\lambda_g = hc/E_g = \frac{1,24}{E_g(\text{эВ})}, [\text{мк}] \right)$ ҳам бажарилади, бу ерда E_g — тақиқланган зона кенглиги. Кўп яримўтказгичларда, ҳатто заряд ташувчилар концентрацияси катта бўлганда ҳам $n^2 \gg \chi^2$ шарт бажарилади. Шунинг учун (3.16) ифодадан нур синдириш күрсаткичининг табиий ёруғликда қайтиш

коэффициентини ўлчаш билан аниқлаш мумкин. Кристалларда ёруглик тўлқин узунлигининг кучсиз ютилиш соҳасида R_p ёки R_p/R_s -нинг тушиш бурчагига боғланиш графигидан Брюстер бурчаги, яъни R_p , R_p/R_s -лар минимумга эришадиган бурчак аниқланади. Брюстер бурчаги (φ_B) нур синдириш кўрсаткичи орқали ҳисобланади:

$$n = \operatorname{tg} \varphi_B \quad (3.17)$$

Агар намунада ютилиш содир бўлмаса, нур синдириш кўрсаткичини ясси параллель сиртли пластина кўринишида бўлган намунанинг шаффофлигига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Ҳавода турган пластина кўринишидаги намуна ичидаги ёругликнинг қайта-қайта (кўп марта) қайтиши содир бўлса (интерференцияни ва ютилишни ҳисобга олмагандан), унинг шаффофлик ёругликнинг намунадан ўтиши) коэффициенти кўйидаги кўринишни олади.

$$T_v = \frac{1 - R_v}{1 + R_v} = \frac{2n}{n^2 + 1} \quad (3.18)$$


Шундай қилиб, намуна шаффофлигини билган ҳолда нур синдириш кўрсаткичи кўйидаги ифода билан аниқланади:

$$n = \frac{1 - \sqrt{R_v}}{1 + \sqrt{R_v}} = \frac{1 - [(1 - T_v)/(1 + T_v)]^{1/2}}{1 + [(1 - T_v)/(1 + T_v)]^{1/2}} \quad (3.19)$$

Бу ҳолда тўла қайтиш коэффициенти

$$R_v + T_v = 1 \quad (3.20)$$

ифода билан аниқланади. Бу ерда ҳам энергиянинг сақланиш қонуни бажарилади. Намунанинг юқори шаффоффлик (тиниклик) соҳасидаги нур синдириш кўрсаткичини аниқлашда катта аниқлик билан ўлчайдиган призма усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун текширилаётган намунадан синдириш бурчаги A бўлган призма ясалади (3.2-расм). Тўлқин узунлиги λ бўлган монокроматик ёругликнинг параллел оқими (дастаси) призмадан ўтган-



3.2-расм. Ёруғликнинг кичик бурчакка четланиши (оғиши) ҳолида призма орқали нур йўли.

дан сўнг δ — бурчакка оғади, бунда нурнинг синиш бурчаги нурнинг призмадан чиқишидаги синиш бурчагига тенг бўлганда, n -ни ўлчашда энг катта аниқликка эришилади:

$$\varphi_{\text{кириш}} = \varphi_{\text{чиқиши}} = \varphi$$

Бу ҳолда δ — бурчак энг кичик бўлади. Шунинг учун призма усули одатда кичик бурилиш (оғиш) усули деб юритилади. Нур синдириш кўрсаткичи қуйидаги тенглама билан топилади:

$$n = \frac{\sin\left(\frac{A + \delta_{\min}}{2}\right)}{\sin(A/2)} \quad (3.21)$$

Текширишлар бу усул билан яримўтказгичларда нур синдириш кўрсаткичининг 0,01% аниқлик билан ўлчаш мумкинлигини кўрсатди.

Ютилиш кўрсаткичи (χ) ни ёки ютилиш коэффициенти (α) ни $n^2 \gg \chi^2$ бўлганда пластинка шаклидаги намуналарнинг шаффоффлик коэффициентини ўлчаш билан аниқлаш мумкин,

$$T_\nu = \frac{(1 - R_\nu)^2 [1 + \lambda \alpha / 4\pi n]}{(\exp(\beta) - R_\nu \exp(-\beta))^2 + 4R \sin^2(\delta + \psi)} \quad (3.22)$$

бу ерда: $\beta = \frac{\alpha d}{2}$ (d — намуна қалинлиги, α — ютилиш коэффициенти), δ — намунадан ёруғлик бир марта ўтганидаги фаза ўзгариши (фаза силжиши)

$$\delta = \frac{2\pi}{\lambda} nd \cos \varphi$$

билин ифодаланади (φ — плёнкада нурнинг синиш бурчаги), ψ — намунадаги ёруғликнинг \vec{E} ва \vec{H} векторларни орасидаги фазавий бурчаги бўлиб,

$$\operatorname{tg} \psi = \frac{2\chi}{n^2 + \chi^2 - 1} \quad (3.23)$$

билин аниқланади. Агар интерференция кузатилмаса (намуна сиртидаги нуқсонлар туфайли ёки ёруғлик тўлқин узунлигининг катта бўлиши туфайли), T , R ни α — орасидаги боғланишлари соддалашади ва

$$T_\nu = \frac{(1 - R)^2 [1 + (\lambda \cdot \alpha / 4\pi n)^2]}{\exp(ad) - R^2 \exp(-ad)} \quad (3.23a)$$

бўлади. $n^2 \gg \chi^2$ бўлганда, яъни $\frac{\alpha \lambda}{4\pi n} \ll 1$ да шаффоффлик коэффициентининг $(1-R)/(1+R)$ дан 10% гача бўлган ўзгариш соҳасида шаффоффлик коэффициенти куйидаги тенгламадан аниқланади:

$$T_\nu = \frac{(1 - R_\nu) 2e^{-ad}}{1 - R_\nu^2 e^{-2ad}} \quad (3.23b)$$

Таъкидлаш керакки, бу соддалашган тенглама билан α ни аниқлаш учун катта ҳисоб қилиш талаб қилинади. Шунинг учун одатда α ни аниқлашда ҳар хил R ларга мос келган номограммалардан фойдаланилади. Шаффофлик коэффициенти $n^2 \gg \chi^2$ бўлганда ($T < 10\%$ бўлса) $1 \gg R^2 e^{-2ad}$ бўлади ва (3.22б) дан ютилиш коэффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\alpha = \frac{1}{d} \ln \left[\frac{(1 - R_v)^2}{T_v} \right] \quad (3.24)$$

Агар синдириш кўрсаткичлари бир биридан фарқ қилса, плёнка (парда) тагликдан иборат структурани плёнкада ютилишини аниқлаш учун плёнка ҳаво ва плёнка таглик, таглик билан ҳаво чегараларидағи ёругликнинг қайтишини ҳисобга олиш керак. Агар тагликда кучсиз ютилиш содир бўлса, юпқа қатламда ютилиш коэффициенти қўйидагича ҳисобланади:

$$\alpha = \frac{1}{d} \ln \left[\frac{(1 - R_{v1})(1 - R_{v2})(1 - R_{v12})}{T_v} \right] \quad (3.25)$$

Бу ерда: R_{v12} , R_{v2} , R_{v1} плёнка-таглик, таглик-ҳаво, плёнка-ҳаво чегараларидағи қайтиш коэффициентлари. Тажрибадан яримўтказгичларда ютилиш коэффициентини қайтиш ва шаффофлик коэффициентлари натижалари бўйича аниқлаш учун қўйидаги босқичлардан ўтилади. Дастреб намунанинг сиртига сайқал берилади, унинг қалинлиги $ad \gg 1$ шартига жавоб беради. Бу билан намунанинг остики сиртидан ёругликнинг қайтиши таъсири йўқотилади ва мумкин бўлган тўлқин узунлиги соҳасида турли температурада ва бошқа ташқи таъсирлар остида R_v ўлчанади, бу ёругликнинг сиртдан бир карра (марта) қайтиши коэффициентини беради. Сўнгра намунанинг қалинлиги камайтирилади: $ad < 1$ ёки $(1 - R_v)/(1 + R_v) > T_v > 10\%$ шаффофлик соҳасида ёругликнинг ўтиш интенсивигини текширилаётган соҳада аниқ ўлчаш мумкин бўлсин. Бу ҳолда T ни ўлчаш имкони вужудга келади. Ютилиш коэффициентини шаффофлик коэффициенти қиймати бўйича аниқ-

лашда $T > 10\%$ бўлганда (3.22б) ва $T < 10\%$ бўлганда (3.25) тенгламадан фойдаланилади. Ютилиш коэффициентини аниқлашда фақат шаффофлик коэффициентини ўлчаш билан ҳам чегараланиш мумкин, бунинг учун қалинликлари d_1 ва d_2 бўлган бир хил кристалдан намуналар тайёрланади, уларнинг қалинлиги шундай бўлиши керакки ($\alpha d_2 > 1$ ва $\alpha d_1 > 1$ бўлиб), шаффофлик коэффициентлари T_{v1} ва T_{v2} 10% бўлсин, у ҳолда текширилаётган намуна-нинг ютилиш коэффициенти

$$\alpha = \frac{1}{d_2 - d_1} \ln \frac{T_{v1}}{T_{v2}} = \frac{1}{d_2 - d_1} \ln \frac{I_{v1}}{I_{v2}} \quad (3.26)$$

билин ҳисобланади. Бу ерда I_{v1} ва I_{v2} мос равища қалинлиги d_1 ва d_2 бўлган намуналардан ўтган ёруғлик интенсивлигидир. Агар тадқиқотчи ихтиёридаги намуна кичик бўлса, уни қалинлигини юпқалаштириш билан ўлчаш мумкин.

Ютилиш коэффициенти α ни ҳисоблаш тенгламаси (3.25) нинг таҳлили $T < 10\%$ ва $R = 35\%$ бўлганда, шаффоффликнинг 10^3 марта ўзгариши ютилиш коэффициентининг фақат 6 марта ўзгаришига олиб келади. Демак α нинг қийматини катта оралиқда ўлчаш учун битта материалдан ясалган ҳар хил қалинликдаги намуналар тўплами бўлиши керак. Масалан, яримўтказгичларда ёруғликнинг хусусий ютилиш чегарасида ютилиш коэффициенти (α) 10^2 дан то 10^4 см^{-1} гача ўзгаради. Қалинлиги d — бўлган ҳар бир намуна учун ютилиш коэффициентининг максимуми α_{\max} шаффоффлик минимуми қиймати бўйича аниқланади. α_{\min} тажрибада α ни аниқлашда кузатиладиган энг катта хатоликка эришиш билан баҳоланаади. Ютилиш коэффициентини ўлчашнинг нисбий $\delta\alpha = \frac{\Delta\alpha}{\alpha}$ хатолиги (3.26) учун

$$\delta\alpha = \delta d + \left(\frac{2R_v}{1 - R_v} \delta R_v + \delta T_v \right) \left[\ln \frac{(1 - R_v)^2}{T_v} \right]^{-1} \quad (3.27)$$

билин аниқланади. Агар α ни уни ташкил этувчилари-нинг хатоликлари йифиндисидан ($\delta R + \delta d + \delta T$) катта бўлмаган хатолик билан ўлчанади деб фараз қилинса, у ҳолда $R = 35\%$ бўлганда

$$\alpha_{\min} \approx \frac{1}{d} \quad (3.28)$$

ифода ўринли бўлади ва у шаффофлик коэффициенти $T=16\%$ бўлгандағи қийматига мос келади. Ютилиш коэффициентининг $\alpha < 1/d$ соҳасида α ни аниқлашдаги хатолик α_{\min} ни аниқлашдаги хатоликдан катта бўлади. Шундай қилиб, текширилаётган соҳада ютилиш коэффициенти $\alpha = 10^{-1} \text{ см}^{-1}$ дан $\alpha = 10^4 \text{ см}^{-1}$ гача ўзгарса, камида икки хил d_1 ва d_2 қалинликдаги намуна олиниши керак. ($d_2 > d_1$). d_1 қалинликни топиш учун (3.26) тенгламага ютилиш коэффициентининг юқори чегараси 10^4 см^{-1} , R_v ва T_v -нинг минимум қийматлари қўйилиб ҳисобланади. Масалан, 10^4 см^{-1} , $T_{\min} = 0,01\%$ ва $R = 35\%$ бўлганда, $d_1 = 8,3 \text{ мкм}$ эканлиги кўринади. d_2 — қалинлик эса қўйидаги (3.29) тенглама билан топилади:

$$d_2 = \frac{1}{\alpha_{\min}} = \frac{1}{10 \text{ см}^{-1}} = 1 \text{ мм}. \quad (3.29)$$

Қалинлиги $d_2 = 1 \text{ мм}$ бўлган намунада ютилиш коэффициентини 10 дан 84 см^{-1} гача, қалинлиги $d_1 = 8,3 \text{ мкм}$ намунада 240 дан 10^4 см^{-1} гача текшириш мумкин. Ютилиш коэффициентини $84 \div 240 \text{ см}^{-1}$ оралиқда текшириш учун қалинлиги $d_3 = 200 \text{ мкм}$ бўлган учинчи намуна зарур (керак). Бу намуна билан $\alpha_{\min} = 50 \text{ см}^{-1}$ дан $\alpha_{\max} = 415 \text{ см}^{-1}$ гача ўлчаш мумкинки, кичик ютилиш коэффициентларини ўлчашда ютилиш коэффициентини аниқлашдаги хатоликнинг минимум бўлиш шарти $\alpha d = 1$ дан ёруғликнинг тарқалиш йўналишида намуна қалинлиги катта бўлишилигини талаб этади. Жуда кичик ютилиш коэффициентларини $\alpha < 10^{-2} \text{ см}^{-1}$ ўлчаш учун маҳсус усуслар яратилган.

3.3-§. Заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчалигини ўлчашнинг оптик усуслари

Яримутказгичларда ёруғликнинг эркин заряд ташувчиларда ютилиши хусусий ютилишнинг қизил чегарасидан катта бўлган тўлқин узунлиги соҳаси ($\lambda > \lambda_g$ ёки $h\nu > E_g$) да айниқса муҳим ўрин тутади. Эркин заряд ташувчилар-

да ёруғлик ютилиш механизмининг классик назариясида эркин заряд ташувчиларнинг ёруғлик (электромагнит) тұлқинининг электр майдонида олган кинетик энергиясига яримұтказгич намунасидаги ҳар хил нұқсанлар (кристалл панжара даврийлигининг бузилиши) билан үзаро таъсирашганда (сочилишида) иссиқликка айланиши деб қаралади. Квант механикаси нұқтаи назаридан кристалл панжаранинг даврий майдонида ҳаракатланаётган эркин электронлар импульснинг сақланиш қонунига күра, ёруғликни ютмаслиги керак. Лекин кристалл панжаранинг тебраниши ёруғликнинг эркин электронда ютилишини вужудға келтиради. Оптик константаларнинг ёруғлик тұлқин узунлигига боғланиши аналитик ифодасини оптик константалар дисперсиясининг классик назарияси ёрдамида олинини мүмкін. Бу назарияга күра қаттық жисм чизиқли осцилляторлар тұпламидан иборат деб ва электромагнит тұлқинларининг электр майдонида электроннинг ҳаракат тенгламаси ечими қаралади,

$$m\ddot{x} + m\omega_0^2 x + \frac{m}{\tau} \dot{x} = -eE_{v0} e^{i\omega t} \quad (3.30)$$

Бу тенгламанинг биринчи ҳади Ньютон кучини, иккінчи ҳади мувозанат ҳолатидан силжиган x масофага пропорционал бұлған (қайтарувчи) эластиклик кучини, учинчи ҳади тормозловчи кучни, яғни заряд ташувчилар тезлигига пропорционал бўлған ишқаланиш кучини, ўнг томонидаги ҳади электронга электр майдонининг таъсири кучини тавсифлайды. Шундай қилиб, ўтказувчан зонадаги электронларнинг эффектив массаси m_n га teng бўлған эркин электрон деб қаралади, шунинг учун (3.30) тенгламадаги қайтарувчи кучни нолга тенглаштириб ва m массасини электрон эффектив массаси билан алмаштириб,

$$m_n \ddot{x} + \frac{m_n}{\tau} \dot{x} = -eE_{v0} e^{i\omega t} \quad (3.31)$$

электромагнит тұлқинининг электр майдонидаги эркин электрон ҳаракат тенгламасини оламиз. Электр майдон таъсирида электроннинг гармоник тебранма ҳаракати содир бўлади. Шу билан бирга бу тебранишнинг комплекс амплитудаси (3.31) тенгламага күрайдагича бўлади:

$$x_0 = -\frac{e\bar{E}_{v0}}{m_n} \cdot \frac{1}{\left(\omega^2 + \frac{\omega}{\tau} i\right)} \quad (3.32)$$

Бунда ҳосил бўлган қутбланиш вектори

$$\vec{P}_{vx} = eN\vec{x}_0 \quad (3.33)$$

бўлишлигини эътиборга олиб, электр майдон индукция-сининг ифодасидан

$$\vec{D}_v = \epsilon_0 \epsilon \vec{E}_v = \epsilon_0 \vec{E}_v + \vec{P}_v, \quad (3.34)$$

комплекс диэлектрик сингдирувчанликнинг аниқланиши-ни кўрамиз.

$$\epsilon = \epsilon_1 + \epsilon_2 \cdot i = 1 + \frac{\vec{P}_{vx}}{\epsilon_0 \vec{E}} \quad (3.35)$$

Зоналараро ўтишларни ϵ га қўшган ҳиссаси ҳисобга олингандা, хусусий ютилиш чегараси билан бўйлама оптик тебранишлар частотаси оралигига $\omega > \omega > \omega_z$ диэлектрик сингдирувчанлик (3.35) тенглами

$$\epsilon(\omega) = \epsilon_{\infty} \left[1 + \frac{\omega_p^2}{\omega(\omega + i\tau^{-1})} \right] \quad (3.36)$$

билин аниқланади. Бундан унинг ҳақиқий ва мавхум қисмлари қуидаги кўринишни олади:

$$\epsilon_1(\omega) = n^2 - \chi^2 = \epsilon_{\infty} \left[\frac{1 - \omega_p^2 \tau^2}{(1 + \omega^2 \tau^2)} \right] \quad (3.37)$$

$$\epsilon_2(\omega) = 2n\chi = \frac{\epsilon_{\infty} \omega_p^2}{\omega} \left[\frac{\tau}{(1 + \omega^2 \tau^2)} \right] \quad (3.38)$$

Бу ерда $\omega^2 = eN\epsilon_0\epsilon_\infty m_n$ — эффектив массаси m_n , концентрацияси N бўлган эркин заряд ташувчиларнинг плазмавий частотаси. (3.37) ва (3.38) ифодаларнинг релаксация вақти τ га боғлиқ $(\omega^2\tau^2 + 1)$ кўпайтмаларида энергия бўйича ўрталаштириш ҳисобга олинмаган. Агар τ энергияга боғлиқ бўлса, ϵ_1 ва ϵ_2 лар электронларнинг кристалларда сочилиш механизмига боғлиқ бўлади. (3.37) ва (3.38) ларда электромагнит тўлқинларнинг кристалл панжара билан таъсирланиши ҳам ҳисобга олинмаган. Бу таъсирлашища кимёвий боғланишнинг улуши кичик, заряд ташувчилар концентрацияси катта бўлган яrimутказгичларда унчалик муҳим эмас. Ёруғликнинг хусусий ютилиш чегарасининг частотаси билан кристалл панжаранинг бўйлама оптик тебранишлар частотаси оралиғида тоза кристаллар учун юқори частотали диэлектрик сингдирувчанилик частотага боғлиқ бўлмайди, доимий ϵ_∞ га teng бўлади. Бу частота оралиғида ҳаракатчанлиги катта бўлган яrimутказгичлар учун

$$\omega^2\tau^2 \gg 1$$

шарт бажарилиши мумкин. n -тип германий учун релаксация вақти тахминан 10^{-13} секундни ташкил этади. Ёруғликнинг тўлқин узунлиги $\lambda = 20$ мкм бўлганда, $\omega^2\tau^2 \approx 400$ га teng бўлади. $\omega^2\tau^2 \gg 1$ шарт бажарилганда (3.37) ва (3.38) ифодалар

$$\epsilon_1 = n^2 - \chi^2 = \epsilon_\infty \left(1 - \frac{\omega_p^2}{\omega^2} \right) \quad (3.39)$$

$$\epsilon_2 = 2n\chi = \epsilon_\infty \omega_p^2 / \tau \omega^3 \quad (3.40)$$

куринишни оладилар.

Ёруғликни эркин заряд ташувчиларда ютилиш коэффициенти α (3.10) ва (3.40) ларга кўра

$$\alpha \simeq \frac{\epsilon_\infty \omega_p^2}{n \cdot c \cdot \omega^2} < \frac{1}{\tau} > \sim \lambda^2 < \frac{1}{\tau} > \quad (3.41)$$

ифода билан аниқланади. Ютилиш коэффициенти заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмига, яъни $<1/\tau>$ нинг

Үртача қийматига боғлиқ бўлиб, ёруғлик тўлқин узунлигининг квадратига пропорционалдир. Ўтказувчанликка ҳар хил типдаги заряд ташувчилар қатнашса, улардаги ютилишлар кўшилади. Паст частоталарда ($\omega^2\tau^2 \ll 1$) ютилиш коэффиценти:



$$\alpha \approx N e^2 \tau / m_n^* c \cdot n \epsilon_0 \sim \sigma_0 \quad (3.42)$$

у частотага боғлиқ бўлмайдиган ва доимий электр майдонда кристаллнинг солиширига ўтказувчанилигига пропорционал бўлган катталик.


Релаксация вақтининг энергияга боғлиқлиги даражали функция кўринишида бўлганида (3.38) ни сочилиш механизмига боғлиқ бўлган γ коэффицентга кўпайтирилади. Сочилиш кристалл панжара тебранишида содир бўлса, $\gamma = 1,13$ га, ионлашган киришма атомда содир бўлса, $\gamma = 3,4$ га тенг бўлади. Эркин электронларда ёруғлик ютилишининг квант назариясига кўра ютилиш коэффициентининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги $\alpha \sim \lambda^n$ кўринишида ва даража (η) 2 дан фарқли бўлиб, сочилиш механизмига қараб, 1 дан 4 гача ўзгаради. Кўпгина яримутказгич материалларда тажрибадан олинган ютилиш коэффициентининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги мураккаб кўринишга эга.

a) Заряд ташувчилар концентрациясини ёруғликнинг ютилиши бўйича аниқлаш


Тажрибада ютилиш коэффициенти бўйича, заряд ташувчилар концентрациясини аниқлашда, ютилиш коэффициентини уларнинг концентрациясига боғлиқлиги асос қилиб олинган. Ютилиш коэффициентини тажрибада аниқланган ёруғликнинг намунадан ўтиш ва қайтиш коэффициентлари бўйича ҳисоблаб, заряд ташувчилар концентрациясини аниқлаш мумкин. Лекин тажрибада аниқланган ва назария бўйича ҳисобланган натижалар бир-биридан фарқлангани учун одатда олдиндан тажрибада олинган $\alpha = f(N)$ градиуровка (даражалаш) графигидан фойдаланиб топилади. Бунинг учун заряд ташувчилар концентрацияси маълум бўлган бир қанча намуналарда ютилиш коэффициентининг концентрацияга боғлиқлиги аниқланади. Ютилиш коэффициентининг концентра-



a)



б)



3.3-расм. n , p — типдаги кремний намуналарда ёруғликнинг ютилиш коэффициенти α ни заряд ташувчилар концентрациясига назарий (1-чизик) тажриба йўли билан (— чизик) боғланиши.
а — ёруғликнинг тўлқин узунлиги 40 мкм бўлган хол учун.

цияга назарий боғланиши, $\alpha=f(N)$ тажриба натижалари билан мос тушмаслиги эркин заряд ташувчиларда ёруғлик ютилишининг назарий модели етарлича яхши ишланмаганлигидан далолат беради. Бир қанча ҳолларда тажриба ва назария натижалари қисқа тўлқин узунлиги оралиғида мос тушади. Масалан, p , n -тип кремнийларда инфрақизил соҳанинг қисқа тўлқин узунлиги қисмида $\alpha(N)$ нинг назарий ва амалий қийматлари бир-бирига мос тушади, узун тўлқин узунлик қисмида эса, кучли фарқ кузатилади (3.3-расм).

Тажрибада ёруғликни намунадан ўтиш (шаффоффлик) коэффициенти орқали $T>0,1$ да қиймати ютилиш коэффициенти (2.23б) ва қайтиш коэффициенти

$$R_v = R_{v_0} (1 - T) e^{-ad} \quad (3.43)$$

ифодаларидан аниқланади. Бу ерда R_{v_0} яримчексиз намунада ёруғликнинг қайтиш коэффициенти, d — намуна қалинлиги. (3.23б) ва (3.43) тенгламанинг биргалиқдаги ечими ютилиш коэффициенти қийматини беради.

Ўлчашнинг спектрал оралигини танлашда шуни эътиборга олиш керакки, оралиқнинг маълум бир спектрал қисмида (соҳасида) ёруғликнинг эркин электронда ютилишидан ташқари, у яна киришма атомларида ҳамда кристалл панжаранинг тебранишларида (фононларда) ютилиши мумкин. Заряд ташувчилар концентрациясини аниқлашда хатоликларга йўл қўймаслик учун ўлчанаётган тўлқин узунлиги соҳасида бошқа ютилишлар кичик бўлиши керак. Масалан, кремнийда тўлқин узунлигининг 6 мкм дан 40 мкм оралиғида фононда ёруғликнинг ютилиши намоён бўлади, шу билан бирга, ёруғликнинг фононларда ютилиш коэффициенти $0,3 \div 10 \text{ см}^{-1}$ оралиғида бўлиб, концентрацияси 10^{18} см^{-3} бўлган намуналарнинг эркин зарядларда ёруғликнинг ютилиш коэффициенти тартибидадир. Шунинг учун кремний намуналарида ўлчовни асосан тўлқин узунлигининг $\lambda < 5 \text{ мкм}$ ёки $\lambda > 40 \text{ мкм}$ бўлган соҳаларида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда қисқа тўлқин узунлик соҳасидан фойдаланиб стандарт ўлчов асбобларини қўллаган маъқулдир. Тажрибани заряд ташувчилар концентрацияси кичик бўлган намуналарда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ютилиш коэффициенти тўлқин узунлигининг ортиши билан ортиб боради. Бунда ўлчанаётган заряд ташувчилар концентрациясини қуий чегараси 10^{15} см^{-3} гача камаяди (ўлчаш техникаси 40 мкм да қийинлашади). Яримутказгич параметрларини ўлчашда ёруғлик манбаи сифатида лазер нурларининг қўлланиши катта имкониятлар яратади. Бунда ёруғликни тўлқин узунлиги тартибида бўлган кичик диаметрли ўзага тўплаш (ёруғлик зондини олиш) ва намуналарнинг кичик соҳасини текшириш мумкин.

Лазер нурлари интенсивлигининг катта бўлиши ўлчов асбоблари ҳамда усулнинг сезирлигини оширади, намунани тор ва кенг қилиб, лазер нурлари билан ёритиш мумкин. Лазерларни ёруғлик манбаи сифатида ишлатилишининг ютуғи шундан иборатки, инфрақизил интрос-

копларнинг характеристикаларини яхшилаш имконини беради. Ҳаракатланувчи лазер нурларига асосланган микроскопларни яратиш ва улар ёрдамида текширилаётган намуналарда бир жинсли эмаслиликнинг тақсимланиши тұғрисида аниқ маълумотлар олиш мүмкін ҳамда концентрация, ҳаракатчанликнинг нафақат юза бүйича, балки қалинлик бүйича ҳам ҳар хил күндаланг кесимларда тақсимланиши тұғрисидаги миқдорий натижаларни олиш мүмкін.

б) Ёруғликнинг плазма резонанси соҳасида намунадан қайтиши бүйича әркін заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини аниқлаш усули

Намунанинг нур синдириш (n) ва ютилиш күрсаткич (χ) ларини (3.37) ва (3.38) лардан топиб, ёруғликнинг қайтиш коэффициенти ифодаси (3.15) га құйсак, ЭХМ да ҳисоблаш кулай бўлган

$$R(\omega) = R(a, b, \varepsilon_{\infty}) = \frac{(G^{-1}F - \varepsilon_{\infty}^{-\frac{1}{2}})^2 + a^2 F^{-2} G^{-2}}{(FG^{-1} + \varepsilon_{\infty}^{-\frac{1}{2}}) + a^2 F^{-2} G^{-2}} \quad (3.44)$$

қайтиш коэффициентининг спектрал боғланишдаги аналитик ифодаси олинади. Бу ерда:

$$F(a, b) = \left([a^2(b^2 - 1) + 1]b + \{[a^2(b^2 - 1) - 1]^2 b^2 + a^2\}^{\frac{1}{2}} \right)^{\frac{1}{2}} \\ G(a, b) = [2b(a^2 b^2 + 1)]^{\frac{1}{2}} \quad (3.45)$$

$$a = \omega_p \cdot \langle \tau \rangle; \quad b = \omega / \omega_p$$

бўлади. Шундай белгилаш билан оптик константаларнинг дисперсион муносабатлари қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади:

$$\varepsilon_1(\omega) = n^2 - \chi^2 = \varepsilon_{\infty} \left(1 - \frac{a^2}{a^2 b^2 + 1} \right) \quad (3.46)$$

$$\varepsilon_2(\omega) = 2n\chi = \frac{\varepsilon_\infty + a}{b(a^2b^2 + 1)} \quad (3.47)$$

$$n(\omega) = \sqrt{\varepsilon_\infty} G^{-1}(a, b) F(a, b) \quad (3.48)$$

$$\chi(\omega) = \sqrt{\varepsilon_\infty} F^{-1}(a, b) G^{-1}(a, b) \quad (3.49)$$

Булар ёрдамида яримўтказгичлар параметрларини аниқлашда плазманинг тебраниш частотаси

$$\omega_p^2 = e^2 N / \varepsilon_0 \varepsilon_\infty \cdot m_n^* \quad \text{ёки} \quad \lambda_p = \frac{2\pi c}{\omega p} \quad (3.50)$$

ва ўлчамсиз $a = \omega_p <\tau>$ катталик асосий параметрлардан ҳисобланади. Уларни билган ҳолда яримўтказгич хоссаларини тавсифловчи катталиклардан электр ўтказувчаникнинг частотага боғлиқлигини, ўзгармас ток учун солиштирма ўтказувчаник (σ_0), релаксация вақти $<\tau>$ ни аниқлаш мумкин.

$$\sigma = (\omega) = \frac{c \varepsilon_\infty a}{2\lambda_p (a^2 b^2 + 1)}; \quad \sigma_0 = \frac{c \varepsilon_\infty a}{2\lambda_p}; \quad <\tau> = \frac{a\lambda_p}{2\pi c} \quad (3.51)$$


Эркин заряд ташувчилар концентрациясининг эффектив массасига нисбати қуидаги

$$\frac{N}{m_n} = \frac{\pi c^2}{e^2} \frac{\varepsilon_\infty}{\lambda_p} \quad (3.52)$$

тенглама ёрдамида ҳисоблаб топилади. Демак, $R(\lambda)$ орқали намуна параметрларини аниқлашнинг биринчи босқичида λ_p ва a — параметрлар аниқланади. Бунинг учун ЭҲМ да берилган

$$\varepsilon_\infty \{5(CdS), 8,5(GaAs), 10,5(GaP), 11,7(Si) 16(Ge)\}$$

a -ни 0 дан 25 гача, b -ни 0,5 дан 2,5 гача бўлган оралиқдаги қийматларида қайтиш коэффициентининг спектри



3.4-расм. Яримұтказгичли намунада концентрациянинг маълум қийматида қайтиш спектри (а), плазма частотанинг қайтиш коэффициентининг минимал қийматига боғланиши (б).

ҳисобланади. Кремний учун ($\epsilon_{\infty}=11,7$) $R(\omega)$ ни ҳисоблаш натижалари 3.4а-расмда келтирилган. Расмдан күриниб турибдики, частота ортиши билан ютилиш коэффициенти маълум бир частота (ω_p) дан бошлаб кескин камаяди, ω_p -га яқин соҳада минимумга эришади, сўнг охиста ортиб боради.

Ёруғликнинг плазма частотаси $\omega=\omega_p$ да намуналарда ютилиш ҳодисаси плазма-резонанс деб юритилади. Плазма-резонанс спектри бўйича яримұтказгичлар параметрини аниқлашнинг бир қанча усуслари яратилган. $R(\omega)$ дан маълумки, плазма-резонанс қисқа тўлқин узунлик соҳасида ($\lambda < \lambda_{min}$) ва $b > 1$ да б қанча катта бўлса, қайтиш коэффициентига a -параметр шунчакам таъсир қиласи, у қайтиш спектрининг $b=1$ соҳасида сезиларли таъсир кўрсатади. Параметр a нинг камайиши билан заряд ташувчиilar концентрацияси ва қайтиш коэффициентининг минимумдаги қиймати $R_{min} \sim m_p/4N$ ортиб боради, минимуми қисқа тўлқин узунлик соҳасига силжийди, минимуми ёйилиб, камроқ аниқлик билан (аниқланади) намоён бўлади. Демак, плазма-резонанс минимумининг спектрал ҳолати заряд ташувчиilar концентрациясига боғлиқ. Берилган ϵ_{∞} учун ёруғликнинг қайтиш спектри бўйича $R_{min}=f(b_{min})$ ва $R_{min}=f(a)$ лар ҳисобланади (3.4б-расм). Кейинги босқичда назарий ҳисобланган $R(\omega)$ спектри таж-

рибада аниқланган $R(\omega)$ боғланишга солиширилади. Назарий ҳисобланган $R(\omega)$ ёки $R(\lambda)$ ни танлашда бошлангич параметрлар сифатида кристаллнинг юқори частотали диэлектрик сингдирувчанлиги ϵ_{∞} ҳамда $R(\lambda)$ нинг минимумга эришган λ_{\min} тўлқин узунлиги $R(\lambda_{\min})$ олинади. Юқоридаги расмларда келтирилган $R(b_{\min})$ ва $R_{\min}(a)$ каби боғланишлардан b_{\min} ва a параметрлар аниқланади, сўнг


$$\lambda_p = \lambda_{\min} \cdot b_{\min} \quad (3.53)$$

ҳисоблаб топилади. Топилган a , λ_p — параметрларни билган ҳолда, σ_0 , $\langle \tau \rangle$, N/m — аниқланади. Шуни таъкидлаш керакки, $R(\lambda)$ ни ҳисоблашга кирган, тажрибадан аниқланадиган катталиклар, R_{\min} , λ_{\min} кристаллнинг ҳажмий хоссаларидан ташқари, уларнинг сирт ишловига ҳам боғлиқ. Текширишларнинг кўрсатишича, яrim ўтказгич сиртига механик ишлов беришда, яъни силлиқлашда сирт қатлами деформацияланади. Механик сайқал бериш яъни силлиқлаш ва ялтиратиш билан бу деформацияни йўқотиш мумкин эмас.


Қайтиш коэффициенти спектрининг худди ўзидаи такрорланишига фақат сирт қатламини кимёвий едириш ва сайқал бериш орқали эришилади. Одатда амалиётда заряд ташувчилар концентрациясини ўлчашда концентрацияси маълум бўлган намуналар асосида аниқланган $N(\lambda_{\min})$ боғланишдан, яъни плазма-резонанснинг калиброрка (даражалаш) чизигидан фойдаланиб топилади (3.5-расм). 3.1-жадвалда кремний ва *GaAs* яrim ўтказгичлари эмперик боғланишларининг аналитик ифодаси келтирилган.

Заряд ташувчилар концентрацияси N ни плазма-резонанс усули билан аниқлашнинг хатолиги λ_{\min} ни ўлчаш аниқлигига ва калиброрка чизигининг $R(\lambda_{\min})$ оралиқ хатолигига боғлиқ. λ_{\min} ни ўлчашнинг мунтазам хатоликларининг ташкил этувчилари спектрал асбоблар тўлқин узунлиги бўйича градуировка хатолигидан ва қайтиш спектри минимумининг кескинлиги билан боғлиқ бўлган тасодифий хатоликлардан иборат.


Заряд ташувчилар концентрациясининг камайиши билан плазма-резонанс минимумининг кенглиги ўсади,



a)



b)



c)

3.5-расм. λ_{min} ни заряд ташувчишар концентрациясига боғланиши:
 а) n-типдаги кремний учун, б) p-типдаги кремний учун,
 в) n-типдаги GaAs учун.

шунинг учун λ_{\min} ни ўлчашдаги тасодифий хатолик ва концентрацияни аниқлашдаги хатоликлар ортади. Статистик текширишларнинг кўрсатишича, заряд ташувчилар концентрацияси 10^{20} дан 10^{18} см^{-3} гача камайганда, ишонч оралиги 0,95 бўлган аниқлиқда ўлчашнинг тасодифий хатолиги n -тип кремний учун $\pm 10\%$ дан 50% гача ортади. Галлий арсенид концентрациясини 10^{19} дан 10^{17} см^{-3} оралиқда ўлчашнинг тасодифий хатолиги $\pm 10\%$ дан 80% гача ортади.

3.1-жадвал

Материал	λ_{\min} — эмперик ифодаси	концентрация оралиги, см^{-3}	Аппроксимация хатолиги %
<i>Si</i>			
<i>n</i> -тип	$\lambda_{\min} = 3,2908 \cdot 10^{11} \times n^{-0,5451} + 1,8153$	$1,5 \cdot 10^{18} \dots 1,5 \cdot 10^{21}$	2,4
<i>p</i> -тип	$\lambda_{\min} = 1,2125 \cdot 10^{15} \times p^{-0,7370} + 3,184$	$3 \cdot 10^{18} \dots 1 \cdot 10^{20}$	0,8
<i>GaAs</i>	$\lambda_{\min} = 8,4172 \cdot 10^2 \times n^{-0,08125}$	$1,5 \cdot 10^{17} \dots 6 \cdot 10^{17}$	0,5
<i>n</i> -тип	$\lambda_{\min} = 4,1584 \cdot 10^7 \times n^{-0,3451}$	$6 \cdot 10^{17} \dots 2,5 \cdot 10^{18}$	—
галлий арсенид	$\lambda_{\min} = 1,7231 \cdot 10^{10} \times n^{-0,4875}$	$2,5 \cdot 10^{18} \dots 1 \cdot 10^{19}$	—

Юқорида ёритилган усул билан бир жинсли, кўпқатламли намуналарнинг электрофизик хоссаларини аниқлаш заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчалигини ўлчашга имкон беради. Намуна сиртининг алоҳида олинган соҳаларида ўлчов ўтказиш мумкин, шунингдек уларни ҳар хил технологик мақсадларда қўллаш мумкин.

в) Заряд ташувчилар концентрациясини Фарадей эффекти билан ўлаш усули

Яssi (чизиқли) қутбланган ёруғлик доимий магнит майдонига жойлаштирилган намунадан майдон йўнали-

ши бүйича ўтганида унинг кутбланиш текислигининг бурилиши Фарадей эффиқти ва бурилиш бурчагини Фарадей бурчаги φ_F деб аталади.

Оптика курсидан маълумки, ясси қутблангандар ёруғлик нинг электр майдон кучланганлари соат мили бўйича (ўнг) ва унга тескари йўналишда айланувчи (чап) айланма қутблангандар икки тўлқин суперпозиция (ийинди) сидан иборат деб қараш мумкин. Магнит майдонида муҳитнинг нур синдириш кўрсаткичи бу тўлқинлар учун икки хил (n_+ , n_-) бўлади, шунинг учун улар ҳар хил фазовий тезликлар $V_+ = \frac{c}{n_+}$, $V_- = \frac{c}{n_-}$ билан тарқалади ва натижада улар орасида фаза фарқи θ вужудга келади, бунинг оқибатида ясси чизиқли қутблангандар ёруғлик намунадан чиқсан чоғида қутбланиш текислиги φ_F — бурчакка бурилади. Бурилиш бурчаги қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$\varphi_F = \frac{\theta}{2} = \frac{\pi l(n_- - n_+)}{\lambda} = \frac{\omega l}{2c}(n_- - n_+) \quad (3.54)$$

Бу ерда: l — намуна узунлиги, λ — ёруғликнинг вакумдаги тўлқин узунлиги, n_+ ва n_- мос равишда — ўнг ҳамда чап айланма қутблангандар ёруғлик учун нур синдириш кўрсаткичлари.

Борди-ю, Фарадей эффиқти эркин заряд ташувчилар билан боғланган бўлса, уларнинг ҳаракати нуқтаи назаридан қараганда, Фарадей эффиқтини Холл эффиқти деб қараш мумкин: заряд ташувчилар ёруғлик тўлқини электр майдон кучланганлиги таъсирида ташқи магнит майдонга тик йўналишда ҳаракатланади. Борди-ю, заряд ташувчилар ўзгармас магнит майдонга нисбатан қандайдир бурчак билан ҳаракатланса, уларнинг траекторияси магнит майдон йўналишида спирал кўринишида бўлади.

Заряд ташувчилар айланма частотасининг циклатрон резонанси частота ω_c деб юритилади. Циклатрон частота заряд ташувчиларнинг эффиқтив массаси ва магнит майдон индукциясига боғлиқ бўлиб, электрон учун $\omega_{\text{on}} = eB/m_n$, кавак учун эса $\omega_{\text{off}} = eB/m_p$ билан аниқланади.

Фарадей бурчаги ишораси электрон ва кавак учун ҳар хил бўлиб, у ёруғликнинг доимий магнит майдон индук-

цияси векторига нисбатан қандай йұналишда тарқалишига боғлиқ. Агар магнит майдон индукцияси бүйіча тарқалаётган ёруғликнинг күтбланиш текислиги соат милице бүйіча бурилса, Фарадей бурчаги мусбат деб ҳисобланади. Күчсиз магнит майдонида $\mu^2 B^2 \ll 1$ ва $\omega^2 t^2 \gg 1$, $n_- + n_+ = 2\bar{n}$ шартлар бажарылғанда, Фарадей бурчагининг (3.54) ифодаси n — тип намуналар учун

$$\varphi_F = \frac{e^2 \lambda^2 B \cdot l \cdot N}{2\pi^2 c^3 \epsilon_0 m_n \bar{n}} \quad (3.55)$$

күренишни олади. Бу ерда \bar{n} — магнит майдон индукцияси йүқ ($B=0$) бұлғандаги нур синдириш күрсаткичи. (3.55) теңгламадан күринадықи, әркін заряд ташувчилар вужуда келтирган күтбланиш текислигининг бурилиш бурчаги заряд ташувчилар концентрацияси N га, ёруғлик тұлғын узунлыгининг квадрати λ^2 га, намуна узунлігі l га, магнит майдон индукцияси B га пропорционал бўлиб, сочилиш механизміга боғлиқ, эмас. Агар ўлчов ёруғликнинг инфракизил тұлғын узунлиги соҳасида ўтказилса, релаксация вақтіни чегараловчи $\omega^2 t^2 \gg 1$ шарт бажарылади намунада тарқалаётган ёруғлик намуна ичида қайта-қайта қайтиши сабабли унинг оптик йұли узаяди ва Фарадей бурчагининг φ_F ортишига олиб келади. Бунда Фарадей бурчаги φ_F нинг намуна ичида ёруғликнинг қайта-қайта қайтишидан содир бўлган φ'_F бурчак орқали боғланиши куйидаги ифода билан аникланади.

$$\varphi_F' = \varphi_F [1 + 2R^2 \exp(-\alpha d) \cos 4\varphi_F']^{-1} \quad (3.56)$$

(3.55) теңгламадан күриниб турибдікі, агар намунада нур синдириш күрсаткичи, заряд ташувчилар концентрацияси маълум бўлса, заряд ташувчиларнинг эффектив масасини аниклаш мумкин ёки эффектив масаси маълум бўлса, заряд ташувчилар концентрациясини топиш мумкин.

Заряд ташувчилар эффектив масасини аниклаш усули сифатида Фарадей айланишининг қўлланишини чекловчи бир қанча омиллари мавжуд. Масалан, анизатроп массали намуналарда ўлчанаётган эффектив масса ўтарат

ча қийматни беради. Күп яримұтказгичларда валент зонаси экстремуми айниган бұлиши p -тип яримұтказгич материалларида үлчов натижаларини изоҳлашни мураккаблаштиради.

Агарда заряд ташувчиларнинг эффектив массаси заряд ташувчилар концентрациясига боғлиқ бўлса, заряд ташувчилар концентрацияси m^* — ўзгармас соҳасида Фарадей бурчагини үлчаш билан топилади. Масалан, GaAs да эффектив массанинг концентрацияга боғлиқлигини $N < 10^{18} \text{ см}^{-3}$ да инобатга олмаслик мумкин.

$\omega^2\tau^2 \ll 1$ соҳада ҳам Фарадей эффективидан заряд ташувчилар концентрациясини аниқлаш мумкин. Фарадей эффективи билан намуналарда заряд ташувчиларнинг нотекис тарқалишига боғлиқ бир жинсда эмаслиликнинг тақсимотини ўрганишда юпқа намуна сиртининг кичик соҳаси ясси қутбланган нур билан (маҳаллий) кетма-кет ёритилади. Ясси чизиқли қутбланган ёруғлик намуна билан ёруғлик манбаи орасига поляризаторни жойлаштириш билан олинади. Поляризатор сифатида кўпинча Николь призмаси қўлланилади. Фарадей бурчагини үлчаш учун намуна билан фотоқабулқилгич орасига поляризатор (Николь призмаси) жойлаштириллади ва у анализатор деб номланади. Бурилиш бурчаги φ_F анализаторни фотоқабулқилгичда энг катта сигналга эришгунча айлантириб топилади.

Спектрнинг инфрақызыл соҳасида $\lambda \approx 2 \text{ мкм}$ да Фарадей бурчагини үлчашда (3.55) ифодани қўллаш шарти магнит майдонининг индукция вектори $\vec{B} = 1 \text{ Тл}$ бўлганда бажарилади, чунки концентрацияси $N = 10^{15} \text{ см}^{-3}$ бўлган галлий арсенид намунаси учун қалинлиги $l = 1 \text{ мм}$, $\lambda = 10 \text{ мкм}$, $B = 1 \text{ Тл}$ бўлганда, магнитооптик бурилиш бурчаги $\varphi_F = 0,1^\circ$ бўлади. φ_F -ни үлчашнинг аниқлигини ошириш учун у магнитнинг икки йўналишида үлчанади ва

$$\sin 2\varphi_F = (I_1 - I_2) / (I_1 + I_2) \quad (3.57)$$

билингиз. Бу ерда I_1 ва I_2 — фотоқабулқилгичда олинган энг катта ва энг кичик ёруғликнинг интенсивлигига пропорционал бўлган электр сигналдир.


Эркин заряд ташувчилар билан боғланган Фарадей эффективидан ташқари, зоналароро Фарадей эффективи ҳам

содир булиши мумкин. Фотоннинг энергияси тақиқланган зона кенглигига яқин соҳасида қутбланиш текислигининг бурилиши бу икки эффект билан пайдо бўлади. Заряд ташувчилар концентрацияси кичик бўлган намуналарда ва тўлқин узунлиги кичик бўлган соҳада зоналар аро Фарадей эффектини ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентини киритиш керак бўлади. Бунинг учун Фарадей бурчаги φ_F нинг қиймати юқори Омли намуналарда ўтказилади. Фарадей эффектини ўлчашда эластик механик кучланишлар хатолик манбалари сифатида хизмат қиласиди. Бу нурнинг иккиге ажралиш синиш ҳодисасига олиб келади, бунинг оқибатида намунага тушаётган ясси қутбланган тўлқин намунадан ўтганда, эллиптик қутбланиди. Фарадей эффекти кўп материалларда ўлчангандан ва бошқа усуllар натижалари билан солиширилган. Бу эффект ёрдамида n — тип индий антимонидда ўтказувчан зонанинг параболик эмаслигини тасдиқловчи, электрон эффектив мессасининг заряд ташувчилар концентрацияси ва намуна температураси билан ўсувчи функция бўлишлиги кўрсатилган. Яримўтказгич намуналарнинг биржинсликка тез микдорий ва сифатий жиҳатдан текшириш натижаларини телевизор экранида қайд қиласиди, Фарадей эффектига асосланган автоматик қурилмалар яратилган.


3.4 §. Эллипсометрия усули

Усулнинг моҳияти.

Охирги йилларда илмий-тадқиқот институтларида ҳозирги замон микроэлектроника саноатида бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган материалларнинг (диффузион, эпитаксиал қатламли структуралар) параметрларини контактсиз ўлчаш, назорат қилиш усуllаридан бири бўлган эллипсометрия усули кенг кўлланилмоқда. Эллипсометрия усули қутбланган ёруғликни, текширилаётган намуна билан ўзаро таъсирилашиши туфайли, ундан қайтганда қутбланиш ҳолатининг ўзгаришини аниқлашга асосланган. Чизиқли қутбланган ёруғликнинг намунадан қайтгандаги қутбланиш ҳолатининг ўзгариши таъсирилашётган намуналарнинг ҳажмий хусусиятларига, сиртнинг хосса-



а)



б)

3.6-расм. Эпитаксиал қатламсиз (а), эпитетаксиал қатламлы (б), яримүтказгич намуна сиртидан қайтган чизикді кутбланган ёруеникнинг (нурнинг) йүли.

си ва структурасига боғлиқ. Ҳозирги замон эллипсо-метрия усули асосан қайтган нурни таҳлил қилишга асосланган.

Чизиқли қутбланган ёруғликнинг бир жинсли ва эпитаксиал қатламли намуналардан қайтиши 3.6-расмда келтирилган. Яримўтказгичларда нур синдириш кўрсаткичи комплекс бўлиши туфайли, чизиқли қутбланган ёруғлик намунадан қайтганда P ва S ташкил этувчилари орасида фаза фарқи пайдо бўлади, электр майдон кучланганларни ўзгаради ва электр майдон кучланганлиги векторининг охири (учи) тарқалиш йўналишига тик бўлган текисликда эллипс чизади, бошқача айтганда, қутбланган ёруғлик ўтказувчан намунадан қайтганда эллиптик қутбланади. Эпитаксиал структураларда эса ҳаво эпитаксиал қатлам ва эпитаксиал қатлам таглик чегараларидан қайтган нурлар орасида қўшимча фаза фарқи вужудга келади. Намунадан қайтган эллиптик қутбланган ёруғлик ҳолати одатда иккита эллипсометрик параметрлар (ψ ва Δ) билан, бошқача айтганда, қутбланиш бурчаклари орқали аниқланади. Бу параметрлар қайтган эллиптик қутбланган нурнинг тарқалиш йўналишига тик текисликдаги шаклини ва қандай йўналишда эканлигини кўрсатади. Параметр ψ бурчак тушаётган ва қайтаётган нурларнинг P ва S ташкил этувчилари электр майдон кучланганларни амплитудаларининг ўзаро нисбати, яъни қайтиш коэффициентлари нисбати билан аниқланади:

$$\operatorname{tg} \psi = \frac{(E'_{P_{\text{кай}}} / E'_{P_{\text{кай}}})}{(E_{P_{\text{түш}}} / E_{S_{\text{түш}}})} = \frac{|r_P|}{|r_S|} \quad (3.58)$$

бу ерда: S — (индекс-кўрсаткич) — тусиши текислигига тик текисликда чизиқли қутбланган ёруғликни, P — (индекс-кўрсаткич) тусиши текислигига чизиқли қутбланган ёруғликка тегишли эканлигини кўрсатади. r_s , r_p — ёруғликнинг S ва P — ташкил этувчилари учун қайтиш коэффициенти. Намунага тушаётган ёруғлик чизиқли қутбланган деб фараз қилинади, яъни тушаётган ёруғликнинг P ва S — ташкил этувчилари фазалари бир-бирига тўғри (мос) келади. Ўз навбатида, ёруғликни P ва S — ташкил этувчиларининг (3.58) ифодадаги комплекс қайтиш ко-

эффициентлари нисбати қуйидаги ифодаланиши мүмкін.

$$\frac{r_P}{r_S} = \left| \frac{r_P}{r_S} \right| e^{i(\delta_P - \delta_S)} = e^{i\Delta} \operatorname{tg} \psi \quad (3.59)$$

Бу эллипсометрияның асосий тенгламасыдир. r_P нинг r_S га нисбати $n_2, \chi_2, n_1, d_1, \lambda, \varphi_0$ параметрларнинг функциясыдир.

Иккінчи эллипсометрик параметр Δ

$$\Delta = \delta_{P\text{қайтиш}} - \delta_{S\text{қайтиш}} = \delta_P - \delta_S \quad (3.60)$$

га тенг бўлиб, у намуна сиртидан ёруғликнинг қайтиши сабабли пайдо бўлган P ва S — ташкил этувчилари орасидаги фаза фарқини кўрсатади. Модомики ёруғликнинг поляризация ҳолати фақат иккита параметр билан аниқланар экан, битта тушиш бурчагига (φ_0) мос келган билан ўлчашдан ҳам иккита параметрни аниқлаш мумкин. Қалинлиги d_1 бўлган эпитаксиал плёнкали гомоэпитаксиал структуралар учун (3.59) тенглама қуйидаги кўринишни олади.

$$\operatorname{tg} \psi e^{i\Delta} = \frac{r_{1P} + r_{2P} e^{-2\delta i}}{1 + r_{1P} \cdot r_{2P} e^{-2\delta i}} = \frac{1 + r_{1S} \cdot r_{2S} e^{-2\delta i}}{r_{1S} + r_{2S} e^{-2\delta i}} \quad (3.61)$$

Бу ерда $r_{1P}, r_{1S}, r_{2P}, r_{1S}$ — ҳаво-плёнка, плёнка-таглик чегараларидан ёруғликнинг мос равища P ва S — ташкил этувчилари учун Френель қайтиш коэффициентлари, δ — ёруғликнинг қалинлиги d_1 бўлган эпитаксиал қатламдан ўтишда вужудга келган фаза ўзариши (градусларда):

$$\delta = \left(300 \frac{d_1}{\lambda} \right) (n_1^2 - \sin^2 \varphi_0)^{\frac{1}{2}} \quad (3.62)$$

Маълумки, чизиқли қутбланган ёруғликнинг P ва S компоненталари учун диэлектрик сингдирувчанликлари

$$\sqrt{\epsilon_1} = n_1 - i \chi_1 \quad \text{ва} \quad \sqrt{\epsilon_2} = n_2 - i \chi_2$$

бўлган икки ўтказувчан муҳит чегарасидан Френель қайтиш коэффициентлари

$$r_{01S} = \frac{\sqrt{\varepsilon_0} \cos \varphi_0 - \sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_1}{\sqrt{\varepsilon_0} \cos \varphi_0 + \sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_1}, \quad r_{01P} = \frac{\sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_0 - \sqrt{\varepsilon_0} \cos \varphi_1}{\sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_0 + \sqrt{\varepsilon_0} \cos \varphi_1}$$

$$r_{12S} = \frac{\sqrt{\varepsilon} \cos \varphi_1 - \sqrt{\varepsilon_2} \cos \varphi_2}{\sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_1 + \sqrt{\varepsilon_2} \cos \varphi_2}, \quad r_{12P} = \frac{\sqrt{\varepsilon_2} \cos \varphi_1 - \sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_2}{\sqrt{\varepsilon_2} \cos \varphi_1 + \sqrt{\varepsilon_1} \cos \varphi_2}$$

ифодалар билан аниқланади. Бу ерда φ_0 — ёруғликнинг тушиш бурчаги, φ_1 — эпитаксиал қатламдаги синиш бурчаги, φ_2 — таглиқдаги синиш бурчаги.

$$\cos \varphi_1 = \sqrt{1 - \frac{\varepsilon_0}{\varepsilon_1} \sin^2 \varphi_0}; \quad \cos \varphi_2 = \sqrt{1 - \frac{\varepsilon_0}{\varepsilon_2} \sin^2 \varphi_0}$$

Модомики, r_{2S} , r_{2P} ва $e^{-2i\delta}$ — комплекс катталиклар (r_{1S} , r_{1P} — ҳақиқий катталиклар (чунки $\chi_1=0$) экан, (3.61) ифода ҳам комплекс бўлади. Ҳақиқий ва мавҳум қисмларини ажратиб, ψ ва Δ ларнинг оптик константалари n_2 , χ_2 — бўлган таглиқка ўтказилган эпитаксиал қатлам қалинлигига боғланишини аниқлаш мумкин, яъни:

$$\operatorname{tg} \psi = \sqrt{\Phi_1^2 + \Phi_2^2}; \quad \operatorname{tg} \Delta = \frac{\Phi_2}{\Phi_1} \quad (3.63)$$

Φ_1 ва Φ_2 лар эллипсометрия асосий тенгламасининг ҳақиқий ва мавҳум қисмларидир:

$$\Phi_1 = \Phi_2(n_0, \lambda_1, \varphi_0, d_1, n_1, n_2, \chi_1, \chi_2)$$

$$\Phi_2 = \Phi_2(n_0, \lambda, \varphi_0, d_1, n_1, n_2, \chi_1, \chi_2)$$

Бурчаклар (ψ ва Δ) ни ўлчаб, (3.63) тенгламаларни бирга ечиб қайтган тизимида исталган иккита ноаниқ параметрни аниқлаш мумкин. Демак, эллипсометрияниң амалий масалалари nn^+ , pp^+ эпитаксиал структураларда эпитаксиал қатлам қалинлиги ҳамда таглиқдаги заряд ташувчи-


лар концентрациясими, бир жинсли материалларда эса заряд ташувчилар концентрациясими ёки солишиштірмалық аниқлашын олиб келади. Инфрақызыл эллипсометрия усули бириңчи марта nn^+ типидаги кремний ва pp^+ типидаги германий структураларыда эпитаксиал қатлам қалинлигини $1 \div 10$ мкм оралиқда назорат қилишда құлланилған. Тұлқин узунлиги 10,6 мкм бұлған ёруғликда кремний ва галлий арсенид эпитаксиал қатламларының қалинлиги CO_2 лазер асосида яратылған саноат эллипсометрида үлчаш (назорат қилиш) көнг тарқалған. Ёруғлик нинг бу тұлқин узунлик соңасидағы тоза яримүтказгичлар тиник (шаффофф) бўлади, легирланған яримүтказгичларда ёруғликнинг ютилиш механизми асосан эркин заряд ташувчиларда ютилиши билан аниқланади. Шунинг учун ёруғликнинг инфрақызыл соңасида микроэлектроникада көнг тарқалған nn^+ , pp^+ кремний, галлий арсенид типидаги ва бошқа материалларының гомоэпитаксиал структураларыни шаффофф (тиник), эпитаксиал қатлам, ёруғликни ютувчи тагликдан иборат структура деб қараң мүмкін. Яримүтказгичлар оптик константалари дисперсиясининг классик назариясига мувофиқ

$$n_2^2 - \chi_2^2 = \varepsilon_{\infty} - \frac{4\pi/\rho}{1 + 4\pi^2 c^2 \tau^2 \lambda^{-2}} \quad (3.64)$$


$$\chi_2 n_2 = \frac{\lambda/\rho}{1 + 4\pi^2 c^2 \tau^2 \lambda^{-2}} \quad (3.65)$$

ифодалар олинған. Бу ерда, n_2 — тагликнинг нур синдириш күрсаткичи, χ_2 — экстенция коэффициенти, ε_{∞} — кристалл панжара диэлектрик сингдирувчанлиги, τ — релаксация вақти, ρ — солишиштірмалық қаршилик.

Яримүтказгичларнинг оптик константалари заряд ташувчилар концентрацияси, релаксация вақти орқали (3.63) ва (3.64) муносабатлар билан бояланған. Солишиштірмалық үтказувчанлик ва релаксация вақти, ҳар хил заряд ташувчилар концентрацияси учун, Ирвин $\rho=f(N)$ диаграммасынан топилади. Эпитаксиал қатламнинг қалинлиги ва таглик концентрациясининг керакли соңасида эллипсометрик параметрлар (ψ ва Δ) ЭХМ да ҳисобланади ва ҳисоблаш



a)



б)

3.7-расм. Эпитаксиал қатлам-таглик чегараси кескин бўлган nn^+ -типдаги GaAs эпитаксиал структуранинг қалинлиги $d=0,3$ мкм бўлган чизиқли оралиқ ўтиш қатлами ҳисобга олинган хол учун, $\varphi-\Delta$ номограммаси (а), nn^+ -тип GaAs структурали тагликдаги электронлар концентрацияси ва эпитаксиал қатлам қалинлигини аниқлаш $\varphi-\Delta$ номограммаси (б).

натижалари ва Δ координаталарида номограмма кўрининшида келтирилади. ψ ва Δ лар қалинликнинг даврий функцияси бўлгани учун, берилган заряд ташувчилар концентрациясида $\psi (\Delta N_2, d_1)$ боғланиш ёпиқ эгри чизиқдан иборат бўлади. Тажрибада ўлчангандан ҳар бир жуфт ψ ва Δ параметрлар номограммаларида тагликни қандайдир за-

ряд ташувчилар концентрациясига, эпитаксиал қатлам қалинлигига мос келган даврий әгри чизикда ётган нүкта түғри келади. 3.7-расмда эпитаксиал қатлам-таглик чегараси кескин бўлган np^+ типидаги $GaAs$ эпитаксиал структурасининг номограммаси келтирилган. Кўп ҳолларда эпитаксиал структуралар юқори температураларда олинади, бунинг натижасида диффузия, автолегирлаш жараёнлари содир бўлиб, чегаранинг кескинлик шарти бузилади ва эпитаксиал қатлам-таглик чегарасида оралиқ ўтиш қатлами пайдо бўлади. Текширишларнинг кўрсатишича, агар кирицма атомларининг қалинлик бўйича тақсимоти маълум бўлса (масалан, чизики), бу оралиқ ўтиш қатлами нинг таъсирини $\psi - \Delta$ номограммани ҳисоблашда эътиборга олиш мумкин. Бунда эллипсометрия тенгламасига қўшимча параметр d_0 — оралиқ ўтиш қатлам қалинлиги киритилади. Бу параметр маълум бўлса, масалан, тагликда заряд ташувчилар концентрацияси маълум бўлса, у ҳолда эллипсометрик ўлчовлар эпитаксиал ва оралиқ ўтиш қатламлар қалинликларини аниқлашга имкон беради. Агар оралиқ ўтиш қатлами қалинлиги технологик жиҳатдан такрорланувчан катталик бўлса, у вақтда уни эллипсометрик номограммани ҳисоблашда эътиборга олиш мумкин. 3.7а-расмда қалинлиги $d_0 = 0,3$ мкм бўлган чегаравий оралиқ, ўтиш қатлами нинг ҳисобга олинган эллипсометрик номограммаси келтирилган.

Кутбланиши бурчаклари ψ ва Δ ни тажрибада аниқлаш

Чизиқли кутбланган ёруғликни таҳлил қилиш, яъни эллипсометрия параметрларини аниқлаш қурилмаси қуйидаги асосий қисмлардан иборат бўлади: ёруғлик манбаи, поляризатор, анализатор, чорак тўлқин узунлик пластина (компенсатор) фотоқайдқилгич, модулятор, кучайтиргич. Лазерларнинг интенсивлиги спектрофотометр ёруғлик манбаларига нисбатан катта бўлгани учун, сўнгги йилларда улар эллипсометрларда ёруғлик манбаи сифатида ишлатилмоқда. Саноатда улар асосида ҳар хил тўлқин узунлик соҳасида ишлайдиган эллипсометрлар, эллипсометрик микроскоплар (УИТ—ТЭС, ЭИ—09, ИТ—1, 7—0031; ЛЭМ—2, ЛЭМ—3, ЛЭФ—ЗМ ва бошқалар) ишлаб чиқарилади.

Табиий ёруғликдан чизиқли кутбланган ёруғлик олишда поляризатор қўлланилади, анализатор поляризатор каби

ишлайди ва компенсатордан ўтган қутбланган ёруғликни таҳлил қилишга хизмат қилади. Фақат чизиқли поляризатор ва анализатор орқали қисман қутбланган ёруғликни эллиптик қутбланган ёруғликдан ажратиб бўлмайди, чунки анализаторни оптик ўқ атрофида айлантирганда, икки ҳолда ҳам ёруғликнинг интенсивлиги ўзгаради, интенсивликнинг максимум қийматини минимумга нисбати бирхил бўлиши мумкин. Бу нисбат айланана бўйлаб қутбланган ёруғлик учун ҳам, табиий ёруғлик учун ҳам бирга teng бўлади. Буларни бир-биридан ажратиш (фарқлаш) учун эллиптик қутбланган нур анизатропик кристалдан ясалган пластина (компенсатор) дан ўтказилиб, унинг ортоғонал ташкил этувчилари орасида шундай фаза фарқи ҳосил қилиш мумкинки, бунда эллиптик қутбланган ёруғлик чизиқли қутбланган нурга айлансин. Бу ҳодиса анализаторда кузатилади ва таҳлил қилинади. Компенсатор сифатида икки ўқли кристалларда бош ўқига паралел қилиб қирқиб олинган кварц, слюда, исланд шпати, *CdS* — монокристалл пластиналари қўлланилади. Агар компенсатор пластинасига кираётган чизиқли қутбланган ёруғликнинг электр майдон кучланганлиги вектори кристалнинг оптик ўқига нисбатан 45° бурчак остида тушса, у ҳолда оддий ва файриоддий нурларнинг интенсивликлари бир хил бўлади. Агар пластина қалинлиги

$$\frac{\pi}{2} = 2\pi d(n_0 - n_H)/\lambda$$

шартни қаноатлантируса, у ҳолда компенсатордан чиқсан нур айланана бўйлаб қутбланган ёруғликка айланади. Оддий ва файриоддий нурлар орасидаги нурлар $\left(\frac{\pi}{2}\right)$ га teng фаза фарқи пайдо қиласидиган пластина чорак тўлқин узунлик пластинаси деб юритилади.

Бу ерда, n_0 — оддий нурнинг нур синдириш кўрсаткичи, n_H — файриоддий нурнинг нур синдириш кўрсаткичи. Кутбланиш бурчаклари ψ ва Δ ни тажрибадан аниқлаш учун поляризатор ва намуна орасига уларга нисбатан ўқи 45° бурчак остида чорак тўлқин узунликли пластина жойлаштирилади. У ўлчов давомида ўзгаририлмайди. Бу

ҳолда интенсивликнинг минимумга эришиш ҳолати фотокабулқилгич ёрдамида кетма-кет анализатор ва поляризаторларни бураб топилади. Одатда минимумни 3—4 марта кетма-кет бураш билан топиш мумкин, бу билан поляризаторни ва анализаторнинг азимут бурилиш бурчаклари аниқланади. Ўлчов одатда ўлчашнинг, яъни, анализатор азимут бурчагининг икки соҳасида бажарилади. Биринчи соҳада анализаторнинг азимут бурчаги $0 < A_1 \leq +90^\circ$ оралиқда ўзгаради. Бу соҳада $\Delta < 180^\circ$ да бўлса, ёруғлик минимуми поларизатор азимут бурчагининг $-45^\circ < P < +45^\circ$ оралиғида, $\Delta > 180^\circ$ бўлганда эса поляризатор азимут бурчаги $45^\circ < P < 135^\circ$ оралиғида кузатилади. Анализатор азимут бурчагининг иккинчи ўзгариш соҳасида $90^\circ < A_2 < 180^\circ$ ёруғлик минимуми поларизатор азимутини $45^\circ < P \leq 135^\circ$ ёки $135^\circ < P_2 < 225^\circ$ оралиғида кузатилади. Бунда ψ ва Δ лар

$$\begin{aligned}\Delta &= P_1 + P_2 \\ \psi &= [A_1 + (180 - A_2)]/2\end{aligned}$$

ҳисоблаш формулаларидан аниқланади.

Кейинги йилларда эллипсометрик ўлчашларнинг сезгирилиги жиҳатидан юқори, ўрганиладиган материаллар доирасининг кенгайишига имкон берадиган, автоматлаштириш қулагай бўлган бир қанча усуллари яратилган.

ψ ва Δ ларнинг тажрибада аниқланган қийматлари бўйича олдиндан чизилган номограммадан ёки эллипсометрия асосий тенгламаси орқали ҳисоблаб, яrimётказгич намуналар оптик константаларининг электрофизик параметрлари аниқланади.

НОМУВОЗАНАТ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

4.1-§. Номувозанат заряд ташувчилаар параметрлари

Яримўтказгичлар ташқи таъсир остида, яъни ёруғлик, рентген, γ — квантлар, тезлантирилган нейтрал, зарядланган заррачалар ҳамда p — n ўтиш орқали инженция, электр майдонда зарбдан ионланиш, туннел жараёнлари туфайли номувозанат заряд ташувчиларнинг пайдо бўлиши, генерацияланиши мумкин. Номувозанат заряд ташувчилаар яримўтказгич материаллари ва асбобларининг электрофизик, фотоэлектрик хоссаларини аниқлайди. Номувозанат заряд ташувчиларнинг дрейф ҳаракатчалиги (μ) диффузия коэффициенти (D), диффузион узунлик (L), яшаш вақти (τ), сиртий рекомбинация тезлиги (S) каби параметрлар билан тавсифланади. Бу параметрларни аниқлаш усуллари электрон, кавак узлуксизлик тенгламаларининг баъзи бир соддалаштирувчи фаразлар билан берилган бошлангич, чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечимини топишга асосланган. Яримўтказгич намуналарда номувозанат заряд ташувчилаар хусусияти (табиати, хатти-ҳаракати) қуидаги

1. Электрон, кавак ток зичликлари

$$\gamma_n = e\mu_n nE + e\partial_n gradn \quad (4.1)$$

$$\partial_p = e\mu_p pE - e\partial_p gradp \quad (4.2)$$

2. Узлуксизлик

$$\frac{\partial n}{\partial z} = g_n - \frac{\Delta n}{\tau_n} + \frac{1}{e} div j_n \quad (4.3)$$

$$\frac{\partial p}{\partial z} = g_p - \frac{\Delta p}{\tau_p} - \frac{1}{e} div j_p \quad (4.4)$$

тenglamalari системаси ечими билан тавсифланади:
Бу ерда $n = n_0 + \Delta n$ ва $p = p_0 + \Delta p$ — номувозанат ҳолатдаги заряд ташувчилар (электрон, кавак) тұла концентрацияси n_0 , p_0 — мувозанатдаги заряд ташувчилар электрон, кавак концентрацияси; Δn , Δp — номувозанат заряд ташувчилар электрон, кавакнинг мувозанат ҳолатдагисига нисбатан ортиқча концентрацияси, Δn , Δp — электрон, кавак диффузия коэффициентлари; μ_n , μ_p — электрон, кавак ҳаракатчанниклари; τ_n , τ_p — электрон, кавак яшаш вактлари; g_n , g_p — электрон, кавакни генерациялаш тезликлери.

Фотоинженция (ёруғлик орқали) номувозанат ҳолатдаги заряд ташувчиларни ҳосил қылганда генерация тезлиги

$$g = \alpha \beta I_v e^{-\alpha x} (1 - R_v) / h\nu = g_0 e^{-\alpha x}$$

ифода билан топилади. Бу ерда α — ёруғликнинг яримүтказгичда ютилиш коэффициенти, R_v — ёруғликнинг намунадан қайтиш коэффициенти, $h\nu$ — фотон энергияси, β — заряд ташувчиларнинг квант чиқиши коэффициенти I_{0v} — ёруғлик интенсивлігі. (4.3) ва (4.4) тенгламалардан күринаиди, номувозанат ҳолатдаги заряд ташувчилар концентрацияларининг ўзгариш тезликлари $\frac{\partial n}{\partial t}$, $\frac{\partial p}{\partial t}$ ни заряд ташувчиларнинг рекомбинация, генирация, дрейф-диффузия жараёнлари аниқлады. Заряд ташувчилар концентрацияси факат бир йұналишда, масалан, x — ўқи бүйича ўзгаради ва электр майдон кучланғанлиги \vec{E} x ўқи бүйича йўналған бўлсин деб олинган ҳол учун, (4.3) ва (4.4) тенгламалар (4.1) ва (4.2) ни назарда туттанды, куйидаги кўришини олади:

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = g_p - \frac{\Delta p}{\tau_p} + D_p \frac{\partial^2 \Delta p}{\partial x^2} - \mu_p \cdot p \frac{\partial E}{\partial x} - \mu_p E \frac{\partial \Delta p}{\partial x} \quad (4.5)$$

$$\frac{\partial \Delta n}{\partial t} = g_n - \frac{\Delta n}{\tau_n} + D_n \frac{\partial^2 \Delta n}{\partial x^2} + \mu_n \cdot n \frac{\partial E}{\partial x} + \mu_n E \frac{\partial \Delta p}{\partial x} \quad (4.6)$$

Бу ерда $\left(\frac{\partial E}{\partial x}\right)$ Пуассон тенгламаси

$$\frac{\partial E}{\partial x} = \frac{e}{\epsilon_0 \epsilon} (\Delta p - \Delta n) \quad (4.7)$$

билин ифодаланади. Ҳажмий заряд вужудга келмаганды, яни намунада электр нейтраллик шарти $\Delta n = \Delta p$ бажарылганда $\frac{\partial E}{\partial x} = 0$ бўлади. Бу ҳол яхши ўтказувчанликка эга бўлган яримўтказгичларда кузатилади. Киришмали яримўтказгичнинг бирор жойида қайси усул билан бўлмасин асосий бўлмаган заряд ташувчилар инжекциялансин. Пайдо бўлган ҳажмий заряд бунда икки усул билан: бу соҳадан асосий бўлмаган заряд ташувчиларни чиқариб ташлаш орқали, ёки ҳажмий зарядни бошқа типдаги заряд орқали, яни асосий заряд ташувчилар билан компенсацияланиши мумкин. Асосий заряд ташувчиларнинг катта концентрацияларида электр нейтралликни *тиклаш* учун уларнинг қайта тақсимланиши жуда тез, максвелл релаксация вақти

$$\tau_M = \epsilon_0 \epsilon / \sigma \quad (4.8)$$

ичида содир бўлиши керак. ϵ_0 , ϵ — вакуум, яримўтказгичнинг диэлектрик сингдирувчанликлари, τ — яримўтказгичнинг солиштирма ўтказувчанлиги.

Амалиётда асосий заряд ташувчиларнинг қайта тақсимланиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ноа-сосий заряд ташувчиларнинг диффузия жараёни ўз ҳарачатчанилигига, диффузия коэффициентига эга бўлган нейтрал заррача каби содир бўлади. Электр майдонида асосий бўлмаган заряд ташувчилар зарядланган заррача каби дрейфланади. Лекин асосий заряд ташувчиларнинг тез қайта тақсимланиши туфайли, ҳажмий заряд ҳосил бўлмайди. Демак, заряд ташувчиларнинг кичик концентрацияларида, икки ишорали заряд ташувчиларнинг фазода қайта тақсимланиши орқали, электроннейтралликнинг тикланиши содир бўлади.

$\Delta p = \Delta n$ бўлганда $g_n = g_p$, $\sigma_n = \tau_p$ бўлади. (4.5) ни $\tau_n = e n \tau_p$ га, (4.6) ни $\sigma_p = e p \mu_p$ га кўпайтириб, ўхшаш ҳадларни қўшиб,

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = g_p - \frac{\Delta p}{\tau_p} + D \frac{\partial^2 \Delta p}{\partial x^2} - \mu_E E \frac{\partial \Delta p}{\partial x} \quad (4.9)$$

күринища бұлған узлуксизлик тенгламасини оламиз. Кичик электр майдонларыда заряд ташувчилар дрейф ҳаракатининг диффузиясига нисбатан ҳисобга олинмас-лиги мумкин, шунинг учун (4.9) ни кичик электр майдонда

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = g_p - \frac{\Delta p}{\tau_p} + D \frac{\partial^2 \Delta p}{\partial x^2} \quad (4.10)$$

күринища ифодалаш мумкин. Бу ерда,

$$D = \frac{\sigma_n D_p + \sigma_p D_p}{\sigma_n + \sigma_p} = \frac{n + p}{n/D_p + p/D_n} \quad (4.11)$$

$$\mu_E = \frac{\tau_n \mu_p - \tau_p \mu_n}{\tau_n + \tau_p} = \frac{(n - p)}{(n/\mu_p + P/\mu_n)} \quad (4.12)$$

(4.10) тенглама (4.5) ва (4.6) тенгламаларга тенг кучли бұлиб, электронейтраллик шарти бажарылган шароитда, у заряд ташувчилар табиатини ифодалайды. (4.10) даги D — электрон-кавакнинг диффузиясини аниқлайды ва заряд ташувчиларнинг биқутбий диффузия коэффициенти, (4.12) даги μ_E эса биқутбий дрейф ҳаракатчанлиги деб юритилади.

n -тип киришмали яримұтказгичда $n \gg p$ бұлғани учун (4.11) ва (4.12) лардан

$$D = D_p; \mu_E = \mu_p$$

p -тип киришмали яримұтказгичда $p \gg n$ бұлғани учун

$$D = D_n; \mu_E = -\mu_n$$

ва хусусий яримұтказгичда $p = n$ бұлғани учун

$$D = 2 \frac{D_n D_p}{D_n + D_p}; \mu_E = 0$$

бўлишилигини кўрамиз. Киришмали яримұтказгичларда заряд ташувчиларнинг биқутбий диффузия коэффициен-

ти асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузия коэффициентига тенг бўлишлигини, биқутбий дрейф ҳаракатчаник абсолют қиймати бўйича асосий бўлмаган заряд ташувчилар ҳаракатчанилигига мос келишини кўрдик. Бундан ташқари, электрон кавак концентрациялари n ва p -ларнинг нисбатига қараб $\mu_E = 0$ ишорасини ўзгартиради: $n=p$ ва $\mu_E=0$ бўлишлигини гувоҳи бўламиз. Агар биқутбий диффузия коэффициенти (4.11)ни Эйнштейн муносабати

$$D = \frac{KT}{e} \mu_D \quad (4.13a)$$

орқали ифодаласак, ҳаракатчаникнинг яна бир ифодасини, яъни заряд ташувчиларнинг биқутбий диффузион ҳаракатчанилик ифодасини оламиз.

$$\mu_D = \frac{n + p}{\frac{p}{\mu_n} + \frac{n}{\mu_p}} \quad (4.13b)$$

Киришмали яримўтказгичларда $n \gg p$ ёки $p \gg n$ ўринли бўлганда μ_D қиймати μ_E га тенг бўлиб, унинг ишораси ҳамма вақт мусбат бўлади. Хусусий яримўтказгичларда

$$\mu_D = 2 \frac{\mu_n \mu_p}{\mu_n + \mu_p} \text{ дир.} \quad (4.13b)$$

Узлуксизлик тенгламалари (4.9) нинг баъзи бир содда ҳоллардаги ечимини таҳлил қиласлик.

1. Фараз қиласлик, электр майдон қўйилмаган ($E=0$) ва намунада номувозанатдаги заряд ташувчилар текис $g_n = \alpha \beta I_{0v} (1 - R_v)$ генирациялансин. Намуна эркин сиртларида сиртий рекомбинация содир бўлмасин ($S=0$). Бу ҳолда дрейф, диффузия жараёнлари бўлмайди, шунинг учун (4.9) тенглама

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = g - \frac{\Delta p}{\tau_p} = (1 - R_v) \alpha \cdot \beta I_{0v} - \frac{\Delta p}{\tau_p} \quad (4.14)$$

күринишни олади. Номувозанат заряд ташувчилар концентрациясининг вақт бўйича ўзгаришини фақат генерация ва рекомбинация жараёнлари аниқлайди. Ёпишиш (тутқич) марказлар бўлмагандага генерация тезлиги $g_0 = \alpha \beta I_{0v} (1 - R_v)$ — га мос $\Delta p_{боз}$ — бошланғич концентрация тўғри келсин.

Агар $t=0$ да генерация жараёни тұхтатилса, $t>0$ да $g=0$ бўлганда (4.14) нинг ечими

$$\Delta p = p(t) - p_0 = \Delta p_{боз} \cdot \exp\left(-\frac{t}{\tau_p}\right) = \alpha \beta I_{0v} (1 - R_v) \tau_p e^{-\frac{t}{\tau_p}} \quad (4.15)$$

бўлади. Текис генерация билан вужудга келган асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрациясининг сўниши ёруғлик интенсивлиги I_{0v} (уйғотиш даражаси) кичик Δn , $\Delta_p \ll n_0 + p_0$ ёки жуда катта I_{0v} да, яъни катта даражали инжекция Δn , $\Delta p \gg n_0 + p_0$ бўлганда экспонента қонуни билан содир бўлади. Бундан фойдаланиб, номувозанат заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини аниқлаш мумкин. Бу ердаги τ_p — вақтни яримётказгичга киритилган ноасосий заряд ташувчилар концентрациясини e — марта камайишига кетган вақт деб қарашиб мумкин.

2. Стационар ҳол $\frac{d\Delta p}{dt} = 0$ ни кўрайлик. Электр майдони бўлмагандага яримчексиз намунанинг x — ўқи бўйича номувозанат заряд ташувчилар нотекис генирацияланаб, ҳажм бўйича $t=0$ да $g_p=0$ деб фараз қилинганда, узлуксизлик тенглама

$$\frac{d^2 \Delta p}{dx^2} - \frac{\Delta p}{\partial \tau_p} = 0 \quad (4.16)$$

кўринишда бўлади. Бу тенгламанинг

$$p_{x=0} = \Delta p(0) + p_0; \quad p_{x \rightarrow \infty} = p_0$$

чегара шартларини қаноатлантирувчи ечими

$$\Delta p(x) = p(x) - p_0 = \Delta p(0) \exp\left(-\frac{x}{L}\right) \quad (4.17)$$

бўлади. Бу ечимдан фойдаланиб, яримўтказгич намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузион узунлиги $L = \sqrt{D\tau}$ ни аниқлаш мумкин. L ни асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузияси содир бўлганда улар концентрациясининг e — марта камаядиган масо-фаси деб қараш мумкин. Тақиқланган зонадаги ёпишиш (тутқич) марказларида ушланган зарядлар, заряд ташувчиларнинг диффузион оқимига ҳисса кўшмайди. Шунинг учун диффузион узунлик орқали яшаш вақтини аниқла-ганда, ёпишиш марказлари номувозанат, асосий бўлма-ган заряд ташувчилар яшаш вақтига таъсир кўрсатмайди.

3. Стационар, ностационар масалаларни кўришда, баъзи бир ҳолларда, чегаравий шартлар,

$$j_{px} = eD \frac{\partial \Delta p}{\partial x} \Big|_{x=0}, \quad a = \pm S(p - p_0) \Big|_{x=0}, \quad a \quad (4.18)$$

кўринишда берилиши мумкин. Бу ерда, S — ўлчамлиги тезлик бирлиги билан аниқланадиган катталик, у сиртий рекомбинация тезлиги деб аталади. Мазкур чегаравий шартнинг маъноси шундан иборатки, у S — тезлик билан сиртга оқиб кираётган заряд ташувчилар оқимини англатади. S нинг энг катта қиймати заряд ташувчилар тезлиги 10^7 см/с нинг тўртдан бирига тенг бўлиб, герман-ний ва кремнийлар учун уй шароитида $2 \cdot 10^6$ см/с тарти-бida бўлади. Агар намунада ёпишиш маркази мавжуд бўлса, асосий, ноасосий заряд ташувчиларнинг яшаш вақтлари бир-биридан жуда катта фарқ қиласи $\tau_n \neq \tau_p$. Ёпишиш марказларида ушланган заряд ташувчилар концен-трацияси ошиқча номувозанат заряд ташувчилар концен-трациясидан катта бўлса, асосий заряд ташувчилар яшаш вақти номувозанат асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтидан жуда катта бўлади.

n — тип материалларда $\tau_n \gg \tau_p$, p — типда эса $\tau_p \gg \tau_n$ бўла-ди. Бу ҳолда битта намуна учун заряд ташувчиларнинг яшаш вақти ўлчаш усуllibарига қараб ҳар хил қийматга эга бўлиши мумкин. Текширишлар шуни кўрсатадики, но-

мұндағы заряд ташувчилар концентрациясыни, яғни номуозанат үтказувчанликнинг вақт бүйіча сұнишига асосланған ҳамма τ ни үлчаш усуллари ёпишиш (тутқич) марказларининг қолатига, концентрациясига боғлиқ бұлған заряд ташувчилар вақтини беради.

Диффузион узунликни үлчашта асосланған заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқлашнинг ҳамма усуллари яримұтказгич намуналарида ёпишиш (тутқич) марказларини бор ёки йүк бұлишига, уларнинг қолатига боғлиқ бұлмаган асосий заряд ташувчилар яшаш вақтини берадилар. Яримұтказгич намуналарида заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини, диффузион узунлигини аниқлашнинг жуда күп усуллари мавжуд. У ёки бу усулни құллаш яримұтказгич материаллари ва асбобларининг ишлашини аникладыған заряд ташувчилар яшаш вақтига қараб танланды. Яримұтказгичларда номуозанат заряд ташувчиларни генерациялаш усулларига қараб, ташувчилар яшаш вақтини, диффузион узунлигини үлчашнинг стационар, ностационар усуллари тавсия этилган.

3-туркум усуллар сифатида p - n үтишини құллашта асосланған усулларни күрсатыш мүмкін. Охирги йилларда ёруғлик интенсивлігі катта бұлған импульсли лазерларнинг яратилиши муносабати билан заряд ташувчилар яшаш вақтини катта Δn , $\Delta p \gg n_0 + p_0$ даражали инжекцияда үлчаш имкони туғилды. Нурланишли, нурланишсиз рекомбинациялар заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини, диффузион узунлигини аниқловчи жараёнлардир. Бундан ташқари, τ , L намуналарни олиш шароитига, иссиқлик ишловларига ва температурага боғлиқ параметрлердір.

4.2 §. Номуозанат заряд ташувчилар билан инжекцияланған намунанинг үтказувчанлиғи

Узунлиги a , эни b , қалинлиғи d түғри бурчаклы паралелепипед шаклида бұлған ва $x=0$ ва $x=a$ даги күндаланғ кесимларига Ом контактлари олинған намунанинг номуозанат үтказувчанлигини таҳлил қиласыз (4.1-расм) x — йұналишда намунадан I — ток үтказилғанда үндаги кучланиш ташуви V бўлсин. Намунада қандайдир усул, ма-

салан, фотоинжекция (ёруглик) билан ёки инжекцияловчи контакт орқали ток импульси билан номувозанат заряд ташувчилар электрон, кавакни генерациялайлик, уларнинг тақсимоти ихтиёрий бўлиб, концентрациялари Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$ Ом контактларида эса

$$\Delta n /_{x=0,a} = \Delta p /_{x=0,a} = 0 \quad (4.20)$$

бўлсин. Намунанинг Ом контактларидан икки-уч диффузион узунлик ($2 \div 3$) Z дан катта масофада жойлашган ўрта қисмида заряд ташувчиларнинг инжекцияси содир бўлса, (4.20) шартни амалга ошириш мумкин. Намунадан оқаётган электрон, кавак токлари (4.1), (4.2) нинг x бўйича ташкил этувчилари

$$j_{nx} = e\mu_n(n_0 + \Delta n)(E_{0x} + \Delta E_x) + eD_n \frac{\partial \Delta n}{\partial x} \quad (4.21)$$

$$j_{px} = e\mu_p(p_0 + \Delta p)(E_{0x} + \Delta E_x) - eD_p \frac{\partial \Delta p}{\partial x}$$

билин ифодаланади. Бу ергаги ва кейинги учрайдиган “0” белги уларнинг мувозанат ҳолатдаги қийматини билдиради.

(4.19) шарт ўринли бўлганда, (4.21) даги Δn , ΔE_x , Δp ΔE_x ларни, иккинчи тартибдаги кичик ҳадлар бўлгани учун, инобатга олмаса бўлади. Электрон кавак токлари j_{nx} , j_{px} ни кўшиб, кейин эса бутун намуна ҳажми ($a \cdot b \cdot d$) бўйича интеграллаймиз. Токнинг диффузион ташкил этувчиларининг интегралга кўшган ҳиссаси (4.20) шартига кўра нолга тенг, чунки

$$\int_{abd}^{} \frac{\partial \Delta n}{\partial x} dx dy dz = \int_{abd}^{} \frac{\partial \Delta p}{\partial x} dx dy dz = \int_{bd}^{} (\Delta n(a) - \Delta n(0)) dy dz = 0$$

Ана шундай тенгликни p учун ҳам ёзиш мумкин.

$$V_0 = a \cdot E, \quad \Delta V = \int_0^a \Delta E_x dx, \quad I = \int_{bd}^a (j_{nx} + j_{px}) dy dz$$

муносабатларни назарда тутсак, намунада номувозанат заряд ташувчилар инжекцияланганда, ундан оқаётган токнинг ўзгариши

$$\Delta I = \frac{e}{a^2} (\mu_p \Delta p + \mu_n \Delta N) V_0 + G_0 \Delta V \quad (4.22a)$$

бўлади. Бунда

$$\begin{aligned}\Delta p &= \int_{abd} \Delta n \, dx \, dy \, dz \\ \Delta N &= \int_{abd} \Delta p \, dx \, dy \, dz\end{aligned} \quad (4.22b)$$

ΔN , Δp — мос равища намунадаги номувозанат электрон, кавакларнинг тўла сони,

$$G_0 = \frac{bd}{a} e (\mu_n \cdot n_0 + \mu_p p_0) = \frac{1}{R_0} \quad (4.23)$$

намунанинг мувозанат ҳолатдаги (қоронғудаги) ўтказувчанлиги, мувозанат ҳолатида намунадан оқаётган токни

$$I_0 = V_0 / R_0 = G_0 V_0$$

орқали, намунадан номувозанат ҳолатда (заряд ташувчи-лар инжекцияланганда) оқаётган токни

$$I = \frac{V}{R} = G \cdot V = (G_0 + \Delta G) V \quad (4.24)$$

формула орқали ифодаласак ҳамда кичик инжекцияда Δn , $\Delta p \gg n_0$, p_0 , яъни $G_0 \gg \Delta G$ бўлишигини назарда тутсак, заряд ташувчилар инжекцияланган намунадан оқаётган токнинг ўзариши

$$\Delta I = \Delta G V_0 + G_0 \Delta V \quad (4.25)$$

ифода билан аниқланишини кўрамиз. (4.22) ни (4.25) билан солиштиришдан намунага электрон, кавак инжекцияланганда ўтказувчанликнинг ортиши:

$$\Delta G = \frac{e}{a^2} (\mu_n \Delta N + \mu_p \Delta p) \quad (4.26)$$

ифода билан аниқланади. (4.19) ва (4.20) шартлар бажарилганда (4.26) ифода намунада инжекцияланган заряд ташувчиларнинг ҳар қандай тақсимланишида ўринли бўлади. Юқорида кўрдикки, (4.20) шартнинг бажарилиши диффузион токнинг нолга teng бўлган ҳиссасини таъминлайди. Шунинг учун (4.26) ни

$$\Delta n/x=0=\Delta n/x=a; \quad \Delta p/x=0=\Delta p/x=a \quad (4.27)$$

билин алмаштириш мумкин. Дейлик, (4.21) да электр майдон кучланганлиги шундай катта ва токнинг диффузион ташкил этувчисини ташлаб юбориш мумкин бўлсин, у ҳолда (4.20) ва (4.27) шартлар бажарилиши ёки, бажарилмаслигидан қатъи назар, у (4.25) ифода ўринли бўлади. Ихтиёрий инжекцияланиш даражасида, яъни (4.19) шарт бажариладими, йўқми, (4.26) ифода ўринли бўлиши учун Δn , Δp лар x га боғлиқ бўлмаслиги керак. Бу шартни, масалан, намуна сиртини бир хил интенсивликда ёритиш билан амалга ошириш мумкин. Кучсиз инжекцияда, яъни (4.19) бажарилганда, намуна қаршилиги ΔR нинг ўзгариши

$$\Delta R = R_0 - R = \frac{1}{G_0} - \frac{1}{G_0 + \Delta G} = \frac{\Delta G}{G_0(\Delta G + G_0)} \approx R_0^2 \Delta G \quad (4.28)$$

билин аниқланади, бу ерда R_0 — мувозанатдаги намуна қаршилиги.

4.3 §. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ўлчашнинг ностационар усуллари

a. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ўлчаш усули назарияси

Маълумки, заряд ташувчилар генерацияланишининг қандай содир бўлишига, намуна ўлчамларига, сирт ишловига қараб заряд ташувчилар концентрацияси (фото-ўтказувчанлик)нинг вақт бўйича ўзгаришини, яъни релаксацияларини аниқловчи рекомбинация, дрейф, диффузия жараёнлари ҳар хил кечади. Шунинг учун 4.1-§ да

келтирилган $\Delta n(x, y, z, t)$ ёки $\Delta G(x, y, z, t)$ ларнинг сүнишидан аниқлаш мумкинлиги тұғрисидеги тояни амалиётта татбиқ этиш учун қайд әтилген омиллар ва жараёнларни $\Delta n(x, y, z, t)$ ва $\Delta G(x, y, z, t)$ релаксацияларига таъсирини батафсилроқ таҳлил қылайлик. Олдин намуна тұғри бурчакли ёлғиз (якка) ёки даврий ёруғлик импульси билан ёритилган ҳолни қараб чиқайлик. Фотон энергияси $h\nu \geq E_g$, булган ёруғлик импульси давомийлиги ичиде номувозанат заряд ташувчилар намуна ҳажми бүйича текис генерацияланған ва эркін сиртлари шундай ишловдан ўтказилғанки, сиртій рекомбинация кичик (бощқача айттанда, кузатылmasin) деб фараз қиласыз. Бу ҳолда заряд ташувчиларнинг диффузияси вужудга келмайди.

$\Delta n = \Delta p$ да чизиқлы рекомбинация $\left(\frac{\Delta p}{\tau_p}\right)$ мавжуд бўлганда,

$\bar{E} = 0$ да узлуксизлик tenglamаси (4.14) күринишда бўлади. Кичик интенсивликдаги (Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$) амплитудаси $I_{0\nu}$, давомийлиги T бўлган тұғри бурчакли ёруғлик импульси билан ёритилганда, импульснинг давомийлиги оралиғида $0 \leq t = T$ (4.14) нинг ечими

$$\Delta p = \alpha \beta I_0 \tau_p (1 - e^{-\frac{t}{\tau_p}}) (1 - R_\nu) \quad (4.29)$$


ва импульс тугагандан сўнг $T \leq t$ да

$$\Delta p = \alpha \beta \tau_p I_0 (1 - e^{-\frac{T}{\tau_p}}) e^{-\frac{t-T}{\tau_p}} \cdot (1 - R_\nu) \quad (4.30)$$

бўлади. Агар ёруғлик импульснинг давомийлиги заряд ташувчилар яшаш вақтидан катта ($T > \tau_p$) бўлса, заряд ташувчиларнинг концентрацияси стационар

$$\Delta n_{\text{em}} = \alpha I_{0\nu} \beta \tau_p (1 - R_\nu) \quad (4.31)$$

қийматта эришиб улгуради. Шундай қилиб, кўрилаётган ҳолда заряд ташувчиларнинг концентрацияси (Δn , Δp) ҳамда уларга пропорционал бўлган фотоўтказувчанлик, импульс давомийлиги оралиғида



4.1-расм. Яримұтқазгич намунанинг модели.

$$\Delta G \sim \Delta p \sim (1 - e^{-\frac{t}{\tau_p}}) \quad (4.32)$$

Импульс тугагандан сүнг

$$\Delta G \sim \Delta p \sim e^{-\frac{t-T}{\tau_p}} \quad (4.33)$$

қонуниятлари бүйіча ұзгаради. Энди фотоұтказувчанник-нинг сүнишида диффузия, дрейф рекомбинация жараёнлари қатнашадиган мұраккаброқ ҳолни күрайлык. Намуна $X=0$, $X=2A$, $Y=0$, $Y=2B$ $Z=0$, $Z=2C$ дан үтган текисликлар билан чекланған түғри бурчакли параллелопипед шаклида бўлсин (4.1-расм). Айтайлык, намуна n — типли яримұтқазгич бўлсин, у ҳолда номувозанатий заряд ташувчиларнинг диффузиясини асосий бўлмаган заряд ташувчи, яъни кавак аниқлайди. Заряд ташувчилар текис генерацияланған намунани сиртларида, заряд ташувчиларнинг сиртий рекомбинацияси содир бўлганда, сиртга томон йўналган заряд ташувчилар оқими вужудга кела-ди. Бу билан ҳажм бўйича заряд ташувчиларнинг нотекис тақсимланишига ва натижада уларнинг диффузияси содир бўлади. Фараз қиласылар, намунада ёпишиш марказлари йўқ, ёруғлик импульсининг үйғотиш даражаси (интенсивлиги) кичик Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$ бўлсин. Импульс давомийлиги шундай кичик бўлсинки, унинг тугаш вақтини вақт ҳисобининг бошланишини ($t=0$) деб қабул қилиш

мумкин бўлсин. $t=0$ да ҳажм бўйича бир хил (текис) тарқалган номувозанат электрон, кавакларнинг диффузия, рекомбинация жараёнлари бошланади. Ўтказувчаникни ўлчаш учун зарур бўлган X — йўналишда электр майдони мавжуд бўлган ҳолда узлуксизлик тенглама (4.4) си, яъни,

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = -\frac{\Delta p}{\tau_p} - \mu E \frac{\partial \Delta p}{\partial x} + D \operatorname{divgrad} \Delta p(x, y, z, t) \quad (4.34)$$

билин ифодаланади. Узлуксизлик (4.34) тенгламани бошланғич

$$\Delta p(x, y, z, t)|_{t=0} = \Delta p_{\text{боз}} \quad (4.35)$$

ва сиртий рекомбинацияни ҳисобга олувчи

$$x = 0, \quad x = 2A \quad \text{сиртларида} \quad D \frac{\Delta p}{dx} = \pm S_a \Delta p$$

$$y = 0, \quad y = 2B \quad \text{сиртларида} \quad D \frac{\Delta p}{dy} = \pm S_b \Delta p \quad (4.36)$$

$$z = 0, \quad z = 2C \quad \text{сиртларида} \quad D \frac{\Delta p}{dz} = \pm S_c \Delta p$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими

$$\begin{aligned} \Delta p = \sum_{ijk} \Delta p_{ijk} &= \sum_{ijk} G_{ijk} \cos\left(\frac{\varepsilon_i x}{A}\right) \cos\left(\frac{\xi_j y}{B}\right) \cos\left(\frac{\xi_k z}{C}\right) x \\ &\otimes \exp\left(-\frac{\mu E x}{2D}\right) \exp\left\{-\left[\frac{1}{\tau} + \gamma_{ijk} + \frac{(\mu E)^2}{4D}\right] t\right\} \end{aligned} \quad (4.37)$$

кўринишда бўлади. Бу ерда

$$\gamma_{ijk} = D \left(\frac{\varepsilon_i^2}{A^2} + \frac{\eta_j^2}{B^2} + \frac{\xi_k^2}{C^2} \right) \quad (4.38)$$

Δp_{ijk} — амплитудаси G_{ijk} бўлган гармоника концентрацияси, берилган хусусий функцияси билан аниқланадиган ошиқча заряд ташувчилар концентрациясининг қисми.

G_{ijk} — бошлангич шартдан, яъни заряд ташувчиларнинг $t=0$ даги тақсимотидан топиладиган катталик. (4.37) ечимга хусусий функцияларнинг чизиқли комбинацияси деб қараш мумкин. Ундан кўринадики, Δp_{ijk} — нинг вақтга боғланиши учта экспоненциал ташкил этувчиларни ўз ичига олади.

$\exp\left(-\frac{t}{ap}\right)$ — намуна ҳажмида заряд ташувчилар ре-

комбинацияси туфайли,

$\exp(-\gamma_{ijk}t)$ — сиртий рекомбинация туфайли,

$\exp\left[-\frac{(\mu E)^2}{4D}\right]$ — заряд ташувчилар тақсимотига майдон таъсири туфайли вужудга келган ташкил этувчилардир, заряд ташувчилар яшаш вақтини, сиртий рекомбинация тезлигини ўлчашда вақт доимиyllигининг охирги ташкил этувчиси шундай кичик бўлсинки, ташки электр майдони фотоўтказувчанликнинг пасайишига таъсир кўрсатмасин. Бунга эришиш учун,

$$\frac{(\mu E)^2}{4D} < \frac{1}{\tau} + \gamma_{ijk} \quad (4.39)$$

шарт бажарилиши керак. Одатда бу шарт электр майдон кучланганлигининг бир неча В/см дан катта бўлмаган қийматларида бажарилади. Агар (4.34) тенгламада электр майдон кучланганлигини кичик деб, уни инобатга олмасак ва унга (4.36) чегаравий шартларни қўлласак, $\varepsilon_i, \eta_j, \xi_k$ — катталикларни сиртий рекомбинация тезликлари S диффузия коэффициенти D ни намуна ўлчамлари билан боғлайдиган,

$$\frac{S_a A}{D} = \varepsilon_i \operatorname{tg} \varepsilon; \quad \frac{S_b B}{D} = \eta_j \operatorname{tg} \eta; \quad \frac{S_c C}{D} = \xi_k \operatorname{tg} \xi_k \quad (4.40)$$

муносабатларни беради. Булар трансдент тенгламалар бўлиб, биринчи ечимлари 0 билан $\frac{\pi}{2}$ оралиғида, иккинчи ечимлари $\pi \div 1,5\pi$ оралиғида ётади. Шу билан бирга,

$S=0$ даги ечимлари $\xi=\eta_1=\xi_1=0$ $S\rightarrow\infty$ да эса $\varepsilon_1=\eta_1-\xi_1=\frac{\pi}{2}$ бўлади. Шунинг учун Δp_{ijk} нинг асосий гармоникаси $\varepsilon, \eta_j, \xi_k$ — ларнинг энг кичик хусусий қийматларига мос келиб, эффектив вақт доимийси,

$$\tau_{\text{зф}} = \left(\frac{1}{\tau} + \gamma_{\parallel} \right)^{-1} \quad (4.41)$$

билин аниқланади. Бу ерда

$$\gamma_{\parallel} = D \left[\frac{\xi^2}{A^2} + \frac{\eta_1^2}{B^2} + \frac{\xi_1^2}{C^2} \right] \quad (4.42)$$

γ_{\parallel} — сирт рекомбинацияси тезлигига, намуна геометрик ўлчамларига боғлиқ. γ_{ijk} ни қабул қилиши мумкин бўлган қийматининг кичигидир. Термодинамик мувозанатни тиклаш жараёнлари билан боғлиқ асосий гармониканинг камайиши (пасайиши) қолган гармоникалардан устунлик қиласди, чунки у энг катта вақт доимийсига эга. $\nu_{ijk} + \frac{1}{\tau}$ — катталиктини $\left(\frac{1}{\tau} + \gamma_{\parallel} \right)$ га яқин қийматни қабул қилгунча кетган вақт оралиғи гармоникалар амплитудалари G_{ijk} нинг ўзаро нисбатига боғлиқ. Энг содда ҳолда δ (дельта функция) — кўринишдаги ёруғлик импульси билан ёритилган, бошланғич ҳолатда текис тақсимланган заряд ташувчилар камайишининг бошланишида $S\rightarrow\infty, 2B=2C\ll 2A$ бўлганда, асосий гармоника номувозанатий ошиқча заряд ташувчилар $2/3$ қисмининг релаксациясини ифодалайди, бу нисбий вақт ўтиши билан ортиб боради ва тез чегаравий қийматга яқинлашади.

Демак, бу ҳолда фотоўтказувчанлик релаксациясининг асосий қисми нисбатан катта бўлмаган бошланғич қисмидан ташқарида

$$\Delta\sigma(t) = \Delta\sigma_0 \exp \left[- \left(\frac{1}{\tau} + \gamma_{\parallel} \right) t \right] \quad (4.43)$$

орқали ифодаланади. Намунанинг геометрик ўлчамлари қанча катта бўлса, эркин сиртларда сирт рекомбинация тезлиги қанча паст бўлса, вақт доимийси (4.41) га сирт рекомбинациясининг таъсири шунча кичик бўлади. γ_{\parallel} — содда формулалар билан ифодаланадиган баъзи бир хусусий ҳолларни курайлик.

Агар $x=0$ ва $x=2A$ қирралари (ёқлари)да сирт рекомбинацияси тезликлари чексиз катта $S \rightarrow \infty$ (одатда бу омик контактларда амалга ошади) ва бошқа сиртларида $S=0$ деб қабул қиласак, у

$$\gamma_{\parallel} = \gamma_{100} = \frac{\pi^2}{4A^2} \quad (4.44)$$

кўринишда ифодаланади. (4.44) формулани шубҳасиз заряд ташувчилар ҳажмий яшаш вақтини аниқлашга қўллаш мумкин. Эффектив яшаш вақти $\tau_{\text{зф}}$ тажрибадан ўлчаш билан аниқланган бўлса, ҳажмий яшаш вақти

$$\frac{1}{\tau} = \frac{1}{\tau_{\text{зф}}} - \frac{\pi^2 D}{4A^2} \quad (4.45)$$

билин аниқланади.

Қачонки ҳамма сиртларда сирт рекомбинацияси тезлиги жуда катта бўлиб, $\tau_{\text{зф}}$ маълум бўлса,

$$\frac{1}{\tau} = \frac{1}{\tau_{\text{зф}}} - \frac{\pi^2 D}{4} \left(\frac{1}{A^2} + \frac{1}{B^2} + \frac{1}{C^2} \right) \quad (4.46)$$

бундай имконият яна түғилади.

Агар ёруғлик импульси билан рекомбинация жараёнига омик контактлари таъсир этмайдиган масофада бўлган бир қисми ёритилган бўлса, унда

$$\frac{1}{\tau} = \frac{1}{\tau_{\text{зф}}} - \frac{\pi^2 D}{4} \left(\frac{1}{B^2} + \frac{1}{C^2} \right) \quad (4.47)$$

бўлади. Намуна эркин сиртларида сирт рекомбинацияси тезликлари бир хил чекли кичик қийматларни қабул қиласган ҳолда

$$\frac{SB}{D} = \eta^2, C \cdot S/D = \xi^2 \quad (4.48)$$

$$\text{ва } \frac{1}{\tau_{зф}} = \frac{1}{\tau} + 2S \left(\frac{1}{2B} + \frac{1}{2C} \right) \quad (4.49)$$


бўлишлигини кўрамиз. Энди бу келтирилган (4.43), (4.49) ифодаларни қўллаб S , τ , D параметрларни тажрибадан аниқлаш устида тўхтalamиз. Сирт рекомбинацияси тезлигини (4.49) асосида ўлчаш учун фотоўтказувчаникнинг камайиш жараёнида сиртий рекомбинация асосий аниқловчи жараён, яъни (4.49) да

$$2S \left(\frac{1}{2B} + \frac{1}{2C} \right) \gg \frac{1}{\tau} \quad (4.50)$$

бўлиши керак. Агар намуна ўлчамларидан бири жуда кичик бўлса, $C \ll B$, яъни юпқа пластинка шаклидаги намуна қўлланилса, бунга эришиш мумкин. (4.50) шартни, катта сиртий рекомбинация тезлиги бўлганда қаноатлантириш осон, лекин (4.50) муносабат бажарилмайди, бу ҳолда (4.42) умумий формулани (4.40) билан қўллаш керак.

(4.41) дан кўринадики, $\frac{1}{\tau_{зф}}$ квадрат қавсдаги кўпайтмага чизиқли боғланган. $\frac{1}{\tau_{зф}}$ функцияning графиги сиртий рекомбинацияни ўзгармас қийматида тўғри чизиқ бўлиб, у вертикал ўқни $\left(\frac{1}{\tau}\right)$ да кесадиган унинг оғиш бурчаги тангенси, диффузия коэффициентига тенг бўлади.

$$\operatorname{tg} \varphi = D = \frac{\Delta \left(\frac{1}{\tau_{зф}} \right)}{\Delta \left[\frac{n^2}{B^2} + \frac{\varepsilon^2}{C^2} \right]} \quad (4.51)$$



4.2-расм. Заряд ташувчилар эффективтішінде яшауш вақтінде тескари қиймати

$$\frac{1}{\tau_{\text{эфф}}} = \text{нинг} \left(\frac{S}{DB} + \frac{S}{DC} \right) \quad \text{га бояланиши:}$$

S — сирт рекомбинация тезлигі;
 D — заряд ташувчилар диффузия коэффициенти; B, C — намуна ўлчамлари.


Бу катталиклар куйидаги топилади: намуна ўрта қисми ёритилған ҳолда, (4.41) га күра, $\tau_{\text{эфф}}^{-1}$ ни (4.48) күллаш билан

$$\frac{1}{\tau_{\text{эфф}}} = \frac{1}{\tau} + D \left(\frac{\varepsilon_1^2}{B^2} + \frac{\xi_1^2}{C^2} \right) = \frac{1}{\tau} + D \left(\frac{S}{DB} + \frac{S}{DC} \right) \quad (4.52)$$

күринищда ифодалаймиз. Бунда S/D нинг шундай қиймати танланадыки, сиртларига бир хил ишлов берилған ҳар хил геометрик ўлчамлардаги намуналарда $\frac{1}{\tau}$ ни ўлчанған қийматларининг нұқталари бир түгри чизиқда ётсін (4.2-расм). Сүнг түгри чизиқнинг оғишидан диффузия коэффициенти топилади. D ни ва S/D ни билған ҳолда $\left(\frac{1}{\tau}\right)$ топилади. Шунга ўхшаш график усул билан (4.49) боғланиш асосида τ ва S ни, (4.46) боғланиш асосида эса τ , D ни топиш мүмкін. Юопқа намуналар учун ўринли бўлған (4.49) формула учун $C \ll \frac{D}{S}$ шартнинг бажарилиши кремний намуналари учун сирттій рекомбинация тезлигини 10^3 см/с тартибдаги, германий намуналари учун 10^4 см/с тартибдаги қийматлари билан чеклайди.

б. *Фотоўтказувчанлық релаксация вақтіни ўлчаш қурилмаси ва заряд ташувчилар яшауш вақтіни аниклашдаги хатоликлар*

Фотоўтказувчанлық релаксация вақтіни ўлчаш қурилмаларидан бирининг чизмаси 4.3-расмда көлтирилған.



4.3-расм. Стационар фотоўтказувчанликни ўлчаш қурилмасиňнг схемаси. ТМ — ўзгармас ток манбай, М — модулятор, ОС — оптик система, Φ — фильтр, $\Phi\text{К}$ — фотоқабулкылгич (фотодиод).

Ўзгармас кучланиш (ток) манбай (ТМ) га қаршилиги R бўлган намуна билан унга кетма-кет бўлган юклама қаршилик R_H уланган. Ёруғлик импульси билан намуна ёритилганда, унинг ўтказувчанлиги, G нинг ўзгариши ΔG туфайли, қаршилиқда кучланиш тушувининг ўзгариши (ўзгарувчан кучланиш) ΔV_H вужудга келади. Намуна ёритилмагандан унинг қаршилигини, занжирдан оқаётган I_0 токни, R_H даги кучланишни


$$R = R_0; \quad I_0 = \frac{V_H}{R_0 + R_H}; \quad V_{H0} = I_0 R_H = \frac{V_H R_H}{R_H + R_0}$$

намуна ёритилганда,

$$R = R_0 - \Delta R; \quad I_{ep} = \frac{V_H}{R_0 + R_H - \Delta R}; \quad V_{He} = \frac{V_H R_H}{R_H + R_0 - \Delta R}$$

бўлишини назарда тутсак, R_H — юклама қаршилиқда кучланиш тушувининг ўзгариши

$$\Delta V_H = V_{Ho} - V_{He} = (I_{ep} - I_0) R_H = \frac{V_H \Delta R \cdot R_H}{(R_0 - \Delta R + R_H)(R_0 + R_H)} \quad (4.53)$$



4.2-расм. Заряд ташувчилар эффективтескенде яшаш вақти тескари қиймати

$$\frac{1}{\tau_{\text{эфф}}} = \left(\frac{S}{DB} + \frac{S}{DC} \right) \quad \text{га бөгланиши:}$$

S — сирт рекомбинация тезлиги;
 D — заряд ташувчилар диффузия коэффициенти; B , C — намуна үлчамлари.


Бу катталиклар куйидагича топилади: намуна ўрта қисми ёритилган ҳолда, (4.41) га күра, $\tau_{\text{эфф}}^{-1}$ ни (4.48) күллаш билан

$$\frac{1}{\tau_{\text{эфф}}} = \frac{1}{\tau} + D \left(\frac{\epsilon_1^2}{B^2} + \frac{\xi_1^2}{C^2} \right) = \frac{1}{\tau} + D \left(\frac{S}{DB} + \frac{S}{DC} \right) \quad (4.52)$$

куринища ифодалаймиз. Бунда S/D нинг шундай қиймати танланадыки, сиртларига бир хил ишлов берилган ҳар хил геометрик үлчамлардаги намуналарда $\frac{1}{\tau}$ ни үлчанган қийматларининг нүкталари бир түғри чизикда ётсин (4.2-расм). Сүнг түғри чизиқнинг оғишидан диффузия коэффициенти топилади. D ни ва S/D ни билган ҳолда $\left(\frac{1}{\tau}\right)$ топилади. Шунга ўхшашиб график усул билан (4.49) боғланиш асосида τ ва S ни, (4.46) боғланиш асосида эса τ , D ни топиш мумкин. Юпқа намуналар учун ўринли бўлган (4.49) формула учун $C \ll \frac{D}{S}$ шартнинг бажарилиши кремний намуналари учун сиртий рекомбинация тезлигини 10^3 см/с тартибдаги, германий намуналари учун 10^4 см/с тартибдаги қийматлари билан чеклайди.

б. Фотоўтказувчанлик релаксация вақтини ўлчашиб қурилмаси ва заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқлашдаги хатоликлар

Фотоўтказувчанлик релаксация вақтини ўлчашиб қурилмаларидан бирининг чизмаси 4.3-расмда келтирилган.



4.3-расм. Стационар фотоутказувчанлыкни ўлчаш қурилмасыннинг схемаси. ТМ — ўзгармас ток манбаи, М — модулятор, ОС — оптик система, Ф — фильтр, ФК — фотоқабулқылгыч (фотодиод).

Ўзгармас кучланиш (ток) манбаи (ТМ) га қаршилиги R бұлған намуна билан унга кетма-кет бұлған юклама қаршилик R_H уланған. Ёруғлик импульси билан намуна ёритилғанда, унинг ўтказувчанлиғи, G нинг ўзгариши ΔG туфайли, қаршиликта кучланиш тушувининг ўзгариши (ўзгарувчан кучланиш) ΔV_H вужудға келади. Намуна ёритилмаганды унинг қаршилигини, занжирдан оқаётган I_0 токни, R_H даги кучланишни

$$R = R_0; \quad I_0 = \frac{V_H}{R_0 + R_H}; \quad V_{H0} = I_0 R_H = \frac{V_H R_H}{R_H + R_0}$$

намуна ёритилғанда,

$$R = R_0 - \Delta R; \quad I_{ep} = \frac{V_H}{R_0 + R_H - \Delta R}; \quad V_{He} = \frac{V_H R_H}{R_H + R_0 - \Delta R}$$

бұлишини назарда тұтсак, R_H — юклама қаршиликта кучланиш тушувининг ўзгариши

$$\Delta V_H = V_{Ho} - V_{He} = (I_{ep} - I_0) R_H = \frac{V_H \Delta R \cdot R_H}{(R_0 - \Delta R + R_H)(R_0 + R_H)} \quad (4.53)$$

ифода билан аниқланади. Бу ерда, V_H — ток манбаи (ТМ) клеммалари (қисқичлари)даги кучланиш. Номувозанатий заряд ташувчилар кичик интенсивликдаги ёруғлик билан генерацияланса, Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$ намуна қаршилигининг ўзгариши $\Delta R \ll R_0$ бўлади ва (4.53) маҳражидаги ΔR эътиборга олинмайди. Бу ҳолда (4.53) ни (4.28) га асосан

$$\Delta V_H = \frac{V_H R_H \Delta R}{(R_0 + R_H)^2} = \frac{V_H R_H R_0^2}{(R_H + R_0)^2} \Delta G \quad (4.54)$$

билин ифодаланишини кўрамиз. Бу ифодадан кўринади-ки, заряд ташувчиларнинг паст уйғотиш даражасида юк-лама қаршилик R_H нинг исталган қийматида ΔV_H билан намуна фотоўтказувчанлиги ΔG орасида пропорционаллик сақланади. Ихтиёрий уйғотиш даражасида, ΔV_H билан ΔG — орасидаги пропорционаллик $R_H \gg R_0$ бўлгандагина сақланади. Бу ҳолда (4.54) дан

$$\Delta V_H = \frac{V_H R_0^2}{R_H} \Delta G \quad (4.55)$$

бўлади. (4.54) ва (4.55) ифодалар ўринли бўлган ҳолда, ΔG ва унга пропорционал бўлган R_H даги кучланиш импульси ΔV_H ни вақт бўйича сўниши рекомбинация қонунияти бўйича бўлиб, мувозанатдаги қийматига интилади. R_H қаршилиқда ёруғлик импульсидан вужудга келган кучланиш импульсини кенг поласали кучайтиргичга, сўнг ундан осциллографга берилади ва фотоўтказувчанлик релаксацияси осциллограмма шаклида қайд қилинади. Осциллограммани турғун ушлаб туриш учун у ташқи сигнал билан синхронланади. Бунинг учун намунага тушаётган ёруғлик яримшаффоф кўзгу билан икки қисмга ажратилади. Уларнинг бири кичик инерцияли, тезкор фото қабул қилгич (фотоэлектрон кучайтиргич, фотодиод, вакуумли фотоэлемент) орқали электр импульсига айлантирилади ва осциллографнинг синхронлаш блокининг киришига берилади (43-расм).

Осцилограммадан кучланиш импульси ΔV_H нинг камайиш чизигини таҳлил қилиб, унинг экспоненциал со-

ҳасининг вақт доимийси аниқланади ва у орқали заряд ташувчилар яшаш вақти ҳисобланади. Кучланиш импульсинг бошланғич тез камайиш соҳаси, юқори гармоникалар тушишини аниқлаши туфайли, эътиборга олинмайди. Одатда бу усул билан τ ни ўлчашда кутарилиш, тушиш вақтлари кичик бўлган тўғри бурчакли ёруғлик импульслари ишлатилади. Бундай ёруғлик импульслари ни олишда Поккельс ва Керр ячейкали модуляторлар, инжекцион лазерлар, $p-n$ — гамо ўтишли ёруғлик диодлари ва бошқалар ишлатилади. Керр, Поккельс ячейкали модуляторлар электро-оптик эффектларга асосланган. Электрооптик эффектни вақт доимийси $\sim 10^{-8}$ с тартибида, шу эффектга асосланган модуляторлар қўллаш билан импульс фронти $10^{-7} \div 10^{-8}$ сек. бўлган тўғри бурчакли ёруғлик импульслари олиш мумкин. Ёруғлик диодларида $p-n$ ўтиши учун тўғри кучланиш берилганда инжекцияланган номувозанатий заряд ташувчилар рекомбинацияси туфайли, нурланиш содир бўлади. Ёруғлик диодлари ни, инжекцион лазерларни ўзгарувчан ток импульси билан уйғотиб, улар параметрига мос келадиган ёруғлик импульси олиш мумкин. Нурланиш импульсларини олди ва орқа фронтлари заряд ташувчилар яшаш вақтига боғлиқ бўлиб, у $10^{-7} : 10^{-9}$ сек тартибида бўлади. Импульсли ёруғлик манбалари сифатида (инерт газлар ксенон, крептон ёки улар аралашмаси тўлдирилган) газли разряд лампалар ҳам ишлатилади. Кучланиш импульси лампанинг ёндирувчи ва ток ўтадиган электродларига берилганда лампадан оқаётган ток тўхтагандан сўнг ҳам бир неча микро секунд разряд давом этади. Бу лампаларда ёруғлик импульсининг минимал сўниш вақти 1 мкс тартибида бўлиб, у τ_{sp} нинг қуи чегарасини чеклайди. Номувозанатий заряд ташувчилар яшаш вақтини фотоўтказувчаникнинг сўнишига асосланган усули билан аниқлашда катта хатоликка йўл қўймаслик учун бир жинсли бўлмага намунани ёритишдан (масалан, намуна ток контактлари соҳасини ёритишдан) пайдо бўладиган фотоэлектр юритувчи кучни йўқотиш керак. Бунинг учун намуна биржинсликка текширилади ва намуна Ом kontaktларига ёруғликни тушишидан сақлаш керак. Юқорида қайд қилинганидек, Ом kontaktларидаги рекомбинация жараёнлари фотоўтказувчаникнинг сўнишига таъсир кўрсатмаслиги

учун Ом контактларидан ёритилаётган қисмгача бўлган масофа заряд ташувчилар диффузион узунлигидан бир неча марта катта $l \geq (2 \div 3L)$ бўлиши зарур. Яримўтказгич намуналарида ёпишиш марказлари мавжуд бўлса, уларнинг таъсири туфайли фотоўтказувчаникнинг сўниш қисмида узоқ вақтли ташкил этувчиси бўлади. Буни йўқотиш учун намунани кучсиз ёруғлик билан доимий ёритиб туриш тавсия этилади, чунки бу ҳолда ёпишиш марказлари заряд ташувчилар билан тўлатилган бўлади. Фотоўтказувчаник релаксациясидан заряд ташувчилар ҳажмий яшаш вақтини аниқлашда сирт рекомбинация жараёни туфайли содир бўлган хатолик, асосан, намуна сиртларининг ишловига ва намуна геометрик ўлчамларига боғлиқ. Буни баҳолаш учун ўлчамлари a , $b \gg d$ бўлган намуналарда заряд ташувчилар диффузия коэффициентига, сиртий рекомбинация S тезлигига, намуна қалинлигига боғлиқ бўлган сиртий яшаш вақти (4.41) ва (4.42)

ларга кўра $\left(C = \frac{d}{2} \right)$ га алмаштириб

$$\tau_s = \frac{d^2}{4\xi^2 D} \quad (4.56)$$

ифодадан топилади. ξ — катталик

$$\xi_1 \operatorname{tg} \xi_1 = \frac{dS}{D} \quad (4.57)$$

трансдент тенглама ечими. τ_s нинг заряд ташувчиларнинг ҳажмдаги яшаш вақтига таъсирини кремний мисолида кўрайлик. Бунинг учун кремний намуналарининг сартлари икки хил, яъни: а) механик-кимёвий ишловдан ва б) едириш (кислота ёки ишқорлар билан сиртини ювиш) ишловидан ўтган сиртлардир.

Бу сирт ишловларига мос равища рекомбинация тезликларининг 10^4 см/с, 10^3 см/с қийматлари тўғри келади. (4.56) ва (4.57) асосида ҳисобланган τ_s нинг ҳар хил қалинликдаги қийматлари 4.1-жадвалда келтирилган.

4.1-жадвал

Кремний намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг сиртдаги яшаш вақтлари.

Намуна қалинлиги, мм	$\tau_s = \frac{d^2}{4\xi_1^2 D}$			
	<i>p</i> -тип $D_p = 39 \text{ см}^2/\text{с}$	<i>n</i> -тип $D_n = 15,5 \text{ см}^2/\text{с}$	$S = 10^4 \text{ см}/\text{с}$	$S = 10^3 \text{ см}/\text{с}$
<i>d</i>	$S = 10^4 \text{ см}/\text{с}$	$S = 10^3 \text{ см}/\text{с}$	$S = 10^4 \text{ см}/\text{с}$	$S = 10^3 \text{ см}/\text{с}$
0,4	6	24	12	29
1	31	72	70	110
5	670	880	1700	1960
10	2700	3100	6800	7100
15	5900	6500	10000	11000
20	10500	11000	27000	27000

τ_s нинг қийматлари таҳдилидан кўринадики, τ ни ΔG нинг сўниши бўйича аниқлашда заряд ташувчилар ҳажмий яшаш вақтини 10% дан катта бўлмаган хатолик билан ўлчаш учун, $\frac{1}{\tau_{\text{зф}}} = \frac{1}{\tau} + \frac{1}{\tau_s}$ га кўра, шундай қалинликдаги намунани танлаш керакки, унда τ_s нинг қиймати τ га нисбатан камида (бир тартибда) ўн марта катта бўлиши керак. Масалан, диаметри $\phi = 76 \text{ мм}$, қалинлиги $0,4 \text{ мм}$ бўлган кремний намунасида τ ни 10% дан катта бўлмаган хатолик билан ўлчаш учун τ нинг қиймати $1 \div 2 \text{ мкс}$ дан кичик бўлиши керак. Электрон саноати ривожланиши билан кейинги йилларда заряд ташувчилар параметрларини контактсиз аниқлаш усулларига талаб ортди. Шу боисдан бир қанча усуллар яратилди. Бу усуллар асосида намунага инжекцияланган заряд ташувчилар концентрациясининг сўниши билан боғлиқ ҳодисалар ётади. Масалан, ёруглик импульси билан генерацияланган эркин заряд ташувчиларда ёруглик ютилиш коэффициентининг сўнишига асосланган усулни кўрсатиш мумкин.

v. Бир жинсли намуналарда заряд ташувчилар яшаш вақтини ўлчашнинг частотавий фаза усуллари

Бу усуллар билан τ ни аниқлашнинг асосида номувознат заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқ маълум бир чекли қийматга эга булиши билан боғлиқ концентрации, фотоўтказувчанликнинг сўниш ва кўтарилиш жараёнлари инерционлиги ётади.

Намунада заряд ташувчилар интенсивлиги синусоиди бўйича (гармоник) модуляцияланган

$$I_\nu = I_{0\nu} (1 + \sin \omega t)$$

ёки комплекс функция кўриниш

$$I_\nu = I_{0\nu} + I_{0\nu} e^{i\omega t}$$

билин ифодаланувчи ёруғлик билан қўзғатилганда намуналинг фотоўтказувчанилиги ва фототоки бироз кечикиш билан худди ёруғлик интенсивлигини ўзгариши каби содир бўлади. Яъни ёруғлик оқими билан фототок орасида фаза фарқи пайдо бўлади. Бу фаза силжиши заряд ташувчиларнинг ҳажмий яшаш вақтига ёруғлик модуляциясининг частотасига, сиртий рекомбинация тезлигига боғлиқ. Шундай қилиб, бу икки сигнал орасидаги фаза фарқини (силжишини) ўлчаш билан τ ни аниқлаш имкони туғилади.

Ёруғликнинг модуляция частотаси ошиши билан фототокни частотага боғлиқлиги намоён бўла бошлайди. Фаза силжиши каби фототок амплитудаси τ , ω ларга боғлиқ. Фототок амплитудасининг ёруғлик модуляцияси частотасига боғланишидан τ ни топиш мумкин. Бу усуллар билан τ ни аниқлаш назариясини қараб чиқамиз. Масалан, соддалаштириш учун заряд ташувчилар намунада текис генерациялансан, электр майдон кучланганлиги кичик, намуна сиртларида сиртий рекомбинация бўлмасин деб фараз қилинганда, (4.9) узлуксизлик тенгламанинг дрейф, диффузия билан боғлиқ ҳадлари инобатга олинмайди. Бу ҳолда заряд ташувчилар генерация тезлиги $g_{0\nu} = \alpha \beta I_{\nu 0} (1 - R_\nu)$ (4.58) ёки (4.59) га кўра

$$g = \alpha \beta I_{\nu 0} (1 + \sin \omega t) (1 - R_\nu) = g_{0\nu} + g_{0\nu} \sin \omega t \quad (4.60)$$

$$g = \alpha \beta I_{\nu 0} (1 + e^{i\omega t}) (1 - R_\nu) = g_{0\nu} + g_{0\nu} e^{i\omega t} \quad (4.61)$$

ифода билан аниқланади. Шундай қилиб, (4.9) узлуксизлик тенгламаси (4.60) га кўра

$$\frac{d\Delta n}{dt} = g_0 + g_0 \sin \omega t - \frac{\Delta n}{\tau_n} \quad (4.62)$$

бўлади. Генерация (ҳади) тезлиги икки ҳаддан иборат бўлгани учун (4.62) даги номувозанатий ортиқча заряд ташувчилар концентрациясини

$$\Delta n = \Delta n_{ct} + \Delta n(\omega t) \quad (4.63)$$

кўринишида ифодалаймиз. Бу ерда Δn_{ct} — генерациянинг доимий ташкил этувчиси (g_0) га мос келувчи концентрацияси, $\Delta n(\omega t)$ — генерация ҳадини ўзгарувчан ташкил этувчисига мос келган концентрация, яъни гармоник ташкил этувчиси Δn нинг ўзгарувчан ташкил этувчиси. $\Delta n(\omega t)$ нинг узлуксизлик тенгламаси (4.62) дан (4.63) га кўра

$$\frac{d\Delta n(\omega t)}{dt} = g_0 \sin \omega t - \frac{\Delta n(\omega t)}{\tau_n} \quad (4.64)$$

бўлади. Унинг хусусий ечими

$$\Delta n(\omega t) = g_0 + \frac{\tau}{1 + \omega^2 \tau^2} [\sin \omega t - \omega \tau \cos \omega t] \quad (4.65)$$

билилар ифодаланади,

$$\sin(\omega t - \theta) = \cos \theta [\sin \omega t + \tan \theta \cos \omega t]$$

бўлишлигини назарда тутсак, уни (4.65) билан солиштиришдан

$$\begin{aligned} \tan \theta &= \omega \tau \\ \theta &= \arctan \omega \tau \end{aligned}$$

билилар аниқланишини кўрамиз ҳамда, яъни

$$\cos \theta = \frac{1}{\sqrt{1 + (\omega \tau)^2}}$$

бўлишлигини эътиборга олсак, (4.65)

$$\Delta n(\omega t) = g_0 \frac{\tau}{\sqrt{1 + \omega^2 \tau^2}} \sin(\omega t - \arctg \omega \tau) \quad (4.66)$$

кўринишни олади. Бу ифоданинг таҳлилидан кўринадики, номувозанат заряд ташувчилар ортиқча концентрациясининг ўзгарувчан (гармоник) ташкил этувчисининг ифодаси (4.66) ўзгарувчан генерация тезлиги $g_0(\omega t)$ каби бўлиб, лекин улар бир-биридан амплитудалари билан ва бир-бирига нисбатан силжиган фазаси билан фарқланади. Намунада сиртий рекомбинация мавжуд бўлганда фотоутказувчанлик билан уйготувчи ёруғлик оқими орасида фаза фарқи кўп яримётказгич параметрларига боғлиқ мурраккаб функция бўлиб, S нинг ортиши θ нинг камайишига олиб келади.

Заряд ташувчилар яшаш вақтини ёруғлик интенсивлигининг модуляциялаш частотасига боғлиқлиги орқали аниқлаш усулини кўрамиз.

4.3.1. бўлимда фототок ΔI , фотоутказувчанлик (ΔG) га ΔG эса ўз навбатида ΔI га пропорционаллигини кўрган эдик. Интенсивлиги гармоник модуляцияланган ёруғлик билан ёритилган намунада пайдо бўлган фототокнинг ўзгарувчан ташкил этувчисининг амплитудаси $\Delta I_0(\omega t)$ (4.66) га кўра


$$\Delta I_0(\omega t) \sim g_0 \frac{\tau}{\sqrt{1 + \omega^2 \tau^2}}$$

бўлади. Модуляция частотаси камайиб бориши билан фототок амплитудаси ортиб боради ва $\omega t \ll 1$ шарт бажарилганда максимумга эришади. Шундай қилиб, модуляция частотаси етарли катта бўлгандаги фототокни, $\omega \rightarrow 0$ даги фототокга нисбати

$$\frac{\Delta I(\omega t)}{\Delta I(0)} = \frac{\Delta n(\omega t)}{\Delta n(0)} = \frac{1}{\sqrt{1 + \omega^2 \tau^2}} \quad (4.67)$$

билан аниқланишини кўрамиз. $\omega \tau = 1$ да

$$\frac{\Delta I(\omega t)}{\Delta I(0)} = \frac{1}{\sqrt{2}} \approx 0,71 \quad (4.68)$$



4.4-расм. Заряд ташувчилар яшаш вақтини фаза силжишининг компенсация қилиш усули билан ўлчаш қурилмасининг схемаси. ФЭ — вакуумли (тезкор) фотоэлемент: ТМ1, ТМ2 — ўзгармас ток манбалари: К — катод такрорлагич.

Демак, номувозанат заряд ташувчилар яшаш вақтини $\Delta I(\omega t)$ боғланишидан аниқлаш учун ёруғликнинг модуляция частотасини ошира бориб, унинг фототок амплитудалари нисбати 0,71 га тенг бўлган қиймати топилади ва у орқали яшаш вақти $\tau = \frac{1}{\omega} = \frac{1}{2\pi\nu}$ ифодадан ҳисобланади. Интенсивлиги синусоиди бўйича модуляцияланган ёруғлик билан τ ни ўлчаш қурилмасининг чизмаси 4.4-расмда келтирилган. Бунда яримшаффофф кўзгу ёруғлик оқимини икки қисмга ажратади. Биринчи қисми намунага тушади ва натижада ток манбаи TMI га ва намунага кетма-кет уланган юклама қаршилик R_H да кучланиш импульси ΔV_H ни пайдо қиласди. Кичик даражали инжекцияда, заряд ташувчилар текис генерацияланганда ва сирт рекомбинацияси тезлиги жуда кичик, эътиборга олмайдиган бўлганда Δn ва унга пропорционал бўлган ΔN ҳам (4.64) узлуксизлик тенгламасидан топилади.

Ёнишиш марказлари йўқ бўлганда $\Delta N = \Delta P$ электрон-нейтраллик шарти ўринли бўлганда ΔN билан ΔG , ΔG билан ΔV_H орасидаги боғланишлар чизиқли бўлганда (ΔV_H)

$$\frac{d\Delta V_H}{dt} = B(1 + \sin \omega t) - \frac{\Delta V_H}{\tau} \quad (4.69)$$

тенгламадан топилади. B — константа (доимий катталик). Ёруғлик оқимининг иккинчи қисми токнинг түйиниши режимида ишлайдиган вакуумли фотоэлементга тушади ва ток манбанинг ТМ2 фотоэлемент, ўзгарувчан сифим C ва R_1 қаршилиқдан иборат занжиридан $I=I_0(1+\sin\omega t)$ ток оқа бошлайди. R_1 қаршилиқдаги кучланиш

$$\frac{d\Delta V_1(\omega t)}{dt} = B_1(1 + \sin \omega t) - \frac{\Delta V_1(\omega t)}{R_1 \cdot C}$$

тенглама билан аниқланади. Бу ерда B_1 — доимий катталик. ΔV_H ва ΔV_1 кучланишлар бир хил кучайтиргичлар орқали осциллограф найчасининг x ва y — пластиналарида берилади.

БошланғиЧ шартларнинг бир хиллигини ҳисобга олган ҳолда (4.69) ва (4.70) тенгламалардан кўринадики, $R_1 C=\tau$ бўлганда, $\Delta V_1(\omega t)$ ва $\Delta V_H(\omega t)$ ларнинг t билан боғланиши бир хил бўлади ва экранда оғма тўғри чизиқ кузатилади. $\tau \neq R_1 C$ да $\Delta V_H(\omega t)$ ва $\Delta V_1(\omega t)$ орасида фаза силжиши пайдо бўлади ва экранда эллипс кузатилади. У синусоида бўйича модуляцияланган ёруғлик билан ишлайдиган чизма τ ни 10^{-10} с гача ўлчаш имконини беради. Бундай модуляцияланган ёруғликни доира шаклидаги тешклари бўлган дискин айлантириб ёки электрооптик модуляторлар ёрдамида олиш мумкин.

г. Эпитаксиал қатламларда τ ни аниқлашнинг фазавий усуслари

Бу усульнинг асосида эпитаксиал қатламда олинган Шоттки (контакти) диодининг интенсивлиги гармоник модуляцияланган ёруғлик билан ёритганда пайдо бўлган фототок билан ёруғлик оқими орасидаги силжиш фазасини ўлчашётади. τ ни nn^+ — эпитаксиал структураларда ўлчашни кўрайлик (46-расм).

Шоттки контакти (диоди) эпитаксиал структуранинг солиштирма қаршилиги тагликка нисбатан катта бўлган қатлам (n) га, таглик (n^+) томонига эса Ом контакти олинган. Структура таглик томонидан ютилиш коэффициенти кичик бўлган, интенсивлиги бўйича модуляцияланган монохроматик ёруғлик билан ёритилади. Бу ҳолда заряд

ташувчиларнинг текис генерацияланиши содир бўлади. Ёруғлик билан генерацияланган ноасосий заряд ташувчилар (кавак) Шоттки контакти томон диффузияланади ва фототокни вужудга келтиради. Агар заряд ташувчилар диффузион узунлиги катта бўлса, ҳажмий заряд соҳаси кенглигини инобатга олмаса ҳам бўлади. У ҳолда Шоттки контакти учун қисқа туташгув режимида чегаравий шартни

$$\Delta p_1(0)=0 \quad (4.71)$$

кўринишда ёзиш мумкин. Шоттки контактидан ташқарида эпитаксиал қатлам сиртий рекомбинацияси жуда катта деб фараз қилинса, (4.71) чегаравий шарт структуранинг бутун сирти бўйича ўринли бўлади ва масала бир ўлчамли бўлади. Эпитаксиал қатлам сиртида сиртий рекомбинация тезлиги чекли қиймат қабул қилса, нобиржинсли чегаравий шарт ҳисобга олиниши керак ва уч ўлчамли масалани ечиш керак бўлади. Таглик билан эпитаксиал қатлам чегарасида чегаравий шартлар

$$\Delta p_2(d)=\Delta p_1(d)e^{-\varphi k/kT} \quad (4.72)$$

$$D_1 \frac{d\Delta p_1}{dx} \Big|_{x=d} = D_2 \frac{d\Delta p_2}{dx} \Big|_{x=d} \quad (4.73)$$

билин ифодаланади. (4.72) шарт эпитаксиал қатлам билан таглик чегарасида потенциал тўсиқ мавжудлигини, (4.73) эса диффузион оқимлар узлуксизлигини англалади.

Юқорида кўрганимиздек, ёруғлик интенсивлиги синусоида бўйича (гармоник) модуляцияланган, шунинг учун генерация тезлиги (4.61) гармоник ҳадининг $g(\omega t) = g_0 \exp(i\omega t)$ кўринишдаги ифодасидан фойдаланамиз. Номувозанат асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрацияси (4.63) гармоник ташкил этувчисини

$$\Delta p(x, \omega t) = \Delta p(x) e^{i\omega t} \quad (4.74)$$

кўринишда қидирсак, унинг амплитудаси $\Delta p(x)$ таглик ҳамда эпитаксиал қатлам учун бир хил бўлган узлуксизлик тенгламаси

$$i\omega \Delta p(x) = D_p \frac{d^2 \Delta p(x)}{dx^2} - \frac{\Delta p(x)}{\tau_p} + g_0 \quad (4.75)$$

билин ифодаланади. Бу тенгламани таглик ва эпитаксиал қатлам учун (4.70)÷(4.72) чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $\Delta p_1(x)$ ва $\Delta p_2(x)$ ечимлари топилади. Ҳисобларнинг кўрсатишича, улар асосида топилган қисқа туташув фототоки амплитудасининг ифодаси

$$\gamma_{KT} = -eD_1 \left. \frac{d\Delta p}{dx} \right|_{x=0} = -eg_0 L_1 \frac{sh\left(\frac{d}{z_1}\right) + \left(\xi sh \frac{d}{L_1} + \frac{L^2}{L_2}\right) - 1}{\xi ch \frac{d}{L_1} + sh \frac{d}{L_1}} \quad (4.76)$$

кўринишда бўлади. Бу ерда,

$$L_1 = \left(\frac{D_1 \tau_1}{1 + i\omega \tau_1} \right)^{\frac{1}{2}}; \quad L_2 = \left(\frac{D_2 \tau_2}{1 + i\omega \tau_2} \right)^{\frac{1}{2}}; \quad \xi = \frac{L_2 D_1}{L_1 D_2} e^{\frac{e\varphi_K}{KT}} \quad (4.77)$$

Тагликдаги ва эпитаксиал қатламдаги асосий заряд ташувчиликлар концентрациялари нисбати $\frac{n_2}{n_1} > 10^3$ бўлганда $\exp\left(\frac{e\varphi_K}{KT}\right) > 10^3$, $\xi \gg 1$ бўлади ва ток ифодаси соддалашади.

$$j_{KT} = -eg_0 \left[L_1 \operatorname{tg} \frac{d}{L_1} + L_2 \operatorname{sch} \frac{d}{L_1} \right] \quad (4.78)$$

Бу ифоданинг биринчи ҳади эпитаксиал қатламда генерацияланган заряд ташувчиликларнинг иккинчи ҳади тагликтан эпитаксиал қатламга инжекцияланган заряд ташувчиликлардан йиғувчи контактта етиб келган қисмининг фототокга қўшган ҳиссасини кўрсатади. Шунинг учун

иккинчи ҳадини эътиборга олмаслик мумкин ва фототок амплитудасини

$$j_{KT} = -eg_0 \left(\frac{D_i \tau_i}{1 + i\omega \tau_i} \right)^{\frac{1}{2}} th \left[\frac{d}{\left(\frac{D_i \tau_i}{1 + i\omega \tau_i} \right)^{\frac{1}{2}}} \right] \quad (4.79)$$


ифодадан ҳисоблаш мумкин. Паст частоталар $\omega \tau \ll 1$ да фототок фазасининг силжиши

$$tg\theta = -\frac{\omega \tau_i}{2} \left[1 - \frac{2d}{(D_i \tau_i)^{\frac{1}{2}}} csh \frac{2d}{(D_i \tau_i)^{\frac{1}{2}}} \right] \quad (4.80)$$


билин аниқланади. Агар $\frac{(D_i \tau_i)^{\frac{1}{2}}}{d} = 2$ бўлганда (4.80) ни иккинчи ҳади бирга нисбатан анча кичик. Буни эътиборга олмагандан

$$tg\theta = -\frac{\omega \tau_i}{2}$$

билин аниқланишини кўрамиз 4.5-расмда солиштирма қаршилиги 28 Ом. см, қалинлиги 50,2 мкм, заряд ташувчиларнинг диффузион узунлиги 18,5 мкм бўлган кремний эпитаксиал қатлами учун ҳисобланган $tg\theta$ ва фототок амплитудасини ёруғлик интенсивлигини модуляция частотасига боғланиш графиги келтирилган. Келтирилган назарий боғланиш тажриба натижалари билан мос тушган. Бу юқорида келтирилган назарий ҳисоблашларда қабул қилинган фаразлар ўринли эканлигидан да-



4.5-расм. Фаза силжиши $tg\theta$ нинг ва фототок амплитудасининг модуляция частотасига боғланиши.



4.6-расм. Шоттки диодининг фототоки бўйича фазавий усул билан заряд ташувчилар яшаш вақтини ўлчаш қурилмасининг схемаси.

ФП — юқори частотали фотоқабулқилгич (тезкор фотодиод):

П — Поккельс модулятори; **Н** — намуна; **У** — кучайтиргич:

Л — лазер; **ФВ** — фаза сезгир вольтметр; **З** — ясси кўзгу.

лолат беради. Эпитаксиал структураларда τ ни аниқлаш қурилмасининг чизмаси 4.6-расмда келтирилган. Қурилмада электрооптик Поккельс ячейкаси (**П**) билан модуляцияланган лазер нури намунанинг таглик томонига туширилади. Ёруғлик оқими навбатма-навбат (галма-гал) кўзгу орқали намуна 0 га, юқори частотали фотоқабулқилгич (**ФП**) га тушади. Фотоқабулқилгич **ФП** — стандарт фазали таянч сигнални ҳосил қиласди. Намуна ва фотоқабулқилгич томонидан пайдо бўлган сигналлар фазага сезгир вольтметрга берилади. У билан намуна ва фотоқабулқилгичдаги сигналлар амплитудалари нисбати ва улар орасидаги фаза силжиши ўлчанади. Шуни таъкидлаш керакки, лазер нури интенсивлигининг ўзгариши резонанс контурининг сифати модуляция частотасидаги ўлчаш натижаларига таъсир кўрсатмайди. Бу усулнинг ютуғига τ ни осон ҳисоблашликни ва ўлчаш натижасини сирт ишловига кучсиз боғланишини кўрсатиш мумкин, ўлчаш мумкин бўлган — τ нинг қуйи чегараси структура сигими ва унга кўтма-кет бўлган қаршилиги билан аниқланадиган максимал модуляция частотасига боғлиқ.

д. Фотолюминесценция орқали τ ни ўлчаш

Фотолюминесценция орқали τ нинг фазавий ўлчаш усули яримўтказгич намуналарида интенсивлиги модуля-

цияланган ёруғлик билан номувозанат заряд ташувчилар уйғотилганда уларнинг нурланишли рекомбинациясидан содир бўлган фотолюминесценция оқими билан уйғотувчи модуляцияланган ёруғлик орасидаги фаза силжишини ўлчашга асосланган. Яримутказгични $x=0$ текислиги интенсивлиги вақт бўйича, $I=I_1+I_0 \exp(i\omega t)$ қонун билан ўзгарувчан энергияси $\hbar\omega > E_g$ бўлган, яъни интенсивликнинг гармоник ташкил этувчиси бўлган монохроматик ёруғлик билан ёритилсан. Бу ёруғлик оқимининг ютилишидан юзага келган заряд ташувчилар генерация тезлиги

$$g(x,t) = \frac{1-R}{h\nu} \left[I_1 + I_0 e^{i\omega t} \right] \alpha \beta e^{-\alpha x} \quad (4.82)$$

билин ифодаланади. Агар ёруғликдан генерацияланган заряд ташувчилар тақсимоти диффузия, дрейф, рекомбинация жараёнлари туфайли пайдо бўлган бўлса, у ҳолда, узлуксизлик тенгламаси (4.10) каби бўлиб, оддин кўрганимиздек, у икки қисмга ажралади. Юқорида кўрсатилганидек, x ва модуляция частотаси ω га боғлиқ ортиқча номувозанат заряд ташувчилар концентрациясининг гармоник ташкил этувчининг узлуксизлик тенгламаси

$$i\omega \Delta n(x) = D_n \frac{d^2 \Delta n(x)}{dx^2} - \frac{\Delta n(x)}{\tau_n} + g_0 e^{-\alpha x} \quad (4.83)$$

кўринишда бўлади. (4.83) тенгламанинг (4.75) дан фарқи шундаки, унда заряд ташувчиларнинг нотекис генерацияланиши ҳисобга олинган. Қалин намуналар $d \gg L_n$ да ёритилмаган томонида номувозанат заряд ташувчилар концентрациясини эътиборга олмаслик мумкин. Шунинг учун (4.83) тенгламанинг ёритилган сиртида

$$D_n \frac{d\Delta n(x)}{dx} \Big|_{x=0} = S \Delta n(x) \Big|_{x=0}$$

ёритилмаган сиртида

$$D_n \frac{d\Delta n(x)}{dx} \Big|_{x=d} = 0$$

бүлгандын чегаравий шарттарни қаноатлантирувчи ечими

$$\Delta n(x) = \frac{g_0 \tau_n}{\alpha^2 L_n^2 - 1 - i\omega \tau} \left\{ -\exp(-\alpha x) + \frac{S + \alpha D_n}{S + \frac{D_n}{L_n} (1 + i\omega \tau_n)^{1/2}} \right\} \times \\ \times \exp \left[-\frac{x}{L_n} (1 + i\omega \tau_n)^{1/2} \right] \quad (4.84)$$

күринищда бүләди. Агар намунадан нурланаётган фотонларни қайта ютилиш коэффициенти (α_0 — люминесценция коэффициенти) кичик бүлса, яни $\alpha_0 L_n \ll 1$ бүлса, у ҳолда нурланаётган фотонлар оқими


$$I_{OL} = \eta \int_0^\infty \frac{\Delta n(x)}{\tau_r} dx \quad (4.85)$$

билан аниқланади. Бу ерда η — фотолюминесценциянинг ташкии квант чизигининг ички квант чиқишига нисбати, τ_r — нурланишнинг яшаш вақти. Паст даражали уйғотищда $\tau_r = \text{const}$ бүләди. Уйғотувчи ёруғликнинг кучли ютилиш соҳасида, яни $\alpha L_n \gg (1 + i\omega \tau_n)^{1/2}$ бүлганда сиртний рекомбинация тезлиги кичик $\frac{SL_n}{D_n} \ll 1$ бүлганда, ҳисоблашларнинг күрсатишича, люминесценция оқимининг ифодаси

$$I_{OL} = \eta \frac{g_0 \tau_n}{\alpha \tau_r} \cdot \frac{\alpha L_n}{1 + i\omega \tau_n} = \eta \frac{g_0 \tau_n L_n}{\tau_r} \cdot \frac{1}{(1 + \omega^2 \tau_n^2)} \quad (4.86)$$

күринищда бүләди. Унинг фаза силжиши тангенси эса $\operatorname{tg} \theta = -\omega \tau_n$, яшаш вақти $\tau_n = -\frac{\operatorname{tg} \theta}{\omega}$ бүләди. Сиртний рекомбинация катта $\frac{SL_n}{D_n} \gg 1$ бүлганда

$$I_{OL} = \eta \frac{g_0 \tau_n}{\tau_r} \frac{L_n}{(1 + i\omega \tau_n)}; \quad \operatorname{tg} \theta = -\frac{\omega \tau_n}{2}; \quad \tau_n = -\frac{2}{\omega} \operatorname{tg} \theta \quad (4.87)$$



4.7-расм. Фотолюминесценция бүйича фазавий усул билан заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқлаш қурилмаси. ОИ — ёруглик интенсивлиги ўзгартиргичи; Z_1 — ясси күзгү; ФЭУ — фотоэлектрон құпайтиргич; Z_2 — яримшаффоф ясси күзгү.

бұлади. Бурчакларнинг кичик қийматыда $\operatorname{tg} \theta \approx \theta$ сирттій рекомбинациясининг иккита чегаравий қийматыда, яни $S=0$ ва $S \rightarrow \infty$ бұлған ҳоллардаги заряд ташувчилар яшаш вақтлари бир-биридан икки мартадан ортиқ фарқ қилмайдилар.

Заряд ташувчилар яшаш вақтини ўлчаш қурилмасынинг чизмаси 4.7-расмда көлтирилган. Намуна θ асиллигі бүйича модуляцияланған лазер нури билан үйготилади. Намунаға тушаёттан ёруглик интенсивлиги сусайтиргич ОИ орқали бошқарилади. Намунанинг нурланиши оптик фильтр (сузгич)лар түплами Φ га йўналтирилади. Улар орқали фотолюминесценция нурланиши ўтказилади ва фотоэлектрон кучайтиргич ФЭУ га фокусланади. Фотоэлектрон кучайтиргичдан кучланиш фазасезгир вольтметр ФВ ни 1-киришига берилади. ФВ нинг иккinci киришига фотоқабулқылгич ФПдан таянч кучланиши сигналы берилади. Яримшаффофф күзгү Z_2 , орқали ёруглик оқимининг бир қисми ФП га йўналтирилади. Күзгү Z_1 ёруглик йўналишини ўзгартиришга ишлатилған. Фаза сезгир вольтметр бу кучанишлар орасидаги фаза фарқыни ўлчайди. Үйготувчи лазер нурланиши билан фотодиоддаги таянч кучланиш орасидаги фаза фарқи намунадан

сочилган лазер нурини, рекомбинацион нурланиши билан бир хил оптик йўл ўтишидан ўлчанади. Бу ўлчаш на-тижаларига кўра, қўзғатувчи ёруелик оқими билан фотолюминесценция оқими орасидаги фаза силжиши ҳисобланади. Фаза силжишининг аниқлиги 5% тартибида бўлишлиги келтирилган. Юқорида ёритилган бу усулни арсенид галий эпитаксиал қатламларга ҳам қўллаш мумкин.

4.4 §. Ток импульси инжекциясига асосланган номувозанат заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқлаш усуллари

a. τ ни нуқтавий контактда ўтказувчаникнинг модуляцияси бўйича ўлчаш усуллари

Яримўтказгич материалларини, асбобларини ишлаб чиқариш жараёнида монокристалл қўйма (слиток) ўзак (стержень) намуналарида заряд ташувчилар яшаш вақти τ ни ўлчашга тўғри келади. Бундай намуналарда τ ни ўлчаш учун унинг кўндаланг кесимининг сиртига инжекцияловчи металл контакт (зонд) жойлаштирилади. У номувозанат асосий бўлмаган заряд ташувчилар учун эммитер вазифасини бажаради. Намунага бундан ташқари, юзаси катта, қаршилиги кичик омик контакт олинади. Нуқтавий контакт орқали юборилган иккиланган импульсли генератордан ток режимида тўғри йўналишда амплитудаси I_0 , давомийлиги t_u бўлган тўғри бурчакли ток импульси намунада номувозанат заряд ташувчиларни инжекциялади ва контакт атрофидаги қаршиликни камайтиради.

Инжекцияловчи ток импульси тутагандан бирор вақт ўтгач (кечикиш вақти t_3 бўлган), амплитудаси, давомийлиги биринчи импульсники билан бир хил бўлган иккинчи тўғри бурчакли импульс узатилади. Агар икки импульс орасидаги вақт t_3 , яъни иккинчи импульснинг кечикиш вақти t_3 заряд ташувчилар яшаш вақти τ дан кичик ёки унинг тартибида $t_3 \leq \tau$ бўлса, иккинчи импульснинг контактга келиш пайтида номувозанат заряд ташувчилар рекомбинацияланиб улгурмайди ва намуна kontakt соҳаси қаршилиги биринчи импульс келгунча бўлган қийматидан кичик бўлади. Шунинг учун иккинчи импульс бош-

ланган пайтда вужудга келган кучланиш импульсининг амплитудаси $I_2(t_3)$ биринчи кучланиш импульс амплитудаси $I_1(\infty)$ дан кичик бўлади.

Кучланиш импульслари амплитудаларининг айирмаси

$$\Delta U(t_3) = U_1(\infty) - U_2(t_3) = f(t_3, t) \quad (4.88)$$

Иккинчи импульснинг кечикиш вақти t_3 га ва заряд ташувчилар яшаш вақти τ га боғлиқ. Нуқтавий контактдан инжекцияланган заряд ташувчилар намуна сиртига томон, ичига томон диффузияланади ва рекомбинацияланади ҳамда ток импульси давомийлиги t_n ичига электр майдон таъсирида дрейфланади. Натижада, улар қандайдир r_1 масофагача тарқалади. У соҳанинг катталиги ток импульсининг давомийлигига ва ток кучига боғлиқ. $\Delta U(t_3) = f(t_3, \tau)$ нинг назарий боғланишини ҳисоблаш учун металл зонд (контакт)нинг яримўтказгич намунаси билан контактланишнинг сирти радиуси r_0 бўлган яримшардан иборат деб фараз қиласиз.

Биринчи ток импульси бошланиш пайтида контакт атрофида номувозанат заряд ташувчилар бўлмайди. Ўтказувчанликнинг мувозанат заряд ташувчилар концентрацияси аниқлайди. Шунинг учун биринчи кучланиш импульсининг амплитудаси

$$U_1(\infty) = \int_{r_0}^{\infty} \frac{I_0 \rho_0}{2\pi r^2} dr = \int_{r_0}^{\infty} \frac{I_0}{2\pi r^2 \sigma_0} dr = \frac{I_0}{2\pi r_0 \sigma_0} \quad (4.89)$$

билин ифодаланади. Бу ерда: σ_0 — мувозанатий солиштирма ўтказувчанлик. Инжекция бошланиши билан контакт қаршилиги камая боради. Инжекцияловчи ток импульсининг амплитудаси I_0 ва мос равишда электр майдон кучланганлиги шундай каттаки, импульс давомийлиги t_n ичига заряд ташувчиларнинг бикутбий диффузияси эътиборга олинмайди. У ҳолда кичик даражали инжекция Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$ да t_n вақт ичига заряд ташувчилар радиуслари r_0 дан r_1 гача бўлган (шар) сферик қатламни тўлдирадилар. (4.88) да келтирилган $U_1(\infty)$ инжекцияловчи биринчи ток импульсининг олди фронтига мос келган кучланиш импульсининг (максимал) қийматини, $U_2(t_3)$ — ток импульсининг контактга келиш пайтидаги кучланиш

тушувини англатади. Шундай қилиб, бир хил параметрли иккиланган импульслардан вужудга келган $U_1(\infty)$ ва $U_2(t_3)$ кучланишларнинг фарқини, иккинчи импульс бошлиниш пайтида биринчи ток импульсидан ҳосил бўлган номувозанат заряд ташувчилар билан намуна ўтказувчанигини модуляцияланган ҳолатда бўлишилиги билан тушунирилади. Номувозанат заряд ташувчилар тақсимоти сферик симметрия бўйича бўлганда (4.88)

$$\Delta U(t_3) = \frac{I_0}{2\pi} \int_{r_0}^{\infty} \left[\frac{1}{\sigma_0} - \frac{1}{\sigma} \right] \frac{dr}{r^2} \quad (4.90)$$

билин ифодаланади. Бу ерда, $\sigma = \sigma_0 + \Delta\sigma$ номувозанат солиштирма ўтказувчанлик. Кичик даражали инжекцияда Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$ да $\Delta\sigma \ll \sigma_0$ бўлади. Бу ҳолда (4.90)

$$\Delta U(t_3) = \frac{I_0}{2\pi\sigma_0} \int_{r_0}^{\infty} \frac{(b+1)\Delta p(r, t)}{n_0 + b \cdot p_0} \frac{dr}{r^2} \quad (4.91)$$

куринишга келади. Маълумки сиртий рекомбинация номувозанат заряд ташувчиларнинг сиртига йўналган диффузия оқимини вужудга келтиради ва нуқтавий контактдан инжекцияланган заряд ташувчиларнинг сферик симметрия бўйича тақсимотининг бузилишига олиб келади.

Заряд ташувчиларнинг намуна ичига йўналган дрейф оқими сиртга йўналган диффузион оқимидан катта, яъни сиртий рекомбинация тезлиги кичик, намунада электр майдон кучланганлиги катта бўлганда уларнинг фазовий сферик симметрия бўйича тақсимоти сақланади. Бу шарт намуна сирти учун

$$\mu_p \bar{E} \gg S \text{ ёки } \frac{I_0 \mu_p}{2\pi r_0^2 \sigma_0} \gg S \quad (4.92)$$

куринишда бўлади. (4.91) даги $\Delta p(r, t)$ нинг назарий ифодаси заряд ташувчиларнинг биринчи ток импульси давомийлиги t_1 ичидаги ва иккинчи импульс кечикиш вақти t_3 ичидаги тақсимотларини аниqlаш орқали ҳисобланади. Биринчи ток импульси давомийлиги ичida инжекция-

ланган заряд ташувчиларнинг вақт бўйича ўзгаришини (4.92) шарт бажарилганда дрейф, рекомбинация жараёнлари аниқлайди. Шунинг учун сферик симметрия бўйича тақсимланган номувозанат заряд ташувчиларнинг t_u вақт ичида ўзгариши

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = -\mu_p E \frac{\partial \Delta p}{\partial x} - \frac{\Delta p}{\tau_p} \quad (4.93)$$

узлуксизлик тенгламадан аниқланади. (4.93) тенгламанинг бошланғич

$$\Delta p(r, t)|_{t=0} = 0 \quad (4.94)$$

чегаравий

$$\Delta p(r, t)|_{r=r_0} = \Delta p(r_0) \quad (4.95)$$

шартларни қаноатлантирувчи ечими

$$\Delta p(r, t_u) = \Delta p(r_0) \exp \left[-\frac{2\pi\sigma(r_1^3 - r_0^3)}{3\mu_p I_0 \tau_p} \right] \quad (4.96)$$

булади. Ток импульсидан инжекцияланган заряд ташувчиларнинг намунага кириб бориш масофаси r_1 билан импульс давомийлиги t_u орасидаги боғланиш

$$\frac{dr}{dt} = \mu_p E = \frac{\mu_p I_0}{2\pi r^2 \sigma} \quad (4.97)$$

тенгламадан топилади. Бу тенгламани интеграллаб,

$$t_u = \frac{2\pi(r_1^3 - r_0^3)}{3\mu_p I_0 \sigma} \quad (4.98)$$

ёки

$$r_1 = \left[\frac{3\mu_p I_0 \sigma}{2\pi} t_u + r_0^3 \right]^{\frac{1}{3}} \quad (4.99)$$

бўлишлигини кўрамиз. Шундай қилиб, r_1 — номувозанат ошиқча заряд ташувчилар тўпланиш соҳасининг чегарасини англатади. Демак, (4.96) ифода r ни

$$r_0 < r < \left[\frac{3I_0\sigma\mu_p}{2\pi} t_u + r_0^3 \right]^{\frac{1}{3}} \quad (4.100)$$

соҳасидаги заряд ташувчиларнинг тақсимотини аниқлар экан.

Биринчи ток импульсининг тугашидан иккинчи ток импульси бошлангунча бўлган вақт оралиғида, яъни ке-чикиш вақти t_3 ичida номувозанат заряд ташувчиларнинг вақт бўйича ўзгаришини, уларнинг диффузия, рекомбинация жараёнлари аниқлайди. Шунинг учун t_3 ичida асосий бўлмаган заряд ташувчилар тақсимот функцияси

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = -\frac{\Delta p}{\tau_p} + D_p \operatorname{divgrad} \Delta p \quad (4.101)$$

узлуксизлик тенгламаси орқали топилади. Намуна сирт рекомбинацияси тезлиги кичик, зонд kontakt соҳасида $S \rightarrow \infty$ бўлади, деб фараз қилсак, (4.101) даги Δp фақат бир координата r билан вақт функцияси бўлади. Заряд ташувчиларнинг сферик симметрия бўйича тақсимоти сақланади. Шунинг учун

$$\Delta p(r, t) = \Delta p_0(r, t) e^{-\frac{t}{\tau_p}} \quad (4.102)$$

кўринишда қидирамиз. (4.101) тенгламанинг

$$\Delta p(r, t) /_{r=r_0} = 0 \quad (4.103)$$

чегаравий шартни ва (4.96) билан аниқланган

$$\Delta p(r, t) /_{t=0} = \Delta p(r_0, t_u) \quad (4.104)$$

бошлангич шартни қаноатлантурвчи ечими топилади, сўнг (4.91) интеграл ҳисобланади. Назарий ҳисоблашлар таҳлили шуни кўрсатадики,

$$r_0 \ll \sqrt{Dt_3} \quad (4.105)$$

ҳамда инжекцияланган заряд ташувчилар кириб борган масофа r_1 кичик

$$\left[\frac{3\mu_p I_0 \sigma}{2\pi} t_u + r_0^3 \right]^{\frac{1}{3}} \ll 2\sqrt{Dt_3} \quad (4.106)$$

бўлганда (4.91) интеграл

$$\Delta I(t_3) = const \left(\frac{t_3}{\tau_p} \right)^{-\frac{3}{2}} \exp \left(-\frac{t_3}{\tau_p} \right) \quad (4.107)$$


билин ифодаланади. Акс ҳолда ошиқча номувозанат заряд ташувчиларнинг намунаға кириб бориш масофаси жуда катта бўлса, $\Delta I(t_3)$ боғланиш экспонента қонуни

$$\Delta I(t_3) = const \cdot e^{-\frac{t_3}{\tau_p}} \quad (4.108)$$

бўйича бўлади. Амалиётда

$$\frac{2\pi\sigma_0}{3\mu_p I_0 \tau_p} (4Dt_3)^{\frac{3}{2}} \ll \frac{\sqrt{\pi}}{2} \quad (4.109)$$

тengsизлик бажарилганда $\Delta I(t_3)$ нинг ўзгариши (4.109) каби қонуният бўйича содир бўлади. Одатда, бу шартни катта ток кучида ва кечикиш вақти τ_p дан $3\tau_p$ гача бўлган оралиқда бўлган ҳолда амалга ошириш мумкин. Нуқтавий контактда ўтказувчанликнинг модуляция усули билан τ ни ўлчаш курилмасининг чизмаси 4.8-расмда келтирилган. Иккиланган импульсли генератор Γ дан инжекцияловчи нуқтавий контактга R_1 қаршилик орқали параметрлари бир хил бўлган иккита ток импульси юборилади. Қаршилиги катта бўлган R_1 қаршилик билан генераторнинг кучланиш импульсини контактдан оқаётган ток импульсига айлантиради. Нуқтавий контактда ҳосил бўлган кучланиш импульси диодли V_D чеклагич орқали




4.8-расм. Нуқтавий контакт ўтказувчанигини модуляция қилиш усули билан заряд ташувчилик яшаши вақтини ўлчаш курилмасининг схемаси. Г — түғри бурчакли импульс генератори O_c — осциллограф.

кучайтиргич U билан кучайтирилади ва осциллограф O киришига берилади. Иккиланган импульсли генераторнинг синхронловчи импульси осциллограф синхронловчи каналига берилади.

Бу импульс биринчи кучланиш импульсининг келиш пайтида осциллограф ёйилмаси (разверткаси) ни ишга солади ва осциллограммани турғун ушлаб туради. Иккінчи ток импульсининг кечикиш вақтини $\tau_p < t_3 < 3\tau_p$ оралықда ўзгатириб (4.9-расм), унинг ҳар бир қийматига мос келган контактдаги кучланиш амплитударининг қиймати осциллограммадан қайд қилиниб, $\Delta U(t_3) = U_1(\infty) - U_2(t_3) = f(t_3)$ ҳисобланади ва $\ln[U_1(\infty) - U_2(t_3)] = f_1(t_3)$ түғри чизикли боғланишнинг оғиш бурчаги тангенсидан

$$\tau_p = \operatorname{tg} \theta = \frac{\Delta t_3}{\Delta \ln [U_1(\infty) - U_2(t_3)]}$$

заряд ташувчилик яшаши вақти топилади. Номувозанат заряд ташувчиларнинг нуқтавий контактда яхши инжекцияланиши учун $\frac{\Delta U_1}{U_1} \approx 0,1$ тартибда бўлиши керак. U_1 — биринчи кучланиш амплитудаси, ΔU_1 импульснинг модуляцияланган қисми. Буни амалга оширишда p — типдаги



4.9-расм. Намунада ток (a) ва кучланиш импульси (б).

кремний намуналарида фосфорли бронза зонди, n — типдаги намуналарида эса алюминий зонди құлланилади.

Яхши инжекцияловчи нүктавий контактни олиш учун одатда контактта ишлов берилади. Бунинг учун контактта кучланиши 300—400 В бўлган ўзгармас ток манбаи қисқа муддатта уланади, бошқача айтганда, сигими катта зарядланган конденсатор контакт орқали разрядланади (зарядсизланади). Одатда, монокристалл қуйма намуналарда τ ни ўлчашда уни ён томонига юзаси 1 см^2 дан кам бўлмаган палладий, никель пардаларини ўтказиш ёки индий-галлий, алюминий-галлий пасталарини суркаш билан Ом контакти олинади.


Шайба шаклдаги намуналарда τ ни ўлчашда 4-жадвалда келтирилган заряд ташувчиларнинг сиртий яшаш вақтини эътиборга олиш керак. Қалин шайбаларда бу усул билан ўлчангандан τ ҳам намуна сиртий рекомбинация тезлигига кучсиз боғланган. Одатда, импульсларнинг такрорланиш частотаси $50 \div 200$ Гц тартибида олинади. Чун-

ки иккита кетма-кет келаётган импульслар орасидаги вақтда намуна мувозанат ҳолатга эришиб улгуриши керак. Назарий ҳисобларнинг кўрсатишича, (4.107) ва (4.108) ифодалар ҳамда (4.105) ва (4.109) шартлардан τ га ток импульсининг амплитудаси, давомийлиги, кечикиш вақти таъсири кўрсатиши мумкин. Тажриба натижаларининг тасдиқлашича, ток импульсининг давомийлиги ошиши билан эса τ нинг қиймати ортиб боради ва импульс давомийлигининг қиймати ҳажмий яшааш вақти тартибида ёки ундан катта $t_u \geq 1,5\tau$, бўлса, τ нинг t_u га боғланиши тұхтайди. Ана шундай боғланиш импульс токи билан ҳам кузатилади. Ток ортиши билан τ орта бориб доимий қийматга интилади. Акс ҳолда, кечикиш вақтининг кичик қийматларида ўлчаш τ нинг пасайтирилган қийматини беради.

Бу усул билан солиштирма қаршилиги $0,5 \div 500$ Ом. см p — тип намуналар учун яшааш вақти $\tau > 2,8$ мкс, n — тип намуналар учун эса $\tau > 7,7$ мкс бўлган кремний намуналарида ўлчаш тавсия этилади. Заряд ташувчилар яшааш вақти $\tau < 100$ мкс бўлса, сайқалловчи кукун билан сайқалланган намуналарда τ ни ўлчаш мумкин. Одатда τ ни ўлчаш оралик даражали инжекция $\Delta p \sim p_0$ да ўтказилади. Бунда ёпишиш марказлари заряд ташувчилар билан тўлдирилади ва таъсири йўқотилади. Тажриба ўтказишда юқорида қайд қилинган шартлар бажарилганда τ ни ўлчаш хатоси $+20\%$ дан ошмайди. Бу усулнинг бошқа усулларга нисбатан афзаликкларига коллектор kontaktини олиш талаб этилмаслигини, сирт ҳолатига кам сезгирлигини, τ ни температурага боғлиқлигининг енгил ўлчанишини, усулни солиштирма қаршилиги $0,1:100$ Ом. см тартибида бўлган яrim ўтказгичларда, масалан, кремний, германий, галлий арсенидга қўллаш мумкинлигини кўрсатиш лозим.

б. Р-п ўтиши орқали τ ни заряд ташувчилар инжекциясига асосланган ўлчаш усули

Бу усулни p -п ўтишнинг ўтиш (переходной) тавсифидаги тескари токининг тикланиш вақтини ўлчашга асосланган. Унинг можияти шундан иборатки, p -п ўтишга тўғри йўналишда ток юборилади ва бир оз вақтдан сўнг ток кутби кескин ўзгартирилади (тескари йўналишдаги ток импульси уланади). P -п ўтишдан олинган кучланиш ва ток осциллограммалари 4.106, в-расмда келтирилган кўри-



4.10-расм. Ўткинчи жараёнларнинг $p-n$ ўтишдаги ток (а), кучланиш (б) осциллографмаси. t_u — импульс давомийлиги; T — импульс кечикиш вақты.

нишдаги шаклда бўлади. Бунда содир бўлган $p-n$ ўтишдаги физик жараёнларни қисқача таҳлил қиласайлик. Тўғри йўналишдаги ток импульси берилган пайтда диод ичидаги (қатламида) асосий бўлмаган номувозанат заряд ташувчилар инжекцияланади. Бир оз вақтдан сўнг диодда стационар ҳолат ўрнатилади. Кичик даражали инжекция

Δn , $\Delta p \ll n_0 + p_0$ да узун диодларда заряд ташувчиларнинг тақсимоти $\Delta p(x) = \Delta p(0) e^{-\frac{x}{\tau_p}}$ билан аниқланади. Токнинг кутбини ўзгартиргандан сўнг инжекцияланган заряд ташувчилар концентрацияси уларнинг рекомбинацияси ва $p-n$ ўтиш орқали тортиб (сўрилиб) олиниши туфайли камаяди. $P-n$ ўтиш соҳасининг яқинида заряд ташувчилар концентрацияси мувозанатий заряд ташувчилар концентрациясидан катта бўлгани учун $p-n$ ўтиш очиқ ҳолатда бўлиб, кучланиш мусбат, ток диодга уланган қаршилик билан чекланган бўлади. Вақт ўта бошлиши билан $p-n$ ўтиш ёпила бошлайди, бу жараён тескари токнинг тўйиниш токига teng бўлгунча давом этади. Номувозанат заряд ташувчиларнинг яшаш вақти қанча катта бўлса, уларнинг йўқолиши шунча кўп вақт давом этади. Назарий ҳисоблашларнинг, тажриба натижаларининг кўрсатишича, диоддаги тўғри йўналишдаги токнинг тескари йўналишдаги токка уланишдан ҳосил бўлган кучланиш, ток зинапоялари давомийлиги T заряд ташувчилар яшаш вақти τ , тўғри ток $I_{\text{пр}}$ ва тескари ток $I_{\text{обр}}$ билан қуйидаги муносабат билан боғланган:

$$\operatorname{erf} \sqrt{\frac{T}{\tau}} = \frac{I_{\text{пр}}}{I_{\text{пр}} + I_{\text{обр}}} \quad (4.110)$$

Бу ерда:

$$erf \sqrt{\frac{T}{\tau}} = \frac{2}{\pi} \int_0^{\sqrt{\frac{T}{\tau}}} \exp(-\xi^2) d\xi \quad (4.111)$$

Тұғри ток тескари токка тенг Ипр=Іобр бұлғанда,

$$T=0,23\tau \quad (4.112)$$


бұлади. Бу усулни нисбатан катта бұлған заряд ташувчи-лар яшаш вақти τ ни аниқлашга ҳам табиқ қилиш мүм-кін. Ҳисоблаш формуласи (4.110) ни $\frac{I_{\text{пр}}}{I_{\text{обр}}} \leq 2$ тенгсизлик бажарылған ҳолда фойдаланиш мүмкін.

Бу усул билан τ ўлчаш курилмасининг чизмаси 4.11-расмда көлтирилған. Бири иккінчисининг кетидан кетув-чи мусбат, манфий қутблік ток импульсіні олиш имко-нини берадиган иккіланған импульсli (масалан, Г-5-7А, ГИС-2 типидаги) генератор күлләнілади. Генератордан мусбат ва манфий қутбли бұлған иккіланған ток импуль-си $p-n$ ўтишга берилғанда осциллограф 0 билан күчла-ниш, ёки ток осциллограммаси қайд қилинади.

Осциллограф генераторнинг синхронловчи импульси билан кутиш ёйилмаси режимінде ишлайды, бу билан ос-циллограммани осциллограф экраныда турғун туттган бұ-ламиз.

Усулни бошқа бир вариантида кичик заряд ташувчи-

лар яшаш вақтіни ўл-чаş учун $p-n$ ўтишга тескари йұналишда до-имий күчланиш қўйил-ған бұлади, қандайдир вақтда (furcsatda) гене-ратордан орқа фронти тик бұлған қисқа им-пульс берилади. Бу усул билан бир неча наносе-кундан то 10^{-4} с гача бұлған заряд ташувчи-лар яшаш вақтини ўл-чаş мүмкін.



4.11-расм. $p-n$ ўтишда инжекция-экстракция усулы билан τ -ни аниқлаш курилмасининг схемаси.

4.5 §. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ўлчашнинг стационар усуллари

a. Стационар фотоўтказувчаникдан заряд ташувчилар яша вақтими аниқлаш усуллари

Ёруглик таъсирида яримўтказгичларда номувозанат заряд ташувчиларни генерацияланиши, яъни фотоинжекцияси туфайли, уларнинг қаршилигини ёки ўтказувчанигининг ўзгаришини (фотоқаршилик) фотоўтказувчаник эффициенти (ҳодисаси) деб аталади. Зоналараро электрон ўтишлари билан боғлиқ фотоўтказувчаникнинг узун тўлқин чегараси, хусусий ютилиш чегарасига мос келиб, кўп яримўтказгичларда, масалан, кремний, германий, A_3B_5 туркумидаги яримўтказгичлар учун ёруглик спектрининг кўзга кўринадиган ва инфрақизил соҳасида ётади.

Узунлиги a , эни b , қалинлиги d бўлган намунани $z=0$ сирти фотон энергияси $\hbar\omega \geq E_d$ бўлган ёруглик оқими билан ёритилган бўлсин (4.1-расм). Намунада номувозанатий заряд ташувчиларнинг нотекис генерацияланиши содир бўлади ва генерация тезлиги $g = \alpha\beta I_{0\nu} (i - R_\nu) / h\nu$ билан аниқланади. Намунада $a > b \gg d$ бўлсин деб қарасак, унинг эркин ён сиртларида рекомбинацияни ҳисобга олмаслик мумкин ва намунани Ом контактларидан $(2 \div 3)Z$ ма-софада бўлган қисми ёритилганда масала бир ўлчамли бўлади ва унинг z — ўқига тик йўналишдаги фотоўтказувчаник (4.26) га кўра ёпишиш марказлари бўлмагандан, электр нейтраллик шарти $\Delta N = \Delta P$ бажарилган ҳолда

$$\Delta G = \frac{eb}{a} (\mu_p + \mu_n) \Delta P \quad (4.113)$$

кўринишни олади. Бу ерда,

$$\Delta P = \int_0^d \Delta p(z) dz \quad (4.114)$$

Номувозанат заряд ташувчиларнинг ўртача концентрациясини

$$\Delta p_{cp} = \frac{1}{d} \int_0^d \Delta p(z) dz = \frac{\Delta P}{d} \quad (4.115)$$

билил белгиласак, у ҳолда (4.113)

$$\Delta G = \frac{ebd}{a} (\mu_n + \mu_p) \Delta p_{cp} \quad (4.116)$$

билин ифодаланади. Ўзгармас ток манбаига уланган на-
мунадан ўзгармас ток (ток генератори) режимида ток ўтка-
зилганда, фотоинжекцияланган заряд ташувчилардан со-
дир бўлган намунадаги кучланиш тушувининг ўзгариши

$$\Delta V = \Delta R \cdot I = R_0^2 I \Delta G = \frac{\rho^2 ea}{bd} (\mu_n + \mu_p) \Delta p_{cp} \quad (4.117)$$

кўринишда бўлади. (4.114) даги $\Delta p(z)$ ни ёруглик генера-
цияси, заряд ташувчиларнинг ҳажмий, сиртий рекомби-
нациялари ва диффузияси жараёнлари аниқлайди. Шу-
нинг учун $\Delta p(x)$ куйидаги бир ўлчамли стационар узлук-
сизлик қуйидаги тенгламанинг ечимидан топилади.

$$\frac{d^2 \Delta p}{dz^2} - \frac{\Delta p}{D_p \tau_p} + \frac{\alpha \beta I_\infty (1 - R_v)}{D_p} e^{-az} = 0 \quad (4.118)$$

Унинг умумий ечими

$$\Delta p(z) = A \exp\left(\frac{z}{L_p}\right) + B \exp\left(-\frac{z}{L_p}\right) + \frac{I_0 \tau_p e^{-az}}{1 - \alpha^2 L_p^2} \quad (4.119)$$

кўринишда бўлади. Интеграллаш доимийлари A ва B

$$D_p \frac{d\Delta p(z)}{dz} \Big|_{z=0} = S \Delta p(0); \quad D_p \frac{d\Delta p(z)}{dz} \Big|_{z=d} = -S \Delta p(d) \quad (4.120)$$

чегаравий шартлардан топилади. Топилган A ва B ларни (4.119) га қўйиб, (4.115) дан Δp_{cp} ҳисобланади. Умуман олганда Δp_{cp} ни ифодаси катта, тажриба натижаларини таҳлил қилишга мураккаблик қиласи. Лекин унинг асо-
сида кўп хусусий ҳолларни таҳлил қилиш мумкин ва ама-
лиётда татбиқ қилиш учун қулай соддалашган ифодалар-
ни олиш мумкин. Буларнинг баъзи бирини кўрайлик.

1. Ёругликни кучли даражадаги ютилиш $\hbar\omega \geq E_g$ соҳа-
сида номувозанат заряд ташувчиларнинг сиртий генера-

цияси содир бўлади. Бу соҳада сиртий генерация тезлиги g_s , $\text{см}^2/\text{с}$ $\alpha d \gg 1$, $\alpha L \gg 1$; $\alpha \gg \frac{S}{D_p}$ бўлади. Булардан ташқари, намуна юпқа $d/Z_p \ll 1$ деб фараз қилсак, унда

$$\Delta p_{cp} = \frac{g_s}{d} \frac{1}{\left(\frac{1}{\tau_p} + \frac{2S}{d} \right)} \quad (4.121)$$

кўринишга келади. Фотоўтказувчанликда ҳажмий рекомбинация аниқловчи жараён бўлса, $\frac{1}{\tau} \gg \frac{2S}{d}$ бўлади. У ҳолда

$$\Delta p_{cp} = g_s \tau_p / d \quad (4.122)$$

билин ифодаланади. Агар фотоўтказувчанликка сирт рекомбинациясининг таъсири ҳажмий рекомбинацияга нисбатан катта, яъни сирт рекомбинацияси тезлиги катта, намуна юпқа бўлса, $\frac{2S}{d} \gg \frac{1}{\tau}$ бўлади ва Δp_{cp} нинг ифодаси

$$\Delta p_{cp} = g_s / 2S \quad (4.123)$$

кўринишга келади.

2. Намунада ёругликни кучсиз ютилиш соҳасида номувозанат заряд ташувчиларнинг ҳажмий генерацияси, яъни текис генерацияланиши содир бўлади. Бу ҳолда ҳажмий генерация тезлиги $g_0 = \alpha \beta I_0, (1 - R) \text{см}^{-3}\text{с}^{-1}$ $\alpha Z_p \ll 1$, $\alpha d \ll 1$, қалин намуна $d \gg Z_p$ учун эса

$$\Delta p_{cp} = g_0 \tau_p \quad (4.124)$$

бўлади, намуна юпқа $d \ll Z_p$ сирт рекомбинацияси тезлиги катта бўлганда,

$$\Delta p_{cp} = \frac{g_0 d^2}{12 D_p} \quad (4.125)$$

кўриниш олади. Энди юқорида келтирилган муносабатлар асосида тажрибадан τ ва S ни аниқлашни кўрайлик.

Тажрибада ёритилган намунада фотоўтказувчанликдан содир бўлган кучланиш тушувининг ўзгаришини ўлчаб, (4.117) дан τ ни S ни аниқлаш мумкин. Стационар фотоўтказувчанликни қайси параметрлар (τ, s) аниқлашини текшириш учун ҳар хил қалинликдаги намуналарда ўлчов ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар сигнал ΔV намуна қалинлиги d ни камайиши билан $\frac{1}{d^2}$ бўйича ортиб борса, (4.117) ва (4.122) ларга кўра, ΔV га асосий таъсир кўрсатувчи параметр τ бўлади. Агар асосий таъсир кўрсатувчи параметр S бўлса, намуна қалинлигининг камайиши билан сигнал ΔV (4.117) ва (4.123) га кўра $\frac{1}{d}$ бўйича ортиб боради.

Ўлчангандан ΔV бўйича τ ёки S ни аниқлаш учун бундан ташқари заряд ташувчиларнинг сиртий ёки ҳажмий генерация тезликларини билиш керак бўлади. Коэффициентлари α, β маълум бўлган яримтўказгичлар учун намуна га тушаётган ёруғлик интенсивлиги I_0 ни билиш етарли бўлади. Бунинг учун ёруғлик спектрининг тегишли соҳасига сезгир, олдиндан даражаланган исталган фотоқабул қўлгичларни қўллаш мумкин. α ва β коэффициентлари ноаниқ бўлган ҳолларда генерация тезлиги g ни аниқлаш учун текширилаётган материаллардан ясалган потенциал тўсиқли ($p-n$ ўтиш, $p-i-n$ ва Шоттки диодлари) фотоқабулқўлгичларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу фотоқабулқўлгичлар бирга яқин ўзгаришиш коэффициенти билан квант оқимини заряд ташувчилар оқимига, яъни токка айлантиради, яъни

$$\frac{I}{e} = gV_0 \quad (4.126)$$

бўлади. Бу ерда, V_0 — фотоқабулқўлгичнинг ёруғликка сезгир соҳасининг ҳажми. (4.126) дан фототок I ва ҳажми V_0 ни билган ҳолда g аниқланади. Заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини аниқлашда, булардан ташқари, уларнинг ҳаракатчанлиги, намунанинг геометрик ўлчамларини билиш керак бўлади. Бу усулда ҳар хил намуналарда ўлчангандан кўп параметрларнинг қатнашиши туфайли, юқори бўлмаган аниқликда 20—30%, баъзан ундан катта бўлган

хатолик билан t_p ни аниқлаш мумкин. Лекин бу усул билан заряд ташувчиларнинг жуда кичик яшаш вақтларини 10^{-9} — 10^{-10} с гача ўлчаш мумкин. Стационар фотоўтказувчанлик усули билан t_p ни ўлчашдаги асосий хатолик манбай сифатида ёпишиш марказларининг таъсирини кўрсатиш мумкин. Ёпишиш марказининг таъсири германийда 273 К дан, кремнийда 400 К дан паст температураларда намоён бўлади. $A_3 B_5$ бирималарида ёпишиш марказларининг сатҳи оддий элементар яrimўтказгичларнидан юқори. Шунинг учун уларга бу усулни кўллаш чекланган. Маълумки, яrimўтказгичларда ёпишиш маркази мавжуд бўлса, электрон, ковак яшаш вақтлари тенг бўлмайди. Агар ёпишиш марказлари томонидан ушланган электрон концентрациясини Dn_3 билан белгиласак, электрон нейтраллик шарти

$$\Delta p = \Delta n + \Delta n_3 \quad (4.127)$$

кўринишда бўлади. Электрон, ковакнинг рекомбинация тезликларининг бир-бирига тенглигидан

$$\frac{\Delta n}{\tau_n} = \frac{\Delta p}{\tau_p} = \frac{\Delta n + \Delta n_3}{\tau_p} \quad (4.128)$$

$$\frac{\tau_p}{\tau_n} = 1 + \frac{\Delta n_3}{\Delta n} \quad (4.129)$$

бўлишилигини кўрамиз. Бу стационар фотоўтказувчанликнинг ўзаришига ҳамда ностационар фототокнинг ўсиши ва пасайишига таъсир кўрсатади. Бу ҳолда янги характеристик катталик фотоўтказувчанликнинг эффектив стационар яшаш вақти тушунчаси киритилади. Стационар фотоўтказувчанликни

$$\Delta\sigma_{ct} = e\mu_n g\tau_n + e\mu_p g\tau_p = e\tau_{\phi}(\mu_n + \mu_p)g \quad (4.130)$$


ифодасидан, τ_{ϕ} ни

$$\tau_{\phi} = \frac{\mu_n \tau_n + \mu_p \tau_p}{\mu_n + \mu_p}$$

билил аниқланишини кўрамиз. Стационар фотоўтказувчанликдан топилган заряд ташувчилар яшаш вақти умумий ҳолда электрон, ковак яшаш вақтларига, ҳаракат-

чанликларига боғлиқ. Агар ёпишиш марказларининг концентрацияси кичик $\Delta n_3 \ll \Delta n$ бўлса, уларнинг таъсирини эътиборга олмаслик мумкин. У ҳолда $\tau_{\text{эф}} = \tau_n = \tau_p$ бўлади. Стационар фотоўтказувчанликни ўлчаш усулига асосланган τ ни аниқлаш қурилмаларидан бирининг чизмаси 4.14-расмда келтирилган. Одатда, фотоўтказувчанлик сигнални ΔV кичик даражали инжекцияда $\Delta G \ll G_0$ ўлчанади. ΔV ни ўлчаш шундай режимда ўтказилиши керакки, ΔV билан ΔG орасидаги боғланиш чизиқли бўлсин. Юклама қаршилик R_H намуна қаршилиги $(\Delta G + G_0)^{-1}$ дан катта $R_H \gg (\Delta G + G_0)^{-1}$ бўлганда, занжирдан оқаётган ток намуна ёритилганда ҳам ўзгармас сақланади. Бу ўзгармас ток (ток генератори) режими деб юритилади. Бунда намунада ўлчанганд ΔV билан ΔG орасидаги боғланиш чизиқли $\Delta V \sim \Delta G$ бўлади. Юклама қаршилик R_H намуна қаршилиги $(\Delta G + G_0)^{-1}$ дан кичик бўлганда, R_H дан ўлчанганд кучланиш тушувининг ўзгариши ΔV билан фотоўтказувчанлик орасидаги боғланиш ҳам чизиқли бўлади. Бу режимда намунани ёритиш намуна ва юклама қаршилик орасида муҳим даражада кучланиш (электр майдоннинг) қайта тақсимланишига олиб келмайди, бинобарин, намунага қўйилган электр майдони қоронгидан ва ёритилганда ҳам ўзгармас сақланади. Шунинг учун у ўзгармас майдон (кучланиш) режими деб юритилади. Стационар фотоўтказувчанликнинг ёки бошқа фотоэлектрик ҳодисаларни ўлчашда интенсивлиги бўйича тўғри бурчакли модуляцияланган ёруғлик импульсининг давомийлиги оралиғидаги вақт ичида фотоэлектрик жараёнлар стационар ҳолатга эришиб ва иккита кетма-кет ёруғлик импульси орасидаги вақт ичида намуна термодинамик мувозанат ҳолатига келиб улгуриши керак.

Бу шартнинг бажарилиши учун импульс давомийлиги ва икки импульс оралиғидаги вақт фотоэлектрик ҳодисалар (эффектлар)нинг характеристик релаксация вақти t_n , $t_3 > \tau_{\text{рел}}$ дан катта бўлиши керак. Лекин бунда ёруғлик импульсининг кўтарилиш, пасайиш фронтларининг вақтига ҳеч қандай чеклашлар қўйилмайди. Агар ўлчашда синусоида бўйича модуляцияланган ёруғликдан фойдаланилса, унинг даври шундай катта бўлиши керакки, натижада исталган ҳар бир вақтда жараёнларни квазистационар деб ҳисоблаш мумкин бўлсин. Кўпинча ΔV



4.12-расм. Стационар фотоўтказувчанликни ўлчаш схемаси;
V — вольтметр, M_x — монохроматор; Y — кучайтиргич.

уйғотувчи ёруғлик интенсивлигининг $\frac{1}{\tau_p}$ га нисбатан етарли кичик модуляция частоталарида ўзгарувчан сигнал кучайтиргичлари билан ўлчанади. Бу ўлчаш жараёнини осонлаштиради, кичик сигналларга сезгирлигини оширади ва τ_p ни ўлчаш чегарасини кичик қыйматлар томонга кенгайтиради. Етарлича катта давомийликли түғри бурчаклы ёруғлик импульсini ҳосил қилиш учун турли модуляторлар құлланилади. Секторли күренишда ёриқлари бүлган диск айланганда ёруғлик оқимини даврий равищда дискнинг секторлари ёпиб туради, унинг интенсивлигини модуляциялади. (4.12-расм): унда түғри бурчаклы ёруғлик импульси ҳосил қилинади. Күзгусимон модуляторларда айланувчи күзгудан қайтган ёруғлик нури оптик тизим кириш тирқишини кесиб ўтиб, түғри бурчаклы ёруғлик импульсini шакллантиради. Электродинамик затворли модулятор электр токи ўтиб турған фалтак билан магнит майдоннинг таъсирлашишига асосланған. Агар фалтакдан ток импульси ўтказилса, у магнит майдонида силжийди ва ёруғлик оқимини түсіб турған пардан ҳаракатга келтиради. Бу модуляторлар билан олинган ёруғлик импульсларининг күтарилиш ва пасайиш вақтларига нисбатан катта ($10^{-4}:10^{-5}$)С бүлгани учун фотоэлектрик жараёнлар кинетикасини ўрганишга құлла-

нилмайди. Фотоўтказувчанликни ўлчашда манба нурла-нишининг керакли спектрал оралигини ажратиб олиш учун монохроматорлар ишлатилади. Заряд ташувчиларни намунанинг бутун ҳажмида бир текис пайдо қилиб туриш учун оптик фильтрлардан фойдаланилади, улар ёрдамида ютиш коэффициентини кичик бўладиган хусусий ютилиш чегарасига тўғри келадиган узун тўлқинларнинг тор оралиги ажратиб олинади. Амалда қўпинча бу мақсад учун текширилаётган намунада ясалган яrim-ўтказгич модданинг ўзидан қилинган фильтрлардан фойдаланилади ёки ҳар хил лазерларнинг нурланишидан фойдаланилади.

б. Фотоўтказувчанликнинг спектрал боғланишидан яrim-ўтказгичлар параметрларини аниқлаш усуллари

Фотоўтказувчанлик ΔG нинг спектрал (ёруғлик тўлқин узунлигига) боғланиши бўйининг узунлиги a , энининг узунлиги b , қалинлиги d дан катта $a > b \gg d$ бўлган пластина шаклидаги намуна стационар фотоўтказувчанлик (4.113) ифодасига кирган (4.114) билан ифодаланган ΔP нинг таҳлили асосида ўрганилади. Номувозанат заряд ташувчилар тақсимоти Δp (z) узлуксизлик тенглама (4.11)си нинг чегаравий шартлари (4.120) ни қаноатлантирувчи ечимиدير.

Ютилиш коэффициенти (тўлқин узунлиги) ҳар хил бўлган ёруғлик орқали яrim-ўтказгични уйғотиш билан, унинг ҳажмида, сиртида заряд ташувчиларнинг диффузия, рекомбинация жараёнлари учун ҳар хил шароит яратиш мумкин. Тажриба натижаларидан, назарий текширишлардан маълумки, ёруғликнинг хусусий ютилиш чегарасининг кичик спектрал оралиги $\Delta h\nu = 0,1 \div 0,2$ эВ да ютилиш коэффициенти зоналар тузилишига қараб 0 дан то 10^5 см $^{-1}$ гача ўзгаради. Ёруғликнинг хусусий ютилиш спектрининг қисқа тўлқин узунлик соҳасида ютилиш коэффициенти катта, шунинг учун заряд ташувчиларнинг сиртий генерацияланиши содир бўлади. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича $ad \gg 1$ бўлганда, (4.114) ифода

$$\Delta P = \frac{g_0 \tau}{\alpha} \frac{\left[1 + \frac{sZ}{D} \frac{1}{1 + aZ} \right]}{\left[1 + \frac{sZ}{D} \cdot \operatorname{ctn} \frac{d}{2Z} \right]} \quad (4.131)$$

билин аниқланади. Ёруғликни намунадан қисман қайтишини ҳисобга олганда генерация тезлиги $g_0 = \alpha \beta I_0 (1 - R_0) / h\nu$ күринишида бўлади. Намуна қалин $d \gg 2L$ бўлса, ($d > 4Z$ етарли), $c\hbar \frac{d}{2L} \approx 1$ бўлади ва (4.131)

$$\Delta P = \frac{g_0 \tau}{\alpha} \frac{1}{1 + sL/D} \cdot \left(1 + \frac{sL}{D} \frac{1}{1 + \alpha L} \right) \quad (4.132)$$

күринишида бўлади. Ёруғликнинг кучли ютилиш $\alpha Z \gg 1$ соҳасида

$$\Delta P = \frac{g_0 \tau}{\alpha} \frac{1}{(1 + sL/D)} \cdot \left(1 + \frac{s}{D} \frac{1}{\alpha} \right) \quad (4.133)$$


билин ифодаланади. ΔP ютилиш коэффициентининг ортиши билан α га боғлиқ бўлмаган, лекин сиртий рекомбинация тезлигига боғлиқ бўлган асимптотик қийматта интилади. $\alpha \rightarrow \infty$ да

$$\Delta P(\infty) = \frac{I_\nu \beta}{h\nu} \frac{1}{(1 + sL/D)} \quad (4.134)$$

кўринишни олади. Хусусий ютилиш спектрининг узун тўлқини узунлик соҳасида ютилиш коэффициенти α камайиши туфайли, фотоўтказувчанлик ΔG кескин камаяди. Шундай қилиб, хусусий ютилиш соҳасида ΔG максимумга эришади (4.13-расм). (4.131) ва (4.134) ифодалар билан аниқланадиган стационар фотоўтказувчанлик ΔG

4.13-расм. $\frac{\Delta G(\infty)}{\Delta G(\alpha) - \Delta G(\infty)}$

нисбатнинг ёруғликни отилиш коэффициенти α га боғлиқлиги.



нинг ифодаси (4.113) га тўғридан-тўғри фотон энергияси ёки ёруғлик тўлқин узунлиги кирмаган бўлса ҳам $\Delta G(h\nu)$ ёки $\Delta G(\lambda)$ боғланиш мавжудлигини курамиз. ΔG нинг бу спектрал боғланиши ёруғликнинг ютилиш коэффициенти α ни, заряд ташувчилар квант чиқиши коэффициенти β ни, ёруғликнинг намунадан қайтиш коэффициенти R ни ёруғлик тўлқин узунлигига боғлиқлиги туфайли намоён бўлади. Фотоўтказувчанликнинг спектрал боғланиши $\Delta G(\alpha)$ ёки $\Delta G(\lambda)$ ни уч соҳага ажратиш мумкин. ΔG ни $\frac{1}{\alpha}$ билан чизиқли боғланиш соҳасига ΔG ни асимптотик қиймат $\Delta G(\infty)$ га эришиш соҳасига ҳамда α нинг камайиши билан ΔG ни камайиши соҳасига ажратиш мумкин. ΔG нинг $\frac{1}{\alpha}$ билан боғланиш соҳаси (4.133) ифодага кўра,

$$\Delta G\left(\frac{1}{\alpha}\right) = h_1 \left(1 + \frac{1}{a_1} \frac{1}{\alpha}\right) \quad (4.135)$$

билин ифодалаши мумкин. Бу боғланишдан h_1 ва $a_1 = \frac{D}{S}$ катталиклар топилади. Бунинг учун ёруғлик инжекциясининг тегишли соҳасидаги ҳар хил тўлқин узунликда ҳар хил ютилиш коэффициенти α да ΔG ни ўлчаб $\Delta G = f\left(\frac{1}{\alpha}\right)$ боғланиш чизилади. Агар намунанинг бошқа томонида сиртий рекомбинация тезлиги S_2 бўлса, бу томонини ёритишидаги фотоўтказувчанлик

$$\Delta G' = h_2 \left(1 + \frac{1}{a_2} \frac{1}{\alpha}\right) \quad (4.136)$$

бўлади ва ундан h_2 ва a_2 катталиклар топилади. Топилган h_1 , h_2 , a_1 , a_2 катталиклар асосида диффузион узунлик Z_D

$$L_D th\left(\frac{d}{2L}\right) = \frac{h_2 - h_1}{h_1/a_1 - h_2/a_2} \quad (4.137)$$

формула билан ҳисобланади. Агар қарама-қарши томонларида $S_1 = S_2$ бўлса, у ҳолда намуна сиртига икки хил ишлов берилади. Икки хил ишловдан ўтган намуна фотоутказувчанликдан топилган a_2 , a_1 катталиклар орқали Z ни

$$L_D \operatorname{ct} h \left(\frac{d}{2L} \right) = \frac{h_2 - h_1}{h_1/a_1 - h_2/a_2} \quad (4.138)$$


ифода билан топилади. Қалин $\frac{d}{2Z_D} \gg 1$ намуналарда икки ҳолатда ҳам

$$Z_D = \frac{h_2 - h_1}{h_1/a_1 - h_2/a_2} \quad (4.139)$$

формула билан топилади. Бу усул билан Z_D ни топишда ΔG ни мутлақ қийматини билиш шарт эмас ҳамда Z_D ни ҳисоблашга керакли маълумотлар битта тажрибадан олинади. (4.133) ва (4.134) формулалар асосида

$$\frac{\Delta G(\infty)}{\Delta G(\alpha) - \Delta G(\infty)} = \frac{\Delta P(\infty)}{\Delta P(\alpha) - \Delta P(\infty)} = \frac{D}{S} (1 + \alpha L) \quad (4.140)$$

кўринишдаги боғланишни оламиз. Ундан фойдаланиш учун тажрибада аниқланган фотоутказувчанлик $\Delta G(\alpha)$ нинг спектрал боғланишидан $\frac{\Delta G(\infty)}{\Delta G(\alpha) - \Delta G(\infty)}$ нисбатнинг α га боғланиш графиги чизилади. Бу боғланишнинг горизонтал ўқ. билан кесишиш кесмасидан $L = -\frac{1}{\alpha}$ вертикаль ўқ билан кесишишидан $\frac{D}{SL}$ лар қиймати топилади (4.14-расм). Шундай қилиб, фотоутказувчанликнинг спектрал боғланишидан заряд ташувчиларнинг диффузион узунлигини, агар диффузия коэффициенти маълум бўлса, сиртий рекомбинация тезлигини аниқлаш мумкин. Ёрупликнинг ютилиш коэффициентининг тўлқин узунлигига боғланиши юпқа намуналарнинг шаффофлик коэффициентидан ўлчаниши мумкин. (4.135) боғланишдан ярим-утказгич параметларини аниқлашда ΔG нинг $\frac{1}{\alpha}$ га боғланиш



4.14-расм. Солиштирма қаршилиги $r=150 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ n -тип кремний намунаси зоналарида эгриланиш кичик (a) ва катта (b) бўлганида фотоутказувчанликнинг спектрал тақсимоти.

Бошқача айтганда, сиртга яқин соҳадаги ҳажмий, заряд заряд ташувчилар рекомбинациясига ва фотоутказувчанликка таъсир кўрсатмайдиган, сиртий ҳолат эса сиртий рекомбинация тезлиги билан аниқланадиган ҳолат кўрилган эди. Сиртий рекомбинация тезлигини киритишида сиртдаги заряд ташувчилар билан ҳажмдаги заряд ташувчилар орасида квазимувозанат мавжуд деган фараз ётади. Энди баъзи бир ҳолатларда намуна сирт соҳасида пайдо бўладиган энергиявий зоналар эгриланишини фотоутказувчанликнинг спектрал боғланишига таъсирини кўрайлик.

Сирт яқинида заряд ташувчилар энергиясидан катта бўлган энергиявий зоналарнинг эгриланиши сиртдаги кичик интенсивликдаги рекомбинация жараёни мувозанатнинг бузилишига ва фотоутказувчанликни сифатий ўзгаришига олиб келади. Энергиявий зоналар эгриланиши катта бўлган ҳолда фотоутказувчанликнинг люкс-ампер, спектрал, кинетик характеристикаларида муҳим ўзгаришлар кузатилади. Бу хусусиятларни заряд ташувчиларнинг квазимувозанатига асосланган фотоутказувчанликнинг назарияси билан тушунириб бўлмайди. Улар намуна сиртидаги ва ҳажмий заряд соҳасидаги заряд ташувчилар ре-


графигида унинг чизиқли боғланиш ҳамда асимптотик соҳаси мавжуд бўлишигини, α , β , R_v ларни текширилаётган спектрал соҳасида тўлқин узунлигига, сиртий ишловига кучсиз боғланишда бўлишигини назарда тутиш лозим. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, юқорида ёритилган фотоутказувчанликнинг спектрал боғланишидан яримутказгичлар параметрларини аниқлаш усули намуна ҳажмида сиртида электр нейтраллик шарти бажариладиган ҳолдаги стационар фотоутказувчанлик таҳлилига асосланган.

комбинация жараёнларини ўзгариши билан, яъни заряд ташувчиларнинг эффективив яшаш вақтининг ортиши билан тушунтирилади. Ҳажмий заряднинг электр майдон ёки энергиявий зоналарнинг эгриланишидан ҳосил бўлган потенциал тўсиқ асосий бўлган заряд ташувчиларнинг сиртга келишига тўсқинлик қиласи ва сиртда, ҳажмий заряд соҳасида рекомбинация интенсивлигини камайтиради. Бу жараёнлар заряд ташувчилар эффективив яшаш вақтини электр нейтраллик шарти ўринли бўлган ҳолга нисбатан ошиши ва фотоўтказувчанлик хоссаларига таъсир кўрсатади. Маълумки, яримўтказгич намуналарининг сиртий қатламига яқин соҳасида энергиявий зоналар эгриланиши (изгиб) сиртнинг маълум бир кимёвий ишловларидан, электр майдон таъсиридан, электролитларда кутбланишдан пайдо бўлиши мумкин. Энергиявий зоналар эгриланиши катта бўлган кремнийда фотоўтказувчанликнинг спектрал боғланишида катта ўзгариш кузатилган, хусусий ютилишнинг қисқа тўлқин узунлиги соҳасида одатдаги хусусий ютилиш чегарасида кузатиладиган максимумдан катта бўлган янги максимум пайдо бўлади (4.13, в-расм). Буни энергиявий зоналар эгриланиши мавжуд бўлганда сирт соҳасида рекомбинация тезлигининг камайишиши билан, яъни заряд ташувчилар эффективив яшаш вақтининг катталашиши билан тушунтирилади. Фотоўтказувчанлик ΔG нинг спектрал боғланиши ҳам 4.12-расмда келтирилган қурилмадан фойдаланиб ўлчанди. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, ҳар хил тўлқин узунликда ёки ҳар хил α га мос келган ΔG ни ўлчашда уларни бир хил интенсивликдаги ёруғлик оқимига келтиради.

$\Delta G(\lambda)$ ни ўлчаш тартиби стационар фотоўтказувчанлик ΔG ни ўлчаш тартибидан фарқ қилмайди.

4.6-§. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини фотоэлектромагнит ҳодисаси (Кикоин-Носков эффективи) дан фойдаланиб аниқлаш усули

Магнит майдонига жойлаштирилган яримўтказгич намунани кучли даражада ютиладиган ёруғлик оқими билан ёритилганда магнит майдони, ёруғлик оқими йўна-



4.15-расм. Фотоэлектромагнитик ҳодисасини электр юритувчи кучи (ЭЮК) ва қисқа туташув токини ўлчаш қурилмасининг схемаси. D — диафрагма; A — амперметр, B^{\otimes} — магнит майдон индукция вектори.

лишларига тик йўналишда кўндаланг электр юритувчи куч ЭЮК (кўндаланг потенциаллар айирмаси) вужудга келади. Бу ҳодиса Кикоин-Носков эффицити ёки фотоэлектромагнит ҳодисаси деб юритилади. Фотоннинг энергияси $\hbar\omega \geq E_g$ бўлган X ўқи йўналишдаги ёруғлик оқими билан намуна ёритилганда, унинг сиртий қатламида ҳосил бўлган ортиқча электронлар ва каваклар намуна ичкарисига томон X ўқи йўналишида диффузияланади. Z ўқи йўналишида магнит майдони пайдо қилинганда диффузияланувчи электронлар ва коваклар Лоренц кучи $\vec{F}_n = -e[\vec{V}\vec{B}]$; $\vec{F}_p = e[\vec{V}\vec{B}]$ таъсирида у ўқи томон ўз йўналишидан мос равишда θ_n , θ_p бурчакка (холл бурчакларига) оғадилар (4.15-расм) ва электрон, кавакнинг магнитодиффузион (холл) токлари j_{ny} , j_{py} ҳосил бўлади. Бу токлар Уўқига тик кўндаланг кесимларининг бирида мусбат, иккинчисида манфий зарядларнинг тўпланишига олиб келади. У ўқи йўналишидаги магнитодиффузион ток зичликлари j_{ny} , j_{py} нинг холл бурчаклари орқали боғланиши билан ифодаланади. Бу ерда

$$j_{ny} = j_{nx} \operatorname{tg} \theta_n; \quad j_{ny} = j_{px} \operatorname{tg} \theta_p \quad (4.141)$$

$$\operatorname{tg} \theta_n = -\mu_{nH} B = -r_H B \mu_n; \quad \operatorname{tg} \theta_p = \mu_{pH} B = r_H \mu_p B \quad (4.142)$$

Бундаги μ_{nH} , μ_{pH} — электрон, кавакларнинг холл ҳаракатчанликлари, μ_n , μ_p дрейф ҳаракатчанликлари мос равишда $r_H = \frac{\mu_{nH}}{\mu_n}$ холл омили (унинг қиймати бирга яқин ва сочилиш механизмига боғлиқ). Электрон, ковакни тұла магнитодиффузиян ток зичлиги (4.141) ва (4.142) ларга күра

$$j_y = j_{ny} + j_{py} = r_H B (\mu_n j_{nx} - \mu_p j_{px}) \quad (4.143)$$

бұлади. X ўқы йўналишидаги диффузиян токлар зичликлари ёпишиш маркази бўлмагандан ($\Delta n = \Delta p$)

$$j_{nx} = -j_{px} = -e D_{\phi} \frac{\partial \Delta n}{\partial x} = e D_{\phi} \frac{\partial \Delta p}{\partial x} \quad (4.144)$$

бўлади, чунки $j_{nx} + j_{px} = 0$ деб ҳисобланади. D_{ϕ} — эффектив диффузия коэффициенти бўлиб, магнит майдони мавжуд бўлганда

$$D_{\phi} = (n+p) \left[(1 + \theta_n^2) \frac{n}{D_n} + (1 + \theta_p^2) \frac{p}{D_p} \right]^{-1} \quad (4.145)$$

билин ифодаланади. Кучсиз магнит майдонида, оғиш бурчаги кичик бўлганда

$$\begin{aligned} \operatorname{tg} \theta_n &\approx \theta_n = r_H B \mu_n \ll 1 \\ \operatorname{tg} \theta_p &\approx \theta_p = r_H B \mu_p \ll 1 \end{aligned}$$

бўлади. Бу ҳолда эффектив диффузия коэффициенти биктубий диффузия коэффициентига тенг бўлади, яъни у $B=0$ ҳолидаги қийматига тенг бўлади. Масалан, P — типли яримўтказгичда $p \gg n$ бўлгани учун (4.145) дан, $D_{\phi} = D_n$ n — типда $n \gg p$ бўлгани учун (4.145) дан $D_{\phi} = D_p$ бўлишларини кўрамиз. (4.143) га (4.144) ни қўйсак, тұла магнитодиффузиян ток зичлигининг ифодаси

$$j_y = j_{ny} + j_{py} = -r_n e B D_{\phi} (\mu_n + \mu_p) \frac{\partial p}{\partial x} \quad (4.146)$$

кўриниши олади. Намуна ён сиртларида сиртий рекомбинация тезлиги кичик, бинобарин, ён сиртлардаги рекомбинацияни ҳисобга олмаслик мумкин деб фараз қиласак, заряд ташувчиларнинг ортиқча концентрацияси фақат X нинг функцияси бўлади. Шунинг учун (4.146) ни

$$j_y = -r_H e B \cdot D_{\text{эф}} (\mu_n + \mu_p) \frac{\partial \Delta p(x)}{\partial x} \quad (4.147)$$

кўринишида ёзиш мумкин. Занжир узуқ бўлганда тўла магнитодиффузон ток J фэм ифодаси

$$I_{\text{фэм}} = b \int_0^d j y dx = -er_H b B D_{\text{эф}} (\mu_n + \mu_p) [\Delta p(t) - \Delta p(d)] \quad (4.148)$$

кўринишида бўлади. Мувозанат шароитида бу ток ташки занжирда фотомагнитик электр юритувчи куч (ЭЮК)нинг ҳосил қиласиган тўла ўтказувчаник (қисқа туташув) токи I_G га тенг бўлади. Агар фотомагнитик ЭЮК ни $U_{\text{фэм}}$ билан, тўла ўтказувчаникни $G = G_0 + \Delta G$ билан белгиласак, у ҳолда қисқа туташув фототокининг ифодаси

$$I_G = U_{\text{фэм}} G = U_{\text{фэм}} (G_0 + \Delta G) = -I_{\text{фэм}} \quad (4.149)$$

кўринишида бўлади. Намунанинг мувозанатдаги (қоронфиксикдаги) ўтказувчанилиги $G_0 = \frac{1}{R_0} = \sigma_0 \frac{bd}{a}$ бўлади. Фото- ўтказувчаник ΔG электронейтраллик шарти $\Delta n = Dp$ бажарилганда (4.113) га кўра

$$\Delta G = \frac{be(\mu_n + \mu_p)}{a} \int_0^d \Delta p(x) dx \quad (4.150)$$

билан ифодаланади. G_0 ва ΔG ларнинг ифодаларини (4.149) га қўйиб, аниқланган $U_{\text{фэм}}$ ифодаси

$$U_{\text{фэм}} = \frac{r_H a B D_{\text{эф}} e (\mu_n + \mu_p) [\Delta p(0) - \Delta p(d)]}{\sigma_0 d + e(\mu_n + \mu_p) \int_0^d \Delta p(x) dx} \quad (4.150)$$

кўринишида бўлади. Кучсиз магнит майдонида ($\mu^2 B^2 \ll 1$) ўзгаришлар фақат бир X ўқи йўналишида содир бўлганда

кавакнинг узлуксизлик тенгламаси (4.118) кўринишда бўлади. Унинг сиртларида ўринли бўлган чегаравий шартлар (4.120) ни қаноатлантирувчи ечими ёруғликни кучли даражада ютилиши кузатилганда $\alpha d \gg 1$ ва намуна қалин $d \gg L_p$ бўлса,

$$\Delta p(x) = \frac{\alpha I_v \beta (1 - R_v) \tau_p}{h\nu} \left[\frac{\alpha^2 L}{L + S\tau_p} e^{-\frac{X}{2p}} - e^{-\alpha X} \right] \quad (4.151)$$

кўринишда бўлади. Қалин намунада ёритилмаётган сиртда $\Delta p(d)=0$ деб олиш мумкин. У ҳолда қисқа туташув токи $I_{\phi\text{эм}}$ (4.148) $\Delta p(0)$ билан аниқланиб,

$$J_{\phi\text{эм}} = \frac{e(\mu_n + \mu_p)\beta B(1 - R_v)\alpha L}{h\nu \left(\frac{SL}{D} + 1 \right) (\alpha L + 1)} \quad (4.152)$$

кўринишга келади. Ютилиш коэффициенти ортиб бориши билан $\alpha L \gg 1$ тенгсизлик ўринли бўла бошлагандага қисқа туташув токи (4.152) ютилиш коэффициентига боғлиқ бўлмаган доимий қийматга интилади:

$$I_{\phi\text{эм}} = eB(\mu_n + \mu_p) \frac{I_v \beta (1 - R_v)}{h\nu} eB(\mu_n + \mu_p) \frac{Z}{(1 + SZ/D)} \quad (4.153)$$

Намунанинг сирт рекомбинацияси тезлиги кичик $S \ll \frac{D_p}{L_p}$ ва паст даражали уйғотиш Δn , $\Delta p \ll n_0$, p_0 ёки $\Delta G \ll G_0$ да (4.153) ифода

$$I_{\phi\text{эм}} = e(\mu_n + \mu_p) B \frac{I_v \beta (1 + R_v)}{h\nu} L \quad (4.154)$$

кўринишни олади. Намунанинг сирт рекомбинацияси тезлиги катта $S \gg \frac{D_p}{L_p}$ бўлганда,

$$I_{\phi\text{эм}} = e(\mu_n + \mu_p) B \frac{I_{ov} \beta (1 - R_v)}{h\nu} \cdot \frac{D}{S} \quad (4.155)$$

бўлишлигини кўрамиз. Тажрибада ўлчанган қисқа туташув токи бўйича диффузион узунликни аниқлашда (4.153) ва (4.154) формуалар қўлланилади. L ни аниқлашда, $I_{\text{фэм}}$, B ларни ўлчашдан ташқари, заряд ташувчиларнинг ҳаракат-чанликларини, ёруғлик интенсивлигини ва бошқа катталикларни бошқа тажрибалардан топишга ёки адабиёт манбаларидаги натижалардан фойдаланишга тўғри келади. Агар заряд ташувчилар яшаш вақти ва сирт рекомбинацияси тезлиги доимий катталиклар бўлса, (4.154) формула юқори даражали инжекция Δn , $\Delta p \gg n_0, p_0$ да ҳам ўринли бўлади. Кучли даражали инжекция Δn , $\Delta p \gg n_0, p_0$ да диффузия коэффициенти (4.145) ни заряд ташувчиларнинг концентрациясига боғлиқлиги тўхтайди:

$$D = \frac{2 D_n D_p}{(1 + \theta_n^2) D_n + (1 + \theta_p^2) D_p} \quad (4.156)$$

Шуни назарда тутиш керакки, юқори даражали инжекцияда (4.154) формула билан аниқланган диффузион узунлик бир қийматли маънога эга бўлади, қачонки намуна-нинг исталган нуқтасида, ёритилмаётган сирти яқинида ҳам Δn , $\Delta p \gg n_0, p_0$ бўлса. Акс ҳолда уйготиш даражаси бўйича ўрталаштирилган қандайдир қийматни беради, энди $I_{\text{фэм}}$ ни спектрал боғланишдан яримўтказгич параметрларини аниқлашни кўрайлик. Фотомагнитик ток $I_{\text{фэм}}$ нинг спектрал боғланишини (4.152) ва (4.153) ифодалар асосида таҳлил қилиш мумкин. Ёруғликнинг хусусий ютилиш чегарасида ёруғлик тўлқин узунлигининг камайиб бориши билан ютилиш коэффициенти ортади ва фотомагнитик токнинг ўсишига олиб келади. Лекин фотоўтказувчанликка нисбатан фотомагнитик токнинг ўсиши катта фототок энергиясида бошланади ва тикроқ бўлади. Фотомагнитоэлектрик ҳодисасининг пайдо бўлиши учун нафақат заряд ташувчиларнинг генерацияланиши, балки яна улар концентрациясининг градиенти пайдо бўлиши керак. Бу фақат ёруғлик намуна сирт соҳасида ютилган ҳолдагина кузатилади. (4.152) ва (4.153) формуалардан кўринадики, ҳар қандай сирт рекомбинацияси тезлигида $\alpha L = 1$ да қисқа туташув токи $\alpha \rightarrow \infty$ даги қийматидан икки марта кичик бўлади. Фотоўтказувчанликнинг, $I_{\text{фэм}}$ дан

фарқли үлароқ, икки марта камайиши бошқа параметрларга боғлиқ бўлган αL ни қийматида кузатилади. Тўлқин узунлиги ўзгариши билан ютилиш коэффициентининг катта ўзгарадиган спектр соҳасида қайтиш коэффициенти R_ν квант чиқиш коэффициенти тўлқин узунлигига кучиз бўғланган. (4.152) формуладан

$$\frac{1}{I_{\text{фэм}}} = \frac{(1 + SL/D)}{e(\mu_n + \mu_p)BL} \frac{\hbar\nu}{\beta I_{0\nu}(1 - R_\nu)} \left(1 + \frac{1}{L} \cdot \frac{1}{\alpha}\right) \quad (4.157)$$

боғланишни оламиз. Ундан кўринадики, $\frac{1}{I_{\text{фэм}}}$ билан $\frac{1}{\alpha}$ орасидаги боғланиш чизиқли бўлади. Тажрибадан олинган натижаларнинг $I_{\text{фэм}} \left(\frac{1}{\alpha}\right)$ кўринищдаги графигини чизиб, горизонтал, абсцисса ўқлари билан кесишгунча давом эттирилади ва у горизонтал ўқни кесишидан ($L = \frac{1}{\alpha}$) топилади. Фотоэлектромагнит токи $I_{\text{фэм}}$ нинг спектрал боғланишидан диффузион узунликни ўлчаш усули фотоўтказувчанликнинг спектрал боғланишидан ўлчаш усулига нисбатан аниқроқ натижা беради, чунки ютилиш коэффициенти катталashi билан $I_{\text{фэм}}$ тез тўйинади ва $I_{\text{фэм}}(\alpha^{-1})$ боғланиши (4.157) α ни катта ўзгариш соҳасида чизиқли бўлади. Энди $U_{\text{фэм}}$ ни ўлчашга асосланган усулни кўрайлик. Қалин $d \gg L$ намуна учун, кичик сирт рекомбинацияси тезлиги $S \ll \frac{D}{L}$ да, паст даражали инжекция $\Delta G \ll G_0$ ёки Δp , $\Delta n \ll n_0$, p_0 да ёргуликнинг кучли ютилиши соҳаси $\alpha L \ll 1$, $\alpha d \ll 1$ да (4.150) формула

$$U_{\text{фэм}} = \frac{e(\mu_n + \mu_p)Ba}{\sigma d} \frac{\beta I_\nu(1 - R_\nu)}{\hbar\nu} L \quad (4.158)$$

кўринишига келади. Агар юқори даражали уйғотища фотоўтказувчанлик ΔG мувозанатдаги ўтказувчанлик G_0 дан катта $\Delta G \gg G_0$ бўлса, кучли ютилиш соҳасида $\alpha L \gg 1$ бўлганда (4.150) формула

$$U_{\phi\text{эм}} = \frac{aBD}{L} = \frac{aBD}{\sqrt{D\tau}} \quad (4.159)$$

билин ифодаланади. Намуна юпқа $d \ll L$ бүлганды сиртий рекомбинация тезлигининг жуда катта бўлмаган қийматида аниқланади. Бу ифодалар ҳар хил шароитда ўлчанган $U_{\phi\text{эм}}$ қиймати бўйича яримутказгич параметрларидан τ , L , S ни аниқлаш имконини беради. Шуни таъкидлаш керакки, (4.150) формула бўйича аниқланган сиртий рекомбинация тезлиги $S_1 \neq S_2$ да ёритилмаган сиртники бўлади. Амалиётда заряд ташувчилар яшаши вақтини аниқлашда фотомагнитик ток ва фотоутказувчаникни, аниқроғи, улар нисбатини аниқлашга асосланган усул кўпроқ қўлланилади. Намуна ёритилиб, унда сиртий генерация содир бўлгандага, яъни $aL \gg 1$, $ad \gg 1$, $a \gg \frac{S}{D}$ тенгсизликлар ўринли бўлгандага (4.134) ва (4.154) формулаларга кўра $I_{\phi\text{эм}}/\Delta G$ нисбат

$$\frac{I_{\phi\text{эм}}}{\Delta G} = B \frac{L}{\tau} = B \left(\frac{D}{\tau} \right)^{\frac{1}{2}} \quad (4.160)$$

билин ифодаланади. Бу формулага генерация тезлигини аниқловчи катталиклар (β , I_v , R_v) кирмаган. Тажриба ўтказиш нуқтаси назаридан бу бирмунча кулай, чунки ёруғлик интенсивлигининг мутлақ қийматини ўлчашиб, квант чиқиши коэффициентини билиш талаб этилмайди. Бундан ташқари, у сиртий рекомбинация тезлигига боғлиқ эмас. Шунинг учун бу ифодани ҳар қандай ишловдаги намунага қўллаш мумкин. Юпқа намуналар учун $Z > \frac{D}{S} \gg \frac{d}{2}$ тенгсизлик ўринли бўлгандага

$$\frac{Z_{\phi\text{эм}}}{\Delta G} = \alpha BS \quad (4.161)$$

садда бўлиб, у намуналининг ёритилмаган сиртидаги нисбат сиртий рекомбинацияни аниқлашга имкон беради. Фотоэлектромагнитик эфектининг электр юритувчи

кучи $U_{\phi\text{эм}}$ ни ва қисқа туташув токи $I_{\phi\text{эм}}$ ни ўлчаш курилмасининг чизмаси 4.15-расмда келтирилган. Ёруглик манбаидан ёруглик оқими, (монохроматик) фокусловчи оптик система ОС ва фильтр Φ орқали намунага йўналтирилади. Тўғри бурчакли пластина шаклидаги намуна ўзгармас ток манбай ТМ ўзгарувчан қаршилил ва миллиамперметр mA дан иборат электр занжирга уланади. Ёруглик интенсивлиги кичик частоталарда модуляцияланади. Намунадан фототок ва фотомагнитик ток ўтишидан ҳосил бўлган ўзгарувчан кучланиш селектив кучайтиргич билан кучайтирилади ва вольтметр ёки осциллограф билан қайд қилинади. Қисқа туташув токини ўлчаётганда ташки кучланиш нолга тенг бўлади. Агар намуна қаршилиги шунчалик кичик бўлса, қисқа туташув шартини бажариш мумкин бўлмаса, у ҳолда фотомагнитик ЭЮК ўлчанади ва магнит майдонда жойлаштирилган намуна ўтказувчанилиги ўлчанади ва қисқа туташув токи

$$I_{\phi\text{эм}} = U_{\phi\text{эм}} \cdot G \quad (4.161,6)$$

дан топилади. $I_{\phi\text{эм}}$ ва $U_{\phi\text{эм}}$ ларни ўлчаща мадомики жараёнларнинг стационарлик шарти назарда тутилар экан, ёругликнинг модуляция частотаси шундай бўлиши керакки, фотомагнитик ЭЮК импульс давомийлиги ичидаги вақтда мувозанат ўрнатилишига, импульслар орасидаги вақтда нольга тушиб улгириши керак. (4.160) ва (4.161) муносабатлар асосида τ , L , S ларни аниқлашда фотомагнитик токни ўтказувчанликнинг фототоки билан компенсация қилиб, ўлчаш усули тажрибада бирмунча кулайлик туғдиради. Бу усул билан ўлчаш тартибини кўрайлик. Интенсивлиги модуляция қилинган ёруглик билан ёритилган намунадан оқаётган ток ўтказувчанлик ва қисқа туташув токлари йифиндисидан иборат бўлади:

$$I = I_{\phi\text{эм}} + U(\Delta G + G_0) \quad (4.162)$$

$U\Delta G$ ёруглик интенсивлигига боғлиқ бўлган намуна фототказувчанилиги токи (фототок). Унинг ёруглик оқимининг модуляция частотаси билан ўзариши фотомагнитик ток $I_{\phi\text{эм}}$ каби бўлади. Ташки кучланиш ишораси ва катталигини шундай танлаш керакки, фототок билан қисқа туташув токини компенсациялаш мумкин бўлсин, яъни:

$$I_{\phi\text{эм}} + U \cdot \Delta G = 0 \quad (4.163)$$

Шундай қилиб, $\frac{I_{\phi\text{эм}}}{\Delta G}$ нисбатни аниқлаш учун намунадан оқаётган токнинг ўзгарувчан ташкил этувчиси нольга тенг бўлгани ҳолда намунага қўйилган ўзгармас компенсация кучланишини ўлчаш керак. Кичик ёруғлик интенсивлигига ва кучсиз магнит майдонида компенсация кучланиши U_H фотомагнитик ЭЮК дан анча катта бўлади:

$$\frac{U_K}{U_{\phi\text{эм}}} = \frac{G_0 + \Delta G}{\Delta G} = 1 + \frac{G_0}{\Delta G} \quad (4.164)$$

Ёруғликнинг катта интенсивлигига компенсацияловчи кучланиш фотомагнитик ЭЮК га яқин бўлади. Одатда, фотомагнитик ЭЮК кичик, бирқанча ҳолларда $10^{-8} : 10^{-9}$ В ва ундан кичик бўлиши мумкин. Шу сабабли, уни ўлчашда юқори даражада бир жинсли бўлган намуна танлаш ҳамда магнит майдони бўлмагандан намунани ёритганда ҳажмий фото ЭЮК йўқлигини текшириш керак. Фотоэлектромагнит эфекти заряд ташувчилар яшаш вақтини кенг оралиқда 10^{-4} дан то 10^{-9} с 30—35% хатолик билан аниқлашда қўлланилади. Бу усул, асосан A_3B_5 ва A_2BB бирикмаларда номувозанат заряд ташувчиларнинг кичик яшаш вақтини аниқлашда қўлланилади. A_3B_5 ва A_2B_6 бирикмаларда бу усулни чекловчи омиллар бўлиб, уларга оддий яримўтказгичларга нисбатан катта концентрацияли ёпишиш марказларининг ҳамда сирт қатламидаги ҳажмий заряд соҳасининг таъсирини кўрсатиш мумкин.

4.7 §. Яримўтказгич параметрларини номувозант заряд ташувчилар тақсимотидан (тўғридаи-тўғри) фойдаланиб аниқлаш усуллари

Ёруғлик зондининг қўзғатиладиган усули

Бу усул намунани узун, энсиз (ингичка) фотон энергияси $\hbar\omega \geq E_g$ бўлган ёруғлик зонди билан ёритилганда генерация, рекомбинация ва диффузия жараёнларидан юзага келган номувозанат заряд ташувчилар тақсимотини

ўрганишга асосланган бўлиб, у асосан асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузион узунлигини ўлчаща қўлланади. Бунинг учун намуна сиртига металл зонд (тўғриловчи нуктавий контакт-коллектор) ўрнатилади ёки планар технология билан кичик юзали p - n ўтиш, шоттки тўсифи (баръери) олинади ва унга ёпувчи йўналишда тескари кучланиш берилади. Намуна остига ёки ён сиртига юзаси катта омик контакт олинади. Намунада ёруғлик таъсирида генерацияланган заряд ташувчилар намуна сирти бўйлаб, ички томон бўйлаб диффузияланади ва бу контактларга етиб келиб, биринчи яқинлашишда асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрациясига пропорционал бўлган фототокни ёки фото ЭЮК ни ҳосил қилади. Демак, фототокни ёки фото ЭЮК ни ёруғлик зонди билан коллектор контакти орасидаги ҳар хил масофа X да ўлчангандай қийматлари $\Delta p(x)$ нинг тақсимотини ифодалайди. Кўрилаётган усулининг назарияси ёруғлик зонди билан генерацияланган заряд ташувчилар концентрацияси $\Delta p(x)$ нинг тақсимотини аниқловчи ифодасини тошишга асосланган. Бунинг учун намуна n -тип бўлсин, яримчексиз (жуда қалин) унинг бир томони ясси сиртдан иборат ва ёруғлик зонди энсиз, чексиз узун (ингичка) бўлсин, деб фараз қилинган ҳолни кўрайлик. Агар ёруғлик зонди ён сиртларидан (2 : 3) L дан катта бўлган масофада жойлашган бўлса, ён сиртлардаги рекомбинацияни ҳисобга олинмайди ва масала бир ўлчамли бўлади. Бу ҳолда номувозанат асосий бўлмаган заряд ташувчилар (кавак) тақсимоти цилиндрик симметрия бўйича содир бўлади. Шунинг учун узлуксизлик тенглама (4.118) нинг цилиндрик координата системасида

$$\frac{1}{r} \frac{d}{dr} \left(r \frac{d\Delta p}{dr} \right) - \frac{\Delta p}{\tau_p D_p} + \frac{\alpha \beta I_\nu (1 - R_\nu) e^{-\alpha r}}{h\nu D_p} = 0 \quad (4.165)$$

кўринишда бўлади. Бу ерда r ёруғлик зонди (чизифи)дан коллектор контактигача бўлган (масофа) цилиндр радиуси. (4.165) тенгламанинг ечими нолинчии тартибдаги мавхум аргументли Ханкел функцияси билан ифодаланади.


$$\Delta p(r) = \Delta p(0) i H_0'(ir/Z) \quad (4.166)$$

Масалани умумий ҳолда, яъни ёруғлик зонди маълум бир чекли ўлчамларга эга (узунлиги l , эни W) бўлган ҳол деб қаралганда, ҳисоблашларнинг кўрсатишича, координата r нинг $5w < r < \frac{l}{4}$ оралиғида умумий ечимининг апроексимацияси ҳам (4.166) билан ифодаланади. r/L ни катта қийматларида Ханкел функцияси ўша аргументнинг экспоненциал функциясига ўтади. Координата боши ёруғлик зонди билан қўзғалгани учун намуна сиртида $r = x$ деб қараб, қалин $d \gg L$ яримчексиз намуна учун x ни $5w < r < \frac{l}{4}$ оралиқдаги қийматлари учун (4.166) формула

$$\frac{\Delta p(x)}{\Delta p(0)} = \frac{\exp(x/L)}{\sqrt{(x/L)}} \quad (4.167)$$

(4.167) кўринишни олади. Юпқа намуна $d \gg L$ учун эса номувозанат заряд ташувчилар концентрациясининг тақсимоти

$$\Delta p(x) = \Delta p(0) \exp\left(-\frac{x}{Z}\right)$$



4.16-расм. Асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузион узунлигини ўлчаш қурилмаси схемаси: (Вальдес усули): D — диафрагма; K — металл зонд — коллектор контакти; R_H — юклама қаршилиг; Y — кўчайтиргич; V — вольтметр.

бўлади. X нинг ҳар хил қийматларини олиш учун ёруғлик зонди коллектор контактига нисбатан кўзғатилади (силжитилади) ва ўлчаш вақтида ёруғлик зонди тинч ҳолатда туради. Диффузион узунлик L ни ўлчаш қурилмаларидан бирининг чизмаси 4.16-расмда келтирилган. Ёруғлик манбаидан ёруғлик оқими фокусловчи оптик система OC , фильтр Φ , модулятор M , тирқишили диафрагма D орқали намунага тушади. Тирқишили диафрагма D ёрдамида ёруғлик зондининг кенглигини $50 \div 500$ мкм оралиқда ўзгартириш мумкин. Интенсивлиги бўйича модуляцияланган ёруғлик чети сектор шаклида қирқилган ёки доира шаклида тешикли дискни айлантириш билан ҳосил қилинади. Модуляцияланган ёруғликни қўллаш катта коллектор токидан номувозанат заряд ташувчилар диффузияси туфайли, юзага келган кичик қисм фототокни қайд қилиш имконини беради. Ёруғликнинг импульсли модуляциясида импульснинг давомийлиги, частотаси ҳамда интенсивлиги синусоида бўйича ўзгарувчи ёруғликнинг модуляция частотаси номувозанат заряд ташувчилар концентрациясининг стационарлик шартидан танланади. Импульсли модуляцияда импульснинг давомийлиги t_u куйидаги тенгсизликни


$$t_u \gg \pi r \text{ ва } t_u > \frac{r^2}{4D}; \quad t_u > \frac{r}{(D/r)^{1/2}}$$

қаноатлантириши керак. Ёруғлик оқимининг модуляция частотаси $50 \div 300$ Гц тартибида бўлади. Модуляция частотаси $\frac{1}{\tau}$ га нисбатан анча кичик бўлиши керак. Юқорида таъкидланганига кўра, коллектор контактига тескари йўналишдаги кучланиш қўйилади ва коллектор занжирига уланган юклама қаршилик R_H дан кучланишнинг ўзгарувчан ташкил этувчиси орқали фототок ўлчанади.

R_H дан ўзгарувчан кучланиш тушуби селектив кучайтиргич орқали кучайтирилади ва синхрон детектор ва вольтметр орқали қайд қилинади. Синхрон детекторни қўллаш қурилманинг ўлчаш сезигирлигини оширади. Ярим-ўтказгич намуна кристалл тутгичга қотирилади ва манипулятор (микрометр) билан ёруғлик зондига нисбатан коллектор контактининг ҳолати ўзгартирилади. Металл

зонд намунанинг исталган жойига ўрнатилиши мумкин ва у намуна билан бирга силжийди. Курилманинг шовқин даражасини камайтириш учун контактнинг турғунлигини ошириш учун контактта ток импульси билан ишлов берилади. Ток импульсининг амплитудаси керакли сигнал-шовқин нисбатига эришгунча ошириб борилади. Ўлчанаётган сигнал катталиги шовқин кучланишига яқинлашгунча ёки (4.166) ифодани кўллаш шарти бузилгунча давом этади. Бу усул, асосан германий намуналарида диффузион узунликни ўлчашда қўлланилган, чунки германийда L анча катта, бундан ташқари, қисиладиган металл зонд билан потенциал тўсиқли контактни олиш нисбатан енгил. Бу усулни кремний намуналарида сирт рекомбинация катта, шовқин даражаси юқори, коллектор контактида ВАХни ноцизигий бўлиши, сирт яқинида инверсион қатлам (ҳосил) вужудга келиши туфайли кремнийда L ни ўлчашда кенг қўлланилмаган. L ни ўлчашда иложи борича сирт рекомбинацияни ҳар хил ишловлар билан камайтириш керак. Масалан, германийни $M10$ ва $M14$ сайқалловчи кукунларда сайқаллаш ва 30% ли H_2O_2 (водород пероксидида) кимёвий ишлов бериш тавсия этилади. Агар p -тип германийда ўлчаш ўтказиладиган бўлса, вольфрам зонди p -типпа эса кумуш қотишмасининг зонди ишлатилади. Бу усул асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузион узунлигини 0,1 дан то бир неча миллиметргача бўлган оралиқда 15—20% хатолик билан ўлчашга имкон беради. Тор зонали яримутказгич бирикмалари A_3B_5 да кичик диффузион узунликларни ўлчаш учун планар технология билан олинган $p-n$ ўтишли ёки шоттки тўсиқли намуналар тайёрланади. Қўзғалувчан зонд усулiga 4.17 б, в, г-расмда келтирилган ҳолларни ҳам кўрсатиш мумкин. Бу ҳолда асосий бўлмаган заряд ташувчилар коллектори вазифасини $p-n$ ўтиш ўтайди. Ёруглик зонди бир томонга нишаб ёки шар шлифлари бўйича қўзғатилади. Бу усулларда заряд ташувчиларнинг $p-n$ ўтишини йиғиши коэффициенти

$$Q_n + Q_p = \frac{I_{\text{кст}}}{(I_{\text{кст}})_{\text{max}}}$$




4.17-расм. Диффузион узунликни күзгаливчан ёруғлиқ (электрон) зонди билан үлчаш усуллари: а) Вальдес усули билан үлчаш соҳаси; б) p - n ўтишни; в) нишаб сферик сиртларни қўллаш усуллари.

диффузион узунликка, ёруғликин ютиш коэффициентига ва S/D нисбатга боғлиқ. Назарий ҳисоблашларнинг кўрсатишича, шлиф сиртидан то p - n ўтишгacha бўлган етарлича катта (диффузион узунлик L га нисбатан) масофа $x > x_{kp}$ да $x_{kp}/\alpha > 1$, $x_{kp} > L_p$ ва $\alpha L > 1$ тенгсизлик ўринли соҳада йиғиш коэффициенти $\exp\left(-\frac{x}{L}\right)$ ҳад билан аниқланади.

зонд намунанинг исталган жойига ўрнатилиши мумкин ва у намуна билан бирга силжийди. Курилманинг шовқин даражасини камайтириш учун контактнинг турғунылигини ошириш учун контактта ток импульси билан ишлов берилади. Ток импульсининг амплитудаси керакли сигнал-шовқин нисбатига эришгунча ошириб борилади. Ўлчанаётган сигнал катталиги шовқин кучланишига яқинлашгунча ёки (4.166) ифодани қўллаш шарти бузилгунча давом этади. Бу усул, асосан германий намуналарида диффузион узунликни ўлчашда қўлланилган, чунки германийда L анча катта, бундан ташқари, қисиладиган металл зонд билан потенциал тўсиқли контактни олиш нисбатан енгил. Бу усулни кремний намуналарида сирт рекомбинация катта, шовқин даражаси юқори, коллектор контактида ВАХни ночизифий бўлиши, сирт яқинида инверсион қатлам (ҳосил) вужудга келиши туфайли кремнийда L ни ўлчашда кенг қўлланилмаган. L ни ўлчашда иложи борича сирт рекомбинацияни ҳар хил ишловлар билан камайтириш керак. Масалан, германийни $M10$ ва $M14$ сайқалловчи кукунларда сайқаллаш ва 30% ли H_2O_2 (водород пероксидида) кимёвий ишлов бериш тавсия этилади. Агар n -тип германийда ўлчаш ўтказиладиган бўлса, вольфрам зонди p -типпа эса кумуш қотишмасининг зонди ишлатилади. Бу усул асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузион узунлигини 0,1 дан то бир неча миллиметргача бўлган оралиқда 15—20% хатолик билан ўлчашга имкон беради. Тор зонали яримутказгич бирикмалари A_3B_5 да кичик диффузион узунликларни ўлчаш учун планар технология билан олинган $p-n$ ўтишли ёки шоттки тўсиқли намуналар тайёрланади. Қўзғалувчан зонд усулiga 4.17 б, в, г-расмда келтирилган ҳолларни ҳам кўрсатиш мумкин. Бу ҳолда асосий бўлмаган заряд ташувчилар коллектори вазифасини $p-n$ ўтиш ўтайди. Ёруглик зонди бир томонга нишаб ёки шар шлифлари бўйича қўзғатилади. Бу усулларда заряд ташувчиларнинг $p-n$ ўтишини йиғиш коэффициенти

$$Q_n + Q_p = \frac{I_{\text{кст}}}{(I_{\text{кст}})_{\text{max}}}$$



4.17-расм. Диффузион узунликни күзгалувчан ёруғлук (электрон) зонди билан үлчаш усуллари: а) Вальдес усули билан үлгаш соҳаси; б) p - n ўтишни; в) нишаб сферик сиртларни кўллаш усуллари.

диффузион узунликка, ёруғлукни ютиш коэффициенти-га ва S/D нисбатга боғлиқ. Назарий ҳисоблашларнинг кўрсатишича, шлиф сиртидан то p - n ўтишгача бўлган етарлича катта (диффузион узунлик L га нисбатан) масофа $x > x_{kp}$ да $x_{kp} \alpha > 1$, $x_{kp} > L_p$ ва $\alpha L > 1$ тенгсизлик ўринли соҳада йиғиш коэффициенти $\exp\left(-\frac{x}{L}\right)$ ҳад билан аниқланади.

$$Q = \frac{I_{\text{кн}}}{(I_{\text{кн}})_{\max}} \sim \exp\left(-\frac{x}{Z}\right)$$

боғланишнинг оғишидан диффузион узунликни

$$L = \frac{\Delta X}{\ln(I_{\text{кн}}/(I_{\text{кн}})_{\max})}$$

орқали топилади. Агар коллектор токи Δp катталик билан начизигий боғланған бўлса, доимий (ўзгармас) фототок усули қўлланилади. Бу ҳолда номувозанат заряд ташувчилярнинг генерацияланиш соҳасида концентрация $\Delta p(0)$ ёруғлик интенсивлигига чизиқли боғланган деб фараз қилинади. У вақтда

$$AI_{0\nu} \exp\left(-\frac{x}{Z}\right) = \text{const}$$

бўлади. Шундай қилиб, ҳар хил масофада бир хил ўзгармас коллектор фототокини таъминловчи ёруғлик интенсивлигини билиб, L ва τ ларни топиш мумкин. Масалан, иккита масофада бир хил фотосигналларни ҳосил қилувчи $I_{0\nu 1}$ ва $I_{0\nu 2}$ ёруғлик интенсивликларининг қийматини билган ҳолда

$$AI_{0\nu 1} e^{-\frac{x_1}{Z}} = AI_{0\nu 2} e^{-\frac{x_2}{Z}} = \text{const} \quad (4.173)$$

ифодадан диффузион узунлик $L = \frac{X_2 - X_1}{\Delta \ln\left(\frac{I_{0\nu 1}}{I_{0\nu 2}}\right)}$ билан топи-


лади. Δp ёки $\ln I_{0\nu}$ ларни х га боғланишининг оғишидан L ни бу усул билан аниқлашда ҳеч қандай қўшимча параметрларни билиш талаб этилмайди. τ ни аниқлаш учун D ни билиш талаб қилинади. Амалиётда ёруғлик зондининг қўзғалувчан усули билан диффузион узунликни $L > 50$ мкм соҳада ўлчаш мумкин. Диффузия коэффициенти $D = 40$ см²/с n -тип кремнийда, яшаш вақтининг $\tau = 10^{-6}$ сек қий-

мати түғри келади. Кейинги йилларда ёруғлик манбаи сифатида лазер нурларидан фойдаланилмоқда, фокусловчи оптик тизим сифатида микроскоп (масалан, МБИ-11) құлланилади.

б. Ёруғлик нури (зонди)нинг ҳаракатланувчи усули

Яримұтқазгичлар параметрларини үлчашнинг бүлгінен анықтауда көп пәндердегі деңгээлде орналаскан. Ёруғлик (зонди) нури генерациялаган асосий бүлмаган номувозанат заряд ташувчиларнинг тақсимоти $\Delta p(x, y, z, t)$ ни үрганишга асосланған. $\Delta p(x, y, z, t)$ ни тескәри күчләнеш берилған, түғриловчи яримтұтқазгич-металл нүктавий контакттың (зонди) ёки кичик юзали $p-n$ штифті, шоттки түсіфи орқали қайд қилинади (4.18-расм).

Ёруғлик зондидан ҳосил бүлган номувозанат заряд ташувчилар намунанинг ёритилмagan қисмiga диффузияланади. Ёруғлик зондининг ҳаракатланиши туфайли, заряд ташувчиларнинг фазодаги тақсимоти намуна бүлгінен үлчашылады. Ёруғлик зонди билан күчіб юради. $\Delta p(x, y, z, t)$ нинг назарий ифодасини аниқлашда яримтұтқазгич намунаси n -тип бүлсін, унинг бүйі (a) , эни (b) қалинлігі d дан катта $a > b \gg d$ бүлсін, деб оламиз. У ҳолда намуна ён сиртларидаги рекомбинация ҳисобга олинмайды ва номувозанат заряд ташувчилар концентрациясы фақат иккі x, z координаталар ҳамда вакт функциясы бўлади. Намуна-нинг ёритилмagan соҳасида генерация тезлиги $g = 0$ бўлгани учун, асосий бүлмаган заряд ташувчилар концентра-



4.18-расм. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ҳаракатланувчан ёруғлик зонди усули билан үлчаш курилмасиннинг схемаси.

циясининг намуна қоронғи қисмидаги тақсимоти Δp (x, z, t)

$$\frac{\partial \Delta p}{\partial t} = D_p \operatorname{div}(\operatorname{grad} \Delta p) - \frac{\Delta p}{\tau_p} \quad (4.174)$$

узяуксизлик тенгламанинг

$$\begin{aligned} D_p \left. \frac{\partial \Delta p}{\partial z} \right|_{z=0} &= -S \Delta p \\ D_p \left. \frac{\partial \Delta p}{\partial z} \right|_{z=d} &= S \Delta p(d) \end{aligned} \quad (4.175)$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими орқали топилади. Ёрглик зонди билан бирга ҳаракатланувчи координата системасида

$$\begin{aligned} \xi &= x + vt \\ \eta &= z \end{aligned} \quad (4.176)$$

номувозанат заряд ташувчиларнинг тақсимоти вақтга боғлиқ бўлмайди, яъни стационар бўлади. (4.174) тенглама янги координата системасида ўзгарувчанларни ажратиш усули орқали ечилади, сўнг қўзғалмас координата системасига ўтилади. (4.174) тенгламанинг қўзғалмас координата системасида ёрглик нурининг ўнг томонидаги ечими

$$\Delta p(x, z, t) = C_1 \exp\left(-\frac{x}{l_1}\right) \exp\left(\frac{vt}{l_1}\right) \left(\frac{S_2}{D_4} \sin \alpha_1 z + \cos \alpha_1 z \right) \quad (4.177)$$

ёрглик нурининг чап томонида

$$\Delta p(x, z, t) = C_2 \exp\left(-\frac{x}{l_2}\right) \exp\left(\frac{vt}{l_2}\right) \left(\frac{S'_2}{D\alpha_2} \sin \alpha_2 z + \cos \alpha_2 z \right) \quad (4.178)$$

күринишда бўлади. C_1 , C_2 — интеграллаш доимийлари

$$l_1 = \left\{ \left[\left(\frac{v}{2D_p} \right)^2 + L_{\alpha_1}^{-2} \right]^{\frac{1}{2}} + \frac{v}{2D_p} \right\}^{-1} \quad (4.179)$$

$$l_2 = \left\{ \left[\left(\frac{v}{2D_p} \right)^2 + L_{\alpha_1}^{-2} \right]^{\frac{1}{2}} - \frac{v}{2D_p} \right\}^{-1}$$

$$l_1 \cdot l_2 = L_{\alpha_1}^{-2}$$

Z_{α_1} ва α_1 катталиклар

$$\frac{1}{D_p \tau_p} = \frac{1}{L_p^2} = Z_{\alpha_1}^{-2} - \alpha_1^2 \quad (4.180)$$

ифода билан боғланган. Интеграллаш доимийларини то-пишда (4.175) чегаравий шартларни қўллаш

$$\left(D_p \alpha + \frac{S^2}{D_p \alpha} \right) \operatorname{tg} \alpha d = 2S \quad (4.181)$$

кўринищдаги трансдент тенгламага олиб келади. Бу трансдент тенглама α нинг кўп илдизлари α_n га эга, бунга мос келган L_{α_1} , l_1 , l_2 ларнинг ҳам кўп қийматлари мос келади. Бу тенглама илдизларининг таҳдили қўрсатишича, l_{1n} ва l_{2n} ларнинг қиймати n -ортиши билан тез камайиб (боради) кетади. Шунинг учун l_{12} ва l_{22} дан катта масофада (4.177) ва (4.178) кўринищдаги ечими ўринли бўлади. Ҳақиқатда, агар ёруғлик нури x ўқи бўйича чапдан ўнгга кўчса, намуна сиртига жойлашган бирор нуқтадаги заряд ташувчилар концентрацияси унга ёруғлик нури яқинлашиши билан ортади. Бу ўзгариш (4.177) дан кўринадики, вақт доимийси $\frac{l_1}{v}$ бўлган экспонента қонуни билан содир бўлади. Ёруғлик нури у нуқтадан ўтиб кети-

ши билан заряд ташувчиларнинг концентрацияси вақт бўйича камая бошлайди. Δp нинг камайиши вақт доимийси $\frac{l_2}{v}$ бўлган экспонента қонуни билан бўлади. Агар ўлчаш зондини, яъни коллектор контактини намунанинг координаталари x_1 , z_1 бўлган нуқтасига жойлашган деб қарасак, номувозанат заряд ташувчиларнинг шу нуқтадаги ҳаракатланувчи ёруғлик зонди ҳосил қилган концентрациясининг вақт бўйича ўзгаришини (4.178) ва (4.179) ларга кўра

$$\Delta p(x, z, t) = \text{const} \cdot \exp\left(\frac{v}{l_1} t\right) \quad (4.182)$$

$$\Delta p(x, z, t) = \text{const} \cdot \exp\left(\frac{v}{l_2} t\right) \quad (4.183)$$

кўринишдаги формуалар билан ифодалаш мумкин. Шундай қилиб, намуна сирти бўйлаб U тезлик билан ҳаракатланувчи ёруғлик зонди (нури) координатаси (x, y, o) бўлган нуқтага жойлашган коллектор контактига яқинлашганда Δp га пропорционал равишда фототок ёки фото ЭДС (юклама қаршиликка тушган ўзгарувчан кучланиш) орта боради, контактга етиб келганда максимумга эришади ва ундан ўтгандан сўнг камая боради. Демак, бу фотосигналнинг вақт бўйича ўзгариши муайян белгиланган нуқтадаги заряд ташувчилар концентрациясининг вақт бўйича ўзгариш қонуниятини кўрсатади. Ёруғлик нури тезлиги v ни билган ҳолда фотосигналнинг вақтга боғланишидан l_1 ва l_2 топилади ва улар орқали диффузия коэффициенти

$$D_p = \frac{l_1 l_2}{l_1 - l_2} v \quad (4.184)$$

формула билан ҳисоблаб топилади. Сирт рекомбинация ва диффузион узунликни аниқлаш учун сирт рекомбинацияси тезликлари бир хил бўлган икки хил қалинликдаги намуналарда ўлчаш ўтказилади ва ҳар бир намуна учун l_1 ва l_2 топилади ва D_p ни билган ҳолда

$$\begin{aligned} \left(D_p \alpha_1 - \frac{S^2}{D_p \alpha_1} \right) \operatorname{tg} \alpha_1 d &= 2S \\ \left(D_p \alpha_2 - \frac{S^2}{D_p \alpha_2} \right) \operatorname{tg} \alpha_2 d_2 &= 2S \end{aligned} \quad (4.185)$$

трансдент тенгламалар системасидан биринчи илдизлари α_1 ва α_2 ҳамда S топилади. a_1 ва a_2 , l_1 ва l_2 ларни билган ҳолда

$$\begin{aligned} \frac{1}{L_p^2} &= \frac{1}{l_1 l_2} + \alpha_1^2 \\ \frac{1}{L_p^2} &= \frac{1}{l_1' l_2'} + \alpha_2^2 \end{aligned} \quad (4.186)$$

ифодалар орқали диффузион узунлик L_p ҳисобланади. Сирт рекомбинацияси тезлиги кичик $S \ll D_p \alpha_1$ бўлганда, $\operatorname{tg} \alpha_1 \approx \alpha_1 d_1$ бўлади ва сирт рекомбинацияси тезлиги

$$S = \frac{D_p}{2} \frac{d_1 d_2}{d_1 - d_2} (L_{\alpha_1}^{-2} - L_{\alpha_2}^{-2}) \quad (4.187)$$

дан ҳисобланади. Топилган S бўйича диффузион узунлик

$$\begin{aligned} L_p &= \left(\frac{L_{\alpha_1}^2 D_p d_1}{D_p d_1 - 2 S L_{\alpha_1}^2} \right)^{\frac{1}{2}} \\ L_p &= \left(\frac{L_{\alpha_2}^2 D_p d_2}{D_p d_2 - 2 S L_{\alpha_2}^2} \right)^{\frac{1}{2}} \end{aligned} \quad (4.188)$$

бўйича ҳисобланади. D_p ва L_p ларни билган ҳолда заряд ташувчиларнинг яшаш вақти

$$\tau = L_p^2 D_p^{-1} \quad (4.189)$$


билин, биқутбий диффузион ҳаракатчанлик Эйнштейн муносабатидан

$$\mu = D \frac{e}{K T} \quad (4.190)$$

топилади. Агар сирт рекомбинациясини эътиборга олмаслик мумкин бўлса, масаланинг ечими соддалашади. Ҳақиқатда $S = 0$ да чегаравий шартлар (4.175) дан фойдаланишга ҳожат қолмайди ва масала бир ўлчамли бўлади. Трансдент тенглама ечими $\alpha_1 = 0$ бўлади. У вақтда диффузион узунлик

$$L_p = (l_1 l_2)^{\frac{1}{2}} \quad (4.191)$$

билин, диффузия коэффициенти (4.184) билан, заряд ташувчиларнинг яшаш вақти $\tau = \frac{l_1 + l_2}{u}$ формулалар билан ҳисобланади. Ёруғлик нуриининг ҳаракатланувчи усули билан номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ўлчаш қурилмасининг чизмаси 4.19 а, б-расмда келтирилган. Монохроматик ёруғлик оқими S_1 ва S_2 кўзгулар, тирқишли диафрагма D ёрдамида намуна сиртига йўналтирилади. Ёруғлик оқимининг кенглиги 10^{-2} дан то 1 мм гача ўзгаради. Ёруғлик нуриининг намуна сирти бўйлаб ҳаракати айланувчи кўзгудан ёруғликнинг қайтиши орқали пайдо қилинади. Коллектор токига пропорционал бўлган кучланиш юклама қаршилиқ R_H дан кучайтиргич U га ва осциллографга берилади. Осциллограмма ўлчашиб зондини контактланиш нуқтасидаги заряд ташувчиларнинг вақт бўйича (4.182) ва (4.183) ифодалар билан аниqlанадиган тақсимотини кўрсатади. Осциллограммадан $\ln V_k = f(t)$ боғ-



4.19-расм. Коллектор фото ЭЮК нинг чизиқли (a) яримлогарифмик (b, c) масштаблардаги осциллограммаси.

ланиш чизилади ва унинг түғри чизиқли боғланиш соҳасидан $\frac{V}{l_1}$ ва $\frac{V}{l_2}$ лар, ёруғлик нуридан ўнгда

$$\frac{\Delta \ln U_k}{\Delta t} = \frac{\Delta \ln \Delta p}{\Delta t} = \frac{V}{l_1}$$

ва ёруғлик нуридан чапда

$$\frac{\Delta \ln V_k}{\Delta t} = \frac{V}{l_2}$$

экспонентанинг вақт доимийлари топилади. Намуна сирти бўйлаб ҳаракатланувчи ёруғлик зондининг тезлиги V ни аниқлаш учун биринчи коллектор зондидан қандайдир масофа, иккинчи коллектор зонд ўрнатилади. Йкки зонд орасидаги масофани ёруғлик зонди босиб ўтган вақтга нисбати V ни беради. Бу усул олдин германий, кейинчалик кремний, индий, суръма (*InSb*) ва бошқа яримтказгич намуналарининг параметрларини ўлчашда қўлланилган. Ўлчац давомида индий, суръма ва германий намуналарида ёпишиш марказларининг таъсири кучлироқ намоён бўлган. Бу марказлар томонидан эркин заряд ташувчиларнинг тутилиши осциллограмманинг горизонтал ўқ билан бироз чўзилишига ва ниҳоят экспонента вақт доимийсининг ошишига олиб келган. Шунинг учун осциллограмманинг бу соҳасига температура ўзгаришининг ва кучсиз ёритишнинг таъсири кўрсатилган. Юқорида муҳокама қилинган ёруғлик зондининг кўзғалувчан, ҳаракатланувчи усулларидаги ёруғлик зондининг ўрнига электрон зондини қўллаш орқали диффузион узунлиги кичик бўлган A_3B_5 ва A_2B_6 яримтказгич бирикмаларини текшириш ва уларда диффузион узунликни ўлчаш имкони туғилди.

Диффузион узунликни электрон зонди усули билан ўлчашда, одатда намунанинг электрон зондига тик ёки параллел сиртларида планер технология билан кичик юзали $p-n$ ўтиш ёки шоттки тўсиги олинган структуралар қўлланилади.

Электрон концентрацияси 10^{17} см^{-3} бўлган *n*-тип *CdTe* да заряд ташувчилар диффузион узунлигини ўлчаш учун

намуна сиртига шоттки түсиги олинган ва шоттки түсигидан $0,1 \div 14$ мкм масофада энергияси $5 : 25$ кэВ бўлган электрон нури билан асосий бўлмаган заряд ташувчилар (кавак) уйғотилган. Шоттки түсигига $0,1$ В дан ортиқ бўлмаган кучланиш уланган. Бу диффузион узунликни $0,4 \div 3$ мкм оралиқда ўлчашиб имконини беради. Электрон зонди усулининг кенг қўлланишини чекловчи бир неча омиллари мавжуд бўлиб, улардан муҳимлари сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Электрон зонди билан номувозанат асосий бўлмаган заряд ташувчилар генерацияланиш соҳаси энининг чекли бўлиши. Электронни $5 \div 30$ кВ кучланиш билан тезлантирилганда заряд ташувчилар генерацияланиш соҳаси $0,1$ дан то $2,1$ мкм гача ўзгарган. Электрон зонди усули, ёруғлик зонди усули каби, $x > L$ да яхши натижалар беради. Бу шартни юпқа эпитаксиал қатламларда қаноатлантириш қийин, шунинг учун бу ҳолда электрон зондининг қўзғалувчан усули қўлланилмайди.

2. Кенг тақиқланган зонали яримўтказгичларни, масалан, кремнийни сирт соҳасида маълум бир шароитда камбағаллашган ёки инверсион қатламнинг ҳосил бўлиши. Бу ҳолда ҳажмий заряд соҳасининг электр майдони ва $p-n$ ўтишга, шоттки түсигига уланган ташқи майдон сирт бўйича тарқалиши мумкин ва асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг дрейф ташкил этувчисини юзага келтиради, натижада ўтчанаётган диффузион узунликнинг ортишига олиб келади. Бундан ташқари, $p-n$ ўтишнинг йиғувчи юзасининг ортишига ва, ниҳоят ҳисоблашда хатоликнинг ошишига олиб келади. Атроф муҳитни ўзгартириб, сиртий потенциални бошқариш орқали бу чекловчи омилнинг таъсирини йўқотиш мумкин. Намуна сиртида “ясси зона” ёки заряд ташувчилар билан кучсиз бойиган режими амалга оширилиши мақсаддага мувофиқ бўлади.

3. Рекомбинацион нурланиш кучли намоён бўладиган тўғри зонали яримўтказгичларда асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг коллектори яқинида рекомбинацион нурланиш фотонининг қайта ютилиши.

Бу бир неча диффузион узунликдаги (бирламчи асосий бўлмаган заряд ташувчилар томонидан) юзага келган кичик коллектор сигналидан аниқланадиган диффузион узунлик қийматининг ортишига олиб келади (4.19в-расм).

Кўзғалувчан, ҳаракатланувчи электрон зондини олишда растрли электрон микроскопнинг исталган типи ишлатилиши мумкин.

4.8-§. P - n ўтишнинг ва Шоттки түсифининг қисқа туташув фототокини ўлчашга асосланган диффузион узуунликни аниқлаш усули

Бу усул билан олдин p - n ўтиш (эпитаксиал структура)-нинг таркибий қисми бўлмиш эпитаксиал қатламда заряд ташувчиларнинг диффузион узуунлигини ўлчашни кўрайлик.

Аниқлик киритиш учун n -типдаги тагликка қалинлиги W бўлган p -типдаги эпитаксиал қатlam ўстирилган ва намунани эпитаксиал қатlam томонидан $x=0$ текислиги фотон энергияси $\hbar\omega \geq Eg$ бўлган ёруғлик оқими билан ёритилган бўлсин деб олайлик. Умуман олганда, ёруғлик оқими эпитаксиал қатламда, p - n ўтишнинг ҳажмий заряд соҳасида, тагликда номувозанат электрон-кавак жуфтларини генерациялайди ва фототокка ҳар бир соҳадаги номувозанат асосий бўлмаган заряд ташувчилар ўз ҳиссаларини қўшадилар. Шунинг учун p -тип эпитаксиал қатlam учун асосий бўлмаган номувозанат заряд ташувчилар (электрон) концентрациясининг тақсимоти Δn ни ва у билан боғлиқ фототок ифодасини таҳлил қиласайлик. P -тип эпитаксиал қатламда рекомбинацион нурланишни ва уни қайта намунада ютилишини ҳисобга олмагандан, номувозанат электроннинг концентрацияси $a > b \gg w$ да бир ўлчамли

$$D_n \frac{d^2 \Delta n}{dx^2} - \frac{\Delta n}{tn} + g_0 e^{-\alpha x} = 0$$

узлуксизлик тенгламанинг

$$D_n \left. \frac{d \Delta n}{dt} \right|_{x=0} = S \Delta n(0)$$

$$D_n \left. \frac{d \Delta n}{dx} \right|_{x=d} = 0$$

чегаравий шартларини қаноатлантирувчи ечими орқали топилади. Бу ҳолда қисқа туташув фототоки фақат p -тип эпитаксиал қатламда генерацияланган асосий бўлмаган заряд ташувчилар бўлмиш электроннинг диффузион ток зичлиги

$$j_{k,t} = eD_n \frac{d\Delta n}{dx} \Big|_{x=w} \quad (4.193)$$

билин аниқлашини кўрамиз. Хисоблашларнинг кўрсатишича, $j_{k,t}$ нинг ифодаси

$$j_{k,t} = \frac{eg_0 L_n}{\alpha^2 L_n^2 - 1} \left\{ - \frac{(S + \alpha D_n) \operatorname{sech}(w/L_n)}{L_n + s\operatorname{th} \frac{w}{L_n}} + \right. \\ \left. + \left[\alpha Z_n \frac{S + L_n(\tau_n) \operatorname{th}(w/L_n)}{(L_n/\tau_n + S\operatorname{th} w/L_n)} \right] e^{-\alpha w} \right\} \quad (4.194)$$

кўринишни олади. Агар эпитаксиал қатлам қалинлиги етарлича катта, ёруғлик кучли ютилсин, сирт рекомбинацияси тезлиги кичик бўлсин деб фараз қилсан, яъни

$$\alpha w > 3 \quad (4.195a)$$

$$\alpha Z_n > 3 \quad (4.195b)$$

$$S = 0 \quad (4.195c)$$

да шартлар ўринли бўлади. (4.194) ифоданинг иккинчи ҳадини ташлаб юбориш мумкин. У вақтда (4.194) соддлашади ва $j_{k,t}$ нинг ифодаси

$$j_{k,t} = \frac{e(1-R_v)}{hv} \operatorname{sech} \left(\frac{w}{L_n} \right) \quad (4.196)$$

кўринишга келади. (4.195 а, б, в) шартларни арсенид-галлий эпитаксиал қатлам мисолида баҳолаб кўрайлик. Эпитаксиал қатлам гелий-неон лазер нури $h\nu = 1,96\text{эВ}$ ($\lambda = 0,6328 \text{ мкм}$) билан ёритилган бўлсин. Ёруғликнинг бу тўлқин узунлигидаги хусусий ютилиш коэффициенти $\alpha \approx 4,4 \cdot 10^4 \text{ см}^{-1}$ бўлади. (4.194a) шартни қаноатлантирувчи эпитаксиал

қатлам қалинлиги $1 \div 10$ мкм, (4.195б) шартни қаноатлантирувчи заряд ташувчилар диффузион узунлиги $L_n > 1$ мкм бўлиши керак. Агар (4.195б) шарт бузилиб, $L_n < 1$ мкм, ажадулини $L_n < 3$ бўлганда $j_{k,t}$ қисқа туташув фототоки (4.194) дан

$$j_{k,t} = \frac{eI_{0v}(1 - R_v)}{h\nu} \frac{\alpha^2 L_n^2}{\alpha^2 L_n^2 - 1} \operatorname{sech}\left(\frac{w}{L_n}\right) \quad (4.197)$$

ифода билан аниқданишини кўрамиз. Суюқлик эпитаксия технологияси билан ўстирилган, қалинлиги $1 \div 10$ мкм оралиқда бўлган GaAs эпитаксиал қатламда L_n ни ўлчаш натижалари, унинг заряд ташувчилар концентрациясига боғлиқлигини кўрсатди. Асосий заряд ташувчилар концентрациясининг $P_0 = (10^{16} : 10^{19}) \text{ см}^{-3}$ оралиғида $Z_n = 0,1$ дан то 1 мкм гача ўзгарган (4.20а-расм). Сирт рекомбинацияси тезлигини камайтириш мақсадида одатда эпитаксиал қатлам устига шу типидаги GaAlAs қатлам ўстирилади. Тажрибадан аниқланган L_n қийматлари учун (4.194) му-



4.20-расм. а) GaAs эпитаксиал қатламида электрон-ковак диффузион узунликларининг асосий заряд ташувчилар концентрациясига боғланиши. 1 — германий билан легирланган p — GaAs учун, 2 — қалай билан легирланган n — GaAs учун. б) GaAs ли $p-n$ ўтиш қисқа туташув фототокининг p -қатлам қалинлигига боғланиши. 1 — $p = 1,1 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-3}$, $L_n = 5,5 \text{ мкм}$; 2 — $p = 6,0 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$, $L_n = 200 \text{ мкм}$; в) Шоттки диоди фототокининг тескари сифимига боғланиши.

носабатнинг таҳлили шуни кўрсатадики, (4.195а) ва (4.195б) тенгсизликлар сирт рекомбинациясининг $S < 10^4 \text{ см}/\text{с}$ қийматларида ўринли бўлар экан. Бундан (4.195в) шартни $S < 10^4 \text{ см}/\text{с}$ билан алмаштириш мумкинлиги кўрсатилган. Тажрибадан L_n ни аниқлашда p - n ўтишнинг юзаси $5 \cdot 10^{-4} \text{ см}^2$, юклама қаршилик 1 Ом бўлган ёруғлик манбаи сифатида гелий-неон лазери кўлланилган. L_n ни аниқлашда қисқа туташув фототок ўлчашдан ташқари, ёруғлик интенсивлигини, ёруғликни намунадан қайтиш коэффициентини билиш лозим. Эпитаксиал қатлам қалинлиги шар ёки қия (нишаб) шлиф усули билан ёки тўғридан-тўғри растрли электрон микроскоп билан аниқланиши мумкин.

Диффузион узунлик p - n ўтиш қисқа туташув фототокининг эпитаксиал қатлам қалинлигига боғлиқлигидан ҳам аниқланиши мумкин.

$\alpha w > 1$ ва $\alpha L_n > 1$ да p - n ўтиш қисқа туташув фототоки (4.197) дан

$$j_{k.t} \sim [e^{w/L_n} - \kappa e^{-w/L_n}]^{-1} \quad (4.198)$$

бўлади. Бунда коэффициент:

$$\kappa = \frac{(S/D_n - 1/L_n)}{(S/D_n + 1/L_n)} < 1 \quad (4.199)$$

Қалинлиги диффузион узунликдан катта $w > L_n$ эпитаксиал қатламлар учун (4.198) нинг биринчи ҳади устунлик қиласди. Шунинг учун $j_{k.t}$ нинг W га чизиқли боғланиш графигидан L_n ни ҳисоблаш мумкин. Агар намуна қалинлиги диффузион узунлик тартибида ёки ундан кичик $w \leq L_n$ бўлса, қисқа туташув фототоки S/D_n ва $1/Z_n$ ларга боғлиқ бўлади. Бу ҳолда тажрибадан аниқланган ҳамда назарий ҳисобланган $j_{k.t}$ (w) боғланишларининг бир-бирига мос тушиш шартидан коэффициент κ -ни ва у орқали S/D_n аниқланади. D_n нинг қийматини p -тип материалларда электрон ҳаракатчанлиги орқали боғланиши мумкин. Бунинг учун p -типдаги электрон ҳаракатчанлиги, шундай концентрациядаги заряд ташувчиларга эга бўлган n -типдаги электрон ҳаракатчанлигига тенг деб қаралади. Энди

$p-n$ ўтишда ва шоттки түсифида ҳажмий заряд соҳасининг кенглиги диффузион узунлиги L_n тартибида бўлган ярим-ўтказгичлар учун L_n ни аниқлашни кўрайлик. Юқори Омли намуналарда олинган $p^+ - n$, ёки $n^+ - p$ ўтишлар ёки шоттки түсиқлариридир. Бу структураларнинг фотоэффект на-зариясига кўра қисқа туташув фототоки

$$j_{\text{к.т}} \sim \frac{\alpha(w + L_n)}{(1 + \alpha L_n)} = f(\alpha, w, L_n) \quad (4.200)$$

бўлади. Бу ифодани қўллаб, L_n ни тажрибадан аниқлаш асосида қисқа туташув фототокининг ҳажмий заряд соҳаси кенглигига боғлиқлиги ётади. Маълумки, потенциал түсиқли структураларда ҳажмий заряд соҳасининг кенглиги унга қўйилган кучланишга боғлиқ. $P-n$ ўтишни ҳажмий заряд соҳа кенглигининг кучланиш билан ўзгариши ўз навбатида потенциал түсиқ сифимининг ўзгаришига олиб келади. Бундан $p-n$ ўтиш ва Шоттки түсиқлари қисқа туташув фототокларининг ҳажмий заряд соҳаси қалинлигига қараб ўзгаришини потенциал түсиқнинг сифим ўзгариши орқали ифодалаш мумкинлиги кўринади. Түсиқ сифимининг ҳажмий заряд соҳаси кенглиги W билан $C(u) = \frac{\epsilon_0 \epsilon}{w} A$ боғланишда бўлишлигини назарда тутсак, (4.198) ифодани $\frac{\epsilon \epsilon_0 A}{C(u)}$ билан тўғри чизиқли боғланишда бўлишлигини кўрамиз. Бу ерда $A-p-n$ ўтиш ёки Шоттки түсифининг юзаси ϵ — яримўтказгичнинг диэлектрик синг-дирувчанлиги $C(u)$ ҳар хил кучланишдаги түсиқ сифими.

Шундай қилиб, $p-n$ ўтиш ва шоттки түсиқларининг қисқа туташув фототоки орқали диффузион узунликни аниқлашнинг иккинчи усулида уларга қўйилган ҳар хил кучланишларда бир вақтда бир хил интенсивликдаги ёруғлик билан ёритишдан ҳосил бўлган қисқа туташув фототокининг сўниш сифими ўлчанади ва ўлчангандаги $j_{\text{к.т.}}$ нинг $\frac{\epsilon_0 \epsilon}{C(u)} A$ га боғланиши чизилади. (4.20 в-расм). Бу боғланишнинг тўғри чизиқли соҳасини абсцисса ўқи билан кесишигунча давом эттириб, у кесма узунлигидан диффузион узунлик топилади $L_n = \frac{\epsilon \epsilon_0 A}{C(u)}$. Бундай ўлчашни ўтказишда ёруғликнинг $\alpha w < 1$ тенгсизлик ўринли бўлган спектрал соҳаси танланади. Бундан ташқари, заряд та-

шувчилар яшаш вақти ҳажмий заряд соҳасининг дрейф вақтидан катта бўлиши кераклиги кўрсатилган. *GaP* учун $t_{dr} \approx 10^{-12}$ С. Сигим *C(u)* намуна ёритилган ҳолатда 1 МГ частотада ўлчанганд. Юқорида изоҳланганлардан кўрина-дикни, бу усул эпитаксиал қатламларда номувозанат асо-сий бўлмаган заряд ташувчиларнинг кичик диффузион узунлигини ўлчаш мумкин. Ҳамда ҳар хил шароитда ҳар хил қалинликда ўтказилган тажриба натижалари диффу-зия коэффициентини, сирт рекомбинацияси тезлигини, заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқлашга имкон бе-ради.

ЧУҚУР САТҲЛИ МАРКАЗЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

5.1-§. Чуқур сатҳли марказларнинг параметрлари

Яrimўтказгич материаларининг тақиқланган зоналарида чуқур энергия сатҳларини ҳосил қиласидиган кристалл панжара нуқсонлари чуқур сатҳли марказ (тутқичлар) деб юритилади. Бу нуқсонларга киришма атомларини, радиацион нуқсонларни, термик ишлов жараёнларида пайдо бўлган термик нуқсонларни кўрсатиш мумкин. Чуқур сатҳли марказлар рекомбинация марказлари ёки тутқич марказлари каби бўладилар. Биринчи ҳолда чуқур сатҳлар заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини, диффузион узунлигини камайишига олиб келади ва яrimўтказгич асбобларининг характеристикаларига кучли таъсир кўрсатади. Чуқур сатҳ (ЧС) лар рекомбинацион марказлар сифатида лазер ва ёруғлик (свето) диодларининг нурланиш интенсивлигини камайтиради. Чуқур сатҳли марказлар тутқич марказлари сифатида заряд тўпланишига таъсир қилиши мумкин. Назорат остида киритилган чуқур сатҳли марказ (ЧСМ)лар бир қанча ҳолларда яrimўтказгичларда керакли хусусиятлар ҳосил қилиши мумкин. Масалан, арсенидгаллий (*GaAs*) га киритилган хром киришма атоми юқори Ом ли (қаршилиги катта бўлган) намуналар олишга имкон беради. Кремнийни тилла (*Au*), платина (*Pt*) киришма атомлари билан легирлаб, заряд ташувчилар яшаш вақтини бир неча тартибга камайтиришга эришилди ва у намуналар асосида саноатда тезкор импульсли диод ва триисторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Демак, яrimўтказгичларда ЧСМлар мақбул ва номақбул ҳодисаларни содир қиласар экан. Шунинг учун чуқур сатҳлар хоссаларини ўрганиш, технологик жараёнларда пайдо бўлишигини назорат қилиш, улар табиатини аниқлаш яrimўтказгичлар физикасида муҳим ўрин тутади.

Заряд ташувчилар бұлмиш электронни, ковакни ЧСларга тутиб олгунча, тутгандан сүнг қандай зарядланган ҳолатыда бўлишига қараб, саёс сатҳлар каби, чуқур марказ донор ёки акцептор характеристига эга бўлиши мумкин. Чуқур сатҳлар хоссалари тақиқланган зонадаги ҳолати E_r , концентрацияси N_r дан ташқари, электронни, ковакни мос равишда сатҳдан термик чиқариш коэффициентлари e_n , e_p ҳамда электронни, ковакни сатҳга тутилиш кесимлари S_n , S_p билан аниқланади. Электрон, ковакни марказга тутилиш коэффициентлари γ_n , γ_p тутилиш кесимлари S_n , S_p орқали қуйидаги


$$\gamma_n = S_n v_t; \quad \gamma_p = S_p v_t \quad (5.1)$$

муносабатлар билан боғланган. Бу ерда: v_t — заряд ташувчилар ўртача тезлиги бўлиб, унинг қиймати

$$v_t = (KT/\pi m)^{1/2} \quad (5.2)$$

ифодадан топилади. Маълумки, заряд ташувчиларнинг E_r сатҳга тутилиш кесими чуқур марказнинг қандай зарядланган ҳолатда бўлишига боғлик.

Зарядланган марказ кулон тортишиш маркази бўлганда тутилиш кесими 10^{-14} см², кулон итарувчи маркази бўлганда тутилиш кесими 10^{-19} см², марказ нейтрал бўлганда тутилиш кесими 10^{-16} : 10^{-17} см² тартибида бўлади. Баъзан, ЧСМларда тутилиш кесимлари юқорида келтирилган қийматларидан катта фарқ қилиши мумкин. Шундай қилиб, чуқур энергия сатҳлари E_r , N_r , e_n , e_p , S_n , S_p параметрлар орқали аниқланар экан. Бу параметрларни ўлчаш усуслари устида тўхташдан олдин уларнинг боғланишларини аниқловчи баъзи бир муносабатларни кўриб чиқайлик. Яримўтказгич n -тип бўлсин ва унда саёс сатҳли концентрацияси N_{cd} бўлган донор марказидан ташқари концентрацияси N_r , тақиқланган зонада энергия сатҳи E_r бўлган ЧСМлар бўлсин ҳамда электр нейтраллик соҳаси (ЭНС)да $F - E_r > 4kT$ тенгсизлик бажарилсин. Бундай на муналарда чуқур сатҳда электрон концентрациясининг вақт бўйича ўзгаришига олиб келадиган жараёнларни кўрайлик (5.1-расм).



5.1-расм. Яримұтказгич чуқур сатқида электрон концентрациясининг ўзгаришига олиб келувчи жараёнлар (электрон ўтишлар схемаси).

1. Ўтказувчан зонадаги электроннинг чуқур сатқа тутилиш жараёни. Бу жараёнда сатқадаги электронлар концентрацияси ошади ва унинг ўсиш тезлиги

$$g_n = \gamma_n (N_r - n_r) n \quad (5.3)$$

билин аниқланади. Бу ерда, n_r — чуқур сатқадаги электрон концентрацияси, n — электроннинг ўтказувчан зонадаги концентрацияси: $N_r - n_r$, электрон билан тұлатылмаган бүш чуқур марказ коцентрацияси, γ_n — электроннинг марказға тутилиш коэффициенті.

2. Чуқур сатқдан ўтказувчан зонага электронни термик чиқариш жараёнида E_r сатқадаги электрон концентрацияси n_r камаяди ва унинг тезлиги

$$r_n = -e_n n_r = -\gamma_n n_1 n_r \quad (5.4)$$

билин аниқланади. Бу ерда, e_n — электронни сатқдан термик чиқариш коэффициенті Шокли -- Рид статистикасига күра, $e_n = \gamma_n n_1$ ифодадан топилади.

n_1 — ферми сатқи F чуқур сатқ E_r га мос келганды, ўтказувчан зонадаги электрон концентрацияси бўлиб, унинг қиймати

$$n_r = N_c \exp\left[-\frac{(E_c - E_r)}{\kappa T}\right] \quad (5.5)$$

билин аниқланади. Бу ерда, N_c — ўтказувчан зонадаги эффектив ҳолат зичлиги.

3. Электронни E_r сатҳдан валент зонага ўтиш (ёки ковакнинг E_r сатҳга тутилиш) жараёни. Бу жараён сатҳдаги электрон концентрациясини камайтиради ва унинг тезлиги

$$r_p = -\gamma_p p n_r \quad (5.6)$$

ифода билан аниқланади. Бу ерда, p — ковак концентрацияси, γ_p — ковакнинг сатҳга тутилиш коэффициенти.

4. Валент зонадан электронни E_r сатҳга (ёки ковакни E_r сатҳдан валент зонага) термик чиқариш жараёни. Бу жараён F_r сатҳдаги электрон концентрациясини оширади ва унинг тезлиги

$$g_p = e_p (N_r - n_r) = \gamma_p p_1 \cdot (N_r - n_r) \quad (5.7)$$

ифода билан топилади. Бу ерда, P_1 — электр нейтраллик соҳасида Ферми сатҳи, E_r билан мос келганда валент зонадаги ковак концентрацияси. Унинг қиймати

$$P_1 = N_v \exp\left[-\frac{(E_r - E_v)}{\kappa T}\right] \quad (5.8)$$

ифодадан топилади. N_v — валент зонадаги эффектив ҳолат зичлиги. Шундай қилиб, E_r ЧС электрон концентрациясининг вақт бўйича ўзгариш тезлиги Шокли-Рид статистикасига кўра

$$\frac{dn_r}{dt} = \gamma_n (N_r - n_r) n - \gamma_n n_l n_r - \gamma_p p n_r + \gamma_p p_1 (N_r - n_r) \quad (5.9)$$

узлуксизлик tenglamasi orqali ifodalananadi. Stacionar ҳолатда $\left(\frac{dn_r}{dt} = 0\right)$ elektronning stacionar koncentrasiyasini (5.9) tenglamaga kўra

$$n_r = N_r \frac{\gamma_n n_c + \gamma_p p_1}{\gamma_n(n_c + n_1) + \gamma_p(p_c + p_1)} = \frac{\gamma_n n_c + e_n}{\gamma_n n_c + e_n + \gamma_p p_c + e_p} \quad (5.10)$$

күринишда бўлади. n_1 ва p_1 концентрациялар ($E_e - E_r$) ва ($E_r - E_v$) энергияларга экспоненциал боғланган бўлгани туфайли, улар бир-биридан камидан бир тартибда фарқ қиласдилар. Одатда $e_n \gg e_p$ ёки $e_p \gg e_n$ тенгсизлик ўринли бўлади. Агар тутилиш коэффициентлари γ_n ва γ_p бир-биридан катта фарқ қилмасалар, п-тип материалларда тақиқланган зона ярмининг юқори қисмида жойлашган E_r сатҳ учун $e_n \gg e_p$ бўлади ва у асосий заряд ташувчилар учун тутқич марказ бўлади. Агар E_r сатҳ тақиқланган зона ярмининг кўйи қисмида бўлса, $e_p \gg e_n$ бўлади ва асосий бўлмаган заряд ташувчилар учун тутқич марказ бўлади. Р-тип материал учун эса тескари тенгсизликлар ўринли бўлади. ЧСнинг электронлар билан тўлдирилганлик даражасининг ўзгариши (ЧС)ни фотоионланиши, яъни ЧС билан ўтказувчан ёки валент зоналар орасидаги оптик ўтишлар туфайли содир бўлиши мумкин (5.6-ўтишлар). Бу ҳолда сатҳдан электронни ва ковакни оптик чиқариш коэффициентлари $e_n^o = \chi_n I_v$, $e_p^o = \chi_p I_n$ киритилади (χ_n, χ_p — фотоионланиш кесими, I_n — ёруғлик интенсивлиги) у вақтда уларнинг E_r сатҳдан чиқариш коэффициентлари $e_n^o + e_n$ ёки $e_p^o + e_p$ га тенг бўлади. Шундай қилиб, намуна фотон энергияси $h\nu \gg \Delta E_r$ ёруғлик билан ёритилганда (5.9) узлуксизлик тенглама

$$\frac{dn_r}{dt} = \gamma_n(N_r - n_r)n - \gamma_n n_1 n_r + \gamma_p p_1(N_r - n_r) - \chi_n n_r I_v + \chi_p (N_r - n_r) I_v \quad (5.10a)$$


билин ифодаланади. Паст температураларда термик чиқариш тезлиги унча катта бўлмаган шароитда оптик ўтишларда чиқариш тезлиги температурага боғлиқ бўлмасдан ёруғлик интенсивлигига боғлиқ бўлганлиги туфайли $e_n^o \gg e_p^o$ ёки $e_p^o \gg e_n^o$ шарт осон бажарилади.

ЧС — нинг электрон билан тўлдирилганлик даражасини оптик усул билан ўзгартириш орқали чукур сатҳ энергиясини тўғридан-тўғри фотон энергияси бўйича

аниқлаш мүмкін. Буни унинг афзаллиги сифатида күрсатиши мүмкін. Шундай қилиб, юқорида келтирілген изохлардан күринағаны, чукур E , сатхни электронлар билан тұлдирғанлик даражаси, сатхнинг тақиқланған зонадаги ва ферми сатхига нисбатан қандай вазиятта бўлишига, материал типига, сатхни донор ёки акцептор характеристига эга бўлишига, концентрацияси N , га ҳамда ташқи таъсир (температура, ёруғлукнинг фотон энергияси $h\nu$ ва интенсивлиги)га боғлиқ.

5.2-§. Р-п ўтишда чукур сатхларнинг электронлар билан тұлдирілғанлиги

Охиста $p-n$ ўтишда саёз сатхли донор ва акцепторлардан ташқари, энергия сатхи E , концентрацияси N бўлган ЧСМ бўлсин, шу билан бирга, чукур марказ атоми битта электронни қабул қилиши ёки бериши мүмкін бўлсин (бир зарядли). Бу ҳолда ҳажмий заряд соҳаси (ХЗС)да чукур сатх электрон концентрациясининг вақт бўйича ўзгаришини кўрайлик. Электр нейтраллик соҳаси (ЭНС)-да, яъни ХЗС дан ташқаридан чукур марказ концентрацияси N , саёз марказ концентрацияси N_{CD} билан бир тартибда, лекин $N < N_{CD}$ бўлсин, деб олайлик. $p-n$ ўтишнинг n соҳасида $N_c = N_{CD} - N_{CA}$ ва p – соҳасида $N_c = N_{CA} - N_{CB}$ билан аниқланади (N_{CD} – саёз донор концентрацияси, N_{CA} – саёз акцептор концентрацияси). Бундан ташқари, n соҳанинг ЭНС да $F - E > 4kT$ p – соҳанинг ЭНС да эса $E - F > 4kT$ тенгсизликлар бажарилади деб қараймиз. Ҳисоблашларни соддалаштириш учун $p-n$ ўтишга кучланиш кўйилмаган ($V=0$) да стационар ҳолатда ферми сатхидан пастда $x > w_0$ соҳада жойлашган чукур сатх E , ни электрон билан тұлатылған, а ферми сатхидан юқорида $x > w_0$ соҳада жойлашган E , сатхни электрон билан тұлатылмаган деб қабул қиласиз (5.2а-расм). $p-n$ ўтишга тескари кучланиш уланганда E , сатхда электрон концентрациясининг ўзгаришини кўрайлик (5.2б-расм). $p-n$ ўтиш тескари кучланишда мувозанатда бўлмаса хам E , сатхни тескари кучланиш уланган $p-n$ ўтишга ёруғлик туширилганда n , ни кўшимишча ўзгаришига олиб келадиган қуидаги оптик ўтиш жараёнлари кузатилади. $p-n$ ўтишга фо-



5.2-расм. Оқиста (равон) p - n ўтишда энергетик зоналарнинг жойланиши ва чуқур сатҳларнинг кучланиш кўйилмаган $U=0$ да (a) ва тескари кучланиш кўйилган $U \neq 0$ да электрон билан тўлиши.

тон энергияси $E_r - E_v > h\nu > E_e - E_v$ бўлган монохроматик ёруғлик билан ёритилганда E_e сатҳни фотоионланиш жараёни содир бўлади, яъни сатҳдан электрон ўтказувчан зонага чиқади. Шунинг учун бу жараёнда сатҳда электроннинг концентрацияси камаяди ва унинг тезлиги

$$r_n^o = -e_n^o n_r = \chi_n I_{0\nu} n_r \quad (5.11)$$

билин ифодаланади. Бу ерда, χ_p — чукур марказдаги электронда фотонни тутилиш кесими, I_{0r} намунаға тушаётган фотон интенсивлігі (вақт бирлигіда, юза бирлигіга тушаётган квантлар сони). Фотон энергияси $E > \hbar\omega > E_r - E_v$, бўлган ёруғлик билан намуна ёритилганда ковакни E_r сатҳдан валент зонага (ёки электронни валент зонадан E_v сатҳга) чиқариш жараёни кузатилади, яъни ковакнинг фотоионланиш жараёни содир бўлади. Бу жараёнда сатҳдағи электрон концентрацияси ортади ва у

$$g_p^o = -e_p^o (N_r - n_r) = \chi_p (N_r - n_r) I_{0r} \quad (5.12)$$

ифода билан аниқланади. χ_p — ковакда фотоннинг тутилиш кесими. Демак, монокроматик ёруғлик билан ёритилган $p-n$ ўтишга тескари кучланиш қўйилганда сатҳдағи электрон концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши ўнг томонида (5.11) ва (5.12) ҳадларни ҳисобга олган (5.9) тенглама орқали ифодаланади. Тескари кучланиш қўйилган $p-n$ ўтиш ёритилмаган ($I_v = 0$) да ва стационар ҳолат $\frac{dn_r}{dt} = 0$ да сатҳдағи электрон концентрацияси n_{re} ҳам (5.10)

ифода билан аниқланади. $P-n$ ўтиш X3C нинг $x < w_n$ қисмидаги ўтказувчан зонадаги электроннинг стационар концентрацияси $n_c < n_1$ бўлади, $x > w_p$ қисмидаги эса ковакнинг валент зонадаги стационар концентрацияси $P_e < P_1$ бўлади, шунинг учун X3C нинг $w_p < x < w_n$ қисмидаги (5.10) ни тахминан

$$n_{rc} = N_r \frac{\gamma_p P_1}{\gamma_n n_1 + \gamma_p P_1} = N_r \frac{e_p}{e_n + e_p} \quad (5.13)$$

кўринишда ифодалаш мумкин. Тескари кучланишнинг катта қиймати $V \gg V_k$ да (5.13) ифода ҳамма қисмидаги ўринли бўлади. (5.10) да $\gamma_n n_c$ ва $\gamma_p P_c$ ҳадларни ташлаб юборишлик электронни ўтказувчан зонадан, ковакни валент зонадан E_v сатҳга тутилишини инобатга олмасликни англалади. (5.13) ифодани

$$e_n n_{rc} = e_p (N_r - n_r)$$

күринишда ифодалаймиз. Бундан күринадики, стационар ҳолатда электроннинг E_r сатҳдан ўтказувчан зонага термик чиқариш тезлиги ($e_n \cdot n_{rc}$) электронни валент зонадан термик чиқариш тезлиги $e_p(N_r - n_r)$ га тенг бўлади. Чуқур E_r сатҳ учун $e_n > e_p$ тенгсизлик ўринли бўлсин. Бу тенгсизлик, юқорида кўрганимиздек, одатда тақиқланган зона ярмининг юқори қисмида жойлашган сатҳлар учун бажарилади (қачонки γ_n ва γ_p лар жуда катта фарқ қилмасалар). Бу сатҳлар учун (5.13) дан $n_{rc} \ll N_r$ бўлишилигини кўрамиз. Яъни $x < w_p$ соҳада ЧС деярли бўш бўлади. $p-n$ ўтишнинг $x > w_p$ соҳасида сатҳ электронлар билан батамом тўлатилган. $e_p \gg e_n$ тенгсизлик одатда тақиқланган зона кенглиги ярмининг қўйи қисмида жойлашган сатҳлар учун бажарилади. Бу ҳолда $p-n$ ўтишнинг $x > w_p$ соҳасида (5.13) дан $n_{rc} = N_r$ бўлишини, яъни бу соҳада чуқур сатҳ электрон билан деярли (батамом) тўлатилган, $x < w_p$ соҳадаги сатҳ эса бўш бўлишини кўрамиз. Энди ностационар жараёнда ҲЗС даги чуқур сатҳдаги электрон концентрациясининг вақт бўйича ўзгаришини кўрайлик. Маълумки, $p-n$ ўтишнинг ҲЗСда кучли электр майдони мавжудлиги туфайли бу соҳада электроннинг ўтказувчан зонадаги, ковакнинг валент зонадаги стационар концентрациялари ЧС даги электроннинг стационар концентрациясига нисбатан тез қарор топади. Бу ўтказувчан зонадаги электронни ҳамда валент зонадаги кавакни ҲЗС даги кучли электр майдон томонидан ташқари соҳага тез чиқариб юбориш билан тушунтирилади. Шунинг учун ҲЗС да электрон концентрациясини $n = n_c$, ковакникини $p = p_c$ деб қабул қиласа ҲЗС да E_r сатҳдаги электрон концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши (5.9) дан

$$\frac{d\Delta n_r}{dt} = -[\gamma_n(n_c + n_1) + \gamma_p(p_c + p_1)]\Delta n_r \quad (5.14)$$

узлуксизлик тенглама билан аниқланишини кўрамиз. Бу ерда, $\Delta n_r(t) = n_r(t) - n_{rc}$ тенгламанинг ечими

$$\Delta n_r(t) = \Delta n_{rc} \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.15)$$

күринишида бўлади. Бундан кўринадики, сатҳни электрон билан тўлдириш вақт доимийси

$$\tau = [\gamma_n(n_c + n_i) + \gamma_p(p_c + p_i)]^{-1} \quad (5.16)$$

бўлган экспотенциал қонуни бўйича бўлади. τ сатҳнинг бошлангич ҳолатда қандай тўлдирилганлигига, чуқур марказ концентрациясига боғлиқ бўлмай, у n_c ва p_c лар x га боғлиқ бўлгани учун координатага боғлиқ. ҲЗС нинг четларида τ ўрта қисмига қараганда кичик. Вақт доимийси τ ни сатҳнинг тўлдириш релаксацияси вақти ҳам деб юритилади. ҲЗС нинг $w_n > x > w_p$ қисмida (5.16) ифода

$$\tau = (\gamma_n n_i + \gamma_p p_i)^{-1} = (e_n + e_p)^{-1} \quad (5.17)$$

кўринишни олади. Катта тескари кучланиш $v > v_{kp}$ да (5.17) ифода ҲЗС нинг ҳамма қисмida ўринли бўлади. Агар чуқур марказ тортувчи марказ бўлса, кучли электр майдони унинг атрофидаги потенциал тўсиқ (баръер)ни камайтиради ва у электронни термик чиқишини осонлаштиради, яъни Пул-Френкел эфекти юзага келади. Бу ҳодисани мувозанатдаги система статистикаси асосида олинган. (5.17) ифодада ҳисобга олинмаган. $v = 0$ да ЧС ли диодга тескари ЧС стационар тўлатилган бўлсин ва $e_n \gg e_p$ бўлган кучланиш уласак, ҲЗС нинг Δx қатламидаги сатҳдан электрон ўтказувчан зонага $\tau = e_n^{-1}$ вақт доимийси билан чиқа бошлайди, сўнг улар электр майдон таъсирида ЭНС га кетказиб юборилади. Оқибатда $p-n$ ўтишнинг n — соҳасига жойлашган ҲЗС нинг Δx , қатламида ЧС ни ионлашиши туфайли ҳажмий заряд зичлиги чуқур марказ донон ёки акцептор бўладими, бундан қатъи назар ортади. Вақт доимийси $\tau = (e_n)^{-1} = (\gamma_n n_i)^{-1}$ га (5.5) ифодани қўйсак ва (5.1) ни назарда тутсак уни

$$\tau = (S_n V_t N_c)^{-1} \exp \left[\frac{Ec - Er}{\kappa T} \right] = (Sb_n T^2)^{-1} \exp \left[\frac{Ec - Er}{\kappa T} \right] \quad (5.18)$$

билин ифодаланишини кўрамиз. Бу ерда, b_n — яримутказгич параметри, германий учун $b_n = 3,6 \cdot 10^{21} \text{ см}^{-2} \text{ с}^{-1} \text{ к}^{-2}$

кремний учун $b_n = 6,6 \cdot 10^{-21} \text{ см}^{-2} \text{ с}^{-1} \text{ К}^{-2}$ ни қабул қиласы (5.18) формуладан күринадикі, сатхни электрон билан тұлдириш релаксация вақти температура ошиши билан кескин камая бошлайды. (5.18) ни логарифмлаб

$$\ln(\tau T^2) = \ln(S_n b_n) + \frac{E_c - E_r}{kT} \quad (5.19)$$

күринишга келтирамиз. Марказнинг ионланиш энергияси ($E_e - E_r$) ни ва электроннинг марказға тутилиш кесими S_n ни температурага бояғылғынини ҳисобға олмасак $\ln(T^2\tau)$ нинг $\frac{1}{kT}$ боғланиши түғри ғылыми беради. Унинг оғиш бурчаги тангенсі чуқур марказнинг ионланиш энергиясіни, ордината ўқининг кесишидан ҳосил бұлған $-\ln(b_n S_n)$ га тенг кесма узунлигидан электронни тутилиш кесими S_n топилади. Энді ЧС ни тұлдирилғанлығы стационар ҳолатта эришгандан сүнг тескари кучланишни нолгача камайтирганда n_r ўзгаришини күраймын. Кучланишни үчирун ($v \rightarrow 0$) дан сүнг ΔX_1 қатlam соҳасидаги ЧС τ_{Tn} вақт доимийси билан тұла бошлайды. τ_{Tn} нинг қиймати

$$\tau_{Tn} = [\gamma_n(n_c + n_1)]^{-1} = (e_p + \gamma_n n_1)^{-1} \quad (5.20)$$

формула билан топилади.

Вақт доимийси $\tau > 10^{-2} \div 10^{-3}$ с бұлғанда $n_1 \ll n_r$, $\tau_{Tn} \ll \tau$ тенгсизлик бажарилади. Бошқача айтганда, E_r сатхни электрон билан тұлдириш, сатхдан электронни термик чиқаришга нисбатан тез содир бўлади. Лекин юқори Ом ли намуналардан ясалған диодларда улар бир тартибда бўлиши мумкин.

$p-n$ ўтишга тескари кучланиш берилғандан ($0 \rightarrow V$) сүнг p — соҳадаги жойлашған ҳажмий заряд соҳасининг ΔX_2 қисмидаги $e_p \gg e_n$ бұлған сатхни $\tau = e_p^{-1}$ вақт доимийси билан электрон тұлдира бошлайды. Бу ΔX_2 қатlamда сатхни донор ёки акцептор бўлишидан қатын назар ҳажмий заряд зичлиги ортади.

Вақт доимийси $\tau = e_p^{-1} = (\gamma_p p_1)^{-1}$ нинг қиймати (5.8) ни назарда тутсак,

$$\tau = (S_p V_t N_v)^{-1} \exp\left[\frac{E_r - E_v}{kT}\right] = (S_p b_p T^2)^{-1} \exp\left(\frac{E_r - E_v}{kT}\right) \quad (5.21)$$

билин аниқланади. Бу ерда b — яримүтказгич параметри, германий учун $b = 1,2 \cdot 10^{21} \text{ см}^{-2} \text{ с}^{-1} \text{ к}^{-2}$, кремний учун $b = 2 \cdot 10^{21} \text{ см}^{-2} \text{ с}^{-1} \text{ к}^{-2}$. Юқорида күрилгандек, (5.21) ни логарифмлаб, ундан ЧС ионланиш энергияси ($E_r - E_v$) ни ҳамда ковакни ЧС да тутилиш кесими S_p ни топиш мүмкін. Тескари күчланишни ўчирилгандан сұнг ΔX_2 қатладындағи сатхдан электрон



$$\tau_{tp} = [(p_1 + p_c) \gamma_p]^{-1} = (e_p + \gamma_p p_c)^{-1}$$

вақт доимийсі билан кета бошлайды (бошқача айттанда, сатх ковак билан тұла бошлайды). Бу ҳолда ҳам $\tau_{tp} \ll \tau$ булады. Юқорида изохланған усул билан E , сатхнинг ионланиш энергиясини, сатхда электрон, ковакнинг тутилиш кесимларини аниқлашдаги асосий хатолик уларнинг температуратаға бояғылғаны (5.9) да ҳисобга олмаслик туфайли содир бўлган.

Ҳисобларнинг кўрсатишича, сатхнинг ионланиш энергияси $\pm KT$ тартибдаги хатолик билан S_n ва S_p ларни эса катталиклар тартибидаги хатолик билан ўлчанаар экан. Сатх энергиясини аниқлашда шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай нүқсон ёки киришма атоми тақиқланған зонада иккита (ёки ундан ортиқ) сатх ҳосил қилиши мүмкін. Бу сатхлардан қайси бирини намоён булиши ферми сатхининг вазиятига бояғылған. Бунга мисол сифатида тилла киришма атоми билан Si ни легирланғанда юзасига келадиган сатхни кўрсатиш мүмкін. У ўтказувчан зона тубидан 0,56 эВ пастда акцептор, валент зона шипидан 0,45 ЭВ юқорида донор сатхини ҳосил қиласади.


5.3 §. Чуқур марказли диодларнинг баръер сиғими

Чуқур марказ (ЧМ)ли диодларнинг сиғими хоссаларини $p-n$ — ўтиш мисолида кўрайлик. P^+-n диод базаси (асосида) концентрацияси N_{eD} бўлган саёз сатхли донордан ташқари, энергиявий сатхи E_p , концентрацияси N_{rD} бўлган



5.3-расм. Кескин p - n ўтишда энергетик зоналарнинг жойланиши ва чуқур сатҳларни кучланиш қўйилмаган $U=0$ да (а), тескари кучланиш қўйилган $U \neq 0$ да электрон билан тўлиши (б).

чуқур донор марказ бўлсин (5.3-расм). Бу чуқур сатҳда $e_n \gg e_p$ тенгсизлик бажарилсин ва кейинчалик N_{CD} ва N_{rD} ларни махсус қайд қилинмаса координатага боғлиқ эмас деб қабул қиласиз. ҲЗСдан ташқаридағи электр нейтраллик (ЭНС) соҳасида $F_n - E_r > 4$ кТ ва ионлашган чуқур донор концентрацияси



5.4-расм. p^+ - n ўтишга тескари кучланиш қўйилган ҳолатда энергетик зоналарнинг жойланиши (а) ва ионлашган киришма атомларининг тақсимоти (б).

$$N_{rDU} = N_{rD} \exp \left[-\frac{E_n - E_r}{kT} \right] \ll N_{CD}$$

бўлсин. У вақтда p^+ - n ўтишга қўйилган тескари кучланишда ХЗС нинг $0 < x < w_n$ қисмида ЧС ферми сатҳидан юқорида бўлиб, тўла ионлашган ҳолатда бўлади. Бу соҳада ионлашган марказлар концентрацияси N_{CD} ва N_{rD} лар йиғиндиндисига $N_u = N_{CD} + N_{rD}$ ХЗС нинг $w_n < x$ қисмида эса $N_u = N_{CD}$ га teng бўлади. $t=0$ да диодда тескари кучланиш dV га сакраб (кескин) ошсин. У вақтда ХЗС нинг кенглигини dh га, W_n — қатлам қалинлигини dW_n га ошишига олиб келади. (5.4-расм) dh қатламдан электронни кетиш

вақти максвелл вақти τ_M тартибда бўлади, чунки бу қатламда ҳамма саёз донорлар кучланиш ошгунча ионлашиб бўлган. Чукур донорларнинг dW_n қатламида ионланиши эса кучланиш ошгандан сўнг содир бўлади. Шунинг учун бу қатламда электронни кетиш вақти сатҳнинг тўлдириш релаксация вақти билан аниқланади. dW_n қатламда чукур донорларнинг ионланиши туфайли ҳажмий заряди ортади ва баръер сифимининг ўзгаришига олиб келади. Одатда баръер сифимини ўлчашда $p^+ - n$ ўтишга доимий тескари кучланишдан ташқари синусоидал кичик кучланиш қўйилган бўлади. $p^+ - n$ ўтиш ва шоттки диодлар баръер сифимининг ифодаларини ҳисоблаш устида тўхтамасдан чукур марказ параметрларини аниқлашга керак бўладиган баръер сифимининг формулаларининг баъзи бир хоссаларини таҳдил қиласли. Синусоидал кичик кучланишнинг паст частоталари $\omega\tau \ll 1$ да сатҳни тўлдириш релаксацияси вақтини ҳисобга олмаслик мумкин ва баръер сифимини стационар заряддан кучланиш бўйича олинган ҳосила орқали ҳисобланиши мумкин. Назарий ҳисоблашларнинг кўрсатишича, паст частотада баръер сифими

$$C_{Hr} = \frac{d\theta_e}{dU} = S \sqrt{\frac{\epsilon_a e (N_{CD} + N_{rD})}{2(U + U_k - \Delta U_k)}} \quad (5.23)$$

формула билан аниқланади. Бу ерда $\epsilon_a = \epsilon_0$ яримўтказгичнинг абсолют диэлектрик сингдирувчанлифи, U_k — контракт потенциаллар айрмаси

$$\Delta U_k = \frac{N_{rD} (F_n - E_r) h}{e (N_{CD} + N_{rD})} \quad (5.24)$$

$(F_n - E_r)_h$ — катталик $F_n - E_r$, нинг $x=h$ даги қиймати (5.21) дан кўринадики, паст частотали сифимининг кучланиш билан боғланиши худди базасида фақат саёз донор сатҳлар мавжуд бўлган ҳолдаги $C^{-2}(U)$ каби, лекин бу ерда $C^{-2}(U)$ тўғри чизиқнинг оғиш бурчаги тангенси киришмалар концентрациялари йиғиндиси $N_{CD} + N_{rD}$ га тескари пропорционал. Бундан ташқари, сифим формуласидаги U_k ни ўрнига $(U_k - \Delta U_k)$ кирган. Юқори частота $\omega\tau \gg 1$ да чукур донорларнинг $X = W_n$ текислиги яқинида зарядининг

ұзгаришини ҳисобға олмаслик мүмкін, чунки улар кучланиш ұзгариши билан қайта зарядланиб үлгурмайдылар. $X=h$ текислиги яқинида фақат саёз сатхли донорларнинг заряди ұзгаради. Юқори частотали сифим қиймати

$$C_{Br} = \frac{\varepsilon_a S}{h(V)} \quad (5.25)$$

формула билан ҳисобланади. Бу ерда S p -н үтиш көзаси, h — ҳажмий заряд соҳасининг кенглиги. Назарий ҳисоблашларнинг күрсатишича,

$$h(V) = \frac{N_{CD}(h - w_n)}{N_{CD} + N_{rD}} + \sqrt{\frac{2\varepsilon_a(U + U_k - \Delta U_k)}{e(N_{CD} + N_{rD})}} \quad (5.26)$$

формула билан аниқланади.
 $(h - w_n)$ — қатлам қалинлиги

$$h - W_n = \left(\frac{2\varepsilon_a(F_n - E_r)_h}{e^2 \cdot N_{CD}} \right)^{1/2}$$

ифода билан ҳисобланади. (5.27) дан күринадыки, $(h - w_n)$ қатлам қалинлиги кучланишга боғлиқ эмас. (5.25) формула саёз киришма мавжуд бўлган p -н үтишнинг барьер сифимиға ўхшаш. Чуқур донорларнинг заряди ұзгарувчан кучланиш ұзгариши орқасидан кетма-кет үлгуролмаса ҳам ҲЗСнинг кенглиги ва юқори частотали сифим C_{Br} га таъсир кўрсатади. C_{Hr} ва C_{Br} формулаларнинг бир-бирига солиштиришдан күринадыки, юқори частотали сифим C_{Br} паст частотали сифим C_{Hr} га нисбатан кичик $C_{Br} < C_{Hr}$ бўлиб, у кучланишга C_{Hr} га нисбатан кучсизроқ боғланган, бунинг устига $C^{-2}(U)$ тўғри чизиқли боғланишда эмас. Тескари кучланишнинг ортиши билан C_{Br}/C_{Hr} нисбат ўса бориб бирга интилади. Яъни $C_{Br}^{-2}(U)$ га яқинлашади. Шу пайтгача чуқур сатҳни стационар тўлдиришдаги барьер сифимини кўрдик, энди кучланиш сакраб ұзгарғандаги барьер сифимини таҳдил қиласайлик. Агар кучланиш сакраб ошганда, ўлчаш асбобларининг вақт доимийси $\tau_{y_{ДЧ}}$, сатҳни тўлдириш релаксация вақти τ дан катта ($\tau_{y_{ДЧ}} > \tau$)

бұлса, чуқур марказларни стационар тұлдиришдаги сиғимнинг (паст ёки юқори частотадаги) қиймати үлчанади. $\tau_{\text{ұтч}} \ll \tau$ тенгсизлик бажарилған ҳолда, чуқур сатхни тұлдирилғанлигининг вақт бўйича ўзгаришига мос ўзгарувчан юқори частотали сиғимнинг қандайдыр үткінчи қиймати $C(t)$ үлчанади. Паст частотали сиғим қиймати маъносига кўра ҳамма вақт чуқур марказни стационар тұлдиришда үлчанади. Ҳақиқатда агар ЧС нинг тұлдирилғанлиги ўзгарувчан кучланиш ўзгариши орқасидан улгурса, у вақтда шак-шубҳасиз у ўзгармас кучланиш ўзгариши орқасидан ҳам улгуради. $U = 0$ да чуқур сатх стационар тұлатилған бўлсин. Тескари кучланиш уланғандан ($0 \rightarrow -U$) сўнг бошлангич вақт $t = 0$ да сатхни тұлдирилиши, қайта уланғунча бўлған ҳолатдаги қийматига тенг бўлади. Яъни $t = 0$ да $\dot{X}ZC$ нинг $0 < x < w_0$ қисмида $N_u = N_{CD} + N_{rD}$ ва $W_0 < x < h_\delta$ қатламида $N_u = N_{CD}$ $\dot{X}ZC$ нинг бошлангич кенглиги ва юқори частотали сиғимнинг бошлангич қийматлари қийидаги формулалар билан аниқланади:

$$h_\delta = \sqrt{\frac{2\varepsilon_a(U + U_k - \Delta U_k)}{eN_{CD}}} \quad (5.28)$$

$$C_{\delta Br} = \frac{S\varepsilon_a}{h_\delta} = S \left[\frac{\varepsilon_a e \cdot N_{CD}}{(U + U_k - \Delta U_k)_\delta} \right]^{\frac{1}{2}} \quad (5.29)$$

Бу ерда

$$\Delta U_{k\delta} = eN_{rD}W_0^2/2\varepsilon_a \quad (5.30)$$

(5.29) формулани таҳлилидан $C_{\delta Br}$ нинг U билан бөгланиши диод базасида факат саёз донор бўлғандаги каби эканлигини кўрамиз. $C_{\delta Br}^{-2}(U)$ тўғри чизиқ оғиш бурчагининг тангенси N_{CD}^{-1} га пропорционал. Бундай бөгланиш бошлангич пайтда кучланишнинг ўзгариши билан чуқур киришма заряди ўзгармаганлиги билан тушунтирилади. Стационар ҳолатда чуқур донор $\dot{X}ZC$ нинг $x > w_n$ қисмида тұлатилған бўлади. Шунинг учун тескари кучланиш уланиши ($0 \rightarrow U$) билан ΔX қатламдаги сатхдан электрон кета бошлиайди ва натижада бу қатламда ҳажмий заряд зичлиги-

нинг ошишига олиб келади. Демак, ҲЗС нинг қалинлигини ва сифимини вақт бүйича камайишига олиб келади (Δx қатлам қалийлиги ҳам камаяди). (5.25) ва (5.26) формулалар билан аниқланган юқори частотали сифимнинг стационар қиймати C_{cBr} ни C_{dBr} қиймати билан солишитиришдан $C_{cBr} > C_{dBr}$ бўлишлигини кўрамиз.

Чуқур сатҳли киришмаларнинг стационар сифимга ва ЭНС даги ўтказувчанлигига таъсирини кўрайлик. Катта тескари кучланишда, стационар юқори частотали сифим тахминан паст частотали сифимга тенг $C_{cBr} = C_{Hr}$ ҲЗС нинг ҳамма қисмида чуқур донорлар деярли ионлашган бўлади, шунинг учун бу ҳолда сифим саёз донорлар бўлган ҳолдагидан катта бўлади. Лекин электронейтраллик соҳаси $X > h$ да чуқур донорлар батамом электрон билан тўлатилган ва ЭНС нинг ўтказувчанлигига таъсир кўрсатмайди. Чуқур донорлар учун $e_p \gg e_n$ тенгсизлик бажарилган ҳолда чуқур донорлар ҲЗС нинг ҳамма қисмида электрон билан батамом тўлатилган ($N_u + N_{CD}$), шунинг учун чуқур донорлар сифимга деярли таъсир кўрсатмайди, $C^{-2}(U)$ тўғри чизиқ оғиш бурчагининг тангенси N_{CD}^{-1} га пропорционал бўлади. Чуқур донорларнинг бўлишлиги ЭНС нинг ўтказувчанлигига ҳам таъсир кўрсатмайди, чунки ЭНС да улар батамом электрон билан тўлатилган бўлади.

Диод базасида саёз донордан ташқари, концентрацияси N_{nA} бўлган чуқур акцептор марказ бўлган ҳолни кўрайлик.

1) Чуқур акцепторлар учун $e_n \gg e_p$ тенгсизлик ўринли бўлсин. ҲЗС нинг деярли ҳамма қисмида чуқур акцептор сатҳ электрон билан тўлатилмаган, яъни ионлашмаган ($N_u = N_{CD}$), шунинг учун чуқур сатҳнинг мавжудлиги сифим қийматига деярли таъсир кўрсатмайди. $C^{-2}(U)$ тўғри чизиқ оғиш бурчагининг тангенси N_{CD}^{-1} га пропорционал бўлади. Лекин ЭНС да чуқур акцептор бор бўлиши ЭНС нинг ўтказувчанлигини камайтиради (компенсациялайди).

2) Чуқур акцептор сатҳ учун $e_p \gg e_n$ бўлган ҳолда эса ҲЗС нинг ҳамма қисмида чуқур акцептор сатҳ электрон билан тўлатилган, яъни ионлашган ($N_u = N_{CD} - N_{nA}$) бўлади. Шунинг учун бундай сатҳни диод базасида мавжуд бўлиши сифим ҳамда ЭНС ўтказувчанлигининг камайишига олиб келади.

5.4 §. Яримўтказгичлар чуқур марказлари параметрларини аниқлашнинг сифим спектроскопия усувлари

Чуқур сатҳли марказ (ЧСМ)лар параметрларини ўлчашнинг сифим спектроскопия усули асосида p - n ўтиш (ёки шоттки барьери)нинг ҳажмий заряд соҳаси (ХЗС)даги чуқур сатҳ (ЧС) ларни электрон билан тўлдирилганлик дарражасига, барьер сифимига, қўйилган тескари кучланиш, ўлчаш кучланиш частотаси, ёруғлик, ҳароратларнинг таъсиридан юзага келган қонуниятларни қайд қилиш (ўлчаш) ётади. Ҳозирги пайтда бир-биридан ЧСни электрон билан тўлдириш, камбағаллаштириш шароитлари билан фарқ қиласидан сифим спектроскопия усулининг бир қанча турлари мавжуд. Уларга сифимнинг изотермик релаксация усулини, иссиқлик билан рафбатлантирилган сифим релаксация усулини, фотосифим, частотавий усулни кўрсатиш мумкин. Бу усувлардан бирини қўллаб юқорида кўрилган ташқи омиллар таъсиридан содир бўлган сифим ўзгаришининг умумий қонуниятлари асосида чуқур марказга тутилиш кесимларини, термик, фотоионланиш коэффициентларини ўлчаш мумкин. Бу усувларнинг асосий камчилиги ўлчаш учун маҳсус структуралар, масалан, p - n ўтишли диод: Шоттки барьери ёки металл-диэлектрик яримўтказгичли структуралардан бирини тайёрлашни кўрсатиш мумкин.

Яримўтказгичларда чуқур сатҳ параметрларини аниқлашнинг сифим спектроскопия усувлари, физик параметрларни сифим орқали аниқлаш усулининг бир кўриниши бўлгани учун уларга характерли бўлган ҳамма хатолик манбалари юқоридаги усувларга ҳам тааллуқлидир. Ўлчашдаги хатоликни баҳолаш шуни кўрсатадики, ЧС нинг тақиқланган зонадаги энергиявий ҳолатини, концентрациясини аниқлашдаги хатолик 10% дан ошмайди, киришма ионланиш кесимининг ўз катталиги тартибидаги хатолик билан ўлчаш мумкин.

a. Сифимнинг изотермик релаксацияси усули

Бу усул билан ЧСМ параметрларини ўлчашнинг физик асосини кескин p^+ - n ўтиш ёки металл- n тип яримўтказгич структурали (шоттки барьери) мисолида кўрайлик. Бу таҳлил тескари типдаги диод базаси учун ҳам ўхшаш

бўлади. Аниқлик киритиш учун кескин P^+ -н ўтишли диод n -типдаги яримутказгич намуна асосида олинган. Яримутказгичда концентрацияси N_{CD} бўлган саёз сатҳли донор билан бир қаторда, энергиявий сатҳи E_c , концентрацияси N_{nD} бўлган чуқур сатҳли донор бўлиб, у тақиқланган зона ярмининг юқори қисмida жойлашган ва $e_n > e_p$ тенгсизлик, диоднинг электр нейтраллик соҳаси (ЭНС)да $E_F - E_r > 4 \text{ кТ}$ тенгсизлик бажарилади. Диодга V тескари кучланиш улангандан сўнг стационар ҳолатда заряд ташувчилар билан камбағалашган (соҳа) қатлам (ХЗС нинг кенглиги) чегараси h_c нуқтага мос келиб, у кескинлашади. Ферми сатҳи чуқур сатҳни W_c нуқтада кесади. Стационар ҳолатда чуқур донорлар $0 < X < W_c$ соҳада ферми сатҳидан юқорида бўлгани учун улар тўла ионлашган ҳолатда бўлади. Бу соҳадаги ионлашган марказ концентрацияси

$$N_u = N_{CD} + N_{nD} \quad (5.31)$$

бўлади. $W_c < x < h_c$ соҳада чуқур сатҳ тўлатилган, шунинг учун бу соҳада ионлашган марказ концентрацияси ионлашган саёз донор концентрацияси билан аниқланади:

$$N_u = N_{CD} \quad (5.32)$$

ва $X = W_c$ текисликда киришмалар концентрацияси кескин (сакраб) ўзгаради. Энди структурага тескари кучланиш уланган ($0 \rightarrow -V$) да юзага келган ностационар жараёнда чуқур сатҳ тўлдирилганлигини, баръер сифимининг вақт бўйича ўзгаришини, яъни улар кинетикасини кўрайлил. Структурага тескари кучланиш қўйилгандан сўнг $t = 0$ да ҳажмий заряд соҳаси кенгайиб, $h(0)$ га етади. Чуқур сатҳни электрон билан қашшоқлананиш тезлиги унча катта бўлмагани сабабли, бошланғич вақт $t = 0$ да тескари кучланиш улангандан сўнг ҳажмий заряд фақат саёз донор киришма иони N_{CD} билан юзага келган бўлади. Вақт ўтиши билан чуқур сатҳни $e_n = t_n^{-1}$ тезлик билан қашшоқлананиши ҳажмий зарядни ўзгаришига олиб келади.

Чуқур сатҳнинг ионлашиб боришидан ўтказувчан зонасига чиқарилган электронни электр майдони ХЗС дан ташқарига тез чиқариб ташлайди. Бу эса электроннинг чуқур сатҳга қайта тутилиш тезлигини камайтиради. На-

тижада вақт ўтиши билан ҳажмий заряднинг стационар тақсимоти ўрнатилади. Тескари кучланиш уланганда ҳажмий заряд соҳаси $W(t)$ нинг кенгайиши ҳам содир бўлади, у ҳам вақт ўтиши билан ўзининг стационар W_c қийматига интилади. Ностационар жараёнда ҲЗС ни уч қисмга бўлиб кўриш мумкин.

1. $t = 0$ да структурага 0 дан V гача бўлган тескари кучланиш улаймиз у кейинчалик ўзгармайди. ҲЗС нинг бошланғич қалинлиги h_0 базанинг қалинлиги l дан кичик бўлсин деб қабул қиласиз. Бу шарт

$$N_{\text{ub}} > \frac{2\varepsilon_a(V + V_k)}{eZ^2} \quad (5.33)$$

тенгсизлик ўринли бўлса бажарилади. Бу ерда N_{ub} — ҲЗС даги ионланиш марказнинг бошланғич концентрацияси, юқорида кўрганимиздек, $t > 0$ да ҲЗС нинг $0 < X < W_c$ қисмida ионлашган марказ концентрацияси

$$N_u = N_{CD} + N_{rD} \quad (5.34a)$$

бўлади, чунки бу соҳада чуқур донор сатҳи ферми сатҳидан юқорида бўлгани учун у тўла ионлашган ҳолатда бўлади.

2. $W_c < X < Wh(t)$ соҳада ҳажмий заряд вақт ўтиши билан чуқур донорнинг ионланиши туфайли ортиб боради. ҲЗС даги тўла ионлашган марказ концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши

$$N_a = (N_{CD} + N_{rD}) \left[1 - a \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \right] \quad (5.34b)$$

орқали ифодаланади. Бу ерда $a = N_{rD}/(N_{rD} + N_{CD})$.

3. $Wh(t) < x < h(t)$ соҳасида, чуқур донор сатҳи ферми сатҳидан пастда жойлашган бўлиб, у электрон билан тўлатилган. Шунинг учун ҳажмий заряд зичлиги ионлашган саёз донор концентрацияси N_{CD} билан аниқланади.

$$N_u = N_{CD} \quad (5.35)$$

Булардан күринадики, структура барьер сифимининг вақт бўйича ўзгариши $\dot{X}3C$ нинг $W_c < X_n < W(t)$ қисмидаги чуқур сатҳли донорларнинг ионланиши туфайли содир бўлади. Бу уч соҳани ўз ичига олган $\dot{X}3C$ нинг чегарасида Пуассон тенгламасини интеграллаб, аниқланган кескин $p^+ - n$ ўтиш потенциаллар айрмаси

$$U + U_k = \frac{e}{\varepsilon_a} \int_0^{h(t)} x N_u(x_1 t) dx \quad (5.36)$$

$\dot{X}3C$ нинг кенглиги $h(t)$ ни топишга имкон беради ва уни билган ҳолда (5.25) дан вақт бўйича ўзгарувчан барьер сифимининг формуласи топилади. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, $\left(\frac{C(t)}{S}\right)^2$ нинг умумий ифодаси орқали тажриба натижаларидан ЧС параметрларини аниқлаш анча мураккаб. Шунинг учун барьер сифимининг ифодасини соддалаштирувчи баъзи бир хусусий ҳолларни таҳдил қиласайлик.

а) $P^+ - n$ ўтиш ёки шоттки барьерига қўйилган тескари кучланиш катта $U > U_k$ ва чуқур, саёз донорлар концентрация N_{CD} , N_{rD} лари катталиги бир таргибда бўлсин, у вақтда $w_c \ll h$; $h - w_n \ll h$ ва $w_n \approx h$ бўлади, яъни (5.34 б) муносабат $\dot{X}3C$ нинг ҳамма қисмида ўринли бўлади. Бу ҳолда (5.36) ни интеграллаб ва (5.25) ни қўллаб, структура барьер сифими

$$\left(\frac{C(t)}{S}\right)^2 = \frac{\varepsilon_a (N_{CD} + N_{rD})}{2(V + V_k)} [1 - ae^{-\frac{t}{\tau}}] \quad (5.37)$$

билин аниқланишини кўрамиз (5.37) га $t \rightarrow \infty$ қўйиб, сифимнинг стационар қиймати C_c ҳисобланади. Уни ва (5.37) ни қўллаб сифимнинг

$$\frac{C_c^2 - C^2(t)}{C_c^2} = a \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.38)$$

кўринишдаги формула билан аниқланишини кўрамиз. Бу ифодани қўллаб тажрибада аниқланган $C_c^2 - C^2(t)$ нинг вақтга боғланишидан τ — қийматини аниқлаш мумкин-

лигини күрамиз (5.38) га $t=0$ ни қўйиб концентрациялар нисбатининг

$$\frac{N_{rD}}{N_{CD}} = \left(\frac{C_c}{C_\delta} \right)^2 - 1 \quad (5.39)$$

билин аниқлананишини күрамиз. Бу ерда C_δ — юқори частотали сифимнинг бошланғич $V=0$ даги қиймати C_δ , C_c ларни тажрибадан аниқланган қийматларини билган ҳолда (5.39) дан концентрация N_{rD} ни ўлчаш мумкин. N_{CD} ни эса $C^2(V)$ боғланишдан топилади:

б) чуқур сатҳли донор концентрацияси кичик $N_{rD} \ll N_{CD}$ ҳамда тескари кучланиш катта бўлсин $V \gg V_k$. У вақтда (5.38) ва (5.39) ифодалар

$$\frac{C_c - C(t)}{C_c} = \frac{N_{rD}}{2N_{CD}} \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.40)$$

$$\frac{N_{rD}}{N_{CD}} = \frac{2\Delta C}{C_c} \quad (5.41)$$

кўринишни оладилар. Энди структуранинг n -тип базасида чуқур сатҳли акцептор бўлган ҳолни кўрайлик. Унинг концентрацияси N_{rA} саёз донор концентрацияси N_{CD} дан кичик $N_{rA} < N_{CD}$. Бу ҳолда ҳам (5.34) (5.35) муносабатлар ўринли бўлиб, $N_{\delta c}$ ва a лар

$$\begin{aligned} N_{\delta c} &= N_{CD}; & a &= N_{rA}/N_{CD} \\ N_{\delta c}(1-a) &= N_{CD} - N_{rA} \end{aligned} \quad (5.42)$$

ифодалар орқали аниқланади. Структурага қўйилган тескари кучланиш катта $V \gg V_k$ ва N_{CD}, N_{rA} бир тартибда бўлган ҳолда, N_{rA} ни қиймати

$$\frac{N_{rA}}{N_{CD} - N_{rA}} = \left(\frac{C_c}{C_\delta} \right)^2 - 1 \quad (5.43)$$

билин аниқланади. $N_{CD} - N_{rA}$ нинг қиймати $C^{-2}(V)$ боғланишдан топилади. $V \gg V_k$ ва $N_{rA} \ll N_{CD}$ бўлган ҳолда эса, τ , N_{rA} қийматлари

$$\frac{C_c - C(t)}{C_c} = \frac{N_{rA}}{2N_{CD}} \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.44a)$$

$$\frac{N_{\text{rd}}}{N_{CD}} = \frac{2\Delta C}{C_c} \quad (5.446)$$

ифодадан топилади;

в) ЧС учун $e_n \ll e_p$ бўлган ҳолни кўрайлик. Структурага тескари кучланиш уланган ($0 \rightarrow -V$) дан сўнг сатҳнинг тўлатилганлик даражаси деярли ўзгармайди, ХЗС нинг ΔX_0 — юпқа қатлами электрон билан тўла бошлайди, у деярли сифимга таъсир кўрсатмайди. Сатҳларни қайта зарядланишини кузатиш учун сатҳни (электрон билан тўлдириш масаласи тўғри ток ўтказиш билан) уйғотиш тўхтатилгандан сўнг сатҳ (5.21) орқали аниқланувчи вақт доимийси τ билан тўла бошлайди. Бунда ҳажмий заряд зичлиги камаяди. У ўз навбатида чуқур марказ донор, акцептор бўлишидан қатъи назар сифимнинг камайишига олиб келади. $V \gg V_k$ бўлган ҳолда сифим релаксациясини кўрайлик. У вақтда ХЗСнинг ҳамма қисмида уйғотиш тўхтагандан сўнг, ионлашган марказ концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши

$$N_u(t) = N_{6c} \left[1 + d \cdot b \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \right] \quad (5.45)$$

билин аниқланади. Агар чуқур марказ донор бўлса, у ҳолда

$$N_{6c} = N_{CD}, \quad b = N_{rD}/N_{CD}$$

Агар чуқур марказ акцептор бўлса, у ҳолда $N_{6c} = N_{CD} - N_{rA}$, $b = N_{rA}/(N_{CD} - N_{rA})$. d — коэффициент асосий бўлмаган заряд ташувчилар билан сатҳни тўлдирилганлик даражаси бўлиб, у $d = 1 - f_{np}$ орқали ифодаланади. Бу ерда заряд ташувчилар кучли инжекциялашда, $f_{np} = \frac{\gamma_n}{\gamma_n + \gamma_p}$ тўғри ток ўтганда сатҳни тўлдирилганлик даражаси, транзистор структурани қўллашда ёки оптик усул билан уйғотишка $d = \frac{P_c}{P_c + P_i}$ билан ифодаланади. P_c — ковакнинг стационар концентрацияси. Хусусий ҳолда $\tau_{3d} \ll \tau$ бўлганда $d \approx 1$ бўлади. (5.37) ва (5.45) ларни қўллаб

$$\frac{C^2(t) - C_c^2}{C_c^2} = b d \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.46)$$

(5.46) дан чуқур марказ агар донор бўлса,

$$\left(\frac{C_6}{C_c}\right)^2 - 1 = d \frac{N_{rD}}{N_{CD}}, \quad (5.47)$$

чуқур марказ агар акцептор бўлса,

$$\left(\frac{C_6}{C_c}\right)^2 - 1 = d \frac{N_{rA}}{N_{CD} - N_{CA}} \quad (5.48)$$

бўлишлигини кўрамиз. Барьер сифимининг релаксацияси оптик уйғотиш (ёруғлик) орқали ҳам кузатилиши мумкин. P^+ -н ўтишда саёз донор ҳамда чуқур донор бўлган ҳолни кўрайлик. Аниқлик киритиш учун $e_n \gg e_p$ ва $V \gg V_n$ бўлсин деб олайлик. Шундай температура олинадики, сатхнинг бошланғич тўлатилганлиги узоқ муддатда сақлансан. Бошланғич вақтда сатҳ стационар тўлдирилганликка эга бўлсин, яъни X3C нинг ҳамма қисмida электрон билан деярли тўлатилмаган бўлсин, $t=0$ да диодни фотон энергияси $\hbar w \geq E_g$ бўлган ёруғлик орқали P^+ томонидан ёритамиз. Бу вақт доимийси τ_{3n} билан сатҳни электрон билан тўлишига ва натижада сифимининг камайишига олиб келади. X3C да электроннинг дрейф тезлиги тўйинишига эришгани учун τ_{3n} координатага боғлиқ бўлмайди деб қараш мумкин. У вақтда $N_u(t)$ қуидаги ифода

$$N_u(t) = N_{CD} + N_{rD} \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.49)$$

билан аниқланади. (5.49) ни $\left(\frac{C(t)}{S}\right)^2 = \frac{e \varepsilon_a N_u(t)}{2(V + V_K)}$ га қўйиб сифимининг вақт бўйича боғланиши

$$\frac{C^2(t) - C_c^2}{C_c^2} = \frac{N_{rD}}{N_{CD}} \exp\left(-\frac{t}{\tau_{3n}}\right) \quad (5.50)$$

билин аниқланишини күрамиз. Тажрибадан аниқланган $f(t) = c^2(t) - C_c^2$ боғланишдан $\tau_{\text{зп}}$ ни топиш мүмкін ва

$$\tau_{\text{зп}} = \frac{eV_{\text{др}}}{j\gamma_n} = \frac{eV_{\text{др}}}{jS_n U_m}$$

орқали γ_n аниқланади. Бу ерда j — ток зичлиги, $V_{\text{др}}$ — дрейф тезлиги $N_{rD} \ll N_{CD}$ бўлган ҳолда сифим релаксацияси


$$\frac{C(t) - C_c}{C_c} = \frac{N_{rD}}{2N_{CD}} \exp\left(-\frac{t}{\tau_{\text{зп}}}\right) \quad (5.51)$$

билин ифодаланади. Энди $x > w_6$ соҳа электрон билан тўла-тилган бўлсин. $t=0$ да диодни n -соҳасидан фотон энергияси $hw \geq E_g$ бўлган ёруғлик билан ёритилса, сатҳни ковак $\tau_{\text{зп}}$ вақт доимийси билан тўлдира бошлайди ва натижада сифимнинг ошишига олиб келади. Бу ҳолда ковак дрейф тезлигининг майдонга боғлиқлигини, яъни $\tau_{\text{зп}}$ нинг масофага боғлиқлигини инобатта олиш керак.

б. Термик рагбатлантирилган сифимнинг релаксация усули

Чуқур марказ параметрларини ўлчашнинг бу усули шоттки барьер (тўсик)ли ёки кескин $P^+ - n$ ўтишли структура (диод) ҳароратининг ошиши билан барьер сифими нинг ўзгаришини қайд қилишга асосланган. Барьер сифимининг бу ўзгариши иссиқлик таъсирида чуқур сатҳни қайта зарядланишидан содир бўлади. Бу усулнинг моҳиятини ёритишда ҳам яримўтказгичда концентрацияси N_{CD} бўлган саёз сатҳли донордан ташқари, тақиқланган зонада энергиявий сатҳи E_r , концентрацияси N_{rD} бўлган чуқур сатҳли донор бўлсин ва бу чуқур сатҳ учун $e_n \gg e_p$ тенгсизлик бажарилади деб қабул қиласиз. Диодни иситиш, со вутиш жараёнларида ундаги чуқур сатҳнинг тўлдирилганлигини ва у билан боғлиқ сифимнинг ўзгаришини кўрайлик. Дастрраб структурани шундай температура $T > T_c$ да ушлаймизки, унда чуқур сатҳнинг электрон билан стационар тўлдирилганлиги тез ўрнатилсин ($\tau \ll \tau_{\text{уЛЧ}}$) ва $\omega\tau \gg 1$ тенгсизлик бажарилсин. Бунда ўлчанганди сигим юқори частотали барьер сифимнинг стационар C_c қийматини беради. Кейин диодни тескари V кучланиш уланган ҳолда

чукур сатхнинг бошланғич ҳолатдаги тұлдирилғанлығы узоқ сақланадиган T_1 температурагача совутамиз. Бу жараёнда сатхнинг тұлдирилғанлық даражаси деярли ўзгармайды. Шунинг учун сифимнинг температурага күксиз боғланиши кузатилади (5.5а-расм, боғланиш). Бу боғланиш чукур сатхнинг стационар тұлдирилғанлығы n_{rc} ва стационар тұлдирилғанлықка мос келган стационар барьер сифими C_c ни аングлатади. Энди тескари V кучланиш құйилған ҳолда диодни T_1 дан бошлаб қыздырамиз. Бу жараёндаги сифимнинг температурага боғланиши ҳам 1-боғланиш каби бўлади. Сўнг диодни, яна қайтадан тескари кучланиш құйилмаган $V=0$ ҳолда, T_1 температурагача совутамиз, сўнгра тескари кучланиш улаймиз. Бу температурада сатхнинг бошланғич тұлдирилғанлығы n_{rc} ва унга мос си-



5.5-расм. Бир зарядли чукур маркази бўлган $p-n$ ўтишда сифим (a), тескари токнинг (b) температурага боғланиши. 1,4 — термик рағбатлантирилмаган; 2,3 — термик рағбатлантирилган чукур сатҳ разряди бўлган ҳол учун. Тилла билан легирланган $p+n$ ўтишли кремний диоди сигимининг температурага боғланиши (b).

$N_c = 1,5 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-3}$, $N_d = 1,6 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-3}$, $S = 2,2 \text{ см}^2$, $U = 20 \text{ В}$, $b = 1 \text{ К/с}$.

1 — термик рағбатлантириш бўлмаганданда чукур сатҳ разряди;

2 — акцептор сатҳи рағбатлантирилганда чукур сатҳ разряди;

3 — термик рағбатлантирилганда донор сатхини электрон билан тўлиши ($DE_A = E_c - E_A = 0,56 \cdot 0,04 \text{ эВ}$, $DE_D = E_D - E_V = 0,36 \cdot 0,03 \text{ эВ}$, $e_n < e_p$).

ғимнинг бошлангич қиймати C_b узок сақланади. C_b нинг қиймати C_c га нисбатан кичик. Энди диодга тескари V кучланиш уланган ҳолда унинг температурасини күтара борамиз. Температуранинг T_1 дан T_0 оралиғида сатҳнинг бошлангич тұлдирілғанлығы сақланиши туфайли сифимнинг температурага күксиз болганиши содир бұлади. Температуранинг T_0 дан T_e гача бұлған оралиғида эса структура сифимининг тез ўсиши кузатиласы. Бу температура оралиғида сатҳнинг тұлдирілғанлик релаксация вақты камаяди ва сатҳнинг термик рағбатлантирилған разряди (сатхдан электроннинг иссиқлик таъсирида чиқиши) кузатиласы. Бу ўз навбатида сифимнинг тез ўсиши олиб келади. Сатҳнинг термик рағбатлантирилған разряди тугағандан сүнг, ($T > T_e$ да) 1- ва 2-боғланишлар бир-бираға мос тушади. Сатҳнинг термик рағбатлантирилған разряди тескари ток релаксациясини ҳам юзага келтиради, яғни диодда тескари ток импульсининг оқишига олиб келади (5.5, б-расм). Температура ошиши билан тескари V кучланиш күйилған диодда ток күтарилади ва маълум бир температурада максимумга эришиб, камая бошлайди. Сатҳнинг термик рағбатлантирилған разряди тугаши билан ток одатдаги диод стационар тескари токигача камаяди. Энди диоднинг термик рағбатлантирилған сифим ва ток релаксациялари орқали чуқур сатҳ параметрларини аниқлашни күрайлик.

Хажмий зарядни ҳосил құлувчи ионлар концентрацияси ҲЗС нинг ҳамма қисміда бир хил бұлғанда, ионлашган марказ концентрацияси

$$N_u(t) = N_{CD}^+ + N_{rD}^+(t) \quad (5.52)$$

билан аниқланади. Шу билан бирга, ионлашган чуқур донорлар концентрацияси

$$N_{rDu}(t) = N_{rD} \left[1 - \exp \left(- \int_0^t e_n(t) dt \right) \right] \quad (5.53)$$

қонуният бўйича ошади. Унга мувофиқ нейтрал сатҳлар концентрацияси камаяди

$$n_r(t) = N_{rD} \exp \left[- \int_0^t e_n(t) dt \right]$$

Маълумки, тескари ток зичлиги чуқур сатҳидан ўтказувчан зонага вақт бирлигига ўтаётган электронлар сонига $\left(\frac{dn_r}{dt} \right)$ пропорционал

$$j_{\text{тек.ток}} = e \frac{dn_r}{dt} = e \frac{d}{dt} N_{rD} \exp \left[- \int_0^t e_n(t) dt \right] = -e_n(t) n_r(t) \cdot e \quad (5.55)$$

Термик рағбатлантирилган тескари ток қандайдир температура T да максимумга эришгани учун (5.53) дан вақт бўйича олинган ҳосила $T = T_{\max}$ да нольга тенг бўлади.

$$\left(\frac{dj_{\text{тек.ток}}}{dt} \right)_{T=T_{\max}} = -e \frac{d}{dt} (e_n(t) \cdot n_r(t)) = e \frac{de_n}{dt} + e e_n \frac{dn_r}{dt} \Big|_{T_{\max}} = 0 \quad (5.56)$$

Модомики сатҳнинг термик рағбатлантирилган разряди кичик температура оралиғига содир бўлар экан, бу ораликда температуранинг вақт бўйича ошишини

$$T = T_0 + \beta t$$

кўринишдаги чизиқли қонуният бўйича боради деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда β — температуранинг ўсиш тезлигини аниқловчи коэффициент Кс^{-1}

$$dT = \beta dt \quad (5.58)$$

бўлишилигини назарда тутиб ва (5.18) ифодани қўллаб, (5.56) дан чуқур сатҳ ионланиш энергиясининг

$$\ln \left(\frac{T_{\max}^4}{\beta} \right) = \frac{\Delta E_r}{KT_{\max}} + \ln \left(\frac{\Delta E_r}{\kappa b V_n} \right) + \ln \left(1 + \frac{2\kappa T_{\max}}{\Delta E_r} \right) \quad (5.59)$$

ифода билан аниқланишини кўрамиз.

Амалиётда кўп ҳолларда $2 KT_{\max} < \Delta E_r$ бўлади. У вақтда (5.59) ифода

$$\ln \left(\frac{T_{\max}^4}{\beta} \right) = \frac{\Delta E_r}{KT_{\max}} + \ln \left(\frac{\Delta E_r}{kbV} \right) \quad (5.60)$$

күринишга келади. Бу формулани құллаб, тажрибадан чуқур сатхнинг ионланиш энергиясини аниқлаш учун структуранинг ҳар хил иситиш тезликлари β да термик рафбатлантирилган тескари токлари қайд қилинади ва токнинг максимумга эришган температуралари орқали $\ln \left(\frac{T_{\max}^4}{\beta} \right)$ ни $\frac{1}{T_{\max}}$ га боғланиши чизилади. Унинг оғиши бурчаги тангенсидан $\left(\frac{\Delta E_r}{k} \right)$, абсцисса үқи $\left(\frac{1}{T_{\max}} \right)$ нинг кесишиш нүктаси орқали V_b топилади. Энди термик рафбатлантирилган сифимнинг релаксациясидан чуқур сатх ионланиш энергиясининг аниқланишини күрайлик. Бунинг учун диод температураси чизиқли қонуният билан ўсисб бораётганида чуқур сатхнинг ярмигача разрядланиши учун кеттан вақт ҳисобланади, яни $N_{r_{DU}}(t_{0,5}) = 0,5N_{CD}$ ни (5.53) ифодага күйиб ва $e_n = \tau_n^{-1}$ лигини назарда тутиб, (5.18) ни қўллаган ҳолда чуқур сатх ионланиш энергиясининг

$$\frac{\Delta E_r}{KT_{0,5}} = \ln \left(\frac{\gamma_n N_c T_{0,5}}{\beta \ln 2} \right) - \ln \left(\frac{\Delta E_r}{KT_{0,5}} \right) \quad (5.61)$$

кўринишдаги тақрибий ифодасини оламиз.

Бу $T_{0,5} = T_0 + \beta t_{0,5}$ ни $t=0,5$ вақтдаги диод температураси иккинчи томондан $t=t_{0,5}$ даги сифими

$$\frac{C^2(t) - C_6^2}{C_c - C_6} = 0,5 \quad (5.62)$$

муносабат билан аниқланади. $T_{0,5}$ температура $C(t)$, C_6 , C_c лар тажриба натижаларидан топилади.

$N_{CD} \ll N_{r_D}$ тенгсизлик бажарилганда (5.62) ифода

$$\frac{\Delta C(t_{0,5})}{\Delta C} = 0,5 \quad (5.63)$$

Күриниши олади. Бу ерда $\Delta C(t_{0,5}) = C(t_{0,5}) - C_6$ $\Delta C = C_c - C_6 \cdot \Delta C(t)$ сифимнинг 1- ва 2-боғланишлари айрмасини ифодалайди. Назарий ҳисоблашларнинг күрсатишича, чуқур сатҳ ионланиш энергиясини термик рағбатлантирилган ток максимуми бўйича аниқлашда (5.61) формуладан фойдаланиш ҳам мумкин, унда $T_{0,5}$ ни T_{\max} га ўзгартирилади, холос.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, термик рағбатлантирилган ток, сифим релаксациялари бўйича чуқур сатҳ параметрларини аниқлашда $T(t)$ нинг чизиқли боғланишда бўлишлик шарти бажарилиши керак. $T(t)$ нинг чизиқли боғланишига кенг температура оралифида автоматик қурилмалар билан эришиш мумкин. Одатда, сатҳнинг термик рағбатлантирилган разряди кичик температура оралифида содир бўлгани учун, бу соҳада $T(t)$ нинг начизифий боғланишини (5.58) муносабат орқали апроксимациялаш мумкин.

Энди чуқур сатҳ концентрацияси N_{cD} ни аниқлашни кўрайлик. Структуранинг бошланғич ҳолатдаги температураси $T_b = T_c$ ва унга тескари V кучланиш қўйилган бўлсин. Бу ҳолда ҳажмий заряд соҳасининг кенглиги $h(V, T)$, сифими $C(V, T)$ бўлсин. Тескари кучланиш V ни сақлаган ҳолда структурани T_1 температурагача совутсак, унинг ҲЗС нинг кенглиги $h(V, T_1)$ ва сифими $C(U, T_1)$ бўлади. Бунда ҲЗС нинг ҳажмий заряд зичлиги $\rho = e(N_{cD} + N_{cP})$ сақланади. T_1 температурада структура тескари V кучланишини V_1 гача камайтирсак, ҲЗС нинг кенглиги $h(V_1, T_1)$ ва сифими $C(V_1, T_1)$ бўлади. Бунда ҳажмий заряд соҳасининг кенглиги бир мунча камаяди. Шу билан бирга, бу соҳада чуқур сатҳ заряди ўтказувчан зонадаги электрон билан компенсацияланади. T_1 температурада тескари V кучланиши V гача қайтадан тикласак, бу соҳа янгитдан асосий заряд ташувчилар билан камбағаллашади, лекин чуқур сатҳ ҳажмий заряд зичлигига таъсир кўрсатмайди, ҲЗС нинг ҳажмий заряд зичлиги $\rho = eN_{cD}$ билан аниқланади. Тескари V кучланиш қўйилган ҳолда T_1 температурадан бошланғич ҳолатдаги температура T_c гача кўтартсак, у ҳолда сатҳнинг термик рағбатланган разряди туфайли, структура сифими ҳамда ҲЗС нинг кенглиги ўзларининг бошланғич қийматлари $h(V, T)$ ва $C(V, T)$ га қайтадилар. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, юқорида кўрсатилган шароит-

ларда ўлчанган $C(V, T)$, $C(V, T_1)$, $C(V_1, T_1)$ сифимлар орқали чуқур сатҳ концентрацияси

$$N_{rD} = -N_{CD} \frac{C^2(V_1, T_1)[C^2(V, T_1) - C^2(V, T)]}{C^2(V, T_1)[C^2(V_1, T_1) - C^2(V, T)]}$$

Формула билан аниқланиши мумкин. Агар $V_1=0$, $h(V_1, T_1)=0$ ва структура сифимлари $C(V, T)$ ва $C(V, T_1)$ нинг қийматлари бир-биридан кам фарқ қиласа, у ҳолда N_{rD}

$$N_{rD} = 2N_{CD} \frac{C(V, T) - C(V, T_1)}{C(V, T_1)}$$

билин аниқланади. Шуни таъкидлаш керакки, чуқур сатҳ параметрларини аниқлашнинг термик рағбатлантирилган сифим, ток усулларининг ЧС параметрларини тез ва тақ-рибий баҳолашга қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу усуллар билан ўлчашнинг хатолигини камайтириш учун сифимнинг $C(t)$ ва токнинг $I(t)$ боғланишларини структура температурасининг ҳар хил ўсиш тезлиги (β) да ўлчаш зарур, лекин бу билан усулнинг асосий ютуғи, яъни усулнинг соддалиги ўз маъносини йўқотади.

в. Фотосифим усули

Бу усулда текшириладиган намуна металл-яримутказ-гич, $p-n$ ўтишли (структурда оптик криостатга жойлаштирилади ва кучланиш қўйилмаган $U=0$ ҳолатда совитилади, сўнгра тескари кучланиш қўйиб киришмавий ютилиш соҳасига мос келадиган ҳар хил тўлқин узунликдаги монохроматик ёруғлик билан ёритилиб, структура сифими ўлчанади. Қуйида ўлчанган сифимнинг спектрал боғланишидан ЧС параметрларини аниқлашнинг назарий асосини ва баъзи бир ифодаларини қисқача таҳдил қиласайлик. Одатда паст температура (77К) да чуқур донор сатҳ E_{rD} дан электроннинг ўтказувчан зонаси E_c га, валент зонаси E_v дан чуқур акцептор сатҳ E_A га иссиқлик таъсирида ўтиши, яъни термик генерация тезлизигини кичик деб қаралади. Шунинг учун биз кўраётган ҳолда структура сифимининг ўзгариши ҲЗС даги ЧС нинг фотоионланиши туфайли содир бўлади. Бундай ҳолат температураси 77К бўлан германий, кремний-арсенид-галлий намуна-

ларида ионланиш энергияси $\Delta E \geq 0,18$ эВ бўлган ЧС лар учун кузатилади. Маълумки, диоднинг ҲЗС да эркин заряд ташувчилар концентрациялари Больцман тақсимоти билан аниқланади. ҲЗС даги электр майдони эркин заряд ташувчиларни бу соҳдан ташқарига сиқиб чиқаргани учун уларнинг концентрацияси жуда кичик бўлади. Тескари қўйилган кучланиш $V > \frac{KT}{e}$ бўлганда, паст температураларда ҲЗС да $p=0$ ва $n=0$ деб олиниши билан катта католикка йўл қўйилмайди. Шунинг учун (5.9а) тенгламадаги эркин заряд ташувчиларни ЧС га тутилиши билан боғлиқ ҳадларни инобатга олмаслик мумкин. У ҳолда ЧС даги электроннинг концентрациясини вақт бўйича ўзгариши фақат фотоионланиш туфайли содир бўлади ва у (5.9а) дан

$$\frac{dn_r}{dt} = [\chi_p \cdot (N_r - n_r) - \chi_n n_r] I_v, \quad (5.66)$$

кўринишдаги тенглама билан аниқланишини кўрамиз. Стационар ҳолат $\frac{dn_r}{dt} = 0$ да (5.66) дан ЧС нинг электрон билан тўлдирилганлик даражаси

$$\frac{n_{rc}}{N_r} = \frac{\chi_p(h\nu)}{\chi_p(h\nu) + \chi_n(h\nu)} \quad (5.67)$$

билан аниқланади. (5.66) тенгламанинг $t=0$ да $n_r=N_r$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечими, яъни чуқур донар сатҳнинг ностационар жараёнда электрон билан тўлдирилганлик даражаси

$$\frac{n_{rc}}{N_r} = \frac{\chi_p(h\nu)}{\chi_n(h\nu) + \chi_p(h\nu)} + \frac{\chi_n(h\nu)}{\chi_n(h\nu) + \chi_p(h\nu)} \exp\left(\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.68)$$

билан аниқланади. (5.66) тенгламанинг $t=0$ да $n_r=0$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечими, яъни чуқур акцептор сатҳнинг электрон билан тўлдирилганлик даражаси

$$\frac{n_r}{N_r} = \frac{\chi_p(h\nu)}{\chi_n(h\nu) + \chi_p(h\nu)} \left[1 - \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \right] \quad (5.69)$$

билин аниқланади. Бу ерда

$$\tau^{-1} = [\chi_n(h\nu) + \chi_p(h\nu)] I, \quad (5.70)$$

(5.68) ва (5.69) ифодалардан күринади, ЧС ларни оптик қайта зарядлаш экспонента қонунияти бўйича бир хил вақт доимийси t билан содир бўлади. Фотосигимнинг фотон энергиясига боғланишини учта соҳага ажратиш мумкин.

1. Фотон энергиясининг ЧС ионланиш энергиясидан кичик бўлган $h\nu < \Delta E$, соҳаси. Бу соҳада сатҳни қайтадан оптик ўтишлар билан зарядлашнинг иложи бўлмайди ва натижада сатҳнинг тўлдирилганлик даражаси ўзгармайди.

2. Фотон энергиясининг $\Delta E < h\nu < E_g - \Delta E$, соҳаси. Бу соҳада сатҳнинг тақиқланган зона ярмидан юқори ёки паст қисмида жойланишига қараб, $\chi_n(h\nu) > 0$, $\chi_p(h\nu) = 0$ ёки $\chi_p(h\nu) > 0$, $\chi_n(h\nu) = 0$ бўлади. Донор чуқур сатҳнинг тўлдирилганлик даражаси бу соҳада $\chi_n \neq 0$, $\chi_p = 0$ бўлишилигини назарда тутсак, (5.68) дан

$$\frac{n_r}{N_r} = \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.71)$$

билин аниқланишини кўрамиз. Чуқур акцептор сатҳининг тўлдирилганлик даражаси $\frac{n_r}{N_r}$ (5.69) дан бу соҳада $\chi_p > 0$, $\chi_n = 0$ бўлишини назарда тутсак,

$$\frac{n_r}{N_r} = 1 - \exp\left(-\frac{t}{\tau}\right) \quad (5.72)$$

келиб чиқади. Шундай қилиб, фотон энергиясининг электронни E_{rD} дан E_c га E_v дан E_{rA} га чиқаришнинг етарли соҳасида структурани узоқ муддатли ёритишдан чуқур донор сатҳининг электрон билан тўла қашшоқланиши, чуқур акцептор сатҳининг тўлиши содир бўлади.

3. Фотон энергиясининг $E_g - \Delta E < h\nu \leq E_g$ соҳаси. Бу спектрал соҳада иккита оптик ўтиш, яъни электронни ёруғлик таъсирида E_{rD} дан E_c га ва E_v дан E_{rA} га ўтиши кузатилади. Узоқ муддатли ёритишдан сўнг, яъни $t \rightarrow \infty$ да

$t \gg \tau$ бўлади. (5.68) ва (5.69) ларга кўра сатҳнинг тўлдирилганлик даражаси

$$\frac{n_r}{N_r} = \frac{\chi_p(h\nu)}{\chi_n(h\nu) + \chi_p(h\nu)} \quad (5.73)$$

билин аниқланади. Бундан кўринадики, сатҳнинг тўлдирилганлик даражаси фақат электронни, ковакни фотонланиш кесимлари $\chi_n(h\nu)$ ва $\chi_p(h\nu)$ нинг спектрал боғланиши билан аниқланиб, у на ёруғлик интенсивлигига, на сатҳнинг бошланғич ҳолатда қандай тўлдирилганлигига боғлиқ эмас. Агар диоднинг p -тип базасида ЧС тақиқланган зона ярмининг юқори қисмида ёки n -тип базасида тақиқланган зона ярмининг қути қисмида жойлашган бўлса, фотосифимни ўлчашда уни қайта зарядлаш фақат иккита $E_g \rightarrow E_c$, $E_g \rightarrow E_v$ оптик ўтишлар фотон энергиясининг $h\nu > (E - \Delta E_p)$ соҳасида мумкин бўлади. Бундай сатҳларни текширишдан олдин улар асосий бўлмаган заряд ташувчилар билан қайта зарядланади ва сўнг $N_u = f(t)$ боғланиш ўлчанади. Бундай усул билан ЧС параметрларини ўлчаш индуksияланган фотосифим усули деб юритилади.

Фотосифимни ўлчашда ЧС ни қайта зарядлаш одатда диод сирти энергияси $h\nu \geq E_g$ бўлган ёруғлик билан ёритиш орқали амалга оширилади. Бу соҳада ютилиш коэффициенти $\alpha \gg d^{-1}$ (d — диод сиртидан $p-n$ ўтиш чегараси гача бўлган масофа) бўлади. Структурани ёритишдан ҳосил бўлган электрон ковак жуфтлари $p-n$ ўтиш чегараси томон диффузияланадилар ва XZC да ажраладилар. XZC дан фақат асосий бўлмаган заряд ташувчилар ўтади. Хусусий ютилиш соҳасида ЧС нинг қайта зарядланишидан юзага келган диод сифимини ўзгаришиига олиб келади:

$$N_u(t) = N_{CD} + N_{rD} \exp\left(-\frac{t}{\tau_{3n}}\right) \quad (5.74)$$

экспоненциал қонуният бўйича ўзгарамади. ЧС ни тўлдириш жараёнининг вақт доимийси τ_{3n} ни ўлчаб,

$$\tau_{3n} = \frac{e \cdot V_{dp}}{f \cdot \gamma_n} \quad (5.75)$$

ифодасидан заряд ташувчиларнинг марказга тутилиш кесими γ ни аниқлаш мумкин. Диффузион диодларда эса битта чуқур сатҳ узун электроннинг ҳам ковакни тутилиш кесимларини аниқлаш мумкин. Фотосигим усули билан ЧС энг кичик концентрациясини қайд қилиш, ўлчаш курилмасининг сезгирилиги диоднинг тӯла сифимига, сатҳнинг фотоионланиш кесимига боғлиқ бўлиб, у изотермик сифим релаксацияси усули каби

$$N_r = N_u \cdot \frac{2\Delta C}{C} \quad (5.76)$$


билин аниқланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, сифими ни ўлчашда ўзгарувчан ток кўприги қўлланилганда $\frac{\Delta C}{C}$ нинг кичик қиймати 10^{-2} - 10^{-3} тартибида бўлади. Модомики, намунада киришмалар умумий концентрацияси 10^{13} см $^{-3}$ бўлганда, чуқур сатҳнинг концентрацияси 10^{10} - 10^{11} см $^{-3}$ бўлсагина кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, юзаси $0,1$ см 2 ЧС кенглиги 30 мкм бўлган диодда $3 \cdot 10^8$ - $3 \cdot 10^7$ тагача киришма атомини қайд қилиш мумкин. Бу усулнинг камчилиги сифатида ЧС нинг фотоионланиш кесими билан чекланганлигини ва киришмавий ютилишни ёруғлик интенсивлигига боғлиқлигини кўрсатиш мумкин. Узлуксиз монохроматик ёруғлик спектрлари одатда иссиқлик манбаларини (глобар, Нернст штифт) қўллаш орқали олинади. Уларнинг интенсивлиги нисбатан кичик бўлади. Диод сиртига тушаётган монохроматик ёруғлик интенсивлиги $10^{15} \div 10^{16}$ квант/см $^2 \cdot$ с дан ошмайди. Агар $x < 10^{20}$ см 2 бўлса, ЧС ни оптик ўтишлар билан қайта зарядлашнинг вақт доимийси $t \geq 10^{-1}$ с бўлади. Сигимнинг бундай секин релексациясини фақат ЧС нинг катта концентрациясида, курилма турғун ишлаганда ўлчаш мумкин. ЧС энергия ионизацияси фотосигим спектридан унинг ўзгариши кузатиладиган энг кичик фотон энергияси орқали топилиши мумкин. Унинг аниқ қиймати кўрилаётган сатҳда ёруғликнинг ютилиш назарияси билан аниқланган боғланишдан топилади. Яримўтказгичларда баъзи бир киришмалар кўп зарядли ҳолатда бўлган тутқич марказларни ҳосил қиласди. Улар кристалл панжара-да ҳар хил ҳолатда бўлиши ва комплекслар, атомлар комп-

лекси ҳосил қилиши мумкин. Бу ҳолатда диоднинг тўла фотосифим спектри ҳар бир сатҳ, фотосифим спектри йиғиндисидан иборат бўлади. Фотосифимнинг ўзгариш табиатига қараб, сатҳ энергияси ўзгарувчан зона тубига ёки валент зона шинига нисбатан ўлчашни аниқлайди. Биринчи ҳолда чукур сатҳнинг камбағаллашидан ҳажмий заряд зичлиги ортиши туфайли, структура сифими ўсади (сифим ўзгариши мусбат), иккинчи ҳолда чукур сатҳдан ковакни валент зонага чиқариш туфайли, сифим камаяди. (Сифим ўзгариши манфий.)


Фотосифим усули билан тутқич асосий бўлмаган заряд ташувчилар унинг марказ параметрларининг аниқланиши унинг асосий ютуғидир.

Тилла киришмали кескин $n^+ - p$ ўтишнинг фотосифим индукцилашган фотосифим спектрлари 5.6-расмда келтирилган. Фотосифим, яъни XZC да ионлашган марказ концентрацияси N_u нинг биринчи поғонаси фотон энергиясининг $h\nu = 0,34$ эВ дан бошлаб кузатилади. У бошқа усуллар билан аниқланган тилла киришмасининг куйи сатҳи ионланиш энергиясига мос келади.

N_u нинг бу энергияда кескин ўзгариши кўрилаётган сатҳнинг муайян фотоионланиш энергиясига эга эканлигидан далолат беради. Фотон энергиясини $h\nu \geq 0,7$ эВ соҳасида N_u нинг янгитдан ортиши кузатилади. Бу спектрал соҳада тилла юқори сатҳи орқали иккита оптик ўтишлар бўлиши мумкин. ($E_r \rightarrow E_c$ ва $E_v \rightarrow E_p$). $N_u(t)$ боғланиш бу сатҳ учун $\frac{\chi_p}{\chi_n} = f(h\nu)$ боғланишга мос тушади. Фотон энергиясининг $h\nu > 0,8$ эВ соҳасида N_u тўйиннишга инти-



5.6-расм. Тилла киришмали $n^+ - p$ диоднинг фотосифим спектри (1) индукцияланган фотосифим спектри (2).




5.7-расм. Тилла
киришмали n^+ - p диоднинг
77 К даги фотосифим (1),
индукцияланган фотосифим
(2) спектрлари.

лади ва хусусий ёруғлик $h\nu > E_g$ билан қайта зарядлашдан ўзгармайди. Бу спектрал соҳада тилла юқори сатҳи учун $\chi_p \gg \chi_n$ бўлади. Фотон энергиясини $h\nu > 0,8$ эВ дан бошлаб кучсиз ўзгариши, тилла қуи сатҳи орқали иккита оптик ўтиш мумкин бўлганда шуни кўрсатадики, бу сатҳ учун $\chi_p \gg \chi_n$ муносабат ўринли бўлади. Текширилаётган диоднинг индукцияланган фотосифим спектри 5.6-расмда 2-боғланиш орқали ифодаланган. Унинг таҳлили кўрсатишича, фотон энергиясини $h\nu = 0,56$ эВ бўлган қийматда X3C да ионлашган марказ концентрациясининг кескин камайиши хусусий ёруғлик таъсирида электрон билан тўлатилган юқори тилла сатҳининг камбағаллашиши туфайли содир бўлган деб тушунтирилади.

P^+ - n диоднинг фотосифим спектри (5.7-расм) n^+ - p — диоднинг фотосифим спектри билан яхши мос келади. Бу ҳолда N_n нинг кескин ортиши фотон энергиясининг $h\nu = 0,56$ эВ соҳасида содир бўлади. Фотон энергияси ортиши билан χ_p/χ_n нисбатнинг камайиши туфайли, N_n камая бошлайди. Индукцияланган фотосифим спектри (2-боғланиш)да тилла қуи сатҳининг электрон билан тўлиши туфайли содир бўлган поғона кузатилади.

в. DLTS — сифимнинг автоматлашган релаксация усули

Сифимнинг изотермик релаксация усули диодга қўйилган кучланишни, уйғотувчи ёруғликни қўлда бир каррали (марта) қайта ўлчашдан даврий қайта улашга ўтиш орқали такомиллаштирилиб борилади. Бунда диодга тескари йўналишда уланган кучланиш устига чукур сатҳни тўлдирувчи тескари қутбли даврий частотаси f — бўлган кучла-




5.8-расм. Кучланишни қайта улаш $O \rightarrow U$ дан сўнг ҳар хил температураларда сигимнинг вақтга боғланиши
а- $T=T_1$, б- $T=T_2$, в- $T=T_3$, $T_1 > T_2 > T_3$.

ниш импульси берилади. Ланг томонидан даврий қайта улаш усули ривожлантирилди ва автоматлаштирилган усулниң назарий ва амалий асоси яратилди. Бу усул ЧС ни спектроскопик тадқиқ қилишнинг даврий қайта улаш усули *DLTS* деб юритила бошланди. Шундай қилиб, *DLTS* автоматлаштирилган изотермик сигим релаксация усулидир. Бу усулга кўра намуна температурасининг секин ўзгариш жараёнида тўлдирувчи кучланиш ҳар бир қайта уланишидан сўнг сигим релаксациясидан берилган $t=t_1$ ва $t=t_2$ вақтлардаги $C(t_1)$ ва $C(t_2)$ сигимларни (5.8-расм), улар фарқини

$$\Delta C_{21} = C(t_1) - C(t_2)$$

ҳамда температурани (масалан, термопара ишлатилганда термо ЭЮКни) автоматик тарзда ўлчаб боради ва ΔC нинг температурага боғланиши $\Delta C(T)$ топилади. t_1 ва t_2 ларни ўзгартириб, $\Delta C_2(T)$ нинг “оиласи” (5.9-расм) чизилади



5.9-расм. P^+ - n типдаги GaAs диодда $U_{\text{пп}} \rightarrow U$ ға қайта улашдан сүнг $C_{21}(T)$ нинг температурага боғланиши.

1. $t_1=0,02$ мс; $t_2=0,2$ мс;
2. $t_1=0,05$ мс; $t_2=0,5$ мс;
3. $t_1=0,1$ мс; $t_2=1,0$ мс;
4. $t_1=0,2$ мс; $t_2=2,0$ мс;
5. $t_1=0,5$ мс, $t_2=5,0$ мс.

ва улар ёрдамида релаксация вақтининг температурага боғланиши $\tau(T)$ аниқланади. Бу ўлчанган боғланишлар орқали ЧС параметрларини топишни таҳлил қиласайлик.

Чукур сатҳ (ЧС) учун $e_n \gg e_p$ ҳамда $U \gg V$ ва $N_{CD} \gg N_r$, тенгсизликлар бажарилсин деб қарайлик. Бу ҳолда симимнинг вақт бўйича ўзгариши $0 \rightarrow U$ ғайта улашдан кеъин (5.40) ифода билан аниқланади. Бу ифодадан $C(t)$ ни $t = t_1$ ва $t = t_2$ даги қиймати ҳамда уларнинг фарқи $\Delta C_{21}(t) = C(t_2) - C(t_1)$ ни ўлчаш орқали

$$\frac{\Delta C_{21}}{C} = \frac{N_r}{2N_{CD}} \left[\exp\left(-\frac{t_1}{\tau}\right) - \exp\left(-\frac{t_2}{\tau}\right) \right] \quad (5.76)$$

аниқланишини кўриш қийин эмас. $\Delta C_{21}/C$ нисбат берилган t_1 ва t_2 ларни қийматида намуна температурасига боғлиқ ва у қандайдир температура T_{\max} да максимумга эришади. (5.76) ифодани температура бўйича дифференциаллаб, ҳосиласини нольга тенглаштириб, бироз соддалаштиришдан сүнг

$$\tau_{\max} = \frac{t_2 - t_1}{\ln(t_2/t_1)} \quad (5.77)$$

билин ифодаланишини күрамиз.

Берилган t_1 ва t_2 вақтлардаги $\frac{\Delta C_{21}}{C} = f(T)$ боғланиш, унинг $T=T_{\max}$ даги қиймати, T_{\max} температуранинг ўзи эса тажрибадан аниқланади. Сүнг t_{\max} , t_1 ва t_2 лар ҳамда $(\Delta C_{21}/C)_{\max}$ берилган ҳолда ЧС концентрацияси (5.76) га күра

$$N_{rD} = 2N_{CD} \left(\frac{\Delta C_{21}}{C} \right)_{\max} \left[\exp \left(-\frac{t_1}{\tau_{\max}} \right) - \exp \left(-\frac{t_2}{\tau_{\max}} \right) \right] \quad (5.78)$$

ифодадан ҳисобланади.

Одатда $e_n \ll e_p$ бўлган ҳолда сатҳни тўлдиришда тўғри токдан тескари кучланишга ($I_{np} \rightarrow U$) тез қайта улаш қўлланилади. Бу ҳолда ЧС учун $\gamma_n \gg \gamma_p$ бўлса, сатҳнинг бошланғич тўлдириш даражаси

$$f = \frac{\gamma_n}{\gamma_n + \gamma_p}$$

учун $f=1$ тенгсизлик бажарилмайди. Шунинг учун $I_{np} \rightarrow U$ қайта улаш сатҳни тўлдирилганлик даражасини ва у билан боғлиқ структура сифимини ўзгартирмайди, бошқача айтганда, сифим релаксацияси кузатилмайди. Демак, $e_n \gg e_p$ бўлган чуқур сатҳ параметрларини $DLTS$ билан аниқлаш учун $f \neq 1$ тенгсизлик бажарилиши керак экан. Бу p^+ -н ўтишли GaAs диодида яхши намоён бўлган.

Диод концентрацияси $N_{CD} = S \cdot 10^{15} \text{ см}^{-3}$ бўлган n -типдаги арсенид галлийдан ясалган. Диодда кучланишни $0 \rightarrow I$ қайта улашдан сифим релаксацияси кузатилмаган.

$I_{np} \rightarrow U$ қайта улашдан сүнг эса иккита чуқур сатҳни тўлдириш релаксациясига боғлиқ икки хил температура оралиғида сифим релаксацияси (сифимнинг камайиши) кузатилган. Демак, бундан кўринадики, икки сатҳ учун $e_n \ll e_p$ тенгсизлик бажарилади. ΔC_{21} нинг температурага боғланиши t_1 ва t_2 ларнинг бешта қийматида олинган ҳар бир боғланишидан T_{\max} , τ_{\max} (5.77) билан аниқланаб, $\tau_{\max} = f(T_{\max})$ боғланишдан сатҳларнинг энергетик ҳолати $E_1 = E_v + 0,44$ ЭВ, $E_2 = E_v + 0,77$ ЭВ билан аниқланшини кўрсатади. $DZTS$ нинг кўп чизмаларида N_p/N_{caes} нисбат билан аниқланадиган сезгирилиги 10^{-4} тартибда бўлади. Корреляция усулла-

рини күллаш билан унинг сезгиригини $N_r/N_{\text{сез}} \sim 10^{-7}$ гача етказиш мумкинлиги күрсатилган.


DLTS усули билан ЧС лар тўғрисида кўп маълумотлар олиш имконига эга бўлгани учун кейинги йилларда уларнинг кўпдан кўп чизмалари яратилиб, илмий лабораторияларда қўлланиб келинмоқда.

5.5-§. Металл-диэлектрик — яrimўтказгич структура параметрларини ўлчашнинг С—V усули

a. Идеал металл-диэлектрик-яrimўтказгич (МДЯ) структура C—V тавсифи

Яrimўтказгичлар сиртида, аниқроғи, диэлектрик-яrimўтказгич чегарасида сирт ҳолатлари, яъни яrimўтказгичнинг тақиқланган зонасида рухсат этилган энергия сатҳлари бўлмаган, диэлектрик (масалан, оксид, шиша) қатламида қўзгалувчан (K, Na, Cs ионлари) ва қўзгалмас тутқич марказ зарядлари, бошқача айтганда, сирқиш токи бўлмаган, яrimўтказгич билан металл чиқиш ишларининг фарқи нолга тенг бўлган МДЯ структура бенуқсон (идеал) структура дейилади. Идеал МДЯ структурасида яrimўтказгичнинг сирт потенциали ҳажмидаги потенциалига тенг бўлади ва структурага ташқи кучланиш қўйилманда яrimўтказгичда энергиявий зоналари ясси (текис) бўлади. *n*-тип яrimўтказгич асосида олинган МДЯ структурага ташқи кучланиш уланганда кечадиган жараёнларни қисқача таҳдил қиласли.

Структурага мусбат силжиш кучланиши (металл томонига ўзгармас ток манбанинг мусбат кутби) уланса, яrimўтказгич ҳажмидан электронларни сирт (диэлектрик-яrimўтказгич чегараси) томон тортувчи электр майдони пайдо бўлади ва яrimўтказгичнинг сирт соҳасида асосий заряд ташувчилар (электрон) билан бойиши кузатилади. Бу соҳада электр нейтраллик шарти бузилади ва ҳажмий заряд соҳаси (ХЗС) содир бўлади. ХЗС нинг ҳажмий заряди яrimўтказгич-диэлектрик чегарасида сирт потенциалининг ортишига, энергиявий зоналарининг эгриланишига олиб келади (5.10-расм). ХЗСнинг кенглиги заряд ташувчилар билан бойиши режимида етарлича кичик 100А° бўлади, шунинг учун кучли бойиши режимида сиртий за-



5.10-расм. Нуқсонсиз (идеал) МОЯ структуранинг бойиш (а), камбағаллашиш (б), инверсия (в) режимдаги энергетик диаграммаси.


ряд сифими шундай катта бўладики, МДЯ структура сифими диэлектрик (масалан, оксид) сифимига тенг бўлади. Агар кучланишни $V=0$ гача камайтирсак, асосий заряд ташувчилар туфайли юзага келган сифим камаяди. Ярим-үтказгич киришма атомларининг концентрацияси 10^{14} – 10^{15} см⁻³ тартибида, диэлектрик қатламишининг қалинлиги 0,1:1 мкм чамасида бўлганда, структура сифими ($0,6 \div 0,9$) C_D ни ташкил этади. Мутлақ МДЯ структуранинг $V=0$ даги сифими ясси (текис) зоналар сифими C_{sc} деб юритилади. Структурага нисбатан катта бўлмаган манфий силжиш кучланиши уланганда яримүтказгичнинг сирт соҳаси асосий заряд ташувчилар (электрон) билан камбағаллашади, компенсацияланмаган қўзғалмас мусбат зарядланган киришма донор ионидан ташкил топган X3C пайдо бўлади ва оқибатда энергия зоналарининг эгриланиши кузатилади (5.10 б-расм). Бу ердаги X3C *p-n* ўтишга тескари йўналишда қўйилган кучланишдан ҳосил бўлган X3Сга ўхшаш бўлади. X3C нинг сифими заряд ташувчилар билан камбағаллашган қатлам кенглиги W_{X3C} билан аниқланади. W_{X3C} қўйилган кучланишга, яримүтказгичнинг легирловчи киришма атом концентрациясига боғлиқ бўлиб, у сиртда потенциалнинг ортиши билан катталашади. Сирт соҳасининг камбағаллашиш режимида кучланишнинг ортиши X3C сифимининг камайишига олиб келади. Кўрилаётган ҳолда асосий заряд ташувчилар (электронлар)ни яримүтказгич сиртида ҳам, ҳажмида ҳам ўтказувчанлик зonasида ҳаракатланишини назарда тутсак, улар диффузион-дрейф мувозанати ўрнатилиши (максвелл) вақт доимийси 10^{-12} С билан силжиш кучланиши изидан

боради. Шунинг учун сиртнинг заряд ташувчилар билан камбағаллашиши, бойишидан юзага келган структуранинг юқори, паст частотали С—V характеристикалари бир-бира га мос тушадилар. (5.11-расм, 1,2 чизиқлар). Манфий силжиш кучланишини катталаштириб, яримүтказгичнинг энергия зоналарида шундай эгрilанишга эришиш мумкини, унинг сирт соҳасида хусусий яримүтказгич ҳосил қилиш мумкин. Бунда яримүтказгичнинг сирт соҳасида ҳаракатчан асосий ва асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрацияси биргаликда минимумга эришади. Бу ҳолатдаги сирт потенциалига мос равищда МДЯ структуранинг паст частотали С—V характеристикаси минимумга эришади. Мълумки, манфий силжиш кучланиши ортиши билан ҲЗС нинг кенгайишидан ташқари, ҲЗС нинг кенглигидан анча кичик бўлган соҳада асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрацияси орта боради.

Асосий бўлмаган заряд ташувчилар концентрацияси асосий заряд ташувчиларнидан ортиши билан сирт соҳасида ўтказувчанлик типи ўзгаради, яъни ўтказувчанликнинг инверсияси кузатилади (5.10 в-расм). Инверсион қатлам кенглиги ҲЗСнинг кенглигидан анча кичик бўлгани учун, бу қатламнинг сифими жуда катта бўлади ва натижада ўтказувчанликнинг инверсия соҳасида паст частотали С—V характеристика диэлектрик (оксид) сифими гача тез тўйинади (5.11 расм—1-чизиқ). Инверсион қатламда ковак ўтказувчанлиги мавжуд бўлганлиги туфайли, ковакни кўчишидан ёки ҲЗС да генерацион-рекомбинацион жараёнлар туфайли, қатлам заряди ўзгариши мумкин. Бу жараёнлар нисбатан секин кечадиган жараёнлар, шунинг учун частотанинг ўсиши билан асосий бўлмаган заряд ташувчилардан пайдо бўлган сифим нолга интилади.

Кузатишларнинг кўрсатишича, генерация жараёнлари критик частотани аниқлайди. Бу частота шундай частотаки, ундан катта частотада С—V характеристика юқори частотали характеристика (2) нинг кўринишини олади. Яримүтказгичнинг сиртий сифими, камбағаллашган қатлам сифимидан иборат бўлади. Инверсион қатлам пайдо бўлгандан сўнг ҲЗС нинг кенгайиши тўхтайди. Асосий бўлмаган заряд ташувчилар МДЯ (МОЯ) структура сифимига ҳисса қўшмаса ҳам, юқори частотали сифимни ин-

5.11-расм. Нуқсонсиз МОЯ структуранинг С—V характеристикаси. 1,2 чизиқлар ва ҳақиқий МОЯ структура характеристикаси (3 чизик). Паст (1), юқори (2) частотали С—V характеристикалар, (3) — оксиддаги кўзгалмас зарядни, чиқишишлари фарқининг таъсирини ҳисобга олгандаги МОЯ нинг С—V характеристикаси.




версия режимидаги сифим C_{inv} сатҳида тўйинишга олиб келади. Критик частота $\sim 1\text{кГц}$ тартибида, баъзи бир ҳолда, ундан кичик $0,1 \text{ кГц}$ бўлган қийматларни қабул қиласи. Оралиқ частоталарда С—V характеристика инверсия режимида шубҳасиз 1- ва 2-ҳолатлар орасини эгаллайди. Шуни эслатиш жоизки, биз юқорида муҳокама қилган идеал МДЯ структура, С—V характеристикаси юқори паст частотали ўлчаш сигналидан силжиш кучланиши доимий ёки секин (квазистатик) ўзгариш кузатиладиган ҳолга (тадалуқлидири) тегишлидир.

б. Идеал МДЯ структуранинг С—V характеристикаси ни назарий ҳисоблаш

Кўп ҳолларда МДЯ структурада диэлектрик яrimутказгич чегарасининг параметларини тажриба натижалари бўйича аниқлашда идеал МДЯ структуранинг С—V характеристикасидан фойдаланилади. Идеал МДЯ структура С—V характеристикасини ҳисоблаш структурага диэлектрик қатлам орқали ташки электр майдон қўйилганда, яrimутказгич сирти яқинида содир бўладиган ХЗС нинг назариясига асосланган. ХЗС нинг зарядини ҳамда у билан боғлиқ сифимни аниқлаш учун n -тип яrimутказгич сирт соҳаси энергия зоналари диаграммасидан фойдаланамиз ва

$$e\psi = E_i - E_f \quad (5.79)$$

ифода билан аниқланадиган электр потенциали тушунчаси киритилади (5.12-расм). Бу ерда E_i — яrimутказгичда ферми сатҳи E_i — берилган температурадаги хусусий



5.12-расм. Яримұтказгич сирт соқасининг энергетик диаграммаси.

түшади. Потенциал $\psi(x)$ ни x координатага бөлгілік, бағыттаған иккі ҳаддан иборат деб қараш мүмкін:

$$\psi(x) = \psi_0 + \varphi(x) \quad (5.80)$$

ψ_0 — энергия зоналарида әгриланиш бүлмаган яримұтказгич қажмидаги потенциал. Яримұтказгич сирти ($x=0$) да потенциал

$$\psi(0) = \psi_s$$

бүләди.

Энергия зоналарининг әгриланиши сирт соқаси яқинидеги қажмий заряд туфайли іззата келген бўлиб, у ихтиёрий x — нуқтада қажмий заряд электр майдони билан бөлгілік электростатик потенциал $\varphi(x)$ билан аниқланади. Яримұтказгич сиртида потенциал

$$\varphi(0) = \varphi_s$$

бўлиб, сиртнинг электростатик потенциалига мос келади.

$e\varphi_s$ катталиқ сирт соқасининг энергия зоналари әгриланишига тенг бўлиб, сиртда электрон энергиясини аниқлайди. Сиртдан ичкарида электростатик потенциал $\varphi_s = 0$ бўләди. Агар сиртда электростатик потенциал нолга тенг, яъни $\varphi_s = 0$ бўлса, у ҳолда энергия зоналарида әгриланиш бўлмайди, бу ясси зона шарти деб юритилади. Агар $\psi(0) = \psi_s = 0$ бўлса, яримұтказгич сиртида хусусий яримұт-

казгичлик шарти амалга ошади ва сиртда ферми сатҳи E_F билан мос тушади.

Айнимаган яримұтказгичда электрон, ковак концентрацияларининг x га боғланиши $\psi(x)$ ва $\varphi(x)$ потенциаллар орқали

$$\begin{aligned} n(x) &= N_c \exp\left(-\frac{E_c(x) - E_F}{kT}\right) = n_i \exp\left(\frac{e\psi(x)}{kT}\right) = n_0 \exp\left(\frac{e\varphi(x)}{kT}\right) \\ p(x) &= N_v \exp\left(-\frac{E_F - E_V(x)}{kT}\right) = p_i \exp\left(-\frac{e\psi(x)}{kT}\right) = p_0 \exp\left(\frac{e\varphi(x)}{kT}\right) \end{aligned} \quad (5.81)$$

ифодалардан аниқланади. Бу ифодалар таҳлилидан кўринаиди, ψ_s ва ψ_0 бир хил ишорада бўлса, ҲЗС эса бойиган, ҳар хил ишорада бўлса, камбағаллашган ва инверсион қатламлар ҳосил бўлиши мумкин. Маълумки, сирт соҳасидаги ҳажмий заряднинг, ҳажмий заряд соҳасининг сифимини Пуассон тенгламаси

$$\operatorname{div} \mathbf{E} = \frac{d\epsilon}{dx} = \frac{1}{\epsilon_0 \epsilon_1} \rho(x) \quad (5.82)$$

ечими асосида топилади. Бу ерда ζ — яримұтказгичнинг диэлектрик сингдирувчанлиги, ϵ_0 — вакуумнинг диэлектрик сингдирувчанлиги, ϵ — ҳажмий заряд соҳасининг электр майдони, $\rho(x)$ — ҳажмий заряд зичлиги.

Донор концентрацияси N_D , акцептор концентрацияси N_A бўлган n -тип яримұтказгич сиртидан узоқда (ҳажмийда) электр нейтраллик шарти

$$n_0 - p_0 = N_D - N_A \quad (5.83)$$

билин ифодаланади. Сирт соҳасида бу шарт бузилади ва ҳажмий заряд зичлиги $\rho(x)$

$$\rho(x) = -e(n(x) + N_A) + e(p(x) + N_D) \quad (5.84a)$$

ёки (5.83) шартни ҳисобга олганда,

$$\rho(x) = e(p(x) - p_0) - e(n(x) - n_0) \quad (5.84b)$$

билин ифодаланади, n_0 , p_0 — мос равишида мувозанатдаги электрон, ковак концентрацияси $\psi(x)$ ва $\varphi(x)$ потенциалларни ўлчамсиз потенциаллар

$$u(x) = \frac{e\psi(x)}{kT}, \quad v(x) = \frac{e\varphi(x)}{kT} \quad (5.85)$$

орқали ифодаланса, Пуассон тенгламаси (5.82)

$$\frac{d^2 u}{dx^2} = -\frac{e^2 n_i}{KT \epsilon_0} [\lambda(e^{-u} - 1) - \lambda^{-1}(e^u - 1)] \quad (5.86)$$

кўринишга келади. Бу ерда λ — катталик

$$\lambda = \frac{p_0}{n_i} = \frac{n_i}{p_0} = \left(\frac{p_0}{n_0} \right)^{\frac{1}{2}}$$

орқали топилади.

(5.86) тенгламани $x \rightarrow \infty$ да $\frac{du}{dx} = 0$ бўлган чегаравий шартни қаноатлантирувчи биринчи интеграли

$$\frac{du(x)}{dx} = \pm 2l F(\lambda, u) \quad (5.87)$$

бўлади. Бу ерда $F(\lambda, u)$ функция, у

$$F(\lambda, u) = [\lambda^{-1}(e^u - u - 1) + \lambda(e^{-u} + u - 1)] \quad (5.88)$$

орқали ифодаланади (5.87) тенглама $u > 0$ да мусбат ишора билан $u < 0$ да манфий ишора билан олинади. Энергия зоналари эгриланиши пастга бўлса, у нинг ишораси мусбат ҳисобланади.

l — узунлик бирлигидаги катталик бўлиб,

$$l_i = \left(\frac{\epsilon_1 \epsilon_0 K T}{2 e^2 n_i} \right)^{\frac{1}{2}} \quad (5.89)$$

билин аниқланади, у хусусий яримутказгичда электр майдонининг Дебай экранлаш узунлиги деб юритилади. Ярим-

үтказгич кристалли сиртида электр майдон кучланганлиги (5.87) га күра

$$\epsilon_s = -\frac{d\varphi(x)}{dx} \Big|_{x=0} = \pm 2 \frac{KT}{e} l_i^{-1} F(\lambda, u_s) \quad (5.90)$$

күриниши олади.

Остроградский-Гаус теоремасига мувофиқ сиртга яқин соҳадаги юза бирлигига келтирилган сирт заряди Q_s электр майдон кучланганлиги E орқали

$$Q_s = -\epsilon_1 \epsilon_0 E = \pm 2 \frac{KT}{e} \epsilon_0 \epsilon_1 l_i^{-1} F(\lambda, u_s) \quad (5.91)$$

муносабат билан топилади.

Потенциалнинг координатага боғланиши (5.87) ни интеграллаш орқали топилади

$$x(u) = \pm \frac{l_i}{2} \int_{u_s}^u \frac{du}{F(\lambda, u)} \quad (5.92)$$

хисоблашларнинг кўрсатишича (5.92) тенглама баъзи бир хусусий ҳоллардагина аналитик ечимга эга.

Таърифга кўра структура сирт соҳаси ҳажмий зарядининг дифференциал сифими

$$C = \frac{dQ_s}{dV} \quad (5.93)$$

орқали ифодаланиши мумкин. Структурага қўйилган ташқи силжиш кучланиши диэлектрикка тушган кучланиш V_p ва сирт электростатик потенциали φ_s йиғиндисига тенг бўлади:

$$V = V_D + \varphi_s = \frac{Q_{x3}}{C_D} + \varphi_s \quad (5.94)$$

МОЯ структура сифими С (5.93) ва (5.94) ларга кўра

$$\frac{1}{C} = \left(\frac{dV}{dQ_s} \right) = \frac{dV_p}{dQ_s} + \frac{d\varphi_s}{dQ_s} = \frac{1}{C_D} + \frac{1}{C_s} \quad (5.95)$$

орқали аниқланади. Бу ерда

$C_D = \frac{dQ_s}{dV_D}$ — диэлектрикнинг геометрик сифими бўлиб, у иккита металл пластина (контакт) орасига олинган диэлектрик ҳосил қилган конденсатор сифимига тенг, $C_s = \frac{dQ_s}{dV_s}$ — сирт электростатик потенциалининг ўзариндан ҳосил бўлган сирт сифими. У мутлақ МДЯ структура учун сирт яқинидаги ҳажмий заряд $Q_s = Q_{xz}$ дан юза-га келган сифим C_{xz} тенг бўлиб, у

$$C_{xz} = \frac{dQ_{xz}}{d\varphi_s} = \frac{\varepsilon_1 \varepsilon_0}{2l_i} \frac{[\lambda(1 - e^{-u_s}) + \lambda^{-1}(1 - e^{u_s})]}{[\lambda(e^{-u_s} - 1) + \lambda^{-1}(e^{u_s} - 1) + (\lambda - \lambda^{-1})u_s]^{\frac{1}{2}}} \quad (5.96)$$

билин топилади.

Шундай қилиб мутлақ МДЯ структурага қўйилган силжиш кучланиши (5.94) нинг электростатик потенциалга боғланишини (5.91) ва (5.85) дан

$$V = \pm \frac{l_i^{-1} \varepsilon_0 \varepsilon_1 [\lambda^{-1}(e^{u_s} - u_s - 1) + \lambda(e^{-u_s} + u_s - 1)]^{\frac{1}{2}}}{e C_D} + \frac{KT}{e} u_s \quad (5.97)$$


билин аниқланишини кўрамиз. Юқорида айтилганидек, биринчи ҳади $u_s > 0$ бўлганда мусбат, $u_s < 0$ бўлганда манфий ишора билан олинади. Диэлектрикнинг юза бирлигига келтирилган геометрик сифими формуладан ҳисобланади.

$$C_D = \frac{\varepsilon_0 \varepsilon_D}{w_D}$$

Бу ерда:

ε_D — диэлектрикнинг диэлектрик сингдирувчанлиги;
 w_D — диэлектрик қатлам қалинлиги.

ТошДУ нинг яrimутказгичлар ва диэлектриклар физикиси кафедрасининг илмий ходимлари, ўқитувчилари МДЯ структура хоссаларини ўрганиш борасида ўзлари-



5.13-расм. n -типдаги кремний МДЯ структурасининг энергетик зоналар диаграммаси модели.

нинг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар МДЯ структура $C-V$ характеристикасининг ҳисоблаш ифодаларини бирмунча соддалаштирганлар. Соддалаштириш асосида юқорида изоҳланган мутлақ. МДЯ структура учун қабул қилинган фаразлар ҳамда n -тип яримўтказгичда $N_A \ll N_D$ ва юқори частотада асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг ҳажмий зарядга камбагаллашган, бойиган режимларда қўшадиган ҳиссаси жуда кичик, инобатга олмаса бўлади, деган фараз ётади. Шунинг учун Пуассон тенгламаси (5.82) даги ҳажмий заряд зичлиги

$$\rho(x) = -e(n(x) - n_0) = -e(n(x) - N_D)$$

кўринишда олинган бўлиб, Пуассон тенгламаси ечилган. Ҳисоблашни соддалаштириш учун энергиянинг ноль қиймати қилиб ферми сатҳига мос режимдаги энергетик сатҳ қабул қилинган ва ҳисоб паст томонга қараб олиб борилади (5.13-расм). Потенциал эса

$$\varphi(x) = \psi(x) + \varphi_0 \quad (5.99)$$

кўринишда олинган. Бу ерда $e\varphi$ — электрон энергияси, $e\varphi_0$ — яримўтказгич ҳажмидаги электрон энергияси, $e\varphi_s$ — диэлектрик яримўтказгич чегарасидаги электрон энергия-

си. Сиртда $X=0$ да сирт потенциали $j_s = \psi_x + \varphi_0$ га тенг, бўлишиликни назарда тутсак ва $u_s = e\psi_s/kT$ ўлчамсиз сирт потенциали киритганда ҳисоблашларнинг кўрсатишича, юза бирлигидаги сирт сифими C_s ни, яъни ҳажмий заряд сифими

$$C(u_s) = \frac{e(N_D - n_0 \exp u_s)}{(2n_0 k T / \epsilon_1 \epsilon_0)^{1/2} [e^{u_s} - u_s - 1]^{1/2}} \quad (5.100)$$

орқали аниқланади.

u_s — мусбат (зоналарнинг бошлангич эгриланиши пастга қараган бўлса) ҳамда манфий (зоналар эгриланиши юқорига бўлса) қийматлар қабул қилиши мумкин. Ҳажмий заряд сифимини (5.100) ифодадан мураккаб бўлмаган алмаштиришдан сўнг $u_s > 0$ да сиртни заряд ташувчилар билан бойиш соҳасида

$$C(u_s) = \frac{e n_0 (\exp u_s - 1)}{(2n_0 k T / \epsilon_1 \epsilon_0)^{1/2} (\exp u_s - u_s - 1)^{1/2}} \quad (5.101)$$

$u_s < 0$ да заряд ташувчилар билан камбағаллашиш соҳасида

$$C(u_s) = \frac{e n_0 (1 - \exp(-u_s))}{(2n_0 k T / \epsilon_1 \epsilon_0)^{1/2} [u_s + \exp(-u_s) - 1]^{1/2}} \quad (5.102)$$

билин аниқлашишини кўрамиз. МДЯ структурага қўйилган тўла кучланишнинг сирт потенциалига боғланиши $u_s > 0$ да

$$V = \left(\frac{2n_0 K T}{\epsilon_1 \epsilon_0} \right)^{1/2} [e^{-u_s} + u_s - 1]^{1/2} \frac{\epsilon_1 \epsilon_0}{C_D} S + \frac{K T}{e} u_s \quad (5.103)$$

$u_s < 0$ да

$$V = \left(\frac{2n_0 K T}{\epsilon_1 \epsilon_0} \right)^{1/2} [e^{-u_s} + u_s - 1]^{1/2} \epsilon_1 \epsilon_0 \frac{S}{C_D} - \frac{K T}{e} u_s \quad (5.104)$$


аниқланади. Бу ерда: S — контакт юзаси; C_D — диэлектрик (ёки оксид) сифими.

в. Ҳақиқий (реал) МДЯ структуранинг С—V характеристикаси

Маълумки, МДЯ структурада металл-яримўтказгич чиқиши ишларининг фарқи нолдан фарқ қилганда унинг ишорасига қараб, структурага ташки кучланиш қўйилманганда, яримўтказгич сирт соҳасида манфий ёки мусбат ишорали ҳажмий заряд пайдо бўлиши мумкин. Металл-яримўтказгич потенциаллар фарқидан ҳажмий заряддан юзага келган электр майдони структурага қўйилган ташки силжиш кучланишини ҳосил қилган электр майдонига қўшилади ва натижада С—V характеристикани кучланиш ўқи бўйича силжишига олиб келади (5.14-расм). Диэлектрик қатламда қўзғалмас (муайян ҳолатдаги заряднинг бўлиши ҳам характеристикани шундай силжишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш керакки, бу зарядни металл-яримўтказгич чегарасидан қандай масофада жойлашгани маълум эмас. Шунинг учун эффектив заряд тушунчасидан фойдаланилади, у шундай зарядки, диэлектрик (оксид) — яримўтказгич чегарасига жойлаштирилганда кузатилган ҳодисани ҳосил қила олади. Ясси зоналар таърифига кўра, сирт потенциали $\varphi_s > 0$ да ясси зоналар кучланиши

$$V_{sc} = \frac{E_{im}}{e} + \frac{Q_{\phi}}{C_D} \quad (5.105)$$



5.14-расм. Металл-яримўтказгич чиқиши ишлари фарқини, оксиддаги қўзғалмас зарядни МОЯ структура энергетик диаграммасига (а), С—V характеристикасига (б) таъсири Φ_M — металл чиқиши иши, x — яримўтказгич электронига яқинлик, V_{ok} — оксиддаги кучланиш тушуви, $E_{im} = \Phi_M - (x + E_F - E_e)$ металл-яримўтказгич чиқиши ишларининг фарқи, Q_ϕ — оксид (диэлектрик)даги қўзғалмас заряд.

бўлади. Бу ерда $E_{\text{жм}}$ — яримўтказгич — металл чиқиши ишларининг фарқи, $Q_{\text{эф}}$ — эффектив майян ҳолатдаги (кўзгалмас) заряд, C_D — диэлектрик (оксид) сифими. Диэлектрик қатламдаги майян ҳолатдаги заряд мусбат ҳам, манфий ҳам бўлиши мумкин. Энди сирт ҳолатларнинг таъсирини кўрамиз. Юқорида изоҳланганлардан кўрина-дикни, ҳақиқий (реал) сирт бенуқсон (идеал) сиртдан сирт ҳолатлари деб номланувчи энергия сатҳлари мавжудлиги билан фарқланадилар. Уларнинг табиати ҳар хил бўлиб, кристаллнинг ажралиш (диэлектрик-яримўтказгич) чега-расида кристалл тузилишининг бузилиши туфайли юзага келадилар.

Сирт ҳолатлари асосан яримўтказгичлар билан боғланган, чунки уларнинг зарядлар билан тўлиши сирт потенциалига боғлиқ бўлиб силжиш кучланиши ўзгариши билан қайта зарядланадилар. Сирт ҳолатларини ҳосил қилган дифференциал сифими C_{ss} олдин кўрилган ҳажмий заряд сифими C_{xs} га қўшилади. Сирт ҳолатларининг мавжудлиги сирт сифимини C_{ss} га ортишидан ташқари, сирт потенциалини МДЯ структурага қўйилган силжиш кучланишга боғланишини ўзгартиради, чунки сирт ҳолатларидаги зарядни ҳосил қилган электр майдони силжиш кучланишининг ҳосил қилган электр майдони билан диэлектрикнинг майян ҳолатдаги заряд майдони қаби қўшилади. Лекин майян ҳолатдаги заряддан фарқли ўла-роқ, сирт ҳолатларидаги заряд сирти потенциалининг ўзгариши билан у ҳам ўзгариши мумкин. Шунинг учун сирт ҳолатлари мавжуд бўлганда, уларнинг экранлаш таъсири манфий C—V характеристикани маълум соҳаларидағина назарий C—V характеристикасига нисбатан

$$\Delta V = Q_{ss}/C_D$$

катталик қадар силжишига олиб келади.

Ажралиш чегарасидан $10A^\circ$ дан ошмаган масофада диэлектрикда бўлган сирт ҳолатлари яримўтказгич билан яхши боғланган (диэлектрик яримўтказгич ажралиш чегарасидаги потенциал тўсиқдан заряд ташувчиларнинг туннель ўтишлари туфайли) улар қайта зарядланишлари мумкин, лекин ажралиш чегарасидан масофанинг ортиши билан шундай алмашув эҳтимоллиги кескин камаяди

ва сирт ҳолатлари зарядларни қўзгалмас зарядга ўхшаш тўплашга қодир бўлади. Бундай сирт ҳолатлари одатда тутқич марказлар деб юритилади. Сирт ҳолатларини тутқич (марказларга) муайян ҳолатдаги, зарядларга бўлиниши жуда шартлидир. МДЯ структурада диэлектрик (оксид)да тутқич марказни қайта зарядланиши, қўзғалувчан заряднинг кўчиши, диэлектрик (оксид) нинг қутбланиши туфайли силжиш кучланишининг ҳар хил ўзгариши йўналишида олинган С—V характеристикалар бир-бирига мос тушмайди. Бу ҳодиса гистерезис деб юритилади, одатда бу оксиднинг турғун эмаслигидан далолат беради. Ҳодиса юқори температурада ва юқори электр майдонида кучаяди.

г. Юқори частотали С—V усул билан диэлектрик (оксид) — яримўтказгич чегараси параметрларини аниқлаш

1) Сирт ҳолатлар концентрацияси ва спектрини аниқлаш.

Бу катталиклар тажрибада олинган ва назарий ҳисобланган С—V характеристикаларини бир-бирига нисбатан кучланиш ўқи бўйича силжиши $\Delta V(C)$ дан топилади. Диэлектрик (оксид) қатламидаги қўзғалмас заряди Q_{ϕ} дан ва сирт ҳолатлари заряди Q_s дан содир бўлган кучланишнинг силжиши қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta V(C) = \frac{1}{C_D} (Q_{\phi} + Q_s) \quad (5.106)$$


Сирт ҳолатлари концентрацияси

$$N_s(\Delta V) = \frac{\Delta V \cdot C_D}{eS} \quad (5.107)$$

билин ҳисобланади. Бу ерда: S — металл контакт юзаси. (5.107) ифода сирт потенциали бўйича дифференциали

$$\frac{\partial N_s}{\partial \varphi_s} = \frac{C_D}{eS} \frac{d(\Delta V)}{d\varphi_s} \quad (5.108)$$

сирт ҳолатлар спектрини беради. Сирт ҳолатлар спектрини (5.108) ифода орқали чизиш қуйидаги тартибда амалга оширилади (5.15-расм):



5.15-расм. Юқори частотали С—V усул билан С—V характеристикани чизиш ва чизмадан сирт ҳолати тақсимотини аниқлаш тартиби (кетма-кетлігі).

а) (5.96 ва 5.97) ёки (5.101 : 5.104) ифодалар орқали назарий ҳисобланган С—V характеристика чизилади;

б) тажрибада олинган ва назарий ҳисобланган С—V характеристикаларни солишишириб, $\Delta V(\phi_s)$ боғланиш топпилади;

в) назарий ҳисобланган $C(\phi_s)$ ёрдамида $\Delta V(C)$ боғланышдан $\Delta V(\phi_s)$ боғланишга үтилади;

г) $\Delta V(\phi_s)$ ни дифференциаллаб, (5.108) ифода орқали сирт ҳолатлар спектри чизилади. $\frac{\partial N}{\partial \phi_s}$ ни С—V характеристикани назарий ҳисобламасдан ҳам чизиш мумкин. Бу усулни ҳисоблаш тартиби 5.15-расмда келтирілген.

2. Сирт потенциали ва оксидда муайян ҳолатдаги (фиксированный) зарядни аниқлаш.

Назарий ҳисобланган $C(\phi_s)$ характеристика билан тажрибада олинган $C(V)$ ни солишишириб, исталған силжиш күчланишидаги сирт потенциали

$$\varphi_s = \varphi_s(v)$$

олинади. Равшанки, сиртнинг инверсия ва бойиш соңларыда сирт потенциалининг ўлчашщдаги аниқлик кескин камаяди. Шунинг учун ташқи күчланиш құйылмаганда сирт потенциали мұхим аҳамият касб этади, чунки у ташқи

электр майдони қўйилмаганда ажралиш чегарасининг ҳолатини белгилайди. У оксиддаги қўзғалмас заряд ҳамда сирт ҳолатларида бошланғич зарядлари билан аниқланади. Одатда сиртий зарядларни аниқлашда ясси зоналар кучланиши V_{ss} қўлланилади. Структурага ясси зоналар кучланишига тенг бўлган ташқи кучланиш уланганда яrimутказгич сиртида $X3C$ зарядининг сирт ҳолатларидаи зарядининг ўзгаришини (5.106) га кўра,

$$V_{ss} C_D = V_{ss} C_D = Q_{ox} + \Delta Q_{ss} \quad (5.109)$$

кўринишда ифодалаш мумкин.

Q_{ox} — кучланиш уланмагандаги $X3C$ нинг заряди, яъни бошланғич сирт потенциал φ_{os} даги заряд, ΔQ_{ss} — структурага V_{ss} кучланишга тенг кучланиш улангандан сўнг сирт ҳолатлари зарядининг ўзгариши.

(5.108) ифода 0 дан φ_s гача бўлган оралиқда интеграллаб топилади. $V_{ss} C_D$ ҳамда ΔQ_{ss} ни билган ҳолда (5.109) дан Q_{ox} топилади. $Q_{ss}(\varphi_s)$ ни ҳисоблаш орқали бошланғич сирт потенциали φ_{os} топилади. Q_{ox} дан диэлектрикдаги қўзғалмас зарядни ажратиб олиш учун сирт ҳолатларининг тақиқланган зона бўйича тақсимотини билиш керак. Шунинг учун юқори частотали $C-V$ характеристика билан тақиқланган зона бўйича тақсимланган сирт ҳолатлари зарядини, диэлектрикдаги қўзғалмас зарядларни ажратиб бўлмайди. Лекин, агар $C-V$ характеристиканинг шакли назарий ҳисобланганга яқин, яъни V_{ss} яқинида етарлича тик ва V_{ss} нисбатан катта бўлса, сирт ҳолатлар зарядининг ўзгаришини инобатга олмаслик мумкин. У ҳолда V_{ss} қўзғалмас зарядлар билан аниқланади. Аксинча, агар $C-V$ характеристика қия бўлса, V_{ss} потенциал φ_{os} дан 0 гача ўзгарганда, сирт ҳолатлар зарядининг ўзгаришини аниқлайди. У ҳолда $0 < \varphi_s < \varphi_{os}$ оралиқда $N_{ss} = \text{const}$ бўлсин деб фараз қилиб, бошланғич сирт потенциали φ_{os} ни

$$\varphi_{os} = \varphi_s + \frac{V_{ss} C_D}{e^2 N_{ss}} \quad (5.110)$$


билиш ҳисоблаш мумкин. Бу ерда $N_{ss} \varphi = 0$ ($V_1 = V_{ss}$ да аниқланган) сирт ҳолатлари концентрацияси.

Юқорида келтирилган параметрлардан ташқари, юқори частотали $C-V$ характеристика орқали яrimutказгичнинг

легирловчи киришма концентрациясини, қалинлик бўйича тақсимотини, яримўтказгич типини, оксид қатлам (диэлектрикни) диэлектрик сингдирувчанлигини, қалинлигини ва бошқа параметрларини аниқлаш мумкин.

5.6-§. Сифим спектроскопия усуллари билан чукур сатҳ парметрларини ўлчаш қурилмаси

Чукур сатҳли марказ параметрларини сифим спектроскопия усуллари билан аниқлашда намуна билан ўлчаш қурилмасини тулаштирувчи кабел (симлар) сифими ҳамда намуна бошланғич тўсиги сифими катта бўлган ҳолатда P^*-n ўтишли диод ёки шоттки диоди тўсиги сифимининг кичик ўзгаришини ўлчаш лозим бўлади. Одатда бунга трансформаторли юқори частотали ўзгарувчан ток кўприги (МП-300) дан фойдаланиш орқали эришилади. Юқорида кўрганларимиздан кўринадики, структура тўсиги сифими кўп омилларга, масалан, температурага, қўйилган кучланышга, ўлчаш кучланиш частотасига, намуна ёритилса, ёруғликнинг тўлқин узуонлиги, ностационар жараёнларда вақтга боғлиқ. Бу боғланишларни сифим спектроскопия усуллари билан ўлчаш қурилмаларидан бири 5.16-расмда келтирилган. Илмий текшириш лабораторияларида кўп ҳолларда трансформаторли юқори частотали ўзгарувчан ток кўпригини тўла ўтказувчанликнинг ўлчаш кўприги МП-300 га ўхшатиб йифилади. Ўтказувчан ток кўпригини тузилиши ҳар хил бўлиб, улар юқори частотали импульсли кичик ўлчамили трансформаторлар (МИТ-8, МИТ-4) асосида йифилиши мумкин. Юқори частотада диод барьер сифимини ёки унинг ҳар хил омиллар таъсирида ўзгариши параллел алмаштириш чизмаси бўйича ўлчанади. Бошқача айтганда, диод параллел уланган сифим ва қаршиликдан иборат (тузилиш структура) деб қаралади. Шунинг учун ўзгарувчан ток кўпригининг бир елкасига ўзгарувчан этalon сифим ва ўзгарувчан этalon қаршилик уланади ва улар орқали структура барьер сифими ёки унинг ўзгариши аниқланади. Кўприкнинг иккинчи елкасига юқори аниқликдаги ўзгарувчан C_2 конденсатор ўзгарувчан R_2 қаршилик ва уларга параллел текширилаётган диод уланади. Улар маҳсус даражаланган бўлиб, бўлиниш да-



5.16-расм. Диод ва МДЯ структуралар С—V характеристикаларини ўлчаш курилмасининг схемаси.

ражаси 0,01 пф га тенгдир. R_1 , R_2 — қаршиликлар бир қанча қаршиликлар асосида йиғилиши ёки уларга ўзгарувчан ток кўпригининг қаршилик блоки қўлланиши мумкин.

Маълумки, биронта ташқи таъсир остида структура қаршилиги сифими ўзгарса, кўприк мувозанатини бузилишига олиб келади. Кўприк мувозанати бузилишидан ҳосил бўлган қучайтирилган ўзгарувчан сигнал катталиги ўзгараётган сифимга пропорционал бўлади. Бу сигнални ўлчаш кучланиши частотасининг 150 : 500 КГц оралиғида В-61 типидаги селектив вольтметри билан, частотанинг 10 : 150 КГц оралиғида эса ф-582 типидаги ноль индикатор ёрдамида қучайтириб, у С1—68, С1—76 типидаги осциллограф билан ёки детекторланганидан сўнг икки координатали Н—306 типидаги ўзи ёзгич билан қайд қилинади. Ўзгарувчан ток кўпригига юқори частотали Г—4—94, Г 3—112 типидаги генератордан частотаси $f=10 \div 500$ КГц, бўлган намунага амплитудаси 10 : 50 мВ дан ошмаган куч-

ланиш берилади. Бу қурилма диод баръер сифимининг кинетикасини қайд қилиш имконини беради ва у орқали чукур сатҳнинг электрон билан тўлиш релаксация вақти τ ни аниқлаш мумкин. Агар $\tau > 5c$ бўлса, кўпприк мувозанати бузилгандан ҳосил бўлган сифим ўзгаришига пропорционал кучланиш (сигнал) икки координатали ўзи ёзгич ёрдамида, агар $\tau < 5c$ бўлса, τ — метр чизмасини қўллаш орқали осциллографда қайд қилинади. Бунда сатҳнинг электрон билан тўлдириш релаксация вақтини тўғридан-тўғри аниқлаш керак бўлади. τ метр зарядланган конденсаторнинг R_3 ва R_4 қаршиликлар орқали разрядланиши R_4 қаршилиқда вақт доимийси $\tau_{RC} = C(R_3 + R_4)$ бўлган экспоненциал қонуният бўйича ўзгарувчан кучланиш ҳосил бўлади, бу кучланиш осциллографнинг горизонтал ўқ бўйича ёйиш кучайтиргич киришига берилади. Агар сатҳнинг электрон билан тўлдириш релексация вақти, сифимнинг $(R_3 + R_4)$ қаршилик орқали разрядланиш вақт доимийсига тенг бўлса, осциллограф экранидаги кўпприк мувозанати бузилишидан содир бўлган кучланишнинг вақт бўйича ўзгариши чизиқли бўлади. Демак, ҳар бир сатҳнинг берилган температурадаги τ ни аниқлаш учун R_3 ва C шундай танланадики, осциллограф экранидаги сифим релаксация кучланишининг вақт бўйича ўзгариши чизиқли бўлсин. Шуни эслатиб ўтиш керакки, τ — метрнинг сифими (C) чукур сатҳни тўлдириш ($V=0$) ёки тўғри кучланиш пайтида зарядланади. Структура баръер сифимини ўлчашда тескари кучланиши улангандан бошлаб, τ метрни конденсатори $(R_3 + R_4)$ орқали разрядланиб, у сифим релаксация кучланиши $u(t)$ ни осциллограф горизонтал ўқи бўйича ёяди. Чукур сатҳ параметрлари аниқланадиган структура криостатга жойлаштирилади ва у керакли температурагча совитилади. Намунани белгиланган температурада турғун тутиб туриш ҳар хил тезликда чизиқли қонуният бўйича иситиш, совитиш автоматик равища бошқариладиган қурилма ёрдамида амалга оширилади. Тошкент Давлат университети қошидаги амалий физика институти ходимлари томонидан бир қанча кулайликларга эга бўлган азот буғида совитиладиган криостат ҳамда намунани ҳар хил тезликда совитиш, иситиш температура-

нинг берилган қийматида $0,01^{\circ}\text{C}$ аниқликда турғун туладиган температура стабилизатори яратилган. Бу қурилмада температурани ўлчаш ва бошқариш датчиги сифатида диод (КД 105Б), иситгич элементи сифатида транзистор (КТ—808) кўлланилган. Иситгич массаси кичик бўлгани учун температурасининг бошқарилиши тез содир бўлади. Намуна температурасининг ҳар хил тезликда чизиқли қонуният бўйича ортиши, пасайиши термик рафбатлантирилган сифим ток усуллари билан чуқур сатҳнинг параметрларини тез ва етарли аниқликда ўлчаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Н. Ф. Ковтюк, Ю. А. Концевой. Измерения параметров полупроводниковых материалов. Изд. "Металлургия". М. 1970 г.
2. Л. П. Павлов. Методы определения основных параметров полупроводниковых материалов. М. "Высшая школа", 1975 г.
3. В. В. Батавин, Ю. А. Концевой, Ю. В. Федорович. Измерение параметров полупроводниковых материалов и структур. М. "Радио и связь", 1985 г.
4. Л. П. Павлов. Методы измерения параметров полупроводниковых материалов. М. "Высшая школа", 1987 г.
5. Ю. В. Воробьев, В. Н. Доброльский, В. И. Стриха. Методы исследования полупроводников. Киев "Высшая школа", 1988 г.
6. В. М. Колешко, Т. Д. Каплон. С—В методы измерения параметров МОП структуры. Обзоры по электронной технике. Сер. 3-микроэлектроника. Вып. 2/456/М. ЦНИИ, Электроника, 1977 г.
7. И. Н. Каримов. "Влияние внешних воздействий на свойства границы разделе полупроводник-диэлектрик МДП — структур". Канд. дис. Ташкент — 1986 г.
8. Л. С. Берман, А. А. Лебедев "Емкостная спектроскопия глубоких центров в полупроводниках". Изд. "Наука" 1981 г.
9. Terman Z. M. Solid State Electronics 1952, 5, 285.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

1-боб. ЯРИМҮТКАЗГИЧЛАРДА СОЛИШТИРМА ҚАРШИЛИКНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

1.1-§. Яримүтказгичли намунанинг солиштирма қаршилигини унинг тўла қаршилиги бўйича аниқлаш	5
1.2-§. Солиштирма қаршиликни ўлчашнинг бир ва икки зондли усуллари	11
1.3-§. Тўрт зондли усул	20
1.4-§. Юпқа қатламларда солиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан аниқлаш	34
1.5-§. Эпитаксиал, диффузион қатламларнинг солиштирма қаршилигини тўрт зондли усул билан аниқлаш	41
1.6-§. Солиштирма қаршиликни тўрт зондли усул билан ўлчашдаги хатоликлар	42
1.7-§. Ван-дер-Пау усули билан солиштирма қаршиликни ўлчаш	49
1.8-§. Солиштирма қаршиликни нуқтавий контактнинг тарқалган (ёйилган) қаршилик усули билан аниқлаш	59
1.9-§. Солиштирма қаршиликни металл-яrimütkazgich нуқтавий контактининг тешвилиши кучланиши бўйича ўлчаш усули	67

2-боб. ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИ ВА ҲАРАКАТЧАНЛИГИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

2.1-§. Холл эфекти ёрдамида заряд ташувчиларнинг концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш усуллари	73
2.2-§. Холл ЭЮКини ўлчаш усуллари	81
2.3-§. Холл токи	91
2.4-§. Холл токларини ўлчаш ва у орқали яrimütkazgich намуналарда заряд ташувчиларнинг концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш	95

2.5-§. Ван-дер-Пау ва түрт зондли усул билан яrimүтказгич намуналарда заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш	100
2.6-§. Холл эффицитини ўлчашдаги мунтазам (систематик) хатоликларга таъсир этувчи омиллар	105
2.7-§. Яrimүтказгичларда заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини намунанинг магнитоқаршилиги бўйича аниқлаш.	109
2.8-§. Яrimүтказгичларда тақиқланган зона кенглигини, донор ва акцептор киришма атомларининг концентрацияси ва ионланиш энергиясини аниқлаш	115

3-боб. ЯРИМҮТКАЗГИЧЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ ОПТИК УСУЛЛАР БИЛАН ЎЛЧАШ

3.1-§. Яrimүтказгичларнинг оптик параметрлари	128
3.2-§. Оптик параметрларни (константаларни) тажрибада аниқлаш усуллари	134
3.3-§. Заряд ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчашнинг оптик усуллари	140
3.4-§. Эллипсометрия усули	156

4-боб. НОМУВОЗАНАТ ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИНІ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

4.1-§. Номувозанат заряд ташувчилар параметрлари	166
4.2-§. Номувозанат заряд ташувчилар билан инжекцияланган намунанинг ўтказувчанлиги	173
4.3-§. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ўлчашнинг ностационар усуллари	176
4.4-§. Ток импульси инжекциясига асосланган номувозанат заряд ташувчилар яшаш вақтини аниқлаш усуллари	202
4.5-§. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини ўлчашнинг стационар усуллари	213
4.6-§. Номувозанат заряд ташувчилар параметрларини фотоэлектромагнитик ҳодисаси (Кикоин-Носков эффекти)дан фойдаланиб аниқлаш усули	225
4.7-§. Яrimүтказгич параметрларини номувозанат заряд ташувчилар тақсимотидан (тўғридан-тўғри) фойдаланиб аниқлаш усуллари	234

4.8-§. <i>P-n</i> ўтишнинг ва Шоттки тўсигининг қисқа туташув фототокини ўлчашга асосланган диффузион узунликни аниқлаш усули	249
---	-----

5-боб. ЧУҚУР САТҲЛИ МАРКАЗЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

5.1-§. Чуқур сатҳли марказларнинг параметрлари	255
5.2-§. <i>P-n</i> ўтишда чуқур сатҳларнинг электронлар билан тўлдирилганилиги	260
5.3-§. Чуқур марказли диодларнинг барьер сифими	266
5.4-§. Яrimўтказгичлар чуқур марказлари параметрларини аниқлашнинг сифим спектроскопия усууллари	273
5.5-§. Металл-диэлектрик-яrimўтказгич структура параметрларини ўлчашнинг C—V усули	296
5.6-§. Сифим спектроскопия усууллари билан чуқур сатҳ параметрларини ўлчаш қурилмаси	312
Фойдаланилган адабиётлар	316

**Зайнобиддинов Сирожиддин, Акрамов Хидой
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АНИКЛАШ УСУЛЛАРИ**

Ўзбек тилида

Бадиий мұхаррир *Т. Қаноатов*
Техник мұхаррир *У. Ким*
Мусаҳих *М. Йұлдошева*
Компьютерда тайёрловчы *Е. Гильмутдинова*

Теришга берилди 6.11.2000. Босишига рухсат этилди 6.06.2001.
Бичими $84 \times 108\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма
табоги 16,8. Нашр т. 17,24. Нусхаси 2 000. Буортма № 55.
Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кӯчаси, 30.
Нашр № 61-2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг
1-босмахонасида босилди. Тошкент ш. 700002,
Сағбон кӯчаси 1-берк кӯча; 2-уй.

